

«Чумоли уйқуси»
Жигитали САТТОРОВ асари

Ҳурматли журналхонлар!

2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларига обуна давом этмоқда. Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи ташкилотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831

3 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи

ADABIY-BADIIY
SHYU
SHARQ YULDUZI
IJTIMOIY-SIYOSIY JURNAL

Sharq yulduzi

3 / 2023

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Фарҳод МУСАЖОНОВ
(1933 – 2013)







Фарҳод МУСАЖОНОВ ҳаётидан лавҳалар

Муқова-3

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева

3
2023

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Ўткир РАҲМАТ



Тунни ёритайлик ёқиб зиёни,
Домига тортқилаб кетмасин уммон.
Тиндириб олайлик нотинч дунёни,
Тинчлик йўлин топсин бу нотинч замон.

Дунё омону тинч бўлсин десанг гар,
Юрагим, ухлама, баралла ҳайқир!
Болам истиқболи кулсин десанг гар,
Ғам келса титрама, баралла ҳайқир!

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Санобар ТЎЛАГАНОВА



Муаллиф асар композициясини шакллантиришда миф ва рамзлардан поэтик восита сифатида фойдаланади. Романда ер ости салтанатининг маъбудалари ҳақидаги ривоятлар қолипловчи вазифасини бажарган. Рамз ва тимсоллар воситасида жамият ҳаётидаги муаммолар фош этилади. Асарда бир неча тасвир чизиқлари кўп тармоқли шаклда ривожлантирилган. Барча йўналиш асосан қаҳрамон Товашар нигоҳи воситасида ёритиб берилади. “... Нимаики мавҳум бўлса, шундан қўрқади ва шунга интилади инсон”. Муаллиф одамзот тийнатидаги билишга бўлган иштиёқ, англашга бўлган шавқ инсонни ўзида мавжуд бўлган қўрқувдан озод бўлишига имкон беришига ишора қилади.

НАСР

Шодиқул ҲАМРО

УЙИГА ҚАЙТАЁТГАН ОДАМ



Бир тун эса, қишлоқ кутилмаганда, жимжит тортиб қолди. Бундан ҳамма ҳайрон бўлди. Эртаси кун одамлар сўраб-суриштириб билишса, ҳалиги девона бир тўда болаларни ортидан эргаштириб, ими-жимида аллақаёққа бош олиб кетган экан. Ким билади, балки қишлоқда гулхан ёқишга арзийдиган дарахтларнинг томири тугаб қолдими ёки ҳадеб бир гўшада ивирсиб юриш жонига тегдими, хуллас, девона кутилмаганда, сирли тарзда ғойиб бўлганди. Унинг ортидан эргашиб кетган болалар орасида Муайяднинг якка-ю ёлғиз ўғли ҳам бор эди...

НАСР

Жасур ИСҲОҚОВ

МУҲАББАТНИНГ КЎЗГИ ЎРГИМЧАК ТЎРИ



Йўл четида даста гул кўтариб олган қиз билан бўйнига гитара осиб олган йигит кўринди. Қиз оқсоқланганича йигитнинг елкасига таяниб борарди. У орқасига ўгирилиб, очиқ чеҳра билан табассум қилди ва қўл силтади. Санжар машинасини тўхтатди.

– Ассалому алайкум, кечирасиз, бизни марказгача олиб кетолмайсизми? Оёғим қайрилиб кетди, юролмаяпман, – деди қиз билинар-билинмас бузуқ талаффуз билан.

НАСР

Холиёр САФАРОВ

ЭНГ ҚАЙҒУЛИ ҚУВОНЧ




Қувонч биринчи синфга борганида англадики, оталар ўртасида фарқ бор экан. Уни мактабга онаси олиб келганди. Отаси бирор марта бирга келмади. Қувонч ҳар куни гувоҳ бўларди: кўпгина болаларни оталари қўлларидан етаклаб келар, мактаб остонасига етганида юзидан ўпиб, қўлларини силкиб, хайрлашар ва “Яхши ўқигин, болам!” деб далда берарди. Болалар эса югуриб, катта иштиёқ билан ичкарига кириб кетарди. Қувонч эса кўп нарсага тушунмай ҳайрон бўларди. Отаси ҳатто унинг дарсларини ҳам суриштирмас, олган баҳолари билан иши йўқ эди.

ТАЛҚИН

Олим ОЛТИНБЕК



Ҳа, Ватанни озод қилиш учун “бир кескир тошга” айланиб, “ўқ каби учиб” унинг қошига боришга ҳам тайёр лирик қаҳрамон. Лекин бундан бир натижа чиқадими? *“Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон, Шакланиб қарарман қалққан қуёшга. Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон”.* Ҳозир қасос деб ёнишдан бошқа имкони йўқ шоирнинг. Чунки у – ёлғиз, у – нажотсиз, у – душман қаршисида ожиз. Лекин шундай ҳолатда ҳам она Туркистон учун қараб туриб бўлмайди...



Мен сенга етдим...

Рауф ПАРФИ

Видо табассумли олам, ёшлигим

Ёшлик зангор фасл, кечди, сарғарди,
Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.
Қора совуқларга отиб юборди,
Шамоллар пойида синмоқда хазон.
Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди.

Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл,
Қанча фарёд қилмай қайтариб бўлмас.
Ҳар қалай олдинда бордир сўнгги йўл,
Токи етгунингча хотирот ўлмас,
Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл.

Видо табассумли олам, ёшлигим,
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,
Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,
Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,
Видо табассумли олам, ёшлигим.

Муҳаббат

1. Шундай изтиробда севган юрагим,
Муҳаббат дастидан йўқ менда имкон...
Ҳорғин-ҳорғин кўзларимга қарагин
Билурман шунчаки ўртанмас виждон.

Рауф ПАРФИ (Турсунали Парпиев) *– 1943-2005. Ўзбекистон халқ шоири. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугатган. "Карвон йўли", "Акс-садо", "Тасвир", "Хотирот", "Кўзлар", "Қайтиш", "Сабр дарахти", "Сукунат", "Тавба" шеърий тўпламлари нашр этилган. Байроннинг "Манфред", Нозим Ҳикматнинг "Инсон манзаралари", Карло Каладзенинг "Денгиз хаёли" ва бошқа жаҳон шеърияти классикларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.*

Оғир севганимдан рашким ҳам оғир,
Ул ғойиб илмдан олгайман сабоқ.
Ахир ноҳақ эди Отелло, ахир,
Севгилим, шафқатсиз муҳаббатга боқ!

Содиқ Дездемона, эй жигарпора,
Нечун бўғизланди муқаддас туйғу,
Нечун қатл этилди севги бечора?!

Қасдинг борми менда, эй сўнгсиз қайғу,
Дунё – дунё эмас, дунё бу – яра.
Наҳот бу жароҳат ёрилмас мангу?!

2. Севгилим, севгилим, жавоб бер ахир,
Совуқ жисмим ичра алаҳсирар жон,
Ўйнаб қилич солар бошимга тақдир,
Домига тортмоқда сўқир ломакон.

Ҳолбуки, айланар олам ақлимда,
Унинг рангларига бўялмиш жигар.
Беш қўлим сингари таниш иқлимда
Ишончсиз яшамак оғир нақадар.

Не хаёл ташланур ўксик ёдимга,
Ёдимнинг кўзини кесиб кирар тун.
О, ким ҳам етарди менинг додимга!

На ер сарварлари, на сарват, на дин,
Инонмоғим учун одам зотига
Мен сенга инонмоқ истайман олдин.

3. Йўқ, йўқ, керак эмас илоҳий ҳусн,
Майли пешонангда ёнмасин даҳо.
Фақат инсон бўлгин садоқатда сен,
Менинг вафодорим бўлолгин танҳо.

Гоҳида ўшандоқ тентак хаёллар
Сендан воз кечмакка қистайди ҳаргиз.
Қайлардан келарлар машъум саволлар,
Қандайин яшарман, севгилим, сенсиз.

Сенсиз дунё менга нимадир, гулим,
Ҳар не унут бўлур ҳар неки эзгу.
Қонимни музлатар тирилган ўлим.

На севинч, на кўзёш, на ушбу сезги,
Бу чексиз оламда ягона йўлим –
Ёлғиз ишонганим сенсан-ку, севгим...

4. Севгилим, мен сенга инондим, нечун,
Сени ўзгалардан ўзга деб билдим.
Қора гирдоб қаърига мен йиқилдим,
Оқар дарё бўлиб йиғлайман бу кун.

Фалакнинг чироғи ёнди-да, сўнди,
Кўзимнинг имони – дарёлар кечар.
Қотди ақлим, қаттол қисмат қон ичар,
Ўлган муҳаббатга мозор йўқ энди...

Хайр, хайр энди. Бўғилар нафас,
Табиат, мадад бер, етмас ўз кучим.
Нечун алдадинг сен, тушуниб бўлмас?

Севгилим, ҳеч кимни севмасман, нечун,
Осмон йироқ, юлдузи йўқ, ой кулмас.
Ҳамма нарса кулгулидир мен учун.

5. Мен кимни суюбман... Ёлвориб толдим
Ўзгарар табиат, дунё ўзгарар.
Балки мен ўзга бахт йўлида қолдим,
Лекин олиб кетди сени ўзгалар.

Ахир ўзга эди сенинг аҳдинг, эй,
"Ахир ўткинчидир, ҳаттоки, абад".
Нечун ўзга эди сенинг бахтинг, эй
"Лекин ўзга эрур буюк муҳаббат!"

Яшин уриб кетган дарахтдек тўниб
Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсўз.
Сарсон ахтараман юрагим тўлиб –

Қайда у садоқат, поклик деган сўз!?
Ҳайҳот! Хиёнатнинг етими бўлиб,
Фақат йиғлаб қолди икки қора кўз...

6. Афсус-надоматнинг бордир-ку чеки...
Сенинг гуноҳингни ювсин кўзёшим...
Айни жасоратдир ҳар қандай севги,
Сенга оқ йўл тилар менинг бардошим.

Бу шундай ҳаётдир, бу шундай дунё,
Эга чиқавермас ҳар ким аҳдига.
Онасан, омон бўл, соғ бўл доимо,
Маъсум болаларнинг маъюс бахтига...

Лов-лов ёнаётир қуёш – ул нажот,
Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.

Шундай юрагимда товушсиз фарёд.
Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ,
Барча кўргиликка кўниккан ҳаёт.
Буюк Муҳаббат деб аталган Аллоҳ.

* * *

МЕН КИМНИДИР КУТАМАН МАҲЗУН,
Мен кимгадир йиғламоғим шарт.
Танҳолик-ла турибман ўзим,
Менинг билан биргина зулмат.

Йироқларда ингранар Лист ҳам,
Қулоғимга бўзлайди Фурқат.
Ҳузуримга чиқмас бир одам,
Мен барибир, кутгайман фақат.

Ўксиб-ўксиб ахтараман нур,
Қоронғуда бўлгайман адо,
Қўнғироқлар жаранги келур,
Қандай машьум, бу гўзал садо.

Шиллиқ қуртдай тўлғанар ариқ,
Суянаман бадбуруш толга,
Осмон юзи шундайин сариқ,
Совуқликни қайлардан олган?

Кулар-да ва қалқиб борар ой,
Ул ҳаёсиз шундоқ яланғоч.
Кимни алдаб, балқиб борар ой –
Теваракда кеча қорасоч.

Мен кутгайман, элитмас уйқу,
Мен кимгадир йиғламоғим шарт.
Айтинг, нечун ташлаб кетди у,
Нечун ташлаб кетди муҳаббат.

Тугаб борар тун янглиғ тоқат,
Саҳарларга бергайман ҳисоб.
Қайга кетди, қайга муҳаббат,
Юрагимда муқаддас азоб.

* * *

Йўқ! Кўришмаймиз хайр энди,
Ортиқ кўришмаймиз юзма-юз.
Саҳроларда севгимиз қолди,
Қор остида қолди севгимиз.

Ортиқ кўришмаймиз юзма-юз,
Меҳр тўла ёниқ кўз билан.
Йўқ, йўқ энди ҳеч кўришмаймиз,
Ўрталикда машъум бир туман.

Саҳроларда севгимиз қолди,
Куйган янтоқ мисол қуёшда.
Хато севги қўшилиб томди
Заҳар-заққум бўлиб кўзёшдан.

Қор остида қолди севгимиз,
Шўрлик севги топмади омон.
Якка-якка бўлди исмимиз
Ҳар хил йўлдан кетдик ҳар томон...

* * *

Жуда бахтли эдинг у билан,
Жаҳонни тўлдириб юрардинг.
Сен ўшани ўйлайсан ҳамон,
Ўша билан банддир юрагинг.

Унинг билан кечган дамлардан
Сенга қолган ширин хотира.
Менинг эса аччиқ ғамлардан
Тортиб кетди кўзларим хира.

Лекин севгим жой тополмади
Хотиралар ётган қалбингдан.
Сен уни ҳеч унутолмадинг,
Мен ҳам кеча олмасман сендан.

* * *

Ойлар ўтди ва йиллар ўтди,
Лекин сендан бўлмади хабар.
Ёлғиз сени мен ёлғиз кутдим,
Кута бериб хун бўлди жигар.

Мана, охир сен-да намоён,
Муҳаббатим, кўзим, исматим.
Ўнгми, тушми ё ширин армон?
Бирдан ярақлади қисматим.

Сен ўша-ку, хаёлда кезган,
Ўша нигоҳ, ошно табассум.
Ўша оҳу кўзлар тиғ урган
Ва юракка бошлаган ҳужум.

Сенга жуда ғалат туюлар
Балки севгинг билан ёнганим,
Менга оғу каби туюлар
Шундай буюк ишқдан тонганинг...

Ойлар ўтди ва йиллар ўтди,
Юрак эса ишонч ва ғамда.
Қанчадирки, ўтган вақт, кутдим,
Сени кутдим куйиб оташда.

* * *

Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал,
Майсалар эгилиб ўқийдир китоб.
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,
Бир лаҳза оҳ тортиб қўядир офтоб.

Қамишлар шивирлар дарё томонда,
Кўкда оқ булутлар кезар бемажол.
Бир тирик нафосат борлиқ, жаҳонда,
Кимгадир эланар, қилар илтижо.

Бу қадар гўзаллик қайси очунда,
Бу қайси китобдир, кимнинг дафтари,
Кимнинг оламидир қилич учинда?

Қалтираб порлайдир бир чироқ ғариб,
Бир қушча сайрайдир руҳим ичинда,
Бир қушча йиғлайдир мени ахтариб.

Сенсиз

1. Совуқ. Атроф темир. Қўлимни очдим,
Елкамда чатнади қайноқ қўрғошин…
Вайрона қаъридан кўкларга қочдим –
Арзонга олдилар Мажнуннинг бошин.

Раҳмсиз оломон, сизга не керак?
Англадим, жисмимни руҳимни боғлар.
Ваҳий келди менга, чирпанди юрак,
Акс-садо берди муқаддас тоғлар.

Фароғат зирваси. Олам – билгисиз,
Охири сен келдинг. Хаёлга толдинг.
Водий оғушида сўзсиз, белгисиз,

Аста одимлар-ла кўздан йўқолдинг.
Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг,
Оҳ, қандай яшайман сенсиз – севгисиз.

2. Соҳилда бир ўзим. Денгиз қоронғу,
Елкансиз кеманинг ичинда шубҳам.
Ваҳима шивири, бўғзимда оғу.
Ақлим бир фалокат сезади мубҳам.

Ранги ўчган осмон хунук ғулдирар,
Аччиқ чирқиллайди номаълум бир қуш.
Ва ёнимда қонли булоқ чулдирар,
Атиргуллар, сенинг гулларинг беҳуш.

Феруза, зумуррад гулларинг пайҳон.
Оҳ, тушдинг кемадан. Карнай чалдилар,
Ва кўзга кўринмас қўллар шу замон
Ағдардилар мени, кишан солдилар.

Фарёдим ичимда, отма гулингни…
Отма, ёлғизликдан – бахтли қулингни.

3. Сўлдирма гулингни, илоҳим, ёнсин,
Еру осмон кўрсин кўз юммай бедор.
Вақт – улуғ ҳакам. Руҳинг уйғонсин,
Асрий умидим – Сен. Сен борсан. Сен – бор.

Ровийлар не учун? Ҳақ ва Ҳақиқат!
Асирлик занжирин парчалаб ташла.
Вужудингни ёқсин аламли фикрат,
Аён ҳақиқатга, ҳақ йўлга бошла.

Фурсат ўтмакдадир. Вақт бу – беомон,
Омонат дунёда омонат одам –
Виждон шеваси бор, меҳроби иймон –
Асл инсонларин чорлайди бу дам.

Фалакка санчилиб қолган сўзим бор,
Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор.

Сунбула

1. Тўкилиш олдида гулим. Эҳтимол
Сенга боқиб кўнглим уйи бузилди.
Хомуш тортиб, жунжикиб қўйди шамол,
Бир узим узумнинг юзлари сўлди.

Совуқ осмон юзида изғир кўзим,
Хотирамнинг тасбеҳлари тизилди.
Қайғудаман, қонга қоришган сўзим,
Тасбеҳимнинг чайир ипи узилди.

Қандайдир бу нидо, ҳазин ва карахт?!
Нечун кетмас қора қарғалар нари?
Қаранг, ингиллаган итларга қаранг.

Сирли энтикади яланғоч дарахт,
Бари унутилиш истанди, бари…
Сунбуланинг симлари кескир, таранг.

2. Қўй, бўлди. Гапирма. Кечирма мени,
Кўзингдаги тошни ғичирлатма, бас.
Қуйилмоқда кундузнинг аччиқ туни,
Ичиб ташламасам мен уни бўлмас.

Тўхта. Бас қил. Гапирма. Бўлди.
Ўзим гуноҳкорман. Мендан – бу кўрлик
Зангор япроқларнинг бағрида шўрлик
Кеча шовуллаган шамоллар ўлди.

Бир сўз тополмасман сенга, севгилим,
Сўзлар, сўзлар қолур бўғзимда қотиб.
Билмасман, нақадар севаман сени.

Бу пайт фалакларга соврилар кулим,
Ерга тўкиламан сени йўқотиб,
Шивирлаб шамоллар марсиясини.

3. Тўлғонган сочларинг қора илондир,
Вужудимга ташлар англанмас қўрқув,
Очилган бағримнинг дарди нолондир –
Сенинг кўзларингдек теран, қоронғу.

Илон сочларингни шамол ўйнайдир,
Узилган барг каби қалтирайдир жон.
Эзилган юракни эзиб тўймайдир,
Гулим, кўзларингга беркинган жаҳон.

Ғимирлар кечанинг қоп-қора тани,
Сочларинг илони танимни ёқар.
Бағримни эзишга яна шайланиб,
Дарё бўлиб сенинг кўзларинг боқар…

Узайиб, жимирлаб, сувга айланиб
Дарёга лим тўлиб жасадим оқар.

Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас

Йил ўтуб, йиллар ўтуб тобора лойға ботамиз,
Иблиснинг супрасинда ваҳдат майини тотамиз,
Онамиз балки гумроҳ, балки сўқирдир отамиз,
Кўр бизим аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келғон чоғида виждонни пулга сотамиз.

Бизга ор бўлди наҳот, ё Раб, Ватанни куйламак,
Зору зору бу замин етти фалакни ўйламак,
Қизимизга ўргатиб, суф, деб жаҳонни бўйламак,
Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,
На Худонинг буйруғи бўлғон улум ўргатамиз.

Ўлтурур эл хонавайрон, ботқон қуёшга кўз тикиб,
Кулфату сомон йиғиб қолмиш яна, бўстон экиб,
Нечалар нарвондадир, нечалар йитмиш кўз тегиб,
Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чекиб,
Барчага кокил солиб оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Не баломиз биз ўзи, тўрдамиз, айвондамиз.
Не касофат феъли бу – қурдамиз, тайвондамиз,
Беназир паррандамиз, қўрдамиз, ҳайвондамиз,
Қоримиз, боёнмиз, балки бу вақт аҳвондамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бесар соқовни қотамиз.

Қайдин, эй сен, такаббур, кўксимни михлаб ўйгувчи,
Эй ялоқхўри бало, ичиб қонимни тўйгувчи.
Бормикан олам аро кўнгилга малҳам қўйгувчи,
Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйгувчи,
Биз ани даҳрий санаб тўфангча бирла отамиз.

Ақраболар – кўз очиқ, дунёи дун фоний, билинг,
Эл учун, Аллоҳ учун, жонни тилинг, танни тилинг,
Келингиз, ул кун ўтди, қуллик асирликни тилинг,
Келингиз, ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,
Ухлағонларни агар Қодир эсак уйғотамиз.

Тавба

I. Додимни эшитгил қодир Аллоҳим,
Ишқ сен-сен, ошиқ ҳам сен, мен қулингман.
Лойиқман қаҳрингга, дўзахим – боғим,
Омонат деворман, ўтман, кулингман.

Рубби маскун узра сайёд, ўзим сайд,
Ортиқ мозорим йўқ, воқифсан ахир.
Манглайда ёзилган фармонинг айт,
Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир.

Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер,
Лойимни қориштир, поклаб бер менга,
Ожиз томиримга покиза қон бер,
Равшан қил қорамни оқлаб бер менга.

Охират илмидан қил мени огоҳ,
Муродим шаъмини сўндирма, Аллоҳ.

II. Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенаф, бенаво,
Наҳотки, бу қўлим? Бу менинг созим?
Аллоҳдан сўрайман – нечун бу жафо?

Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, дейман Аллоҳим омонатингни.
“Тавба қил, – деди Ул, бир Китоб тутди –
Муродинг мустажо, мингил отингни.

Уммонлар йўлингда, чангал йўлингда,
Номаълум ҳар жойда қурилган доринг.
Оламнинг калиди сенинг қўлингда,
Жафо ҳабибингдир, хиёнат ёринг”.

Аллоҳим, лаҳза мен, сен эрса мангу,
Таскин берганингми, шафқатингми бу?!

III. Семурғ қушим, подшо қушим, хуш келдинг,
Етти гумбаз, етти водий сарвари,
Васлинг неъматидан баҳравар қилдинг,
Интизор жонингман йўлсиз, сарсари.

Нола айлаб Семурғ деди: – Эй бедор,
Чорлар сени Бируборим! Бор! Ишон!
Сен фано водийси, Ҳақ қошига бор,
Еру осмон чўкмакдадир бенишон,

Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,
Инсон фарёдига тўлди коинот.
Набийлар, доҳийлар, шоирлар турди,
Чора, чора, дея сўрдилар нажот…

Аллоҳим билурсен қай сари кетдим…
Аллоҳим… Мен ўлдим… Мен сенга етдим…



Энг қайғули қувонч

Қисса

Холиёр САФАРОВ

“Ай-э…” Бу хоҳиш ва истаклар ҳосиласи ўлароқ
юракдан отилиб, тиш орасини ёриб чиққан бир ҳукмки,
уни рад этишга ожизлик қилиб, тақдир қулига айланиб бораверамиз…
Муаллиф

I

Савр ҳавосининг тафтли кунида, “Пайшанба” бозорида чакки сотиб, тушга яқин уйга чарчаб, пиёда қайтган Гулнор қўлидаги қатиқдан бўшаган, зардоб сизиб, ранги униқиб кетган халталарни ерга қўяркан, ёнбошлаб телевизор кўраётган эрининг ёнига чўккалаб ўтирди-ю, гап бошлади:

– Дадаси, эшитдингизми?

– Нимани? – Қувонч аёлига синовчан қаради. – Яна нима гап топиб келдинг?

Гулнор – довкар хотин. Гапни чўрт кесиб гапиради, бир ишни бошладими, охиригача етказади, бозор-ўчарни ҳам ўзи қилади.

– Бир дугонам айтиб қолди. Сизга ўхшаб, тўққизинчи синфни тамомлагандан кейин коллежниям, лицейниям битиролмай ишлаб кетганлар ўн бир йиллик шаҳодатнома олса бўларкан… Эрининг укаси ҳужжат тўғрилаётганмиш. Сиз ҳам шунга бир ҳаракат қилиб кўринг…

– Ай-э, қўйсангчи, бир камим энди ёшим ўттиздан ошганда лўкиллаб мактабга боришим қолувди… – Қувонч ёнбошлаб ётган ёстиғини девор томонга суриб, ўрнидан турди. – Сенинг келишингни кутаётгандим ўзи. Ундан кўра, овқат-повқат қил. Кун қизигунча ер ағдардим. Бугун помидор-бодрингга ерни тайёрлаб қўяй. Эртага яна ишга кетамиз.

– Сиз фақат “ай-э” дейишни биласиз. – Сўзлари ҳавога учган Гулнор ўрнидан туриб, эшик ёнида турган стол устидаги челакдан сув олиб ичди. – Эртага йўл бўлсин?

Холиёр САФАРОВ *– 1983 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Ой ботмаган кечалар”, “Қанотсиз қушлар”, "Номус ва ҳаёт" номли китоблари чоп этилган.*

– Ҳа, у, нариги қишлоқдан иш гаплашдик, – хорғинлик билан деди Қувонч. – Уй қурар экан, ўн мингта ғишт қуйишимиз керак. Яхши бир уста ёлласак, кейин териб, уйни кўтариб ҳам берамиз.

– Дадаси… – тарашадек қотма эрига Гулнорнинг ичи ачиди. – Ишламанг демайманку-я, лекин... Қачонгача лойҳандақдан чиқмай юрасиз? Яна доим чап елкам оғрийди, дейсиз…

– Ай-э, пешонада… Елкамнинг оғриши ичувчи отамдан эсдалик... – аёлининг сўзларидан меҳри ийиб кетган Қувонч тушкун қўл силкиб қўйди. – Доим сиз ҳам ўқинг, диплом олинг, дейсан… Мен буни истамайманми? Албатта хоҳлайман, аммо вақтида имконият ўзига яраша эди… Касал ётган онамни даволатишга пул йўқ эди, рўзғор ўтириб қолганди. Пул топамиз деб Россияга кетдик. Ёлчитиб пул ҳам топмадик, рўзғорга ёрдам ҳам бера олмадик. Айланиб-айланиб қайтиб келган жойимиз лойҳандақ бўлди. Энди жуда кеч-да…

– Давлат сиртқи, кечки ўқишларни ҳам очиб қўйибди. Ана, сизга ўхшаганлар шаҳодатнома олиш учун ҳужжат тўғрилаяпти… Сиз ҳам ҳаракатингизни қилсангиз-чи? Бирорта ўқишга топширардингиз. Контрактиям ўлсин, мол-ҳолни сотиб, бир иложини қилардик.

– Ай-э, кўп вайсама, бор… – оғринди Қувонч. Чўнтагидан нос халтачасини олиб, нос отди ва чуқур хўрсинди.

– Сизга бир гап айтиб бўлмайди. Ҳаммаси феълингизга яраша бўп ётибди! Болалар қаерда?

– Билмайман, ташқарида ўйнаб юришганди…

Гулнор уҳ тортганча туриб кетди. Қувонч жаҳл қилиб ошхонага қараб кетаётган аёлининг изидан қараб қоларкан, бошини деворга суяди…

II

...Орзулари бўйидан баланд эди. Тўққизинчи синфни битираётганда аълочи синфдошлари каби шаҳарга бориб, академик лицейда ўқиш ниятида эди, бироқ оиладаги шароит буни кўтармади. Отасининг фермерлар даласида, гоҳида қишлоқаро мардикор ишлаб топгани рўзғорга урвоқ ҳам бўлмасди. Барваста, бироз озғин, жағ суяклари бўртиб чиққан, меҳнатда пишган қўллари беўхшов катта бўлган Қувонч тўнғич ўғил бўлгани, изидан кетма-кет туғилган сингиллари борлиги сабаб отасининг ёнидан кириши керак эди. Салим фарзандининг шаҳарда ўқиши учун ҳатто йўл пулини топиб бериши даргумон эди...

– Ай-э, болам, қўй. Ўзимизнинг қишлоқдаги коллежга топширавер. Борганда борасан, бормасанг у ёқ-бу ёқда бирга ишлайверамиз. Коллеж дипломининг фарқи нима? У ёқдагисиям, бу ёқдагисиям бир бўлса...

Қувонч қишлоқ коллежида ўқишни истамасди. У ерда дарслар муттасил ўтилса-да, ўқиш, талаб ва давомат қониқарли эмасди. Ўқувчилар сал баҳонага дарсдан қолаверишарди. Айримлари олий ўқув юртга кириш учун шаҳарга кетиб, репетиторда ўқишса, айримлари турли жойларда мардикор ишлаб юрар, имтиҳон вақтларидагина коллежда пайдо бўлиб қоларди. Ҳатто Россияга ишга кетиб қолган талабалар бор эди...

Қувонч шундай иккиланиб, мақсад сари қадам босиши керак бўлган оёқлари аросат ботқоғига ботиб турганида, қишлоқдаги коллежнинг биринчи курсини битирган қўшниси Турсунали кутилмаган таклиф айтди:

– Ай-э, нимасига ўйланасан? Эртага ҳужжатларингни замдиректорнинг қўлига бериб келамиз. Айтамиз, домла ҳозир пул йўқ, озроқ бирор нима ишлаб келайлик, нимасини нима қиламиз, деймиз. Қолган нималарини ўзи тўғрилайди... Менга қара, ўзи коллежда бола етишмайди. Нимасини берсак бўлди, – деди у бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирига ишқалаб, – у ерда пул ўқийди!

Турсунали ҳар икки гапининг бирида "нима", "нимани", "нимасини" деявергани сабабли қишлоқда "Нимажон" лақабини олган, ҳатто коллежда дўстлари ҳазиллашиб, "Нимаали" деб ҳам чақиришарди.

Таклиф Қувончга маъқул тушди. Қони қайнаган икки йигит тез орада ҳужжатларни коллеж директори ўринбосарининг қўлига топшириб, ўқиш бошлангунча озроқ пул ишлаб келишини, бунда у кишининг ҳам хизмати ҳисобга олинишини ваъда қилишди. Кенг ва ёруғ хонани безаб турган "Т" шаклидаги стол тўрида ўтирган савлатли директор ўринбосари хона бурчагидаги байроқ олдида қасамёд қилгандек "Бўлди, у ёғи чиройли бўлса, бу ёғидан хавотир олманглар" дегач, кўнгиллари хотиржам бўлиб қайтишди.

– Бу ёғи нима бўлади энди? – деб сўради Қувонч коллеждан холисроқ жойга чиққанида.

– Нимасини нима қилдик-ку, бўлди, – деди Турсунали. – Энди ўйланмай ишга кетаверсак бўлади...

Улар аслида шаҳарга бориб, Турсуналининг тоғасининг уйини таъмирламоқчи эдилар, бироқ кечки пайтда бошқа таклиф чиқиб қолди. Анчадан бери Россияда ишлайдиган ҳамқишлоқ йигит ишга олиб кетиш учун тўрт-беш нафар йигит излаётган экан. Унинг таклифи икки ўсмирга ёқиб тушди.

Қувонч бу ҳақда отасига айтганида, Салим нос отганича ўйланиб турди-да:

– Ай-э, коллеж ҳам бир гап бўлар... Ҳужжатларингни ишончли одамга бериб келган бўлсанглар, бораверинглар... Ҳозир ҳужжат билан пул ўқийдиган замон бўлса... Жуда қўймаса, пул юборасизлар, ўзим бориб, оғзини ёпиб келаман.

Масала ҳал бўлди. Йигитлар икки ойда қайтиш нияти билан йўлбошчи ҳамқишлоғига эргашиб, Россияга йўл олишди. Самолёт парвозга кўтарилгач, деразадан пастга қараган ва уйларнинг бир нуқтага айланиб, одамларнинг борлиги ҳам билинмай кетишига амин бўлган Қувончнинг кўнгли орзиқиб кетди.

– Эътибор бердингми, – деди Турсуналига, – юқоридан қараганда қандай майда одамлар эканмиз-а?

Турсунали ҳам узалиб, пастга қаради ва "Мен ҳеч нимани кўрмадим, ўрнимиз ҳам, жойимиз ҳам йўқ-ку" деди.

Қувонч ўйланиб қолди. "Мен самолётда учишни кўп орзу қилганман, лекин учиб қаерга боришим ҳақида ҳеч ўйламаган эканман. Орзудаям бир мақсад бўлиши керак эканда..."

– Самолётда учишни орзу қилардинг, – деди Турсунали худди унинг кўнглини уққандай. – Ниятинга етдингми?

Қувонч жавоб бериш ўрнига ўқрайиб қаради.

– Устимдан куляпсанми?

– Йўғ-е, – каловланди Турсунали. – А, бир нима қилай дедимда. Одам зерикди.

– Зериккан одам охиратини ўйлайди...

– Нима? – Турсуналининг ранги қув учди. – Одам самолётдаям шунақа гапларни айтадими?

Қувонч нега бундай деди, ўзи-да англамай қолган эди. Жим бўлиб қолди. У ерга бориб қандай жойга тушади, қандай одамларга дуч келади? Шулар ҳақида ўйлай бошлади.

...Улар келишувга кўра, у ёқда бир ой текинга ишлаб беришлари, кейинги ойдан ҳалол маошларини олишлари керак эди. Аммо қурилиш ишлари оғирлик қилдими ёки ҳаво алмашинуви таъсир этдими, йигирма кунга бормасдан Қувончнинг тоби қочди. Бир ой ҳолсизланиб, бошини кўтаролмай ётди. Шундай бўлса-да, телефон орқали ота-онаси билан суҳбатлашганда аҳволи яхши, ишлари жойида эканлигини айтарди. Ўзига келгач, ҳадемай юртга қайтиш керак, деб яна ишга берилди. Ҳаш-паш дегунча ноябрь бошланди. Орада ота-онасига кетма-кет пул юборди. Улар дуода, Қувонч эса заҳматда эди...

Янги йил арафасида юртга қайтган икки дўстнинг миясида бир хил саволлар ғужғон ўйнарди. “Олти ой четда юрдик. Мардикор ишладик, лекин олган раҳматимиздан кўра эшитган даккиларимиз кўп бўлди. Қанча пул топдик, қанча соғлигимизни йўқотдик? Лекин шу пулни шу ерда топса бўлмайдими? Ҳисоблаб кўрсак, топганимиз олти ойга қанчадан тушади?”

Самолётдан тушганда кўксига бир шамол теккан Қувонч беихтиёр Турсуналининг елкасига қўлини қўйди-да:

– Барибир ўзимизнинг жойимиз, ўзимизнинг одамларимиз зўр-да, қара?!

– Ҳа, нимасини айтасан? Мен ҳам шуни нима қилдим ҳозир...

Йигитлар байрамдан сўнг коллежга бориш ўрнига касалхонага йўл олишди. Шимолнинг қаҳратон совуғидан иккаласининг ҳам буйраги шамоллаган эди, бир муддат муолажа олишгач, даволаниб чиққанлиги тўғрисида маълумотнома билан коллежга келишди. Не тонгки, Қувонч ижтимоий фанлар йўналишида талаба экан... Бу унинг миясида янги тушунчаларни пайдо қилди: “Ай-э, ўзи коллежга бориб ўтириш шарт эмас экан-ку... Турсунали айтгандек, нимасини нима қилиб қўйса, бўлди экан-да...”

– Кўрдингми, ўзингдан катталарнинг нимасини қилсанг, нима бўлмайсан! – деди Турсунали айёрона кулиб.

Қувонч бу ишларга ҳайрон қолди. Ўқиш дегани шунақа бўладими? Коллежга ҳужжат топширди-ю, имтиҳонга бормади. Улар Россияда вақтида отаси директор ўринбосари билан бир учрашиб келди, холос… Ўринбосар аслида маданият институтининг аллақайси факультетини тамомлаган, ҳеч қаерда иш тополмаганидан қайта тайёрлов курсларида ўқий-ўқий мутахассислигини филологга ўзгартириб олган ва коллежда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига кўтарилиб, пул олишда устаси фаранг эди. Иши тушиб келганга бу иш қанча билан ҳал бўлишини очиқ айтарди-ю, пулни қўлига олмасди. Ҳар бир сўзнинг тескарисини айтиб, “Ачнақ луп” деб қўяр ва унинг нима деганига тушунмай, довдираб турган ҳожатмандга хонасининг бурчагидаги қоғоз челакни ишора қилиб юборарди. Ҳожатмандлар “атаганини” ана шу челакка, қоғозлар орасига ташлаб кетарди… Қувончнинг отаси ҳам ёзда худди шундай қилиб келди… Мана, энди Қувонч бип-бинойидек талаба. Ҳатто курсдошларини танимаса ҳам улар билан тенг ҳуқуқли. Улар ҳам ўқияпти, Қувонч ҳам.

– Битта гап айтайми? – деди Турсунали.

– Айт.

– Биринчи семестр имтиҳонларни топширамиз-да, яна ишга кетамиз.

– Ўқиш-чи?

– Ай-э… Икки ой нима қилиб келайлик, июнда шу ерда бўлсак бўлди. Имтиҳондан ғам ема, ўзим нима қилиб бераман. Вазиятни кўрдинг-ку… Жуда имтиҳон топширгинг келса, замдиректорга оғзаки топширасан.

– Бунинг иложи борми?

– Ай-э, ҳаммасининг иложи бор, – жилмайди Турсунали. – Битта воқеа айтиб берайми?

Қувонч “Қани, айт-чи?” дегандек дўстининг оғзига қаради.

– Ўтган йили бир қизиқ воқеа бўлганди. Ишлаб юриб, кўп дарс қолдирганим учун шу домла мендан имтиҳон олди. Оғзаки савол-жавоб эди. Билет тортдим. Саволлари ёдимда қолмагану, аммо билетни олиб, домланинг қаршисига келиб ўтирганимда айтган гапларини эшитсанг, ўлиб қоласан.

– Йўғ-е? – ажабланди Қувонч.

– Ҳа-да. Хонада имтиҳонлардан ўтолмаган тўрт-беш киши эдик. Бошқалар ўқиб, саволларга нима излаб турганида домлага бордим. “Саволни ўқи”, деди. Ўзи иккита нима эди. Ўқидим. “Қани?” деди. Гапни нимадан бошлашни билмай тургандим. “Сен устасан-а?” деди. Ҳа, дедим. “Битта хизмат бор қиласанми?” деди. Нима қилиб ўтирмасдан хўп, дедим. Уйининг ошхонасига кафель териш керак экан. Рози бўлдим. “Яхши тайёрланмагансан, иккинчи саволни ўқи!” деди хўжакўрсинга дағдаға қилиб. Ўқидим. “Қани?” деди. Яна нима дейишни билмай тургандим. “Айтганларимни тушундинг-а?” деди. Бош ирғадим. “Гап орамизда қолсин”, деди. Хўп, дедим. Домла, томоқ қириб, жиддий тортди-да, “Майли, биринчисига кечираман. Вазиятингни тушундим. Ёрдам қилдим, аммо кейингисига аяб ўтирмайман! Бор чиқиб кет!” деди. Хонадан чиқиб, шунчалар кулди-им! Шунчалар кулди-им.

– Одаммассан-е! – Қувонч хохолаб кулиб юборди.

Биринчи куниданоқ коллеждаги кирдикорларга гувоҳ бўлган Қувонч талабалик гаштини ҳис этмади. Унинг ўқишга боргиси келмасди, аммо дарсга келаётган болага домлаларнинг пўписаси баланд бўлар экан. Қувонч энди кечқурунлари бир уйда ёлғиз ўтириб дарс қилар, аммо миясига ҳеч нарса кирмасди. Онасининг аҳволи яхши эмас. Доим, “Бошим оғрияпти”, дейди. Кўк чойни аччиқ қилиб дамлайди, камига аллақандай дориларни ичади. Ҳол сўраса, “Билмайман-е, кундан-кунга ҳолсизланиб кетяпман. Бошим ўйилиб, ўзимга оғирлик қилиб боряпти”, дейди. Дўхтирга кўринг деса, “Яқинда бориб келгандим, қани, манов дорилар тугасин-чи…” деб унамайди. Отаси бўлса, "Энағар, касал хотин ҳам жонга тегди. Қачон қарасанг, ғингшиб ўтиради” деб, қаерда ишласа, ичиб келади ва хотинининг аҳволини сўрар-сўрамас ўзини ўрингa таппа ташлайди… Жуда бўлмаса, “Нос чақ, чалғийсан…” деб қўяди. Аёл бир неча марта эри узатган носдан ҳам отган ва элиб, ухлаб қолган. Аммо бу ғирт бефойда ва бемаъни иш эканлигини англаб етган. Бахтига катта қизи Малоҳат ёнидан жилмайди. Қувонч ҳам парвона бўлади, ҳол сўрайди, аммо бир хил жавоб: “Билмайман-е, кундан-кунга ҳолсизланиб кетяпман. Бошим ўйилиб, ўзимга оғирлик қилиб боряпти…”

Қувончнинг айни орзу-ҳавасга тўлган вақти. Бироқ хуржун шаклида солинган – даҳлиз ва икки хонадан иборат пастқам уй, омонатгина ошхона, оғилхона, у ердаги бир соғин сигир, бир ғунажин, етти-саккиз қўй, уйдаги ота-онаси ва уч фарзанд… Кафтдеккина томорқа… Булардан Қувончнинг юраги сиқилади. Ўйларининг поёни кўринмайди. Меҳмонхона сўробидаги ёнбош уйга кириб, дарс қилган бўлади, аммо хаёллар олиб кетаверади. Китоб варақласа, кўзлари ҳарфлар устида-ю, хаёли бемор онаси ва иш топса, ўша куни ичиб келадиган отасида бўлади. “Отамнинг юриши бу бўлса, онам касал… Сингилларим ёш… Бу аҳволда қандай университетга кираман?”

Кўнглига ҳеч нарса сиғмай бир пас бўз тортилган шифтга қараб ётади-да, Турсуналига қўнғироқ қилади.

– Қаердасан? Нима қиляпсан?

– Мен райондаман…

– Нима?

– Ишдаман.

– Нима иш қиляпсан?

– Ай-э, бир аканинг озроқ иши бор экан. Ҳожатхона билан ваннасига кафель теряпман.

– Тинмайсан… – кулди Қувонч.

– Нима қилмасак бўлмаяпти. Пул керак…

– Майли, халақит бермай унда. Яхши ишла.

– Ай, менга қара? Қувонч, имтиҳонларинг қачон тугайди?

– Оз қолди. Келаси ҳафталарга тугаб қолади. Нима қилди?

– Тезлаштир. Битта нима бор. Кетамиз.

– Қаерга?

– Шу… Ёзги имтиҳонгача ишлаб келамиз-да…

– Гап йўқ! Мен бир оғиз отамдан сўрай.

– Ай-э, отанг нима дейди?..

Турсуналининг беписанд оҳангда айтган сўзлари кўнглига теккан бўлса-да, лом-мим деёлмади. Салимнинг қандайлигини қишлоқнинг катта-кичиги яхши билади. Аввалига носини отиб, ўйланган киши бўлиб туради-да, кейин барибир рози бўлади.

Қувонч эрталаб нонушта вақтида отасига маслаҳат солганди, худди шундай бўлди. Салим ўйланиб, бир хотинига, бир дастурхон бошида қалдирғочдай тизилиб турган болаларига қаради-да:

– Коллежларингдаги ўқишга беш кетмадим. Бор бўлдиғи шу экан. Ишга борсанглар бораверинглар… – деди ковшаниб. – Ай-э, қолгани бир гап бўлар. Жойлашади-да. Чойдан қуй.

...Икки йигит яна Россияга ишга кетадиган бўлди. Самолёт ердан кўтарилганда Қувончни яна ўй босди. “Онам касал, отамнинг юриши бунақа бўлса... Коллеждаги ўйинларни кўриб, одамнинг ўқигиси келмайди... Россиядагиларнинг муомаласидан хўрлигинг келади. Шаҳарларидаги шароитга ҳавасинг келади. Кўчалар, метро, уйлар, хизмат кўрсатиш... Ҳамма ёқда замонавийлик... лекин меҳр-оқибат йўқ. Одамнинг қадри йўқ. Ёшлари ҳамма нарсадан зерикканми-е... Уларга ҳаётнинг ҳам қизиғи йўқдай...”

– Нималарни ўйлаб қолдинг?

Қувонч дўстига бир қараб қўйди. У ҳам маъюс эди.

– Қара, – деди, – биз мардикорликка боряпмиз. Лекин самолётдаги ҳаммаям бунақа эмас. Қара, кўпи сипойи одамлар. Бирови ўз иши билан, кимдир ўқишга, кимдир бизнеси учун боряпти.

Турсунали дўстининг гапларини мушоҳада қиларкан синиққина жилмайди.

– Ўзингам сезяпсанми, охирги вақтда самолётга чиқсак анув домлага ўхшаб фикрлайдиган бўляпсан.

– Сенга фақат гап бўлса... – Қувонч суҳбатни давом эттиришни истамади. Ухламоқчи бўлгандек кўзларини юмиб олди. У олдиндаги сафар ҳақида қайғурарди...

Анъанавий келишувга кўра, улар биринчи ойлигини ишга олиб кетган кишига беришлари керак эди. Аммо қурилиш бригадаси бошлиғи уларнинг икки ойлигини бермади. Янги тартиб чиқибди: олдиндан икки ой ишланади, кейин маош берилади.

Ҳатто уларнинг паспортлари ҳам олиб қўйилди...

Биринчи маошларини олгунича орадан уч ой ўтди. Бу пайтга келиб, юртдаги коллежларда ёзги имтиҳонлар тугаб бўлганди.

– Энди нима қиламиз? – деди Қувонч қўлидаги пулга қараб. Улар бугун – ишга келганининг тўртинчи ойида иккинчи ойнинг маошини қўлга олишган эди. Қурилиш иншоотининг ёнгинасида жойлашган ижара уйда ётар экан, Турсунали сигаретасини торта-торта галдаги таклифни айтди.

– Ай-э, нимасини ўйлайсан. Коллежда нималар ўтиб бўлди. Иккаламиз барибир қолиб кетдик. Энди пулларни уйга жўнатамиз. Отанг бир замдиректорга учрашиб келсин, ўзи нима қилиб қўяди. Ҳеч ўйлаб ётма… Мен ҳам уйдагиларга айтаман. Улар ҳам шундай қилишади, бошқа илож йўқ.

– "Юз"ни ахлат челагига ташлаб келса бўлди, дейсанда-а? – кулди Қувонч.

– Ҳа-аа… – Турсунали директор ўринбосарининг хонасини кўз олдига келтирди. – Тозза нимасини топганда. Бировнинг хаёлига келмайди-е… "Ай-э, ҳал бўлмайдиган иш борми? Пул қўлнинг кири. Бирор нима атаганингиз бўлса, анув ахлат челакка ташлаб кетинг… Ачнақ луп?" дейди кўзини лўқ қилиб. Тоза ифлос-да у! Нимасини олмагунча барибир қўймайди. Лекин олса, орқангни тоза ҳам қилиб қўяди. Шу нимасига беш кетаманда!

– "Юз"ингни орқанга ишқаб тозалайди-да! – Қувонч пақиллаб кулиб юборди.

– Кулма-е, тоза нимасанда сенам!

– Унда пулларни уйга юборайлик, – деди Қувонч жиддий тортиб. – Отам яна унинг олдига бир ўтиб келсин.

– Шу… Танкамиз бор-ку, ўзи ҳаммасини ҳал қилиб қўяверади.

Улар пулларини уйга юбориб, ёзги сессия масаласи ижобий ҳал этилганилигига амин бўлишгач, энди қишгача ишлашга қарор қилишди. Турсуналининг нияти шундай эди: "Янги йилгача ишлаймиз, бўлди. Шу билан бошқа бу ерларга қадам босмайман. Шу ерларда ишлаб уйни қайтадан кўтардим, икки-учта мол-ҳол қилдим. Энди университетга кириш учун тайёрланаман!"

Турсунали қўли гул йигит – қишлоқда лойсувоқ, шаҳарда қумсувоқни қийиб юборади. Қувонч цемент қоради, у ёнида бўлса, бинонинг нарвон етмаган жойларини арқонда осилиб ҳам сувоқ қилиб кетаверади. Қурилишдагилар бу икки ёш ўзбекка ҳайрон қоларди. Иш танламайди, жойга талашмайди, ўзига ва ишига пухта. Аммо куз кунларининг бирида фалокат юз берди – арқон узилиб, Турсунали чирпирак бўлиб ерга қулади. Қуймичи чиқиб, камига гавдасининг тагида қолиб, бир қўли ҳам синди… Қурилиш бригадаси бошлиғи уни касалхонага олиб борди. Турсунали бир ойдан зиёд травматологияда ётди. Дўстисиз қўлсиз-оёқсиз бўлиб қолган Қувонч энди куну тун Турсуналининг ёнида эди. Ишлар чала қолди. Шифохона харажатларининг бир қисмини иш жойи тўлаб берди, аммо қолган чиқимлар чўнтакдан эди. Турсунали шифохонадан чиққач, яна қирқ кун ижара уйида ётди, икки ойдан кўпроқ вақт ишлай олишмади. Йиққан пулларини ҳам еб бўлишди, икки ой заҳирада турадиган маошларини ҳам олишди ва янги йил арафасида қайта текширувдан ўтиб, аввал қандай боришган бўлса, шундай шумшайиб юртига қайтишди…

Бахт ҳам эгиз, бахтсизлик ҳам… Қувончга айтишмаган экан, онасининг дарди оғирлашибди. Ташхис ҳам қўйилибди: бош мия саратони… Унинг ўй-хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Кўз олди қоронғилашди. Бу ҳам камдек ўқишидан хабар олишга борганда яна бир тўсиққа учради. Коллеж директори етти ойдан бери дарсларга қатнашмаётган Турсунали билан Қувончни ўқишдан четлаштириш

тўғрисида буйруқ чиқариб қўйибди… Улар ички бир таскин билан директор ўринбосари хонасига боришган эди, “танка”си ўрнида бошқа кишини кўришди. Суриштиришса, директорнинг собиқ ўринбосари “Ачнақ луп” ва “Ахлат челак операцияси” сабаб қўлга тушиб, қамалиб кетибди. Ноилож, қабулхонага боришди.

– Бу ёғи қандай бўлди? – деди Қувонч.

– Шошма, аввал мен бир кириб чиқай…

Турсунали директор хонасида анча вақт қолиб кетди. Аммо кулиб чиқди. Навбат Қувончники эди.

– Битта имкониятинг бор! Биринчи курснинг иккинчи ярим йиллигини қайтадан ўзлаштирасан! – деди директор унга мулойимлик билан.

– А… бизларнинг баҳоларимиз қўйилган эмасми? – Қувонч шу гапни айтган эди ҳамки, директор жойидан туриб кетай деди ва катта, ҳашаматли хонасини зириллатиб бақирди:

– Сен чет элда юрганингда ўрнингга катта холанг келиб ўқиганмиди?! Ахлат челакка пул отишни сенлар чиқаргансан ўзи! “Баҳоларимиз қўйилган эмасми?” эмиш! Ишонганларинг ҳаммамизга хол қўйиб кетди-ку, шарманда қилиб! Ана энди ахлат челагини бошига кийи-иб ўтирибди! – директор иккала қўлининг ўрта ва кўрсаткич бармоқларини панжара қилиб кўрсатди. – Шармандалик! Бор йўқол! Ё қайта ўзлаштирасан, ё бу ердан қорангни ўчирасан!

Қувонч директор хонасидан ҳавоси чиққан шардай шалвираб чиқди. Қараса, Турсунали ҳам йўқ. Ҳар дарди ичида бўлиб, ташқарига чиқди. Коллеж ҳовлисида икки курсдошини кўриб қолди.

– Қайсингда сигарет бор? – деб сўради.

– Бизда сигарет нима қилади? – кулди курсдоши. – Янгилик?..

– Анув Нимажонга қўшилиб, ўқишим ҳам нима бўлиб кетди!

– Сиқилма… – деди курсдоши. – Қайта топширасан, қўйиб беришади.

– Ай-э, бир гап бўлар, – Қувонч қўл силкиди. – Нимажонни кўрмадингларми?

– Ҳозир дарвозанинг олдида эди.

– Бўпти, кўришамиз.

– Бир-икки киши уйингга бормоқчи эдик. Бугун кечга ўтамиз. Нимажонниям чақириб қўйгин…

– Бўпти, боринглар. Кечга гаплашамиз.

Қувонч коллеж дарвозаси олдида сигарет чекаётган Турсуналини кўрди.

– Менгаям битта ол, – деди.

– Қишлоқда чекмасдинг-ку… – Турсунали унга синовчан боқди. – Нима бўлди?

– Ай-э, биринчи курснинг иккинчи ярим йиллигини қайтадан ўзлаштирасан, деди. Ўзлаштириб бўладими?

– Нима дединг?

– Бизнинг баҳоларимиз қўйилган бўлиши керак эди, дегандим тутаб кетди-да!

– Вой, аҳмо-оқ! Ёмон нимасан-да!.. Келиб-келиб директорга шу гапни айтасанми?

– Мен нима қилдим?..

– Нима қилиб бўпсан-ку! Ай-э, майли, сиқилма. Бир нимаси топилар...

– Сигарет бер. Сенга нима деди?

– Мен тўғрисини нима қилдим. Ишга боргандим, йиқилиб, оёқ-қўлим синиб, уч ой ётдим, дедим. Справкани кўрсатдим. Битирувчи курсман, ёрдам беринг, дедим. Сенга айтган гап, қайта ўқимайману, ўзлаштириб, баҳоларни қўйдиришим керак.

– Сенга яхши муомала қилибди…

– Ҳа, менгаям нима қилаётганди, кейин раҳми келдими, ишқилиб, ёрдам берадиган бўлди. Аммо сен жуда қўпол нима қипсанда… Гаранг!

– Ай-э, йўқ бўлиб кетмайдими?

Қувонч то бекатга келгунча чекди. У ердаги дўкондан писта олиб, чақа-чақа уйга қайтишди.

Қувонч кечқурун курсдошларининг келишига тайёргарлик қилиб қўйганди, аммо улардан дарак бўлмади. Келишмагани ҳам яхши бўлган экан. Кечга бориб, онасиниг аҳволи ёмонлашди.

– Ота, дўхтирга олиб борайлик… – деди Қувонч онасининг бошини кўтаролмай инграб ётганига чидолмай.

Салим унга ўгирилиб қаради ва бир лаҳза маъюс тикилиб тургач:

– Сен келгунча кўп олиб чопдим, ўғлим. Фойдаси йўқ… – деди. Кейин қизини чақирди. – Малоҳат, дўхтирни чақириб кел. Онангнинг уколини қилсин. Чидолмаяпти…

Малоҳат саккизинчи синфда ўқийди. Дастёр бўлиб қолган. У дарров қўшни ҳамшира аёлни бошлаб келди.

Ҳамшира эллик ёшлардаги аёл. Қарийб тенгдош бўлган Севинчнинг бундай аҳволга тушганидан хавотирда, туман марказий шифохонаси дорихонасидан паспорт билан бериладиган дорини авайлаб, ички бир титроқ, ҳадик билан юборади… Бемор эса уколдан сўнг тинчиб қолади. Тўрт-беш соат тиниқиб ухлайди… Кейин бир-икки қошиқ суюқ ичиб, тамадди қилади, кўз олди ёришади. Аммо белгиланган вақт ўтиши билан яна оғриқ кучаяверади…

III

Темирни занг, инсонни ғам-ташвиш емиради. Севинч ҳали қалбига муҳаббат меҳмон бўлмасдан туриб, унаштирилди. Онасининг “Ҳақиқий севги тўйдан кейин пайдо бўлади…” қабилидаги поёнсиз насиҳатларига бўйин эгди. Отасининг болаликдан тўн кийишган дўсти бор эди. Унинг ўғлига никоҳланди. Куёв – Салим уран конида механик бўлиб ишлайдиган йигит. Ишнинг зарарлилик даражасини ҳам ҳисобга олиб, катта маош беришади, топиш-тутиши, обрўси яхши. “Кироийи куёвинг шундай бўлса…” дейдиган. Кўриниши бинойи: ўрта бўйли, сочларига оқ, тишларига сариқлик туша бошлаганини айтмаса, бошқалардан фарқи йўқ. Кундан-кунга сочларида оқ кўпайиб бораётганидан калта қилиб олдириб юради.

Қари билганни пари билмас. Онаси ҳақ экан. Тўйдан кейин Севинчнинг кундан-кунга куёвга меҳр ийиб борди. Шу пайтгача ҳар душанба ишга кетиб, шанба уйга қайтадиган Салим ҳам энди кунда уйга келар, қўлидаги елимхалтада хотинига тансиқ нимарсалар бўларди.

– Салим, аввалларии қорангни кўрмасдик, энди уйга серқатнов бўлиб қолдинг-а… – Уйга қайтаётган куёвга қишлоқдошлари ҳазиллашишарди.

– Ай-э, ишнинг ҳам унча мазаси йўқ, – дерди Салим ҳам. – Эрта чиқяпмиз. Шунга…

– Ҳа-а… – кулишарди қўшнилар.

– Ай-э!.. – у хандон отиб кулганича уйга кириб кетарди.

Севинч одатий тарзда ҳар тонг эрини ишга кузатар, кечқурун интиқ кутиб оларди. Автобус юрмай ёки қишлоққа машина бўлмай бироз кечиккудек бўлса, ошхонада иш қилаётган баҳонада йўлга кўз тикиб ўтирарди…

– Маликам… – дерди Салим уни эркалаб. Бундай лаҳзаларда келинчак ўзини самоларда сузиб юргандек ҳис этар ва латиф эъзоздан маст бўларди.

Келин-куёвнинг чилласи чиққанидан кейин Салимнинг иши кўпайдими, уйга келиши кунора, баъзан ҳафтада икки мартага тушиб қолди.

– Нега ҳар куни келмаяпсиз?.. – сўрарди Севинч истиҳола билан.

– Ай-э, иш кўпайиб кетди. Энди… тўйдан кейин, ҳали янги куёв, майли, деб индамасди, ҳозир қўймаяпти…

– Ҳа… Ишдан ҳам кеч чиқаяпсизларми?

– Ҳа, маликам… Квартирагаям кеч қайтамиз. Баъзан шериклар билан овқатланишга ҳам ҳол қолмай ухлаб қоламиз.

– Ундай қилманг. Доим овқатланиб юринг. Ишларингиз зарарли… Кўпроқ қатиқ ичинг.

Салим бу меҳрибонликдан ийиб кетарди.

– Малика-ам… – дерди унинг бурнидан чимдиб. – Қатиқни олиш керак, суюлтириш керак, кейин идишини ювиш керак… Осони, юз граммни оворсак… ҳаммасини ювиб кетади.

– Унақа қилманг. Бир куниям ароқ ҳиди кеп турганди. Айтолмадим…

– Жоним, касбимиз оғир. Заҳар… Оз-моз олиб турмасак… тамом бўламиз.

– Олиб турсангиз тамом бўлмайсизми?

– Ай-э, бунча кўп гапирдинг. Бу ёққа кел қани...

Ёш келин-куёв ўртасида бу каби жонон суҳбатлар тез-тез такрорланиб турар, бу гина-кудуратлардан ҳар иккиси бир-бирини аяшлари, ардоқлашлари намоён бўларди. Агар Салим икки кун келмаса, Севинч уйга сиғмай қолар, ҳадеб йўлга қарайверарди. Кечки овқатдан сўнг қайнота-қайнонасининг олдида узоқ ўтиришга ийманиб, идиш-товоқларни ювгач, ўз уйига кирар ва тошойна қаршисида ўзига маҳлиё бўлганича узун сочларини тараб ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлиб, Салимнинг келмаслиги аён бўлгач, “Янга, акам келмайди-ёв…” деб катта қайнсинглиси кириб келарди. Шундан сўнг уйнинг икки бурчидан жой солинар ва келин билан қайнсингил сирлашиб, суҳбатлаша-суҳбатлаша ухлаб қолишарди.

Кунлар ўтгани, келинлик шираси кетгани сайин бу ҳол кўп такрорланадиган бўлди. Энди Салим ҳафта давомида бир ёки икки марта келарди. Ҳатто бир куни маст ҳолатда келди.

– Бу нима аҳвол? – деди онаси унинг олдига чиқиб. – Ичкарига кир-е, йигит ўлгур!

Салим гандираклаб уйга кирди-ю, ўзини тўшакка отди.

– Келин, бу жуда ўзидан кетяпти. Сал жиловини тортиб қўйинг.

Севинч гўё ҳаммасига у айбдордек дув қизариб кетди. Нима қилишини билмай эрининг ёнига совуқ чой олиб кирди. Қараса, ухлаб қолибди. “Терлаб кетибди, кўйлаклари ғижим бўлмасин”, деб тугмаларини еча бошлади. Салим ёқасидаги майин ҳаракатдан уйғонгандек бўлди ва:

– Малика?.. Сув… – деди.

Севинч пиёлада совуқ чой узатди.

– Манг, ичинг…

Севинчнинг пиёла тутган қўллари муаллақ қолди. Салим алаҳсираётган эди.

“Малика дедими, Маликам дедими?” – Севинчнинг миясига лоп этиб шу савол урилди. Аммо ёш келинчакнинг туйғулари “Малика” сўзини одатдагидай “Маликам” деб қабул қилди ва “Ҳеч қурса кўйлагини ечиб қўяй, қизиб ётибди”, деб эрининг кўйлаги тугмаларни ечиб бўлиб, елкасидан чиқариб олмоқчи эди, ногоҳ қўлига илашиб, Салимнинг майкаси ҳам кўтарилиб кетди ва не кўз билан кўрсинки, эрининг кўкраги усти қизариб, доғ бўлиб ётганди…

– Ё, тавба?.. – деди Севинч. – Нима бало мастликда бир жойга уриб олганми?

Шу пайт қайнонаси кириб қолди.

– Ухлаб қоптими?

Севинч гўё жиноят устида қўлга тушгандек сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Ҳа... Сув сўраганди, пиёла узатсам, олмадиям, яна ухлаб қолди. Алаҳсирадими… – деди хижолатлилик билан.

– Кўйлагини ечиб ташлаш керак. Қизиб кетганми, қаранг…

Севинч “Тугмаларини мен ечдим…” деёлмади.

– Келинг, ёрдам берай. Уйинг куйгур, шуни ичмаса ўларканми? – она ўғлининг елкасидан тутди. Кўйлагини ечиб олишаётганда Салим “Ай-э” деди-ю, кўзларини очолмади. Она унинг майкасини ҳам суғуриб олди. Аммо кўзи ўғлининг кўкрагидаги қизил доғларга тушиб, ҳайрон бўлди, лекин, келинга сездирмасликка уринди. Кўзларини олиб қочди, аммо чидолмади. Ҳафтадан бери қорасини кўрсатмаган ўғлининг аҳволидан ижирғанди ва юзига шапалоқ тортди.

– Ҳа?! – Салим сапчиб ўрнидан туриб кетди. – Ма…

Йўқ, у ижара уйда эмасди. Уй уйида, қаршисида онаси ва хотини турганини кўриб, боши гангиб қолди. Шарт кўйлагига узалди.

– Бу нима аҳвол? – онанинг қошлари чимирилди, хонумони куйди. Аммо келиндан истиҳола қилиб, гапни бурди: – Бу нима ётиш? Аҳволингга қара!?

– Нима? – Салим аввалига тушунмади. Сўнг яланғоч баданига қаради-ю, “Ийе!” деди ва кўйлагини олганича югуриб ташқарига чиқиб кетди.

– Ҳе, ифлос!!! – онаси ҳам изидан чиқди. Аммо Салим йўқ эди. Уни излашди. Отаси ҳам чиқди, аммо ўғил дом-дараксиз эди.

– Ота бўлиб, қарасангиз бўлмайдими? – йиғлади она. – Аҳволини бир кўрсангиз эди!

– Ай-э, шанғиллама-е! – деди ота. – Нима, ёш боламиди, кетини пойлаб юрсам?

– Керак бўлса, пойланг! Лекин бунингизни йиғиштиринг! Бундай ичиб юрмасин! – Қайнона ён-атрофига бир қараб олди. Севинчнинг йўқлигини билгач, эрига яқин келди-да: – Мен бировнинг боласини келин эмас, қизим деб олиб келиб ўтирибман! Унингиз нималар қилиб юрибди? Бир изини текширинг! – деди.

Шундагина ота жиддий тортди.

– Қаерга кетди экан? – деб сўради.

– Ким билади? Вақт ҳам алламаҳал бўлди.

– Ай-э, гўрга борадими? Кир, ёт.

Она энди ёта олармиди? Теварак-атрофни излаб келди. Ўғлидан дарак йўқ. “Салим, Сали-им?” деб чақирди, жавоб бўлмади. Охири, келиннинг ёнида қолишга қарор қилди.

– Бугун шу ерда қоламан. Келадиган жойи шу ер-ку! Осмонга учиб ё ерга кириб кетмаган бўлса, келар…

“Келар…”

Келинчакнинг ҳам умиди шу эди. Бироқ Салим келмади. Тонггача она ухламади. Севинч ҳам тўлғониб чиқди. Чигал хаёлларининг жиги топилди. “Демак, демак… Севинчим демасди, Маликам дерди. Аслида у бошқа Малика эканда… Содда бўлмай ўлайин-а…” Йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлаб, қонатиб юборди...

– Энди гап бундай, – деди эрталаб Салимнинг онаси. – Бугун унинг ишхонасига борамиз. Қани ўзи у ишлаяптими? Ишлаётган бўлса, нима иш қиляпти? Иш вақти қачонгача? Қачон қаерда бўлади? Қаерда бунча ичяпти? Ким билан ичяпти? Керак бўлса, ижарасини ҳам текширамиз!

Ота истамайгина эшитди. Сездики, ўғли бир балони бошлаган.

– Бугун менинг бошқа ишларим бор. Боролмайман, – деди дилхираликнинг олдини олиш учун.

– Сизга иш муҳимми, болами?

Ота ожиз қолди – елкаси оғирлашди.

– Бўпти, борамиз. Лекин тез қайтамиз… – деди сир бой бермаслик учун. – Ё, келин, сен ҳам борасанми?

Севинч ерга қаради.

– Уят бўлади-е… – деди қайнона. – Ўзим бунинг тагига етаман!

Эр-хотин жаҳд билан йўлга тушишди. Туман маркази кафтдеккина шаҳарча. Паст-баланд уйлар, ҳокимиятнинг маҳобатли биноси, банк, солиқ идораси ва бошқа давлат иншоотлари шаҳарчага кўрк бағишлайди. Кўп қаватли уйлар ҳам анчагина. Уран кони азалдан борлиги, бир замонлар бу ерда руслар кўп ишлагани учун ҳозирда ҳам шаҳарчада руслар бор. Ҳатто иккита мактабда рус синфлар ҳам йўлга қўйилган. Шаҳарча аҳолиси русча гапиришни, ҳеч қурса, айтаётган гапига русча қўшиб, бодилик қилишни одат тусига киритган. Ота аввал ҳам бир иш билан келиб, туман марказида қолган ва Салимнинг ижара уйида ётганди. Шу боис ўғлининг ижарасини осонгина топди. Иккинчи қаватга чиқиб, эшикни тақиллатишган эди, ўғлининг бир ҳамкасби уйқусираб чиқди.

– Ие, ака, ассалому алайкум. Келинг.

Эр-хотин остонадан кирар-кирмас Салимни сўрашди. Салим кечадан бери уйга келмабди.

– Қаерда бўлиши мумкин? – сўради она.

– Кеча эрталаб уйга кетаман деётганди, боргандими?

– Ҳа, уйга борганди. Лекин… – ота тилини тишлаб қолди.

– Болам, сен ҳам йигитсан. Бизга Салимнинг оёқ олиши ёқмаяпти… – Она гапни илиб кетди. – Кеча борди, ғирт маст. Оёқда туролмайди. Аввалари ҳар куни уйга борарди. Кейин кунора бўлди. Энди қорасини кўрсатмайди. Бечора келин уни кутади… Кеча Салимни озроқ тергаган эдик, уйдан чиқиб кетди. Аросатда қолдим, болам. Бизга ёрдам бер. Ер ютгурни топайлик.

– Ҳозир кийиниб чиқай, ишхонага борамиз. Ишда бўлиши керак.

Уран конига боришди. Ҳамкасби суриштирди, Салим ишга келмабди. Кеча ҳам келмаган экан.

– Айтдим-ку! – деди она. – Бу болада бир гап бор! Ўзи у шу ерда ишлайдими?

Эшик олдида навбатчи турган йигит столидаги дафтарни варақлаб-варақлаб:

– Ишласа керак, олдинги кунлар ишга келган-ку. Мана, қўл қўйилган, – деди.

– Унда қаерда бўлиши мумкин? – она ажабланиб эрига қаради. Ота “Мен қаердан биламан” дегандек елка қисди. Ўғлининг ижарадоши кўзларини олиб қочди. Аёллар сезгир бўлади. Она қалби бир шубҳани пайқади. – Сен биласан! – деди йигитга қараб. – Уни бизга топиб бер! Ўрага сичқон тушди – гулдур-гуп! Гап орамизда қолади.

Йигит баттар каловланди. Маъмурият биносидан чиқишаркан, Эр-хотин уни қистовга олди.

– Айт, болам, – деди она. – Сенинг ҳам ота-онанг бордир, бола-чақанг бордир. У ҳозир қаерда?

“Нима бўлса, бўлди энди. Бошқа илож қолмади. Айтаман, ўзлари келишиб олишар. Ҳар ҳолда гуноҳ қилмаяпман-ку…” деб ўйлади йигит.

– Сизларни бир жойга олиб бораман, аммо гап орамизда қолсин. Мени кўрмадингиз, ижара уйга ҳам бормадингиз, тўғри кондан келяпсизлар. Бир одам сизларга айтди, уни танимайсизлар…

– Барака топ, болам! – она унинг елкасига қоқди. – Тушундим. Менга унинг қаердалигини кўрсат, бўлди. Кетаверасан.

Йигит эр-хотинни кўп қаватли уйларнинг бирига бошлаб борди ва тўртинчи қаватга чиқиб, чап томондаги эшикни тақиллатишларини тайинлади ва ўзи изига қайтди.

Эр-хотин силласи қуриб, нафаси қайтиб тўртинчи қаватга чиқишди ва қора дермантин қопламали эшикни тақиллатишди. Бироз вақт ўтгач, ичкаридан “Ким?” деган бироз нозик, бироз таманноли овоз эшитилди.

– Мен, – деди аёл.

– Кимсиз?

Эр-хотин ногоҳ нима дейишларини билмай қолди.

– Мен, қўшни… – деди она дарров хатосини тўғрилаб.

– Ҳозир… – эшикнинг ичкари қулфи “ширқ” этиб буралди ва остонада кесилган сочлари паришон, уйқусизликданми ёки ҳозир уйғонганиданми кўзлари ҳорғин, аммо ўйноқи, лаблари қалин, паст бўйли дўмбоқ жувон кўринди. Унинг бўлиқ сийналари тунги кўйлагининг ёқасидан бўртиб, бўлимли сонлари кенг шортисини сириб турарди. Эшик олдида ҳаллослаб турган нотаниш эр-хотинни кўриб, ҳайрон бўлди. – Тинчликми?

– Салимни чақириб юбор, – деди аёл.

– Кимни? – талмовсиради жувон.

– Салимни! Унинг онасиман!

– Қанақа Салим ҳақида гапиряпсиз? – баттар талмовсиради жувон.

– Эй, қанжиқ! Ўғлимни чақир! – деди аёл ва бўсағадаги жувонни суриб ташлаб, ўзини ичкарига урди.

– Ҳей?!

Жувоннинг сўзи бўғзида қолди. Она ичкарига кирди ва бир эшикни очиб кўрди. Бу зал экан, ҳеч ким йўқ эди. Кейинги эшикни очди. Ётоқхона каравотида ички кийимини айтмаса, Салим шир яланғоч ухлаб ётарди.

– Ифлос!!! – она ўғлининг елкасига мушт туширди. Салим гарангсиб бошини кўтараман деганда унинг дуч келган жойига ура бошлади. У ҳеч нарсага тушунмай қолди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида онаси тутарди.

– Ая?! – ўғилнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди. – Сиз?

– Эшшак, бу нима ётиш? – она ўғлининг юзига шапалоқ урди. Қаттиқ урди, зарбдан қўли оғриб кетди. – Аҳмоқ! – она қўлига нимадир олмоқчи бўлиб, атрофга қаради, аммо жирканди. – Аҳмоқ! Берган сутимга рози эмасман! Уйда гулдай хотининг бўла туриб!..

– Ай-э… – Салим ўрнидан турди ва кийимларини излай бошлади. Жувон эса эшик олдида қоқилган қозиқдай турар, нима қилишни билмасди.

– Аҳмоқ! – она ўзини тутолмади. – Садқаи хотин кет! Садқаи ота-она кет!

– Ая-э, бўлди қилинг энди… – Салим кийина бошлади.

– Сен қанжиқниям кунингни кўрсатаман!!! – она жувонга ташланди. Жувон чаққонлик билан ошхонага кирди ва қўлига пичоқ олди.

– Яқинлашсанг ўзимни ўлдираман! – деди вишиллаб. – Ўғлинг қамоқда чиришди! Ўзинг ҳам йўқ бўлиб кетасан! Ҳали уйимга бостириб кирганинг учун жавоб берасан!

– Онаси! – ҳалигача остонада турган ота ўзини ичкарига урди ва хотинининг қўлидан ушлаб қолди. – Тўхта, ўзингни бос! Бир балони бошлама!

– Ай-э, нима бўлса бўлсин! – деди эрининг қўлида силтаниб. – Бундай бола боққунча ит боқсам бўларкан! Ифлослар!

– Қани у?!

– Ана! – она ўғли бор хонани кўрсатди.

Ота очиқ хонага кирди ва кийинаётган ўғлини кўриб, аввалига ижирғанди, аммо иснодга чидолмади. Қулочкашлаб ўғлининг юзига туширди! Салим чаккасини ушлаб ўтириб қолганди, орқасига тепди. Яна тепди. Юз-кўзими, қорними, қараб ўтирмади.

– Дадаси?! – аёл бориб эрини ушлаб қолди. – Ўлдириб қўясиз! Тегманг!

– Ай-э, ўлса ўлар! – ота яна тепди. Ўғлининг башарасига мушт туширди. – Бундай боланинг боридан йўғи яхши!

– Дадаси?! – она энди эрини қўйиб юбориб, она лочин каби ўғлини тўсди. – Ундан кўра, мени уринг!

– Онангни… Чиқ бу ёққа ҳамманг! – ота ташқари эшикка қараб юрди. У жаҳлини босолмаётган эди. Тўртинчи қаватда икки эшик орасида ғофшиниб турган эди, иштонини тўлдириб қўйган боладай бўлиб ўғли чиқди. – Хотинбоз, эшшак! – ота уни яна урди, деворга қапишди. Қорнига тепди, Салим букчайиб қолди.

– Ўлдириб қўясиз!!! – чинқириб юборди она. Сўнг ўғлини етаклаб, айни дамда, эридан ҳимоя қилиб, пастга туша бошлади. Шовқин-сурондан рўпарадаги эшик, пастки қават эшиклари очилиб, бирин-кетин қўшниларнинг боши кўрина бошлади.

– Нима гап? – деди бири.

– Вой, ўлмасам, бу йигит унинг эри эмасми? – деди бошқаси.

Бу гаплар уларнинг қулоғига кирмасди. Салим, эр-хотин зиналардан пастга тушишар экан, гўё баттар пастлашиб, тубанлашиб, жирканчлашиб кетаётгандек эди. Салимнинг юзига қараб бўлмасди. У бинодан чиқиши билан йўлакдаги кранни бураб юзини ювa бошлади. Ёнида онаси.

– Турқингга қара, эшшак! – сўкинди ота.

– Дадаси, бўлди қилинг! Қолган гапни уйда гаплашамиз! – она энди ошкора ота-ўғил орасига туриб олганди.

– Менга қара, – деди ота, – иш-пишингни йиғиштирасан!

– Нега? – ўғил ҳам тилга кирди.

– Ай-э, шундай қилиб ишлайдиган бўлсанг, ишинггаям тупурдим! Ўзи икки кундан бери ишга бормай хотинбозлик қилиб юрган бўлсанг! Ўзим сени ишдан бўшатиб оламан.

– Тўғри, дадаси, иш-пиши керак эмас! Қишлоқдаям ҳеч ким очдан ўлаётгани йўқ. Бир ит кун ўтар-да! – она ҳам тасдиқлади. – Бундай юргандан кўра, уйнинг ишларини қилиб юргани яхши. Ойлигидан ҳам кечдим! Ҳали ўттизга кирмай тиши сарғайиб, сочи оқарди. Кейин, бизни бундай шарманда қилиб, юзимизни ерга қаратиб ишлайдиган бўлса, керак эмас! Уйда ўтирсин!

– Ая?

– Сен гапирма! – она ўғлини жеркиб ташлади. – Энди менинг олдимда гапиришга ҳақинг йўқ! Садқаи она кет!..

Салимни оёқ-қўлини боғлагандек қилиб, уйга олиб келишди. Эрталабдан йўлга қараб, минг хил ўй-хаёлда ўтирган Севинч қишлоқнинг тошкўчасида эски, шалоғи чиққан “Москвич”дан тушиб, уйга эниб келаётган қайнота-қайнонасининг юзидаги қаҳр ва нафратни, эрининг абгор аҳволини кўриб сесканди. Ич-ичидан музлаб кетди. “Нимадир бўлган…”

– Келин, ўчоққа сув қўйинг. Бу бир ювиниб олсин…

Қайнонасининг ҳали уйга кирмасдан айтган бу сўзлари Севинчнинг шундоқ ҳам совуб турган юрагини баттар музлатиб юборди. Қумғонга сув қўйиш учун айвонга қараб бораркан, беихтиёр кўзларига ёш қалқди.

“ – Энди ўзини йиғиштириб олар…”

Келинчакнинг бу сўзида эрининг қайси кирдикори назарда тутилган эди, ногоҳ ўзи ҳам англамади. У эрининг қадам олишлари ўзгариб қолганини анчадан бери аёллик қалби билар ҳис этар, аммо ичиши ва аввалгидек уйга талпинмай қўйганидан бошқа нарсани билмасди. Озурда кўнглига бирор шубҳа ораласа, ишонгиси келмасди. Аммо эрининг бу аҳволда қайтиши яхшилик аломати эмасди… У чойўчоққа қумғонни қўйиб, олов ёқди. Ўтин писирлаб ёнар экан, уй олдидан келаётган овозлардан Севинч баттар торикди. Айвон олдига чиқиб, уй томонга кўз ташлади. Қайнотаси эрини уришяпти, қайнонаси эса унинг уй кийимларини кўтариб турибди.

– Ҳозир ювиниб чиқасан-да, устингдаги наҳс теккан кийимларингни ёқасан! Кейин уйга кирасан, тушундингми?

Салим кўзларини ердан олмасдан, ожиз бош иргади. Севинч буни кўриб турганди, ич-ичидан нимадир “чирт” узилди. Вужуди баттар музлаб кетди.

– Демак…

Севинч тамом бўлди. Ошхона билан айвоннинг девори бир эди, шунга суянганича пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Садқаи одам кет…

Қайнона ўзига-ўзи гапира-гапира уй олдидан келинининг ёнига келди ва ожизона бир меҳрибонлик билан унинг елкасидан тутди.

– Болам, йиғлама… Мен ҳам сендай шубҳада эдим, аммо ўйлаганимдай эмас экан. Гап бошқа ёкда экан. Салимнинг ижарада бирга турадиган ошнаси бир аёлга илакишиб қопти. Уни ҳар куни уйга олиб келаркан. Кейин булар чидолмай, ошнасига аччиқ қилиб, кўчада ичаркан, баъзан ишхонасида ётиб қоларкан. Эрталаб қайнотанг билан борсак, яна ўша аҳвол. Энг ёмони, Салим уни қайтармоқчи бўлган экан, иккаласи уришиб қопти. Анув безбет “Хоҳлаганимча келаман. Ёқмаса ўзларинг чиқиб кетинглар!” дебди. Салим чидолмай ошнасига гапирган, кейин иккови тепалашиб кетган. Мана, оқибат. Икковиям ишидан айрилиб ўтирибди. Бир қанжиқнинг дастидан энди иш ҳам йўқ, пул ҳам йўқ!

Севинчнинг мияси гўё омбур билан буралаётгандек эди, ногоҳ қисқич ерга тушиб кетди – қайнонасининг сўзларидан сўнг унинг шубҳалари чошгоҳи туман каби тарқала бошлади.

– Майли, жони соғ бўлсин…

Қайнона ялт этиб Севинчга қаради. “Шу сўз келиннинг оғзидан чиқдими? Воҳ, бечорагина-я…”

Уларнинг суҳбатини етти-саккиз қадам нарида ота билан ўғил ҳам эшитиб турганди. Севинч ўчокдан хабар олиш учун айвонга кириши билан она изига қайтди ва ўғлига қараб:

– Тушундинг-а? – деди. – Келин билмасин…

Салим “раҳмат сизга” дегандек онасига ялтоқланиб қаради ва бош иргади.

– Сизгаям шу гап! – деди аёл эрига.

– Ай-э!!! – ота аёл макридан лол қолиб ўрнидан турди. Уй олдидаги идишдан сув олиб ичди-ю, кўчага чиқиб кетди.

Қишлоқда чўмилиш энг катта муаммо. Кимлардир ертўлага кириб, кимлардир

машина гаражга кириб ғусл қилади, биров оғилхонага боради… Салимни уйлантириш олдидан янги ошхона, ўчоқайвон қурилган бўлиб, эски ошхона ўтинхонага айлантирилган, шу пайтгача ташқарига қурилган тандир, ўчоқлар айвонга олинганди. Эски ошхонада энди қиш учун ғамланган тараша, ўтин, тезак, чалма сақланарди. Шуларнинг ўртасида очиқ жой бўлиб, ҳатто келин-куёв ҳам оёқларининг тагига тоғора қўйиб, ўша ерда чўмилишарди. Ҳозир ҳам Севинч қумғондаги сувни челакка бўшатиб, устидан совуқ сув қўшиб, челакни ўтинхонага олиб борди.

– Бор, шатмоғингни ювиб кел! – она ўғлини яна жеркишни бошлади. – Кийим-кечагингни шундан шу ёққа йўқот!

Салим қулдай бош силкиди, итоаткорлик билан ўрнидан турди.

…Ўтинхонада бошидан илиқ сув қуйиб ювинар экан, гўё танидаги кирлар, жирканчликлар, наҳс қолдиқлари, барча гуноҳ аломатлари тоғорага оқиб тушаётгандек туюлди.

“ – Ҳаммаси расво бўлди… Ўзи вақтида тўхтатишим керак эди…”

Ногоҳ унинг кўз олдида ишва билан боқиб турадиган дўндиқ Малика пайдо бўлди…

“ – Ай-э…”

Ўтинхона – ювинишхонанинг деворига мих урилиб, арқон тортиб қўйилган. Ювиниш вақтида кийим-кечак, сочиқ илинади. Бошқа пайтларда, Севинч ёки қайнонаси кир ювса, номаҳрам либосларини ҳам шу ерга ёйиб, устидан мато ташлаб қўяди.…

Салим артиниб, кийимларини алмаштириб бўлгач, оёғи тагидаги киртоғорани кўтариб чиқди-да айвон ёнидан қазилган кирўрага тўкди. Ортига ўгирилса, онаси турибди. Қўлида боя кийиб юрган кўйлаги, шими ва ич кийимлари. Она уларни ғижимлаб кирўрага ташлаб юборди.

– Эрталаб сенинг ҳам аҳволинг мана шундай эди…

Ер ёрилмади, Салим ерга кириб кетмади. Она-боланинг назарида ювиниш билан танадаги жирканчликлар, гуноҳлар, кийимларни кирўрага отиш орқали ундаги наҳс ва фалокатлар даф бўлди. Гўё бошқа Салим дунёга келди… Аммо ичкарида, дераза қаршисида, деворга суянганича парда ортида пиқ-пиқ йиғлаётган, хиёнат заҳрини тотган, чуқур ғам-қайғуга ботган, шу кунгача қай тарафдан қараса ҳам кўзлари муҳаббатни кўраётган кўнгил ойнаси дарз кетган, юрагининг туб-тубигача алам етган, кўнгилсизлик тонги отган, келинлик тўшакларида у эмас ҳасрат ётган, вужудидан ҳароратни йўқотган, сочларидан то товонигача музлаб кетган Севинч пайдо бўлганди…

Келинчаклар ой кўришига қараб, никоҳнинг биринчи ёки иккинчи ойида юкли бўлишади. Севинч эса севинчсиз ойларни бошдан кечираётган эди. Ота-онаси Салимни туманга ишга юбормай қўйди. Уларнинг назарида ўғлининг кўз олдида бўлиши унинг эгри йўлларини чеклаш билан баробар эди.

– Уйда нима қиламан? – деди Салим ёзғириб. – Тайёр ишим бўлса…

– Ишдаман деб нималар қилиб юрганингни кўрдик! – деди она. – Энди отангнинг ҳунарини ўрганасан. Бирга ишлайсизлар.

– Ай-э… – пўнғиллади Салим. – Мен бировникида мардикорлик қилмайман.

– Эй, нонкўр! – онанинг вужуди титраб кетди. – Отанг бир умр одамларнинг уйида ишлаб, томини ёпиб, ҳалол пул топди. Сенларни одам қилди. Икки опангни чиқардик, сени уйлантирдик. Раҳматинг шу бўлдими?!

Салим жим бўлиб қолди.

– Ай-э, билганини қилсин! – деди отаси. – Аммо ишига бормайди! Тамом!

Ота кетди, Салим қолди. Юраги сиқиб, куёвлик уйига кирди. Севинч кўринмади. Ошхонага борса, картошка-пиёз тозалаб, тушликка тараддуд қилаётган экан.

– Ёрдам берайми? – деди.

– Йўқ, ўзим қиламан…

Салим ошхона эшиги олдида серрайиб қолди. Севинч эса унга гап қўшмади, ишини қилаверди.

– Менга бир коса чалоб қилиб бергин.

– Майли…

Салим унинг аввалгидай "Шу ерда ичасизми ё уйга олиб борайми?" дейишини кутди, аммо бундай савол бўлмади. Тозалаган картошкаларини сув солинган товоқда ювиб олиб, ўрнидан турди ва ошхона бурчагида осиғлиқ турган тўрвани олиб, косага чакки солди. Стол олдида тик туриб, суюлтира бошлади.

Салим сезди. Аввалари бундай ҳолатда бир-бирига ҳазиллашар, шарақлаб кулишарди. Вақт ўтгани ҳам билинмасди. Ё ташқаридан онасининг овози эшитилар ёки биров ошхонага кириб келарди. Ҳозирги икки дақиқа эса икки соатдай туюлди. Салим ҳеч қандай илтифот туймай изига қайтди ва ўз уйига кирди. Орадан бироз вақт ўтгач, Севинч косада чалоб олиб келди. Салим бир кўтаришда ичди. "Раҳмат" деди. Севинч бўш косани кўтариб, индамай чиқиб кетди.

Салим хотинининг изидан бормоқчи бўлди, аммо ҳаракатлари жавобсиз бўлишини билиб, индамай қўя қолди. Шифтга қараб ётди. Аввалари ишдан келса, Севинч бошида парвона бўларди. Ҳали чалоб, ҳали чой, овқат, баъзан ширинликлар кўтариб кирарди. Иккаласи жуфт мусичадек ку-кулашиб ўтиришарди. Энди эса…

– Ай-э… бир кун изига тушиб кетар-да…

Салим хаёл суриб ётганича ухлаб қолди. Уни тушликка ҳам уйғотишмабди. Кўзини очса, аср вақти бўлибди. Қараса, уйда бир ўзи. Туриб, юз-қўлини ювиб, ошхонага борса, Севинч йўқ. Онасининг олдига кирди. Қайнона-келин ювиш учун ёстиқларнинг жилдини чиқараётган экан.

– Турдингми? – деди она.

– Ҳа… – истамайгина жавоб берди Салим. – Уйғотмабсизларам.

– Келинга уйғот дегандим, яхши ухлаётган экансан, индамади. Кел, ўтир.

Севинч қўлидаги ишини қўйиб, дастурхон ёзди ва ошхонага чиқиб кетди. Дам ўтмай косада овқат сузиб келди. Аммо гапирмади, ишида давом этди.

– Салим, – деди онаси. – Сен энди қишлоқдан ўзингга бир иш топгин. Ана, шунча одам кунини кўриб юрибди-ку…

– Қишлоқда нима иш бор? – Салим ўқрайиб онасига қаради. – Отам – мардикор, том ёпади. Амаким – мардикор, девор кўтаради. Иккови қўшилиб ишласа, бир уйни нолдан олиб, охиригача қилади. Битта қўшнимиз деҳқон – косаси оқармайди. Нариги қўшни колхозда ишлайди, бири икки бўлмайди. Яна биттаси савдогар, уйида дўкон очган. Насияга кўнмаса, савдо йўқ. Насия берса, пулини вақтида ололмайди. Ўқитувчи билан дўхтирдан бошқага иш топилмайдиган қишлоқда яна битта танбални кўпайтириб нима қиласизлар?

– Тиш берган Худойим ризқини ҳам беради. Ай-э, сенам бир кунингни кўрарсанда.

– Ай-э, Ай-э деб ўзи… – Салим давомини гапирмади.

Севинч ёстиқ жилдларини кўтариб, ювгани чиқиб кетди.

– Сен бола, менга қара, – деди онаси. – Ҳалиям, манави бечора сенинг нималар қилиб юрганингни билмайди. Хотин кишининг кўнгли сезади, балки билгандирам... Ўзингни йиғиштир! Тилингни тий!

– Мен барибир қишлоқда ишламайман! – деди Салим.

– Энди сенинг эмас, отанг билан менинг айтганим бўлади! – чўрт кесди она.

Ўша кеч Севинч тўшакларини сола-сола пойгакда бошини деворга суяб ўтирган эрига синовчан боқди. Салим ниҳоятда тушкун, руҳсиз эди.

– Сизга нима бўляпти? – сўради Севинч.

Салим "ялт" этиб қаради. "Сездимикан?"

– Ҳеч нарса... – деди истамайгина.

– Кечадан бери жуда сиқилиб қолдингиз. Ўзингизни бундай қийнаманг. Иш ҳам бир гап бўлар. Соғлигингизни асранг...

Салимнинг хўрлиги келди. Назарида бу меҳрибонлик замирида аллақандай қаҳр ва нафрат ҳам бордек туюлди.

– Билмай қолдим... – деди ногоҳ.

– Ўзи нима бўлган эди? – сўради Севинч. – Яхшигина ишлаб юргандиз-ку.

Салимнинг тили айланмади. Эркак нигоҳлари аёлнинг кўзларига тик боқа олмади.

– Онам айтди-ку... – дея олди, холос. – Бизни ишдан ҳайдашди...

Севинч яна зимдан назар солди. Айни дамда унинг қалб кечинмаларини англаш мушкул эди. У қайнонаси ва эрининг гапларига ишонган эдими, йўқми, мавҳум эди. Сўзлари ва куюнишларига қараганда эридан гумон қилмаётган бўлса-да, аёл қалби нималар дея шивирлаётгани ёлғиз Аллоҳга аён эди.

– Уйда бўлсангиз менга яхши... – деди кутилмаганда.

– Нима? – Салим синиққина жилмайди.

– Фақат уйдагиларни қийнаб қўймасак бўлди.

–Ай-э, бир гап бўлар... – Салим ғудраниб ўрнидан турди. Уй тўридаги икки сандиқ орасида ингичка ойнаванд шкаф бўлиб, унда уларнинг келин-куёвлик сурати турарди. Уни қўлига олди. Синчиклаб қаради. У бахтдан масрур, хаёлга чўмган. Кўзларида ўйчанлик ва уммон қадар чуқур бир орзулар...

– Ухлайсизми?

Салим ялт этиб қаради. Севинчнинг кўзлари мунгли эди. Суратдаги масрур қиздан асар ҳам йўқ эди. Ёнига келди ва ёноғига қўл текизди.

– Севинчим... мени кечир... Ўзим истамаган ҳолда сени хафа қилиб қўйдим.

Севинч кўзларини ердан ололмади. Ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Салим аёлини оҳиста бағрига босди.

– Илтимос, йиғлама... Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Севинч жавоб ўрнига баттар эрининг пинжига суқилди. У меҳрга тўла ҳаётини соғинган эди...

Ота-она қўйган тақиқлар, Салимнинг аросатли режалари, Севинчнинг изтироблари ва орзиқишлари билан бир ойча вақт шамолга соврилиб кетди. Салим гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кунни кеч қилди, аммо иш изламади. Чорасиз қолган ота қарорини ўзгартиришга мажбур бўлди:

– Бор, билганингни қил-э! – деди охири.

Салимнинг билгани – эски иши. Хотинининг энди-энди унутила бошлаган хотираларини янгилаб, шубҳа дарахтларининг энди қурий бошлаган томирига сув қуйиб, тўрвахалтасини кўтариб, яна конга кетди.

– Сен қанақа одамсан? – деди бўлим бошлиғи. – Бир ойдан бери дарагинг йўқ! Ижарада бирга яшайдиган шерикларингдан сўрадим, улар ҳам билмайди.

– Ай-э, бир муаммо чиқиб қолганди… – каловланди Салим. – Шунга қишлоқда эдим…

– Муаммо кимда йўқ? Мендаям бор, лекин ишни тўхтатмайман. Давлат Салимнинг муаммоси бор экан, ҳал қилиб олсин-чи, деб қараб ўтирмайди. Буни иш деб қўйибди. Давлат иши маймунбозлик эмас, сенга. Ўрнингга одам олиб қўйдим. Мендан хафа бўлма…

Бу гапни эшитиб, худди бошига қуш ахлати тушгандай таъби хира бўлди.

– Бир иложини қилинг… – деди бўлим бошлиғига мўлтираб. – Ишламасак кун ўтмайди.

– Ҳа, отангга раҳмат, – деди бўлим бошлиғи. – Ишламаса кун ўтмайди. Иш бир ой тўхтаб ҳам турмайди. Айтиб кетиш керак эди. Энди бирорта иш ўрин бўшаса, чақиришим мумкин. Ёрдамим шу бўлади. Ҳар ҳолда бир жойдан туз тотганмиз…

Дипломи йўқлиги учун вақтида орага одам қўйиб, илтимос билан ишга олинган Салим ҳақини талаб қилолмасди. Тили қисиқ. Бўшашиб бинодан чиқди. Атрофга боқди. Теварак-жавониб, шаҳар кўзига ғариб, афтода бир ҳолатда кўринди. Аввалари бинодан хушкайфият билан чиқарди. Ё ижарасига, ё қишлоғига, ё жазманининг олдига йўл оларди. Ўзини шаҳар бўриси ҳисобларди. Айни дамда эса сувга тушган мушукдек шумшайиб, қаерга боришини билмай қолди. Нигоҳлари билан ер чизганича ижара уйига келди. Чўнтагидан калитини чиқариб, суқди. Во, ажаб? Калит қулфга тўғри келмади.

– Онангни… – сўкинди у. – Эшикнинг қулфини алмаштирибди… Ё улар бошқа уйга кўчишдимикан?

Иккинчи эшик ҳам ёпилди – қайта очилмади. Салим зина тутқичларига суянди. Бир муддат шу ҳолатда тургач, пастга тушди. Кўнглига шайтон оралаб, “Маликанинг олдига бор” деди, аммо ҳадди сиғмади. Ўз ишхонасига, ижарасига бегона бўлган йигитга энди жазмани қучоқ очармиди? Унинг ўрнини аллақачон бошқаси эгаллаб олгандир…

Салим чуқур хўрсинди. Одамзод ниҳолларни “қирс” эткизиб синдириб ташлайди. Бу пайтда ҳеч нарсани ўйламайди, хаёлга келтирмайди. Одамнинг ҳам синиши осон экан. Ниҳол каби белидан “қирс” этиб синар экан. Ҳеч қаерга сиғмай, ҳеч кимга керак бўлмай қолар экан… Ўшанда… ота-онаси уни жазмани уйидан судраб чиққанида ҳам бу қадар иззалик, хўрлик туймаган эди. Бугун йигит боши эгилди…

Бино олдидаги ўриндиқда ўтириб ўйлади. Кимнинг олдига борса, қаердан иш топса бўлади? Бу ҳудудда уран конидан бошқа бағрикенг ишхона йўқ. Қолган барча жойлар ҳужжат сўрайди. Боши қотди. Дўкон томонга юрди. Кириб, бир дона сигарета олди. Алам қилди – аввалари бу дўкондан халта-халта нарса харид қиларди. Кайфи учун чекадиган сигаретасидан икки дона ололмади-я?

У заҳқум юта-юта шоҳбекатга келди. Ўз уйинг – ўлан тўшагинг. Истасанг – истамасанг оёқларинг ўз уйингга қараб тортар экан. Салим шаҳарда қолишга ҳеч бир сабаб топмай турганида таниш дўстини кўриб қолди. У қучоқ очиб саломлашар экан, Салимнинг машқи пастлигини кўриб, ҳол сўради:

– Нима бўлди, ошна? Тинчликми?

– Ай-э… – Салим бепарво қўл силкиди.

– Балки бирор ёрдамим тегар. – Дўсти унинг ҳорғин кўзларига боқди. – Гапирсанг-чи, нима бўлди ўзи?

– Ишдан бўшадим. Қисқартириш бўляпти…

– Конда-я? – ажабланди.

– Ҳа...

– Бошинг омон бўлсин, ошна. Иш бўлса топилади.

– Менга иш керак…
– Мутахассислигинг қанақа?
– …
Дўсти дарров тушунди.
– Иш кўпу, диплом керак-да.
– Ай-э, бир гап бўлар…
– Майли, ошна, сиқилма. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Дўсти шундай деди-ю, кетди. У банкда ишларди. Тўқнинг оч билан нима дарди бор?

Салимнинг қорни очди. Шундоқ кўз олдида сомсапаз қўли-қўлига тегмай савдо қиляпти. Оғзининг суви қочди. Иккита бўлса ҳам егиси келди, аммо пули йўқ эди. Бир ойдан бери уйда, пулсиз. “Бугун шаҳарга борсам, бир амаллайман, жуда бўлмаса, ошналардан пул олиб турарман”, деб ўйлаганди. Бекор экан.

Салим таслим бўлди. Руҳи тушган, шахди йўқолган бир ҳолатда изига – қишлоққа қайтди. Кела-келгунча бировга гапирмади. Ўз-ўзини сўкиб, лаънатлаб келди. Вақтида у ҳам орзу-ҳавасли йигит эди. Университетнинг математика факультетига ҳужжат топширганди, аммо билими етишмай талабалик насиб этмади. Отаси “Ўғлим, тушкунликка тушма. От қоқилиб йўл топади. Яна тайёрлан, келаси йил омадинг келар. Мен-ку ўқий олмадим, ҳеч бўлмаса сен ўқигин. Диплом одамнинг йўлини очади. Ўқисанг кўкарасан”, деди. Ўзи хоҳламади. “Ай-э, ўқиганлар нима бўляптики, мен нима қилардим?” деди. Таниш орқали уран конига ишга кирди. Таниш-билишчилик вақтинча экан. “Танка”си ўтган йили ишдан урилиб кетган эди. Ана энди унинг “дум”лариям бирин-кетин кесиляпти…

Отаси ҳақ экан. У “кўкармади”. Мана, шумшайиб, қадрсизланиб ортига қайтаяпти. Аввалари қандай қайтарди? Истаса, бир машинани уйгача буюртма қилиб, манзилга етгунча гап бермай, қийқириб келарди. Бугун эса ғариб…

IV

Салим туғилиши тўкис, балоғати холис, ахлоқи ноқис эди. Ўзига жуфт танлашда ҳам омад кулиб боққан эди. Севинч ўзбекнинг иболи, мазлума аёли тимсоли эди. Неки жабр, неки ситам, неки дилхиралик бўлмасин, тишидан ташқарига чиқармас, оғзи қонга тўлса, душмани олдида туфламас эди. Кондаги ишидан айрилгач, Салимнинг ҳаёти хаёллари каби тарқоқ ва бетизгин бўлиб қолди. Уйда ота-онаси ва аёлининг олдида юзи шувитлиги учун ўзи каби бекорчи ва танбал лойҳандақдошлари билан қаерда иш бўлса, танлаб ўтирмасдан бажариб кетаверарди. Ҳар баҳор савр билан қўшилиб, уларга ҳам давр келар, то қиш чилласигача мардикор ишлаб юрарди. Аммо ҳар гал ишни тугатганда бўкиб ичишар, уйга маст ҳолатда келарди. Бу эса келинлик чилласидан кейин оиласида севинч ҳиссини туймай қўйган, бор умиди оилалик ҳаётининг учинчи йилига келиб, вужудида бўй берган гўдагида бўлган Севинчнинг юрагини сиқарди.

– Ай-э, ўлар дунёда бир еб-ичдимда! – Салимнинг топган гапи шу бўлар ва уйга гандираклаб кириб, ўзини кўрпачага ташларди.

– Бу одамнинг ичишларидан куйиб кетдим-а, куйиб кетдим… – дерди Севинч баъзан эрининг аҳволига ачиниб. – Уйга қорасини кўрсатмайди, келса, сидирға келмайди. Бу қаторилар болаларига тўй қиляпти!.. Бу одам-чи?

Севинч гарчанд иродали аёл бўлмасин, эри ичиб келса, унинг кирдикорлари бирдан миясига урилиб, кўзларига ёш олади. Ҳозир ҳам бошини деворга тираб,

ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ўтирганида қайнонаси кириб келди. Келинининг кўзларидаги ғуссани кўриб, ич-ичидан зил кетди.

– Яна ичиб кептими?

Севинч жавоб бермади.

Аёл ўғлининг бошини кўтарди.

– Қачон одамга ўхшаб юрасан-а? Ҳадемай ота бўласан-ку!

Салим аранг кўзини очди ва онасини кўриб, “Менга индаманглар”, дегандек қўл силкиди ва яна ухлаб қолди.

– Ойи… – деди Севинч маҳзун товушда, – бу киши ишлаб келса, дўхтирга бормоқчи эдик.

– Эрталабгача ўзига кеп қолар. Бўлмаса, иккаламиз бориб келамиз. Ўзи яхши ишлаб кептими?

– Билмайман… – Севинч ожизгина бош чайқади. – Келди-ю, ётиб олди…

– Ҳа, уйгинаси куйсин бунинг. Эрталаб гаплашамиз энди, ҳозир ўликдай ётибди-ку.

Ўшанда куз эди. Қишлоқда пахта терими тугаган, томорқа ишлари ниҳоясига етган, айрим боқибеғам одамларнинг кузги лойсувоқ, томсувоқ каби ишларигина қолганди. Салим икки нафар шериги билан қўшни қишлоқда беш хонали уйнинг гулсувоғини якунлаган ва уйга қайтаётиб, дўконда ичиб қолишган эди…

Салим тонгда боши ғувлаб ташқарига чиқди. Эгнига чопонини олмаган экан, кузак шамолидан эти жунжикди. Оёқлари ҳали ҳам ўзига бўйсунмаётган эди. Изига қайтишга эриниб, ҳожатхонага борди. Қайтишда атрофга боқди. Табиат унинг руҳияти каби эзгин: ҳаво салқин, дарахтлар барги тўкилиб, шир яланғоч бўлиб қолган. Отаси рўзғорнинг эрмаги бўлган соғин сигирни оғилдан чиқариб, олдига маккажўхори ташлаяпти. Онаси уйда бўлса керак, қораси кўринмади. Севинч ўчоқайвонда чой қайнатяпти. Ана, челакни олиб, сигир соғишга йўл олди.

Салим аҳволидан уялди. Бориб уй олдида турган офтобадан юз-қўлини ювa бошлади. Шу пайт онаси чиқди.

– Ўзингга келдингми?

– Ассалому алайкум… – Салим айбини ювмоқчидек илжайиб, салом берди.

– Қачон бўлса, эшшакка ўхшаб ағанаб юрасан. – Она ўғлининг саломига алик олиш ўрнига жаврай кетди. – Ўласанми-а, шуни ичмасанг?

– Ай-э, эрталабдан бошламанг! – ичкиликдан бети ва эти қотган ўғил онасига терс гапирди.

– Манави келин бечорага раҳминг келмагандан кейин жавраймандa! Ўзи уч йил деганда Худо бериб, юзларинг ёруғ бўп турибди. Бугун уни дўхтирга олиб бор. Неча кундан бери сенинг келишингни кутамиз.

– Дўхтирда нима қилади?

– Сен буни қаердан билардинг? Иши бор-да! – аёл ниманидир ўйлади, шекилли, бирдан ўзгарди. – Менга қара, қўй, ўзим бирга бораман. Менга пул бергин.

Салим бош ирғаб уйга кириб кетди, аммо ҳадеганда чиқавермагач, изидан онаси борди.

– Нимага курк товуққа ўхшаб чиқмайсан?

Салим онасидан кўзларини олиб қочди.

– Нима бўлди?

– Ишлаган пулим йўқ. Кеча тушиб қоптими дейман. Чўнтагимдан тополмаяпман!

– Ўл, бу кунингдан! Алкаш! Ичкиликнинг оқибати шу бўлади-да! Ўлиб ишлайсан, топганингни бир кунда совурасан! Энди келинни қандай олиб бораман?

– Билмайман… – Салим ер чизиб қолди. Кейин онасига нажоткорона боқди. – Отамда пул бордир?

– Отангда бўлса, сенинг келишингни кутиб ўтирармидик?

– Нима қиламиз унда? Сал кейинроқ борса бўлмайдими? Яхши-ку!

– Ай-э, сенга гапирдим нима, итга гапирдим нима? – она жаҳл билан ортига бурилди. – Садқаи бола кет-е! Ана-мана деб олти ой ўтиб кетяпти. Уям одам. Ичида одам катта бўляпти! У сенинг боланг, ахир!

Онаси чиқиб кетгач, Салим уй ўртасида хода ютгандек туриб қолди. Сўнг елкасига чопонини илди-ю, чиқиб кетди.

– Ҳой, қаёққа?

Онанинг уй олдида берган саволи жавобсиз қолди.

Салим кеча бирга ишдан қайтган танишидан қарз олиб келганида онаси Севинчни олиб туманга кетиб бўлган эди.

– Улар қачон кетишди? – деб сўради Салим чой ичиб ўтирган отасидан.

– Сенга ҳеч тушуномадим-да, Салим, – бошини чайқади отаси. – Улғайганинг сайин бетайин бўлиб боряпсан. Сенга ишонч қолмади. Ўзининг меҳнатига ичи ачимаган одам, бировга ачинадими? Ўзи сенинг пул топиб келишингга онанг ишонгани йўқ эди. Мана, исботладинг. Болам, бизам қаридик. Бу ёғимиздан у ёғимиз яқин бўлиб қолди. Ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди, тараддудимизни кўриб юришимиз керак… Онанг ўлимлик пулимизни олиб кетди…

Салимнинг вужуди музлаб кетди.

– Ундай деманг, ота…

– Сенинг шу юришинг бўлса, онанг билан мени ажалимиздан олдин ўлдирасан… Кейин бемалол ичиб юраверасан!

– Ота… – Салим отаси айтаётган манзарани тасаввур қилди ва қўрқиб кетди. – Илтимос, қўйинг бунақа гапларни.

– Мен бор гапни айтаяпман…

– Ҳозир мен нима қилай? – сўради Салим.

– Сенми? – ота надоматли жилмайди. – Билмасам. Онанг билан хотининг дўхтирга кетишди. Мен уйда қолдим, мол-ҳолга қарайман. Далада иш йўқ. Сен энди кириб ётавер. Ҳар ҳолда ҳали бошоғриғинг кетмаган бўлса керак.

– Ай-э! Қўйинг шунақа киноярингизни. Мана, пул олиб келгандим. Олинг. Онамга берган пулларингизнинг ўрнига қўясиз.

– Қарз олиб келдингми?

– Бошқа нима қиламан?

– Тўғри, бошқа нимаям қилардинг!.. – отаси Салимнинг қўлидан пулни олди. Сўнг ўғлининг нима қилишини кузатиб турди.

Салим нонушта ҳам қилмади, уйга кирди ва телевизор кўриш учун ёнбошлаган эди, бирдан ухлаб қолди…

Орадан кунлар ўтиб, вақти соати етиб, Севинч ўғил фарзанд кўрди. Бу унинг ҳаётидаги энг қувончли кун эди. Оила аҳли азбаройи севинганларидан, уч йил кутилган чақалоқ ташрифидан қувонганларидан шу кунгача бўлган барча ғишавалар, ғам-қайғуларнинг ўрнини босиб кетсин деган мақсадда чақалоққа Қувонч деб исм қўйишди.

Қувонч… Исм гўзал эди. Гўдагини бағрига босиб, унинг муаттар бўйидан маст бўлган ва бор меҳр-муҳаббатини бахшида этаётган Севинч бу бахтдан сармаст эди. Қувончнинг туғилиши шу кунгача бўлган барча кўнгилсизликларни ювиб кетгандек эди. Аёлнинг назарида энди Салим ҳам ўзгариб, оталик масъулиятини ҳис этиб, онадан қайта туғилгандек бўлиши керак эди…

Йўқ, орзулар орзулигича қолди. “Ўғил кўрдим” деб керилган Салим энди аввалгидан-да кўпроқ ичар, жўрабозлик ва “ҳақ берди”лар ҳаддин кўпайиб борарди.

– Менинг энди ўғлим бор! – дерди у чайқалиб. Кейин энгашиб, бешикда ётган чақалоқни ўпарди. Бадбўй ҳиддан кўнгли ағдарилган гўдак чирқираб йиғлаб юборарди. То онаси кўкрак тутиб, қўланса ҳид йўқолгачгина тинчирди.

– Уйгинанг куйсин сенинг! – Онаси Салимни қарғайди. – Яхши ёмоннинг фарқига бормайдиган бир бедаво чиқдинг-да…

Она ҳақ эди…

Қиш кунларининг бири... Ёшига етай деб қолган Қувонч энди ўтиришни ўрганган, шалдироқ ўйинчоқларга ҳам овунарди. Кечқурун Салим яна маст келди ва ўйнаб ўтирган Қувончни кўриб, “О, менинг улим қани?” деб уни опичлаб кўтармоқчи бўлди. Онаси “Қўй, индама болага” дейишига қарамасдан ўғлини елкасига олаётиб, ўзини тутолмасдан гўдакни орқага ташлаб юборди. Тутиб қоламан, деб гандираклаб кетди. Гўдак ерга йиқилиб, чинқириб юборди. Боланинг овозини эшитиб ошхонадан уйга югурган Севинч жон ҳолатда болани кўтарди ва бағрига босди. Онаси “Ҳа, уйгинанг куйсин сенинг!” дея дераза раҳида турган ўқлоғ билан Салимни урганди, ўқлоғ иккига бўлиниб кетди.

– Нимага урасиз? – бақириб юборди Салим.

Гўдак тинимсиз йиғлар, кўкрак тутса ҳам овунмасди. Севинч болага қўшилиб ҳиқиллар, нима қилишини билмасди. Қўрқиб, шошиб қолган қайнона исириқ тутатди. Бола учинди, деб иримига нон силаб олди. Фойда бермади. Охири қўй ёғи суртиб, гўдакнинг оёқ қўлларини массаж қила бошлашди, аммо бола йиғидан тўхтамасди.

– Бунинг бир жойи чиқиб, ё синиб кетди! – деди Севинч.

– Ай-э, ваҳима қилма-е! – бошига ўқлоғ еган Салимнинг энди кайфи тарқалди. – Эмиз, ҳозир ухлаб қолади.

– Мен нима қиляпман? – йиғлаб юборди Севинч. – Ичибсиз, шундан шу ёққа кириб ётсангиз ўласизми?

Севинч шу гапни айтди-ю, тилини тишлади. Боласини бағрига босган кўйи юзини яшарди. У эрининг ичишларини қанча ёмон кўрмасин, ўзига ўзи қарғанса ҳам бундай гапирмасди. Гўдагининг азоби унинг юрак-юрагидан ўтиб кетаётган эди.

– Чиқ, табиб топиб кел! – деди отаси Салимга.

Табиб топиб келишдан кўра, болани олиб боришса, вақтдан ютарди. Салим қаердандир “Москвич” машина топиб келди, Она уни қарғай-қарғай Қувончни кўрпачага ўраб, машинага олиб чиқди. Севинч эса эса ҳамон дийдираб, гўдагини овутолмаганлигидан эсанкираб турарди.

– Чақалоқнинг оёқ-қўли бут, – деди чўққисоқол табиб боланинг аъзои баданини уқалаб, суякларини силаб кўриб. – Фақат чап қўли билан чап оёғининг эти озроқ эзилибди. Шу томони билан тушган эканда. Эмини қиламиз, насиб бўлса, кўрмагандек бўлиб кетади.

– Барака топинг, табиб буваси… – деди Севинч. – Илойим соғайиб кетсин.

– Насиб бўлса, отдай бўлиб кетади.

Табиб носқовоқ шишасидек идишдан қандайдир бадбўй ёғ олиб, чақалоқнинг оёқ ва қўлларига суркаб, уқалади.

– Буни кунига икки маҳалдан суриб, уқалайсан… – деди Севинчга қараб. – Энди болани эмиз. Насиб бўлса, кўрмагандай бўлиб кетади.

Севинч тескари ўгирилиб, болага кўкрак тутган эди, гўдак миқиллаб эмди ва чақалоқни уйқу элита бошлади.

– Отаси сенми? – деди табиб Салимга.

– Ҳа… – бош ирғади у.

– Худойим бандасини азоб-уқубатга гирифтор қилиб яратмайди. Имон-эътиқоди билан мусулмон қилиб дунёга келтиради. Сени ўғил билан сийлабдими, шунга муносиб бўл. Ўзини тарбиялай олмаган одам бола тарбиялай олмайди. Олаётган нафасингдан уйда ўтириб бўлмаяпти. Эртага болам яхши одам бўлсин, менинг хатоларимни қилмасин десанг, аввал ўзингни йиғиштириб ол…

Табибнинг даккиси Салимнинг юзига урилган аччиқ тарсаки эди. У дув қизарди, вужуди қизиб кетди. Ерга киргудек бўлди. Табибнинг уйидан чиқиб, уйга келганича ҳам ўқрайиб, ҳеч кимга гапирмади.

Шундан сўнг Салим ичишни бироз камайтирган бўлса-да, бутунлай халос бўлолмади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ишлаб, рўзғор тебратар экан, баъзан сиқилганидан, баъзан чарчоқларни баҳона қилиб, баъзан эса буюртма қилинган ишларини якунлаганда ошкора улфатчилик қилар, куйгандан Севинч куяр, ота-онаси эса аросатда яшарди. Улар ўйлаб ўйига ета олишмас, ўғлининг тарбиясида қаерда хато қилишганини билишолмай абгор эдилар. Охири, рўзғори алоҳида бўлса, бўйинтуруқ бўйнига илинса, инсоф кирар, деган умидда хуржун шаклида уч хонали уй солиб, Салимни кўчириб чиқаришди, бироқ ҳеч нарса ўзгармади. Салим билан Севинч янги уйда гоҳ мусичадек беозор, гоҳ ит-мушук бўлиб ҳаёт кечиришарди.

Салимдан кейинги болаларини ҳам учирма қилган ота-онанинг вақти келиб, умр чироқлари ўчди, аммо Салим ўзгармади. Унинг рўзғори, оиласи ҳам… Унинг барча нарсага бепарво қўл силташ одати ва биргина сўзи бор эди.

– Ай-э…

Салим шу сўзнинг қули эди. Унинг ўзгармас одати ва итфеъли билан кураша-кураша чарчаган, иснодларидан безиллаб қолган туғишганлари охири қўл силкиди.

– Ай-э, билганини қилсин! Уни отам билан онам ўзгартиролмади, бизнинг қўлимиздан нима келарди?

Қувонч мактаб ёшига етганида кейинги туғилган фарзандлар – Малоҳат тўрт ёшга, Сабоҳат эса икки ёшга тўлди. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Салим энди аввалгидан ҳам кўпроқ ишлар, нима юмуш бўлса бажариб кетаверар, аммо ичишни ташлай олмасди. Бир қарашда у тирикчилик ғамида ёнган жабрдийда отага ўхшар, аммо энг муҳим қарорларни қабул қилиш вақтида бепарволик ва ўта ҳиссизлик билан қўл силтаб қўярди.

– Ай-э…

Қувонч мактабга чиқадиган йили баҳорда сентябрдан биринчи синфга борадиган ўқувчиларни мактабга тайёрлаш учун икки ойлик машғулотга чақирди.

– Дадаси, эртага Қувончни бозорга олиб чиқиб, бир кийинтириб келинг. Мактабга юборайлик, – деди Севинч.

– Икки ойда нимани ўргатишар экан? – пўнғиллади Салим.

– Нимани ўргатарди? Мактабга тайёрлайди-да.

– Ай-э, менга ўргатма. Мактабга биринчи сентябрдан борсаям бўлади. Шундан у ёғига ўрганганиям етади.

– Юбормаймизми?

– Жуда гапинг кўпда сенинг. Ўзи яқиндан бошлаб ишга чиқдик. Аввал қиши билан олган қарзларимни тўлаб олай-чи? Шу мактаби қочиб кетмас. Сентябрдан эл қатори бораверади.

Севинч ожиз қолди. Ўғлининг мактабга кийиб боришга тузук кийими йўқ эди. Шу сабабли Қувонч тайёрловга бормади.

Қувонч биринчи синфга борганида англадики, оталар ўртасида фарқ бор экан. Уни мактабга онаси олиб келганди. Отаси бирор марта бирга келмади. Қувонч ҳар куни гувоҳ бўларди: кўпгина болаларни оталари қўлларидан етаклаб келар, мактаб остонасига етганида юзидан ўпиб, қўлларини силкиб, хайрлашар ва "Яхши ўқигин, болам!" деб далда берарди. Болалар эса югуриб, катта иштиёқ билан ичкарига кириб кетарди. Қувонч эса кўп нарсага тушунмай ҳайрон бўларди. Отаси ҳатто унинг дарсларини ҳам суриштирмас, олган баҳолари билан иши йўқ эди.

– Сизам бир баҳоларига қараб қўйинг, – дерди Севинч баъзан. Салим эса ёнбошлаб ётган жойидан эриниб кўзғаларди.

– Кундалигингни олиб кел-чи?

Бола қувониб кундалигини олиб келарди. Салим уларни истамайгина варақлар ва худди боласидан нимани сўрашни билмайдигандек, гапни қисқа қилиб қўярди.

– Ай-э, ўқийвер қани… Бир гап бўлар-да…

Бу каби бепарволик Қувончнинг бола қалбига таъсир этар, "Менинг қандай ўқишимнинг отамга фарқи йўқ экан-да…" деган худбинона хулосага олиб келарди. Салим бўлса унинг ўқишини суриштириш ўрнига, кўпроқ иш буюрар, ўзи мардикорликда юргани учун томорқа, мол-ҳолга қарашини истарди.

Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади. Қаҳратон қиш эди. Февралнинг боши. Ерда қор, изғирин. Аксига олиб, чироқ ҳам ўчган. Шу кунларда уларнинг рўзғорини ажратаётганда отаси берган сигири болалаши керак эди. Ортда қолган саратонни болалари билан оқсиз ўтган Севинч энди сигирга кўз-қулоқ эди. У эрига туғадиган молга қуруқ сомон емиш бўлмаслигини, сигири бола босиб, озиб кетаётгани, ем қайнатиб бериш кераклигини бир неча марта айтди, аммо Салим "Майли, бозордан кунжара олиб келаман" дегани билан шу ишни ҳам қилмади. Айни кунларда Сабоҳат шамоллаб қолди. Салим дори топиб келаман деб, чиқиб кетди-ю, ҳадеганда қайтмади. Ўша шомда мол-ҳолга Қувонч емиш солди. Охурга қарамай узалиб ётган сигирнинг тўлғоқда эканлигини билмасдан онасига, "Сигир ётибди", деди. Севинч эса болалар билан овора, уларни овқатлантириб, уйга келмаётган эрининг қаердадир ичиб қолганидан куюниб, ҳароратини тушириш учун Сабоҳатнинг оёқ-қўлига спирт ишқалаб ўтирганди. Бир маҳал Салим дорисиз, маст кириб келди. Эрининг аҳволини кўриб, Севинчнинг фиғони фалакка чиқди.

– Дори-ку топиб келмабсиз, боринг, ҳеч бўлмаса сигирдан хабар олинг!

Салим далбанглаб чиқиб кетди. Борса, сигир ўлиб ётибди. Боласи тескари келган экан...

Ўшанда Севинч шунчалар куйиндики, бор умиди, болаларининг ризқи шу эканлигини айтиб-айтиб йиғлади. Шовқиндан болалари уйғониб кетди. Кайфи тарқамаган Салим аламига чидолмасдан, "Молга қарамагансан!" деб аёлини урди, "Урманг!" деб тиззасига ёпишган Қувончни ҳам силкилаб ташлади. Она-бола уй бурчагида титраб-қақшарди. Икки қизи эса отасидан қўрқиб, ичкари уйга кириб кетганди.

Севинч ўғлини бағрига босганича йиғлаб ўтираркан, қисматидан куюниб, болаларининг ризқи қийилганидан ўртаниб, жигарбандларининг ҳам азоблари бир-бир кўз олдидан ўтиб, шундай деди:

– Мен-ку қувонч нималигини билмадим. Ҳеч бўлмаса болаларимнинг ҳаёти қувончга тўла бўлсин, деб исмингни Қувонч деб қўйгандим… Сен ҳам бунинг нималигини билмадинг-а, болам-а…

Ташвиш одамни тез улғайтиради. Қувонч ёш бўлса-да оиладаги етишмовчиликлар, ташвишлар, отасининг маст бўлиб келиб, онасини уришлари сабаб, эрта, тенгдошларидан илғорроқ фикрлайдиган бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам онаси бағрида туриб, ўзининг кўзёшларини арта-арта деди.

– Она, нега исмингизни Севинч деб қўйишган?

Севинч жавоб ўрнига пиқ-пиқ йиғлади.

– Севиниб юрсин деганда…

– Она, лекин мен сизнинг ҳеч севиниб юрганингизни кўрмаганман…

Севинч баттар ўкириб юборди…

Бу пайтда Салим кўчага чиқиб кетганди. Ҳаром қотган, тағин бўғоз молни сўйиб бўлмайди. У бир трактор топиб келди ва қоронғида сигирнинг ўлигини судраб, катта йўл ёқасидаги ўнгурга олиб бориб, кўмди… Болаларининг ризқи, оқлиги бўлган молнинг ўлиги устига тупроқ ташларкан ўз орзуларини, эзгу ниятларини ҳам кўмиб юбораётгандек эди. Юраги сиқилди. Зимистон кечада милт-милт шуъла таратиб, сигарета чекди. Оғир хўрсинди. Ўз-ўзидан алами келди ва беихтиёр ҳиқиллаб йиғлаб юборди...

Қаҳратон қиш ҳавоси, табиатдаги тундлик ва изғирин Севинч билан болаларининг ҳам қалбига кириб келган эди. Сигирнинг ўлими, эр-хотиннинг жанжали сабаб бир ҳафтача оилада совуқлик ҳукмрон бўлди. Кейин эса аввалгилари каби секин-аста муносабатлар яхшиланиб борди. Аммо бу ҳам навбатдаги кўнгилсизликкача эди. Буни ҳатто болалар ҳам билиб, тушуниб қолишганди.

Қувонч шундай муҳитда улғайди. Ёшига ёш қўшилган сайин ташвиши кўпайди. Отасининг ёши элликдан ошиб бораётган бўлса-да, ҳамон ўй-хаёли маишат эди. Унинг кўриниши ҳам афтода эди. Қишин-ёзин бир хил, рангги униқиб кетган жинси шим кияр, кўйлаклари ҳам ола-була, катак-катак, кўпинча кир, ёқалари қайтган, бошидаги дўпписининг эса – гуллари билинмай, яғири чиқиб кетган бўларди. Севинч билан болалари рўзғор эгасининг бундай юришини истамасди, аммо Салим борган жойида текин емак бўлса, ўзини томдан ташлаб, ичиб, ағанаб келадиган одати борлигидан ўзини-ўзи шу аҳволга соларди. Эрталаб уйдан тоза кийим кийиб чиқса ҳам кечқурун бунинг акси бўларди – қаергадир йиқилиб ёки ишқаланиб, кийимларини ғижимлаган ёки йиртган ҳолатда қайтарди.

Орадан йиллар ўтди. Ғам-қайғу, ҳасратга тўла бу йиллар Севинчнинг соғлигида ўз аксини қолдирди. Авваллари, “Бошимнинг оғриғи тўхтамаяпти”, деб турли хил дорилар ичиб юрган аёл энди кундан-кунга оғирлашиб, бошини кўтаролмайдиган даражага етган, махсус дори қабул қилар, шу билан бироз тинчланар, аммо яна дард зўраярди…

– Бу аҳволимда болаларимнинг тўйини ҳам кўролмайманми дейман...

Севинч дардга енгилиб қўйган эди.

Қувонч коллежнинг учинчи курсига ўтган йили, айни куз кунларининг бирида Севинч оламдан ўтди. Ўғли ва икки қизи билан уйда қолиб, қилмишлари азобини тортаётган Салим одамови бўлиб қолган, ҳовлидан ташқарига чиқмас, биров билан гаплашмас, Қувончнинг, “Ота, сиз уйдасиз, мен яна озроқ ишлаб келай…” деган даъватларига “Ўзинг биласан, менга энди дунёсининг қизиғи йўқ…” дегандай бепарво қўл силкиб қўярди. Маъракалардан чарчаган рўзғор эса қозонни сувга ташлаб қўяр даражага келганди…

Бемор онасининг дори-дармони учун ёзи билан мардикор ишлаган, ҳатто сентябрда ҳам коллежга бормаган Қувонч онасининг қирқини ўтказса, яна ишга

чиқишни режа қилиб турганди, аммо ўша куни кечқурун Салимнинг жияни томонидан бир таклиф ўртага ташланди-ки, балоғатга етган йигитнинг боши айланиб кетди:

– Янгамни Худо раҳмат қилсин. Яхши аёл эди бечора… – деб гап бошлади жиян. – Аммо бу ҳаёт. Бу ёқда бўй етган ўғил, бўй етиб келаётган қизлар бор. Тоғамни энди уйлантириш керак.

Орага оғир сукунат чўкди. Қувончнинг мияси қизиб кетди. Нима дейишни билмай ҳали отасига, ҳали жиянга қаради. Бошқаларни кузатди. Ҳамма Салимга истеҳзоли қараб турибди. Салим қачондир шу гап бўлишини кўнгли сезиб юрган бўлса-да, кўрпача қатини қайириб, жим ўтирарди.

– Мен ўзи бир-икки жойни суриштириб ҳам қўйибман, – деди жияни салмоқлаб. – Фақат тоғамнинг ўзи бориб бир кўришиши керак.

Салим ғаддор одам. Кўз тагидан жиянига боқди. “Айланай сендан... Ақлингга балли!” Жиян ҳам буни сезди, шекилли, гапини давом эттирди.

– Нима дейсиз, тоға? Бир кўришиб келасизми?

– Қандай бўларкан? – Бу сўз қандай оғзидан чиқиб кетди, сезмай қолди.

– Ай-э, – қўл силкиди жияни, – ўзи китобида шундай-ку, тоға. Борайлик қани, бир гап бўлар.

– Майли, ўзларинг биласизлар…

Қувонч отасининг бу “сурбет”лигидан музлаб кетди. “Ўн тўққизга кириб, мен ҳали бировнинг олдига учрашувга борганим йўқ… Отам қандай уялмасдан...”

Отани уйлантириш… Бу ҳозир Қувончнинг тасаввурига сиғмас воқелик эди. Унинг кўз олдига бемор ётган онаси келди.

“ – Қувонч, болам, мен ўнгланмайдиганга ўхшайман… Отангга яхши қаранглар...”

Қувонч онасининг ўлими олдидан айтган гапларини хаёл ғалвиридан ўтказар экан, лоп этиб, миясига бир фикр келди: “Отангга яхши қаранглар”, деганда шуни назарда тутганмикан?”

Ўғилни ўй босди. Отаси шу кунгача кўнглига келганини қилиб яшади. Қувонч эсини таниганидан бери онасининг ҳаловатда, турмуш ўртоғидан меҳр кўриб, муҳаббатдан балқиб, юзлари ол, қошлари ҳилол бўлиб яшаганини билмайди. Кунда-кунора ичиб келадиган отаси уйда мутассил ғиди-биди қилар, етишмовчиликдан онанинг ранги чиқмасди. Сиқилганидан ва доимий ғам-ташвишдан охири бедаво дардга йўлиқди… Онаси дарёдил экан. Ҳаёти давомида шунча заққум ютган бўса-да, ўлими олдидан яна барибир эрини ўйлаб, ўғлига васият қилибди. “Отангга яхши қаранглар...”

Қувонч онасининг ўлимида отасини айбдор деб биларди, аммо кейинги кунлардаги ҳаёт отасига осон бўлмаётганлигини англатиб, васиятнинг мағзини чақишга мажбур қиларди.

– Тоға, – дея сўзини давом эттирди жиян. – Насиб бўлса, келадиган аёл яхши чиқса, сизнинг иссиқ-совуғингизга қараб, болаларга бош бўлса, келаси йилларга Қувончни ҳам уйлантириш керак...

– Мен ҳам шуни ўйлаб юрибман, – деди Салим. – Ўзи, биринчи Қувончни уйлантириш керак эди... Аммо бунга ҳозир ҳолимиз келмайди...

– Келин олиш учун уйни тайёрлаш керак, пича йиғиниш керак, – деди жияни. – Кейин, тўйнинг хотинлар билан боғлиқ бошоғриғи кўп. Булар учун рўзғорга барибир бир аёл керак...

– Ай-э, тақдир қилганида... – Салим ака қўл силкиди. – Бўлса бўлар, бўлмаса онасининг гўрига!

– Унақа деманг, ҳаммаси яхши бўлади. Сизни бундай ёлғизлатиб қўймаймиз...

Бу гаплардан ҳали қизлар бехабар бўлишса-да, ўша кеч Салим учун ҳам, Қувонч учун ҳам ўта оғир ва оғриқли ўтди. Салим аёли билан ҳаёт кечирган кичик кулбасида ўғли билан ётар экан, уйнинг Севинчнинг қалби каби қотиб, лабларидай ёрилиб, кўзёшларидай шўр тортган деворларига қараб, аёлининг аччиқ ва хўрликларга тўла ҳаётини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Севинч кўз очиб кўргани эди – борга ҳам, йўққа ҳам чидарди, дардини ичига ютарди. Шундай аёлнинг қадрига етмабди. Уни фақат хўрлабди… Энди келадиган хотин қандай чиқаркан?..

Салимнинг ўйлари поёнсиз ва тийиқсиз эди…

Отасининг нималарнидир ўйлаб тўлғонаётганини сезиб ётган Қувончнинг ҳам кўзларига уйқу келмасди. “Отам уйланса… Тоғам айтган аёл қандай бўлса? Онамнинг ўрнига келиб, уйимизда яшайдиган бўлса, бизга қандай қараркан? Кейин у онамнинг ўрнига шу уйда яшайдими? Отам билан бирга…”

Қувонч худди чаён чаққандай ўрнидан туриб кетди.

– Ҳа, ўғлим?

У отасининг сўроғига жавоб бермай ташқарига чиқди. Эгнига бирор нарса илмаган экан, салқин ҳаводан эти жунжикди. Беихтиёр қўлларини чалиштириб олди ва атрофга боқди. Кўча томондан ҳураётган итнинг овозини айтмаса, теварак жимжит. Уй олдидаги симёғочга ўрнатилган чироқ хира нур сочиб турибди. Қувонч отаси ётган уйга қаради. Онасиз уй бефайз ва ҳувуллаган, зулмат ва ғурбат ичра ғариб бир ҳолатда кўринди.

– Эсизгина онам-а… – Ногоҳ Қувончнинг тилига шу сўз келди. – Ҳаётда бирор рўшнолик кўрмади. Уч нафар фарзандни дунёга келтирди, азоб билан вояга етказди, аммо уларнинг ҳам роҳатини кўролмади…

Қувонч “Катта бўлсам, онамни даволатаман, санаторийларда дам олдираман, отам кўп йиғлатади, мен эса ҳаётини қувончларга тўлдираман. Онам учун энг яхши ўғил бўламан”, деб орзу қиларди. Орзулар саробга айланди. Энди ўртаниб, отасининг уйланишини ҳазм қилолмай ўтирибди.

“Ҳали бу гапни Малоҳат билан Сабоҳат эшитса нима қиларкан?”

Қувонч шундай ўйлар билан изига қайтди ва секин сингиллари ётган хонага назар солди. Иккала қиз бир-бирига суқилишибгина ухлаб ётишибди. Бу ҳолатни кўриб, юраги увишди. Малоҳат тўққизинчи синф, Сабоҳат эса еттига ўтди. Улар айни балоғат ёшида. Сирлашиш учун ҳам она керак…

“– Отамнинг жиянлари шуларни ўйладимикан?”

Қувончнинг лоп этиб, миясига шундай фикр келди. У ўзини, сингилларини, оилани ўйласа, рўзғор кечишидан юраги эзилар, аммо отасини деса, унинг боқи–беғамлигидан ичи ёниб кетарди. Ҳозир ҳам уйга кирса, отаси аллақачон ухлаб қолган, хурракни бошлаб юборганди…

V

Тоға-жияннинг ўйлагани ҳолва экан… Оғиз кўпиртириб, “Мен ўзи бир-икки жойни суриштириб ҳам қўйибман. Фақат тоғамнинг ўзи бориб кўришиши керак”, деб катта гапирган жиян Салим билан икки жойга борганидан кейин тарвузи қўлтиғидан тушди. “Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?”

Ўғил уйлантиришдан кўра, отага танмаҳрам топиш минг азоб. Келинни сайлаб оласиз, жувонни эса рози бўлсагина… Жиян мўлжаллаб қўйган бева аёлни сўраб

боришса, унинг икки нафар фарзанди бор экан. Бу ҳолат уларга тўғри келмасди. Салим шусиз ҳам рўзғорини эплолмай ўтирган одам бўлса…

Бошқа бир оиланинг чамаси ўттиз ёшлардаги қизи бор эди. Уни сўраб боришганида, кекса онаси дардини дастурхон қилиб қолди.

– Бахтидан куйган шу боламни кўзим очиқлигида узатсам, ўзидан тинчиб кетганини кўрсам, армоним йўқ эди…

Улар ўйланиб қолишди. Қиз аввал турмушга чиққан ва уч йил яшаб, бефарзандлик туфайли рўзғори синган, ҳозир фермер акасининг болаларига қараб, янгасининг дастёри бўлиб қолган экан.

– Бу одамнинг болалари қизингиз қатори экан, қандай берамиз, она? – деди ўғил пўнғиллаб. Афтидан унинг синглисини узатиш нияти йўқ эди. – Ўйлаб иш қилинг! Синглимнинг бизга оғири тушаётгани йўқ…

– Ҳамманг ўзингни ўйлайсан… – кампир яна кўзларига ёш олди. – Ёнингда хотининг, олдингда болаларинг бор. Ишинг жойида, турмушинг жойида. Аммо синглинг бечора нима қилсин? Уям инсон! У ҳам орзу-ҳавас кўриши керак. Гул умри ўтиб бораяпти… Мен шу боламни ўйлаб қаридим…

– Она, нима десангиз ҳам учта ёш боласи бор одамга тўғри келмайди у!

Кампирнинг ажин босган юзи баттар тиришди. Ўтирганларга бир қур назар солди-да, ўғлига қараб деди:

– Ай-э, билганларингни қилинглар… Ўзингнинг боланг шундай деб тургандан кейин…

Бу гапдан кейин жиян тоғасига, Салим эса ерга қаради. Ўғилнинг қовоғидан қор ёғарди,

– Унда биз тура қолайлик, – деди жиян. – Минг бор узр. Худойим ҳар кимнинг ўз бахтини берсин.

Улар ташқарига чиқиб, унсизгина хайрлашганида ичкаридан кекса онанинг ҳиқиллаган йиғиси эшитилиб турарди.

Тоға-жиян яна бир жойга боришаётган эди, йўлдан қайтишди. Икки турмуши синган, шу кунгача фарзанд кўрмаган қирқ ёшлардаги аёл айни Салимбоп эди, аммо билишса-ки, аёлнинг тутқаноғи бор экан…

Яна бир аёлни топишди. Касаллик сабабли биринчи боласи олиб ташланган, сўнгра бошқа фарзанд кўролмай ажрашган… Аммо у Салим ҳақида билгач тўнини тескари кийиб олди. “Менга бундай алкаш, дўзахи эр керак эмас!”

Аввалига улар танлашди, саралашди. Энди эса Салимни муҳокама қиладиган бўлишди… Иш пишиб турган жойда, айнишлар бўлди: “Ғарт алкаш экан-ку у! Биринчи хотини бекорга ажалидан олдин ўлмаган экан… Бунақа ажалнинг ўқига дуч келгандан кўра, ота-онамнинг хизматини қилиб ўтирганим яхши…”

– Тоға, мен ўйламай катта гапириб қўйган эканман… – деди ови бароридан келавермаган жиян охири. – Бу иш менинг қўлимдан келмас экан. Тоға, сабр қилиб турайлик-чи, Худойим бир йўлга бошқарар...

Давоми бор

Юрак ҳайқириғи

Достон



Ўткир РАҲМАТ

I

Эй юрак, розиман, тинмасдан ҳайқир,
Дунё нотинч кема чайқалар, ёҳу.
Қаттоллар билганин қиляпти, ахир,
Гўдакнинг ризқига солмоқда оғу.

Нафснинг этагида аллаланар ким,
Ким эса шон истар ҳам обрўталаб.
Етимнинг ҳақини ўмаради жим,
Гулгун чеҳраларни кўзёшга белаб.

Бировлар кимўзар ўйнар майдонда,
Имонлар янчилар оёқ остида.
Бу ҳолдан замину осмон пушмонда,
Гўёки бу олам улар дастида...

Мунча шов-шувларга ўч бўлдинг, дунё,
Аслида ичинг зил кетяпти буткул.
Бир ёнда ёруғлик, бир ён зим-зиё,
Қай жойда ечим бор, қай бири чигил...

Ўткир РАҲМАТ *– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Халқаро Чўлпон мукофоти соҳиби. 1948 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат юридик институтини битирган. Унинг "Соғинч", "Жилға", "Райҳон ҳиди", "Шукрона", "Кўзим қорачиғи", "Ой ёғдуси", "Хаёл ифори", "Юракдаги қуш", тўрт жилдлик – "Дилчироқ", "Оҳанглар ранги", "Фасллар айланар тугамайди шеър", "Дилроз" танланган асарлари, "Ўтли руҳ", "Таскин", "Йиллар оралаб", "Шаффоф лаҳза", "Ой тўлган оқшом" каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари китобхонлар маънавий хазинасидан жой олган. Шеърлари қорақалпоқ, турк, озарбайжон, рус ва бошқа тилларга таржима қилинган.*

Ким у эл дардини билмаган ғариб,
Нафс йўлидан бориб тушган чохларга.
Ким у бир чеккада ғийбат тарқатиб,
Дунёни тўлдирган нола, оҳларга.

Бошқа бирлари-чи панадан туриб,
Яхшилар юзига лой чаплар ошкор.
Бу ҳолни, ҳаттоки, ётлар ҳам кўриб,
Дерлар: “Бекор бу иш, бекордир, бекор...”

Тақдирлар ҳал бўлар айни шу бугун,
Ватан истиқболи бизнинг қўлларда.
Шу элнинг боласи бўлганим учун,
Юрак, ҳушёр бўлгин шундай йўлларда.

Дастини калта қил золимни кўрсанг,
Йўқса, болалайди қинғир қилмишлар.
Минг бор тавозе қил олимни кўрсанг,
“Оламни қутқарар олим” демишлар.

Юрагим, ҳайқириб, тўлиб-тошсанг-чи,
Мазлумларга мудом парвона бўлгин.
Барча тўғонларни бузиб ошсанг-чи,
Мудом эл томонда, халқона бўлгин...

Бирга ҳайқирамиз биз мисли дарё,
Токи ҳур адолат бўлсин устувор.
Токи бу оламдан чекинсин рўё,
Бу кез ҳайқирмоқлик жудаям даркор!..

II

Бу ёруғ оламга таъзим, тасанно,
Яшамоқ завқини бахш этган бисёр.
Унинг тилсими кўп, унда кўп маъно,
Тушунган ҳар кўнгил саодатга ёр.

Сабру қаноат бер инсонга тақдир,
Дарахтлар мисоли бўйласин тоқат.
Эзгулик йўлида интилган бағир,
Япроқлар гулласин, яшнасин фақат.

Кетиб борар ахир умр карвони,
Висолга фироқ ҳам эргашар мудом.
Мўлтирар ортидан йиллар армони,
Лаҳзалар – югурик, ҳаёт – бардавом...

Бунча ҳам тез оқар бу оқим зимдан,
Унга боқиб гоҳо ёшланар кўзим.
Ниманидир англаб оламан ундан,
Гоҳида ўзимга сиғмайман ўзим.

Кўриб қолдим у кун фидойи жонни,
Ҳар томон нур сочиб, қуёшдек уйғоқ.
Кўрган эдим, ахир, оддий инсонни,
Эрта-кеч меҳнатдан тинмади бироқ.

Билмадим, қаердан бунча шижоат,
Тонг билан уйғониб, кунни қилмоқ кеч.
Қалбидаги орзу ва эзгу ният
Оғушида қучиб қўйвормайди ҳеч.

Юрган йўлларида ундирди ниҳол,
Эккан гулларининг ифорин туйди.
Хотирида сақлаб юрар эҳтимол,
Унинг изларига боғ меҳр қўйди.

Яшашдан не маъно кўҳна дунёда,
Инсоннинг бошига тушар не савдо.
Эзгулик қилганнинг бахти зиёда,
Яхшилик абадий қолар мутлақо...

III

Эрта тонг оналар кўз очар илдам,
Муллатўрғайлар ҳам олар экан тин.
Тинмай шукр айтар оила – бирдам,
Ўғил-қизларининг ўқиши бугун...

Уларни жўнатиш керак энг аввал,
Тағин юмушлари яна бир талай.
Барига бир йўла улгурмоқ маҳол,
Она уддалайди, сира қийналмай...

Боболар тонг азон намоздан бўшаб,
Эл-юрт тинчлиги деб айлар дуолар.
Ҳаммасини билган олимга ўхшаб,
Шивирлаб қўяди мунис момолар...

Муаллим шашт билан синфга кириб,
Дарсни келган жойдан бошлаб кетади.
Қайси бир бурчакда ингранса ғариб,
Бойлари билдирмай ошлаб кетади.

Қурувчи бу тун ҳам қоқмайин мижжа,
Янги лойиҳасин пишитади хўп.
Деҳқоннинг юмуши мураккаб пича,
Бориб, унинг “олтин” кўлларидан ўп.

Ватан посбонлари ҳушёрдан ҳушёр,
Бургут кўзларини қоқмайди ҳатто.
Тунда қор кураган инсонлар бедор,
Ишини тугатмай кетмайди ҳатто...

Мана шу манзара, ёниқ манзара:
Аслида, ҳаётнинг бўлгани шулдир.
Яхши сўз айтилса ортидан, зора,
Яхшидан яхшилик қолгани шулдир...

IV

Чайқалиб боряпти дунё қайиғи,
Ҳушёр ҳам шундадир, мудроқ ҳам шунда.
Тинмай даҳшат солар шимол айиғи,
Қанча жонни олар бир осий тунда...

Гўдагининг муздек танасин қучиб,
Бир она дод солиб, сочин юляпти.
Боласининг ёпиқ юзларин очиб,
Дейди: “Тегманг, менинг ўлгим келяпти...”

Яна қаердадир очиққан бола,
Умидвор кўзларин юммоқда секин.
Қай юртни сел олди келганда жала,
Бу шу болакайнинг уволимикин?..

Тунни ёритайлик ёқиб зиёни,
Домига тортқилаб кетмасин уммон.
Тиндириб олайлик нотинч дунёни,
Тинчлик йўлин топсин бу нотинч замон.

Дунё омону тинч бўлсин десанг гар,
Юрагим, ухлама, баралла ҳайқир!
Болам истиқболи кулсин десанг гар,
Ғам келса титрама, баралла ҳайқир!

Ҳайқириб оқамиз биз мисли дарё,
Адолат бўлгунча ҳар бир ишга ёр.
Токи бу оламдан чекинсин рўё,
Ҳайқиргин, дунё ҳеч топмасин озор!..

Қалбингга муҳаббат ингунча ҳайқир,
Ҳайқир, кўзларингга ёш келгунича.
Ғаламис ўйлари тингунча ҳайқир,
Ҳайқир, ёмон иши фош бўлгунича.

Ҳайқиргин, қулоқлар келсин қоматга,
Бир овоз отилиб чиқсин ичингдан.
Кўнгил якун берсин эски одатга,
Дунё нажот топсин ҳайқириғингдан.

Кўргин қисмат ишин ҳикмат ила тенг,
Қувгин боши узра ғам – кўланкани.
Юрагим, агарда ҳайқирмасанг сен,
Мудроқлар босади азиз ўлкани...

Қалбингга умидлар чақир юрагим,
Парво ҳам қилмагин иғво гапларга.
Ҳайиқма ҳеч кимдан, ҳайқир юрагим,
Уйғоқлар ошиқсин бизнинг сафларга.

Нафис орзуларни маржондек териб,
Эзгулик йўлидан кетар биз билан!
Ўзининг кўксини тупроққа бериб,
Ватанни елкада тутар биз билан!

Юракни асрайлик то ёт кўзлардан,
Токи танда жон бор, ўзга паноҳ йўқ.
Ҳайқирган авлодлар қолсин бизлардан,
Биздан Ватан қолсин – абадий, буюк!

Ўтли ҳайқириқлар қолсин бизлардан,
Ҳайқирайлик, токи иқбол бўлсин ёр.
Ҳайқириқлар чиқсин бу бўғизлардан,
Мангуга ёд этсин бу дуни даввор!



Шодиқул ҲАМРО

Уйига қайтаётган одам

Ҳикоя

“Кўзларингни оч, ўрнингдан тургин, сенга хушхабар олиб келдим. Энди сенинг исминг Муайяд. Исминг ҳам, Муайядга айланганинг ҳам муборак бўлсин! Энди йўлга тушамиз, уйга қайтамиз, Муайяд...”

У қарийб қирқ кундан буён оғир дард хуруж қилганидан гоҳ ҳушига келиб, гоҳо ҳушини йўқотиб, жисму жуссаси оғриғу азоб ўтида қовурилиб ётган паллада дафъатан қулоғига чалинган овоздан кўзлари ўз-ўзидан чарақлаб очилиб кетди. Аммо у бу овоз қаердан эшитилгани, ким бунчалик сирли ва сеҳрли овозда гапираётганини англай олмади. Аслида айни дамда унга бу қизиқ эмасди, чунки у кўзларини йириб-йириб очганча, атрофга қўрқув ва ҳадик билан қараркан, кутилмаганда, ҳақиқатан ҳам, мўъжиза рўй бергани, анча пайтдан буён тинимсиз хуруж қилиб, жонидан тўйдирган дарддан туйқус халос бўлгани, жисму жуссаси пардек енгил тортиб, ўзини худди ҳавода учиб юргандек ҳис этаётгани, кўзига ҳамма-ҳамма нарса одатдагидан бошқача, тушдаги сингари сирли ва ғаройиб кўринаётгани, онг-шуури шунчалик тиниқ тортганидан энг паст товушлар, ҳатто ҳовли четида бир жуфт мусичанинг бир-бирига нозли кукулаши, дарахт япроқларининг оҳиста тебраниши, нариги уйда икки аёлнинг пичир-пичир гаплашаётгани ҳам қулоғига аниқ-тиниқ чалинаётганидан ҳайратга тушди. Ҳа, чиндан ҳам, мўъжиза рўй берган, у кутилмаганда, гўёки бошқа дунёга тушиб қолганди, о, йўқ, у умри қоронғи ва рутубат босган зиндонда тутқинликда ўтган, тақдирим шу экан, дея шўриш тортган бу қисмату аъмолига кўникиб қолган, ишончу орзуси буткул сўнган, бу тузоқдан халос бўлиш, ёруғликка чиқишига аллақачон умид ҳам қилмай қўйган, аммо кунлардан бир кун сира кутилмаганда зиндоннинг маҳобатли эшиклари шарақлаб очилиб, озодликка чиққан маҳбус сингари нима қилишни билмай довдираб қолганди.

У найзадек санчилаётган нурдан кўзлари қамашиб, атрофга ҳадиксираб қараркан, кутилмаганда, яна ўша овоз эшитилди: “Сенинг исминг энди Муайяд. Исминг ҳам, Муайядга айланганинг ҳам муборак бўлсин! Ортимдан юр, уйга қайтамиз, уйга, Муайяд”.

Шодиқул ҲАМРО – *1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Суратдаги аёл”, “Қақнус қанотидаги умр”, “Муаззам” каби китоблари чоп этилган.*

Муайяд бу овозни эшитиб, бир қалқиб тушди ва шоша-пиша аланглаб, атрофига назар ташлади, аммо овоз қаердан келаётгани, ким бунчалик афсунгар оҳангда гапираётганини англай олмади.Чунки на ерда, на кўкда бирон-бир кимсанинг қораси кўринмас, овоз гўёки шаффоф тортган ҳавонинг қат-қатида сузиб юрарди. Ким билади, эҳтимол бу овоз ўзининг вужудидан, юрагининг кўз илғамас сарҳадларидан таралаётгандир. Балки у ҳув олис-олислардан, етти қават осмоннинг ортидан эврилиб-гувраниб келаётгандир.

Ҳар қалай, нима бўлган тақдирда ҳам, Муайяд умри бино бўлиб, қулоққа чалинган заҳотиёқ худди Масиҳ нафаси сингари қотган дийдаларни юмшатадиган, қабарган кўнгилларга қайта жон бағишлайдиган, қудратли куч сингари бирдан фикр-хаёлини забт этиб, ўз изму ихтиёрига солиб оладиган бундай афсунгар овозни ҳеч қачон эшитмаганди.

О, йўқ, бу овоз илоҳий оят сингари салобат билан юракларга юк солиб янграрди, унинг жаранги олдида булбулнинг хониши ҳам, сувнинг майин шилдираши, эпкиннинг нозик саси, майсанинг оҳиста тебраниши, ёмғирнинг ёқимли шитир-шитири ҳам ўз-ўзидан хунук тортиб қоларди.

Йўқ, йўқ, бу шунчалар қудратли ва мўъжизакор овоз эдики, у дафъатан таралса, дунё туйқус карахт тортгандек сукутга толар, қутуриб эсаётган бўронлар ҳам, шаррос ёғаётган ёмғирлар ҳам бирдан тинар, салобат билан қад ростлаган тоғлар ҳам ўз-ўзидан увоқланиб қум зарралари сингари сочилиб кетар, ишва ва ноз билан чақчақлаб бетиним сайраётган қушлар ҳам худди уялгандек бирдан бошини қанотлари остига яшириб олар, хушбўй ифор таратиб, ифори дунёни масту мустариқ этадиган анвойи гуллар эса, хижолат тортгандек туйқус эгилиб қоларди.

Бу қудратли овоз унга Муайяд деган исмни ато этган, худди ташландиқ бола сингари кир-чирга ботган, ҳеч қачон меҳр кўрмаган, илиқ сўз эшитмаган, мудом таъна-дашному маломатлардан боши чиқмаган, адашиб-дайдиб юрган руҳини бу чирқин дунёнинг чангалидан халос этганди.

* * *

“Уйга қайтиш фурсати етди, Муайяд. Ортимдан юр, йўлга тушамиз”.

Шу овоз таъсирида Муайяд итоаткор тарзда уйдан чиқди.

Аммо у энди остона ҳатлаётганда уй ичини аёлларнинг – уларнинг орасида хотини ва синглиси ҳам бор эди – уввос тортиб йиғлаган овози тутиб кетди, улар гўёки Муайяд уйни тарк этаётгани, энди у ҳеч қачон қайтиб келмаслигини сезгандек, алам ва изтироб билан ўкраб-ўкраб йиғлашар, йиғлай туриб, ҳирқироқ товушда алам билан алланималар деб дийдиё қилиб қўйишарди. Муайяд худди ҳаммаси шундай кечишини олдиндан билгандек, аёлларнинг алам ва изтиробдан ўзини унутганча йиғлаётганига эътибор бермади, ҳатто бошини ўгириб, уй ичига қарашга ҳам ҳафсала қилмай, дарвозахона томон юрди.

Ҳовлининг темир дарвозаси икки табақаси ҳам аллақачон ланг очиб қўйилган, дарвозахонада эса, узун ўриндиқда эгнига тўн, бошига дўппи кийган ва белларини қийиқчалар билан боғлаб олган ўн чоғли киши – улар қариндош-уруғи ва қўшнилари эди – бошини эгиб, ғамгин қиёфада ўтирарди. Муайяд уларга назар ташларкан, туйқус ўртада укасининг қаватида ўтирган ўғлига кўзи тушди-ю, бирдан юраги ҳапқириб кетди ва беихтиёр юришдан тўхтаб, унга тикилиб қолди: рости гап, у айни дамда ўғлини кўриб турганидан туйқус қувониб кетган ва унга аллақандай

меҳри тобланиб қарарди. “Бугун келмаса керак, деб ўйлагандим, – дея кўнглидан кечирди у, – хайрият, худди билгандек, етиб келибди...”

У якка-ю ёлғиз ўғлини анча пайтдан буён илҳақ кутган, айниқса, жисму жуссасини илондек ўраб-чирмаб олган дард кўз очирмай қўйган дамларда ҳам алаҳсираган кўйи уни қайта-қайта сўраган, ҳатто топинглар, дея худди ёш боладек хархаша қилганди. Аммо у ҳар гал оғриқ ва азобдан инграган кўйи ўғлини сўраганда, боши устида ўтирган хотиними ё синглиси худди айбдордек кўзларини олиб қочганини кўриб, ҳаммасини сўзсиз тушунар, юрагининг туб-тубида милтираб турган ишончу умиди ҳам сўниб, кўзларини ожизгина юмиб оларди.

Ўғли бундан чамаси, бир йилча муқаддам қишлоқда аллақаёқдан пайдо бўлган, соч-соқоли ўсиб кетган, иркит қиёфадаги девонабашара бир кимсанинг ортидан эргашиб кетган ва шу кўйи қайта қорасини кўрсатмаганди, у қаерларда дайдиб-сандироқлаб юргани, қандай юмуш билан банд экани ва қачон уйга қайташини ҳеч ким билмасди.

Ўшанда бу девонабашара кимса қишлоқда баҳорнинг ёғин-сочинли кунлари ортда қолиб, ёзнинг иссиқ тафти кезинаётган пайтда кутилмаганда пайдо бўлган,

---

Булоқнинг кўзи

Таниқли адиб Шодиқул Ҳамронинг “Уйига қайтаётган одам” ҳикояси рамзлар, тимсоллар асосига қурилган. Оғир дард хуружидан қирқ кунда (қирқ кун ҳам рамз) халос бўлиш ва уйига – мангу ватанига, ҳақиқий ватанига қайтиш асар қаҳрамонларидан бири – Овознинг ундовига кўра янги исм билан йўл тутган Муайяднинг тақдири банибашарнинг, дунёнинг тақдири сифатида намоён бўлган. Борлиқ олам – қоронғи зиндон, тузоқ, боқий олам – озодлик сифатида тасвирланади. Муайяд янги оламга ўтган сари ёруғлик ва нурга кўпроқ чўмаверади. Бу ўринда диний тушунча ва тасаввурлар муаллифнинг бадиий қўшимча-призмаси орқали асарга кўчгани кузатилади.

Асардаги Девона – бугунги давр тимсоли. У гоҳ худ, гоҳ бехуд. Адашади, йўлини йўқотади. Нима тўғри, нима нотўғри, нима қора, нима оқ эканини яққол фарқлашга ожиз. У дарахтларнинг илдизларини ковлаб олиб гулхан ёқади, шу ўтда исинади, гулхан атрофида жазвага тушади. Дарахт ва илдиз – бу тарих, ўзлик, ота-боболаримиздан мерос қадриятлар, миллат тийнатидир. Буларнинг барчасини наслнасабининг тайини йўқ Девона ёқиб, кулини баданига суртиб, роҳатланади, лаззатланади. Бу тасвирлар кўчма маънода бугунги давр воқеаларининг параллелига ўхшайди.

Девона қишлоқ (ватан рамзи) ёшларини, Муайяднинг ўғлини ҳам ўзига эргаштириб кетади. Уларни бошқа, бегона йўл-кўчаларга олиб киради ва болаларни ўзига ўхшаган на ота-онасини, на тупроқ-заминини тайини бўлмаган тўдага айлантиради. Энди келажак, авлод бузилади. Гарчи асарда Муайяднинг ўғлининг келгуси тақдири аниқ чизилмаса-да, у айниб, ўзини йўқотиб қўйганига ингичка ишора мавжуд.

“Ҳамма бало-қазони у бошлаб келади, – деганди ўшанда момоси. – Унинг қадами теккан жой худди қарғиш теккандек қуриб-битади. Унинг битта кўзи бор, у ҳам бўлса, пешонасида. Аммо уни таниб олиш, кўзи пешонасида эканини кўриш ҳаммага ҳам насиб этмайди...”

Ёзувчи асарда Девонанинг зиммасига ана шу “бир кўзи бор”нинг вазифасини юклаган. Унинг жазоси муайядлар чекига тушади.

унинг бетартиб ўсиб кетган ва паталак босган соч-соқоли қиёфасига қўрқинчли тус бериб турар, эгнидаги кийимлари ҳам буткул кир-чирга ботиб, яғири чиққан, елкасида хуржунга ўхшаш тўрвани илиб олганди. Одамлар унга кўзи тушиб, ризқ-насибасини териб юрган девона бўлса керак, қишлоқда бир-икки кун ивирсиб юради-да, сўнг яна йўлига равона бўлади, дея ортиқча эътибор беришмаганди.

Аммо орадан бир ҳафта ўтса-да, ҳалиги девона аллақаёққа равона бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, қишлоқ четидаги ташландиқ тегирмон ёнидаги деворлари нураб, тўкилиб қолган уйчани ўзига бошпана қилиб олганди.

Аслида унинг ҳеч кимга зиён-заҳмати тегмасди, у баъзан тўрвасини елкасига ташлаб қишлоқ оралаб қолар, ҳеч кимга сўз қотмас, ҳатто зорланганча дийдиё қилиб, хайр-садақа ҳам сўрамасди, одамлар азбаройи раҳми келиб берган яримта нонми ёки бошқа егуликларни индамайгина олиб, тўрвасига солар ва яна йўлига равона бўларди. Кўпинча эса, у хароба уйчадан ташқарига чиқмас, чамаси, қаттиқ толиққан одамдек, уйқудан бош кўтармасди. Бироқ орадан кўп ўтмай маълум бўлдики, бу девонанинг ғалати одати бор экан: у дарахтларнинг томирини ковлаб

Муайяд Гўрков билан Мулланинг гап-сўзини эшитиб ётибди. Ушбу суҳбатда дунё бино бўлганидан буён давом этаётган Нафс ва Аъмол, Манфаат ва Олижаноблик ўртасидаги зиддият ва можаро муаллифнинг ўзигагина хос шаклда, хос тарзда ифодаланганки, мазкур ўринда ёзувчининг услуби бўртиб кўринади: "Унинг назарида, умри кечган қишлоқ худди суви аллақачон айниб, бадбўй ҳид тарата-ётган ҳовузга ўхшарди. У ҳали Муайядга айланмаган пайтларида буни ҳеч қачон сезмаган, ҳатто бир лаҳза бўлса-да, хаёлига келтирмаган, аксинча, худди ўлжа ташлашаётган ёввойи қабила сингари одамлар билан олчоқларча талашиб-тортишиб, ёқа бўғишиб, жон-жаҳди билан шу гўша томон интилган, ҳар доим, ҳар дақиқада бу маконда узоқ-узоқ қолиб кетиш илинжида елиб-югурганди.

У шуларни хаёлидан ўтказаркан, умри ғафлатда кечганини англади-ю, бутун вужудини азобли оғриқ ўраб-чирмаб олди".

Янги жойда Муайядга етти нафар (рамзий рақам) оқ кийган "киши" пешвоз чиқади. Муайяддан нариёқдаги булоқнинг кўзини ёпиб келган-келмагани сўрашади. Булоқ – тимсол, у ҳаёт, инсонийлик, эзгулик, яхшилик тимсоли. Булоқ – ёш авлод, фарзандлар, келажак тимсоли... Муайяднинг ўғли бетайин телба билан уйидан чиқиб кетган... Ота-онадан кечган.

Ёзувчи асарда Булоқнинг кўзи ёпилган ё ёпилмаганини очиқ-ошкора таъкидламайди. Назаримда, бу борада ҳукм чиқаришни ўқувчининг ихтиёрида қолдиради.

Ҳикоянинг мазмун-моҳиятида назарда тутилган ғоя учун Муайяд жавоб беради, у оловда ёнади.

Ҳикоя тили табиий, ўзбекона, ифода услуби роса ишланган, пишиқ-пухта. Матн равон ўқилади.

Бир қарашда замон ва макони ноаён туюлган ушбу ҳикоя сюжети барча замон ва маконлар учун универсал мезон сифатида кўринади.

Салим АШУР

олиб, ҳафсала билан олов ёқар, сўнг ловуллаб ёнаётган гулхан атрофида қўлларини ҳавода телбавор силкитганча, лўкиллаб ўйинга тушарди. У гулхан атрофидан айлана туриб, худди афсунгардек, тушуниксиз тилда оловга қараб алланималар деб шивирлаб қўяр, бундай пайтда унинг кўзлари аллақандай ёвуз чақнаб кетарди. У олов атрофидан шаррос терга ботганча бетиним айланаркан, баттар жазавага тушиб борар, баъзан бутун жисму жуссаси жунбушга келгандек, осмонга қараб оғзини катта-катта очганча, қўрқинчли овозда қийқириб юборарди.

Бу ҳали ҳаммаси эмасди, оловнинг чўғи сўниб, кулга айлангач, бундан ҳам ғалати воқеа рўй берарди: афтидан, бу девона гулхан атрофидан айланавериб, буткул эси оғиб, нима қилаётганини ҳам билмай қоларди, шекилли, эгнидаги шалвираб қолган кийимларини апил-тапил ечиб бир четга улоқтирарди-да, чўғи ўчган оловнинг кулини ҳафсала билан танига суртишга тушарди. У ҳовучи тўла кулни баданига ишқаларкан, бундан гўёки вужуди тийиқсиз лаззат туяётгандек, оғзини катта-катта очган кўйи, “Оооо...” деб юборарди. Ҳадемай у бош-оёқ кулга беланар ва ҳансираб-ҳансираб нафас олганча, бир четда чўзилиб ётиб оларди.

Қишлоқда текин томошага ўч одамларга тап-тайёр эрмак топилган, улар девонанинг ақлга сиғмайдиган алмойи-жалмойи қилиқлари, унинг гулхан атрофида шаррос терга ботган кўйи лўкиллаб-лўкиллаб ўйинга тушиши-ю, сўнг буткул эсини йўқотиб қўйгандек, бош-оёқ кулга беланишига қараб туриб, ўзларини тутолмай қотиб-қотиб кулишар, алланималар дея майна-масхара қилганча қийқириб қўйишарди. Девона эса, одамлар ўзидан кўз узмай турганини, ҳатто очиқ-ошкор устидан кулиб, майна-ю масхара қилаётганини парвойига ҳам келтирмасди, у гулхан атрофини айланиб, ўйинга тушишу, танини кулга белашга шунчалик берилиб кетардики, ҳатто атрофига шунчаки кўз қирини ҳам ташлаб қўймасди.

Фақат қишлоқ болалари ҳақида бундай деб бўлмасди, улар аввалига девонанинг ажабтовур хатти-ҳаракатларини узоқдан аллақандай қўрқув ичида ҳадиксираб кузатиб юришди. Унинг ёнига йўлашга юраклари дов бермас, кўча-кўйда рўбарў келиб қолишганда ҳам, бирдан ранг-кути учиб, қочиб қолишарди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай нимадир рўй берди-ю, ҳаммаси бирдан ўзгариб кетди: болалар ичларига кириб олган қўрқув ва ваҳмни ҳам унутганча, чувуллашиб, девонанинг ортидан изғиб юрадиган, ҳатто азбаройи қизиқиш ва иштиёқлари устун келиб, гулхан атрофида ўйинга тушадиган одат чиқаришди.

Афтидан, ҳамма гап девонанинг ўзида эди. Аниқроғи, у одамлар ўйлаганидек, ақлу ҳуши оғиб қолган далли-девона, сайёҳ дайди эмас, балки зимдан ишини битирадиган ўлардек писмиқ кимса экан. У сеҳр-жоду қилдими ё бошқача йўл тутдими, хуллас, болаларнинг бош-кўзини айлантириб, ўзига оғдириб олди.

Болаларнинг девонага садоқати жуда баланд эди. Улар ота-оналарининг уришиб-койиши-ю жаврашларига ҳам парво қилишмас, кун узоғи шу саёқ дайдининг атрофида ўралашиб юришарди.

Бир тун эса, қишлоқ кутилмаганда, жимжит тортиб қолди. Бундан ҳамма ҳайрон бўлди. Эртаси кун одамлар сўраб-суриштириб билишса, ҳалиги девона бир тўда болаларни ортидан эргаштириб, ими-жимида аллақаёққа бош олиб кетган экан. Ким билади, балки қишлоқда гулхан ёқишга арзийдиган дарахтларнинг томири тугаб қолдими ёки ҳадеб бир гўшада ивирсиб юриш жонига тегдими, хуллас, девона кутилмаганда, сирли тарзда ғойиб бўлганди. Унинг ортидан эргашиб кетган болалар орасида Муайяднинг якка-ю ёлғиз ўғли ҳам бор эди...

Шундан буён орадан анча вақт ўтди, аммо болалар қишлоққа қайтиб келмади.

Ўшанда Муайяд негадир ўғлининг девона билан бирга кетиб қолганига ортиқча эътибор бермади. Сандироқлаб юриш жонига тегса, бир кун бошини эгиб, қайтиб келади, келмай қаёққа ҳам борарди, деган ўйда хотиржам юрганди. Аммо у кутганидек, ўғли қайтиб келмади. Фақат бугун ўғли худди олдиндан билгандек, аллақаёқдан пайдо бўлибди. Эҳтимол, кимдир, балки тоғаси ё қариндошларидан бири овора-ю сарсон бўлиб уни аллақаердан излаб топиб, ҳол-жонига қўймай уйга бошлаб келгандир. Балки, ўғлининг ўзи ҳадеб девонанинг ортидан изғиб юриш жонига теккач, ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтаганча уйига қайтиб келгандир.

Муайяд буни аниқ билмасди, аммо у ўғлига тикилиб қараркан, айни дамда ҳам унинг хаёли ўзида эмасди. У худди адашиб бегона жойга келиб қолган ва ҳали нималар рўй берганини тузук-қуруқ англаб етмагандек, кўру карахт алфозда ўтирганини кўрди-ю, юраги совуқ тортиб кетди.

Бунга ҳозир унинг ўзи ҳам ҳайрон қолади, бошқа маҳал, айтайлик, тўрт мучаси соғ, оёқда эмин-эркин юрганида эмас, балки кутилмаганда дард қаттиқ хуруж қилиб, икки дунё орасида – аросатда ётганда, негадир ўғли сира хаёлидан нари кетмаган, туну кун у ҳақида ўйлади. Дард бир томон, ўғли бир томон бўлиб, вужудини аёвсиз қақшатган, юраги азобу изтиробга тўлиб кетган ва ана шундай таҳликали паллада туйқус онг-шуури ёришиб, савқи табиий тарзда ҳамма-ҳаммасини – анави турқи совуқ девона нега дарахтларнинг томирини ковлаб олиб, гулхан ёқиши ва ундан тийиқсиз лаззат тўйиши, бунда қандай сир-синоат борлиги, нега болаларнинг бош-кўзини айлантириб, ўзининг изму ихтиёрига солганча, аллақаёқларга эргаштириб кетганини англаб етган ва аламу ўкинчдан титраб-қақшаганча хаёлан ўғлини бу йўлдан қайтаришга уринган, унга барча-барчасини қайта-қайта тушунтирган, панд-насиҳат қилган, танбеҳ берган, уришиб койиган, аммо сўзлари ҳавога учиб бесамар кетаётганини кўргач, ўзини тутолмай йиғлаган кўйи ялиниб-ёлворган, тавалло қилганди.

У ёстиқдан бошини кўтаролмай алаҳсираган кўйи хаёлан жон-жаҳди билан ўғлини уйга қайтаришга интиларкан, юрагининг бир четида ёлқинланиб турган қасос ўти таъсирида, ҳали-ҳануз гулхан атрофида лўкиллаб ўйинга тушаётган девонага кутилмаганда, ҳамла қилар, унинг паталак сочидан тутиб, аёвсиз судраб юрар, уриб-тепкилар, сўнг чалажон аҳволга тушгач, уни ўзи ёққан гулхан қаърига ғазаб билан итқитиб юборарди. У оловда ёнаётган девонанинг оҳу фарёди, ялиниб-ёлвориши, тавбаю тазарру қилишини тингларкан, юрагидаги қасосу интиқом ўти босилиб, бутун вужуди роҳат олаётганини ҳис этарди.

У аросат остонасига бошини қўйганча, қуюндек тўзғиган хаёллар қуршовида девонани минг марта ўтда ёққан, минг марта унинг оҳу ноласи, ялиниб-ёлвориши, тавбаю тазааррусини тинглаб, лаззат туйганди.

Бир сафар у қаҳр-ғазаб билан девонани гулхан қаърига итқитаётиб, сира кутилмаганда, умри давомида ҳеч қачон эсламаган ва хотирасидан аллақачон ўчиб кетган, ҳув болалигида момоси айтган сўзлар бирдан ёдига тушганди. Бу шундай ғайритабиий тарзда рўй бергандики, у катта шол рўмол ёпинган, енглари узун кўйлак кийган момосининг сўзларини худди қаршисида тургандек, аниқ эшитганди:

– Ҳамма бало-қазони у бошлаб келади, – деганди ўшанда момоси. – Унинг қадами теккан жой худди қарғиш теккандек куриб битади. Унинг битта кўзи бор,

у ҳам бўлса, пешонасида. Аммо уни таниб олиш, кўзи пешонасида эканини кўриш ҳаммага ҳам насиб этмайди...

У момоси шу гапларни айта туриб, туйқус қўрқув ва таҳликага тушиб, шошапиша аллақайси дуоларни пичирлаб ўқишга тутинишини ҳам эслаганди.

Муйаяд беҳол инграган кўйи момоси айтган ҳалиги кўзи пешонасидаги махлуқ ҳақида ўйлаётиб, туйқус хаёлида дарахт томирларидан гулхан ёқиб, унинг атрофида лўкиллаб ўйинга тушаётган девонанинг иркит қиёфаси пайдо бўлганди...

Буларнинг бари унинг безовта тортган хаёлида худди тушдаги каби сирли тарзда кечган, у қарийб қирқ кун дунёдан узилиб, аросатда ётганда, девона билан қайта-қайта юзланган, ҳар гал уни мағлуб этиб, интиқом олганда, вужудида чексиз мамнунлик туйганди. Қувончдан энтикиб, ўз-ўзини овутган, алағда кўнглига таскин-тасалли берган, сўнг эса, кутилмаганда, еру кўкни титратиб, афсунгар овоз янграб, ҳамма-ҳаммаси ўзгариб кетган ва у Муайядга айланиб қолганди.

Муайяд алланимадан безовта тортиб, тоқатсизланиб ўтирган ўғлига қараб-қараб, ҳовлидан чиқди-да, тупроғи тўпиққа урадиган тор йўлдан қишлоқ ўнгиридан оқиб ўтадиган дарё томон йўл олди, йўқ, тўғрироғи, ҳалиги овоз уни шу томонга бошлаб кетди.

* * *

Муайяд қишлоқдан чиқаётиб, пешонаси ерга теккудек бир алфозда ўт орқалаб келаётган гўрковни учратиб қолди. Ва шу чоғ кутилмаганда, ортидан кимнингдир зардали овози эшитилди:

– Ҳой, гўрков, бугун жаноза борлиги эсингдан чиқдими?! Ҳамма сени излаб юрибди, бирор жойдан қорангни топиб бўлмайди. Ҳадемай шом тушиб, майит кўмилмай қолса, гуноҳи бўйнингга тушишидан қўрқмайсанми?

Бу қишлоқ мулласининг овози эди.

– Менсиз кунларинг ўтмайди, – деди гўрков минғирлаганча бошини кўтариб муллага қараркан. – Фақат гўр қазиш зарур бўлса, мен эсларингга тушаман. Бошқа пайт бирон кимса одам ўрнида кўрмайди. Яна дағдаға қилишини кўринг...

– Бўлди, ҳадеб нолийверма, – деди мулла дарров муросага ўтиб. – Ҳали оғиз очмай туриб, нолишга тушасан. Савобни ҳам эсингдан чиқариб юборибсан.

– Эй, савоб билан қорин тўядими? – деди гўрков баттар тутақиб. – Тупроққа беланиб, кун-бўйи лаҳад қазийсану, эвазига қўлингга тўртта чақа тутқазишади. Яна ўлганнинг устига тепгандек, нариги дунёда савобини оласан, дейишади. Эҳе, ўша савобингни ҳам...

– Энди кўп нолийверма, – деди мулла жеркигандек оҳангда. – Ҳамма сени кутиб турибди, имилламай тезроқ юр!

Мулла яна алланималар дея гўрковни койиганча, қишлоқ томонга ўгирилди-да, тез-тез қадам олиб йўлга тушди.

Гўрков ҳам норози оҳангда тўнғиллай-тўнғиллай, унинг ортидан эргашди.

Муайяд тўхтаган жойида тошдек қотиб қолганди. Қимир этишга ўзида мажол сезмасди: мулла билан гўрков ўртасидаги можарони эшитиб, у буткул эсанкираді. Йўқ, йўқ, айни дамда у ўзини худди кимдир боши устидан ҳақорату таъна-дашномлар ёғдирган, маломатларга кўмиб ташлаган, шаънини аёвсиз топтагандек ҳис этар, юраги алам ва ўкинчга тўлиб, хўрлиги келарди.

У илгари, ҳали Муайядга айланмаган, қишлоқнинг жоҳил ва олчоқ одамлари орасида умргузаронлик қилган кезларда бундай можаро-ю машмашаларни деярли ҳар куни эшитар, унинг ўзи ҳам бундай қабилдаги гап-сўзларни айтган, аммо бунда кўнгилга тошдек оғир ботадиган, кўнгилни хира қиладиган бирон-бир ёмонлик аломати борлигини ҳеч қачон хаёлига келтирмаганди.

Аммо энди унинг исми Муайяд эди, у аллақачон Муайядга айланган ва у дунёга Муайяднинг нигоҳи билан назар ташларкан, кечагина у бутун вужуди билан интилган, кўнглини қувонтирган барча-барча нарсаларнинг ранг-туси, маъно-моҳияти туйқус ўзгариб, аянчли ва хунук тортиб қолганди. Унинг назарида, умри кечган қишлоқ худди суви аллақачон айниб, бадбўй ҳид таратаётган ҳовузга ўхшарди.У ҳали Муайядга айланмаган пайтларида буни ҳеч қачон сезмаган, ҳатто бир лаҳза бўлса-да, хаёлига келтирмаган, аксинча, худди ўлжа ташлашаётган ёввойи қабила сингари, одамлар билан олчоқларча талашиб-тортишиб, ёқа бўғишиб, жон-жаҳди билан шу гўша томон интилган, ҳар доим, ҳар дақиқада бу маконда узоқ-узоқ қолиб кетиш илинжида елиб-югурганди.

У шуларни хаёлидан ўтказаркан, умри ғафлатда кечганини англади-ю, бутун вужудини азобли оғриқ ўраб-чирмаб олди.

“Вақт ғанимат, йўлга тушамиз, Муайяд”.

Дафъатан қулоғига чалинган овоздан у бирдан ҳушёр тортди. Қоп-қоронғи тортган кўнгли ёришиб кетгандек бўлди ва яна йўлга тушди.

Овоз уни дарё бўйига бошлаб келди. У шарқираб оқаётган сув бўйидаги саҳни чоғроқ супадек келадиган улкан тош – у эсини танигандан буён бу улкан шу жойда турар, уни на қишнинг аёзли изғирини емириб адо қилган, на баҳорги тошқинлар ўрнидан қимирлата олганди – устига кўтарилди ва дарахтлар билан бурканган, у ер-бу ерда уйларнинг томи оқариб кўринаётган қишлоқ томон ғамгин назар ташларкан, дафъатан Муайядга айланиб, қаримсиқ ва маккор дунё усталик билан қўйган тузоқдан озод бўлганидан қувониб кетди.

Ҳа, унинг исми Муайяд эди, бу исм ҳам, жисму жуссаси шаффоф тортиб, Муайядга айлангани ҳам ўзига ёқар ва энди у суюқоёқ аёлнинг тўшагидек фаҳш ва разолатга ботган қишлоққа қайтишни ҳеч қачон истамасди.

У ана шундай хаёлларга ғарқ бўлиб, анча пайт улкан тош устида турди. Кутилмаганда, яна ўша овоз янгради: “Уйга қайтиш фурсати етди, Муайяд! Бошингни баланд тут, кўзларингни кўк сари тик, уйга қайтамиз!”

Муайяд улкан тош устида соме турганча, бутун вужуди билан бу овозга қулоқ тутар, уни тинглаган сайин тош қотган дийдаси, о, нафақат дийдаси, балки бутун вужуди мумдек эриб борар, кўзларидан шовуллаб қуйилаётган кўзёшлари юзини ювиб тушарди.

– Наҳотки, сўзда ҳам шунчалик сеҳру жозиба, латофату қудрат жам бўлса? Жон оладиган ҳам, жон ато этадиган ҳам сўз деб шунга айтадиларми?!

Муайяд бу ўй-хаёлига қандай келганини ўзи ҳам билмайди, аммо селу селоб бўлиб ҳалиги овозни тингларкан, кутилмаганда, кўнглида бу қудратли овоз соҳибини кўриш, ҳеч қурса, унинг жамолига бир қур назар ташлаш истаги пайдо бўлди. Шу боис у кўзларини катта-катта очганча ён-атрофига, пойида шарқираб оқаётган дарёга ва осмонга умиду илинж билан аланглаб қаради, аммо ҳеч кимни тополмади.

– Бу овоз соҳиби нега кўриниш бермайди? У қандай сирли хилқат ўзи? Қаерлардан келаяпти бу овоз? Ерданми, кўкданми ёки шарқираб оқаётган сувнинг, ғир-ғир эсаётган ёқимли шабаданинг овозими бу?!

“Фурсат етди, энди уйга қайтамиз, Муайяд!” дея овоз янграган заҳотиёқ Муайядни қандайдир қудратли куч тош устидан оҳиста кўтариб, кўк сари шитоб билан учириб кетди.

Муайяд ақлбовар қилмайдиган тезликда шиддат билан юқорилаб борар, аммо у сира қўрқув ва ваҳимага тушмас, худди кимдир авайлабгина бағрига босиб кетаётгандек, ўзини хотиржам ҳис этарди. Ҳадемай еру замин кўздан ғойиб бўлди. У бошини қуйи эгиб, пастга қараганда, кулранг булутлар кўрпадек тўшалиб ётганига кўзи тушди.

Муайяд шундай алфозда қанча вақт учганини аниқ билмайди. Унинг назарида, дарё бўйидаги тош устидан осмонга кўтарилганидан буён орадан бор, йўғи бир неча лаҳза ўтгандек туюларди. У шитоб билан юқорилаб бораркан, ғир-ғир эсаётган шамолдан жисму жуссаси роҳатланар, яна узоқ-узоқ учишни истарди.

У осмоннинг аллақайси қаватига етганда, кўз олдини кутилмаганда, ям-яшил ранг худди парда каби тўсиб олди: ҳаммаёқ ям-яшил тусга кирган. Бу ранг шунчалик тиниқ ва шаффоф эдики, юқоридан ёғилаётган нурдан жимир-жимир тобланиб, кўзни қамаштирар, узоқроқ тикилишга имкон бермасди. Муайяд бу ям-яшил уммон қаердан пайдо бўлгани, бу қандай сир-синоат эканига сира ақли етмас, фақат ҳайратга тушганидан энтиккан кўйи, шитоб билан учиб борарди. О, бу яшил макон худди мавжланган денгиз каби солланиб ётар, Муайяд ҳам аллақачон ям-яшил тусга кирганди.

У, чамаси, бу яшил уммон оралаб яна анча пайт шитоб билан юқорига кўтарилди. Бир чоғ учишдан тўхтаб, оёқлари юмшоқ нарсага текканини сезди ва шошиб кўзларини очди: унинг қаршисида ям-яшил ўт-ўлан билан қопланган чексиз яланглик ястаниб ётарди. Осмонда гарчи қуёш кўринмаса-да, ҳаммаёқни ёп-ёруғ нур чўлғаб олганди. Ҳайратланарли томони шундаки, худди кекса боғбон меҳру маҳорат билан парвариш қилгандек, ялангликнинг қоплаган ўт-ўланларнинг бўй-басти бир хил, бир текис, ранги ҳам шунчалик тиниқ ва шаффоф эдики, беихтиёр кишининг ҳайрату завқини қўзғарди.

Яланглик узра аллақандай сирли сукунат чўккан, тиқ этган товуш қулоққа чалинмас, фақат майин шабада эсиб, ўтлар худди нозлангандек оҳиста-оҳиста тебраниб қўярди.

Муайяд лолу ҳайрон алфозда ялангликка тикилиб қолди: у айни дамда нима қилишни, қайси манзилни қора тортиб йўлга тушишни билмасди, о, йўқ, тўғрироғи, ич-ичидан тоқатсизланиб, ўзини бу сирли маконга бошлаб келган бояги қудратли овоз бутун вужудига титроқ солиб, яна янграшини кутарди.

У айни дамда бу овоз ҳадемай яна қулоғига чалинишига ва ўзини яна қандайдир ақлни шошириб қўядиган сирли хилқатлар томонга бошлаб кетишига сира шубҳа қилмасди. Фақат юраги ҳапқириб, интиқлик билан яна ўша афсунгар овоз қулоғига чалинишини кутиб турарди.

Аммо нимадир рўй бердими ёки сирли овоз уни унутиб қўйдими, орадан анча фурсат ўтганига қарамай, унинг қулоғига тиқ этган товуш чалинмас, ҳаммаёқни оғир жимлик қоплаб ётарди.

Муайяд тоқатсизланиб, мушкул аҳволга тушиб қолди. Овоз қулоғига чалинмаётганди ва у энди қандай йўл тутишни, қайси манзилни мўлжал тортиб юришни билмай аросатда турган пайтда, ялангликнинг нариги томонида, кўз элас-элас илғайдиган жойда оқ матога ўралиб олган бир тўда одамга кўзи тушиб, бирдан хушёр тортди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бир тўда одам олисдан ўзига томон шошиб кела-

ётган, улар бош-оёқ оппоқ ҳарир матога ўраниб олганидан худди яланглик бўйлаб бир уюм оппоқ булут сузиб келаётганга ўхшарди. Ҳадемай улар кўзга аниқ-тиниқ ташланиб қолди: улар етти нафар эди. Оқ матога буткул ўралиб-чирманиб олишганидан, фақат юзлари хиёл қорайиб кўзга ташланар, афтидан, еттовлон нимадандир кечикиб қолишдан чўчигандек, юз-кўзларини хавотир ва ҳадик билан, ҳаллослаб югуриб келишар.

Шамолдек елиб келган еттовлон ўн қадамча нарида кутилмаганда, бирдан тўхташди ва унга аллақандай безовта ва хавотирли нигоҳ билан тикилиб қолишди.

– Бу ғалати одамлар қаёқдан пайдо бўлди? Ким улар ўзи, нега унга бундай таҳдидли тикилишади? Уларнинг мақсад-муддаоси нима? – Муайяд хаёлидан кечаётган саволларга жавоб тополмай, еттовлонга қўрқув билан чўчинқираб қараб турарди.

Афтидан, еттовлон Муайядни айни шу фурсатда ялангликда пайдо бўлишини олдиндан билган ва унинг истиқболига пешвоз чиқиш учун бу ёққа шоша-пиша етиб келганга ўхшарди. Ким билади, эҳтимол, улар ушбу фурсатни узоқ вақтдан буён кутиб юришган ва ниҳоят, бугун муродлари ҳосил бўлгандир.

Ҳар қалай, нима бўлган тақдирда ҳам, еттовлон бу ерга айнан Муайядни излаб келгани ва ундан алланимани сўраш учун тараддудланиб тургани аниқ эди.

Еттовлон Муайядга бош-оёқ тикилиб туришди-да, сўнг ўртада турган, бўйи хиёл новчаси кутилмаганда сўз қотди:

– Муайяд, – деди у хирқироқ овозда ҳаяжонланган кўйи. Унинг овозида хавотир ва ҳадик аниқ-тиниқ сезилиб турарди. – У ёқда булоқнинг кўзини ёпиб келмадингми, ишқилиб?!

Муайяд бирдан сергак тортди. Кўзларини катта-катта очганча, кишига қаради, аммо ҳеч нарсани тушунмади. Довдираган кўйи:

– Қанақа булоқ? – деган сўз бўғзидан қандай отилиб чиққанини ўзи ҳам билмай қолди.

У хиёл иддао ва зарда билан шу сўзни айтаркан, кутилмаганда, алғов-далғов тортиб, тўзғиб ётган хаёлида дарахтларнинг томирини кесиб олиб, гулхан ёқадиган ва шундан тийиқсиз лаззат туядиган, насл-насабининг тайини йўқ девона ва унинг этагидан тутиб, уйдан бош олиб кетган ўғлининг қиёфаси лоп этиб пайдо бўлди-ю бирдан ҳамма-ҳаммасини – еттовлонни бу ёққа қандай мақсад-муддао бошлаб келгани, улар нега чўчиб, ҳадик ва хавотир аралаш савол берганини англаб, бирдан дарду дунёси қоп-қоронғи тортиб келди.

Еттовлон эса, унинг бўғзидан сўз отилиб чиққан заҳотиёқ, чидаб бўлмайдиган оғриқ хуруж қилгандек, юзлари буришиб, азоб билан инграб юборишди ва бирдан аламли овозда нола-ю фарёд қилишга тушишди:

– Вой-дод-ей, икки дунёмиз ҳам куйиб кетди. Пешонамиз бунчалик шўр бўлмаса, вой-дод-ей!

Уларнинг аччиқ ва аламли оҳ-ноласи ялангликни тутиб кетди. Еттовлон уввос тортиб, йиғлаган кўйи ғазаб билан ортга ўгирилишди-да, боя келган томонга яна шамолдек елиб кетишди.

Муайядга энди ҳамма-ҳаммасини – ҳалиги еттовлон аслида ким, уларни бу ёққа қандай мақсад-муддао бошлаб келгани, нега улар ўзининг бўғзидан отилиб чиққан бир оғиз сўздан бунчалик аламу изтиробга тушишганини англаб етиб, бирдан ожиз аҳволга тушиб қолганди.

Муайяд оёқда базўр тураркан, шошиб, ўзининг истиқболига чиққан ҳалиги еттовлон унга буткул нотаниш ва бегона эмас, балки бобоси ёки отаси каби кўнглига яқин кишилар эди. Буни у боя уларнинг хайрихоҳ ва илҳақ қарашидан сезганди.

Муайяд яна шуни ич-ичидан англаб турардики, агар еттовлоннинг юрагини тим-терс қоплаб олиб, хавотиру таҳликага солган шубҳа-гумонлар пардек тўзғиб, муроди ҳосил бўлганда, уларнинг юзи дафъатан қувончдан ёришиб кетар ва шодон қичқирганча меҳру илтифот кўрсатиб, уни ўзлари билан бирга олиб кетишарди.

Аммо унинг бўғзидан отилиб чиққан биргина сўз ҳаммасини бирдан остин-устун қилиб юборган, еттовлон алам ва изтиробдан ўзларини қўярга жой тополмай, ачиқ-ачиқ фарёд чекканча жўнаб қолганди.

* * *

У ер билан битта бўлиб анча ўтирди. Бир пайт юз-қўлларига урилган алланиманинг иссиқ тафтидан чўчиб бошини кўтарди. Еттовлон кетган тарафда, кўкка гуриллаб ўрлаётган оловга кўзи тушди-ю, қўрқув ва ваҳимадан карахт тортиб қолди. Олисда нимадир чарсиллаб аланга олганча кўкка ўрлар, бутун яланглик ва ҳаво аллақачон қип-қизил чўққа айланган, қайноқ ҳаво томоқни куйдириб ўтганидан нафас олиш тобора қийинлашиб борарди. Бундан ҳам даҳшатлиси, олов буралиб-буралиб ёнганча бало-қазодек Муайяд томонга шитоб билан бостириб келарди...

Муайяд кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу офат қаердан пайдо бўлгани, нима ёнаётганини ўйлашга ҳам ўзида фурсат тополмади. Оташ-аланга аллақачон унинг бутун вужудини куйдира бошлаган, у азоб ва оғриқдан инграганча, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташларди.

Муайяд азоб билан тўлғанаркан, бу офатдан жонини қандай қутқазиш ҳақида ўйларди. Назарида, илкис ўрнидан туриб, тескари тарафга – ҳув олис-олисларга қочиб кетиш – бу бало-қазодан халос бўлишнинг якка-ю ягона йўли эди.

Муайяд шундай йўл тутди: у жон ваҳмида ўрнидан отилиб турди-да, ортига қараб қочишга тушди.

У яланглик бўйлаб ваҳима ва қўрқув ичида шитоб билан югуриб борар, баъзан оёқлари чалишиб кетиб, гурс этиб юзтубан йиқилар ва икки-уч қадам думалаб кетарди, аммо шу заҳоти апил-тапил ўрнидан туриб, яна олдинга интиларди.

Муайяд ҳарсиллаб, бутун аъзойи бадани селу селобга ботиб узоқ югурди. Тинка-мадори қуриб, буткул ҳолдан тойди, аммо оловнинг жазирамаси баттар ортса ортдики, асло сусаймади. Суяк-суягига ўтиб, азоб бераётган оташ-аланга забтига чидаёлмай инграганча тўхтади ва бошини базўр кўтариб, олдинга қаради. Қаради-ю, қаршисида даҳшат билан ўрлаётган олов уммонига кўзи тушиб, “Дод!” деб юборди. Ахир, у оловдан қутулиш учун тескари томонга қочиб кетаётгандику?! Яна қаршисида бу бало-қазо қаердан пайдо бўлди? Наҳотки, у мўлжални нотўғри олган, бу бало-қазодан қочиб қутулиш ўрнига, унинг бағрига ўз оёғи билан кириб бораётган бўлса? Йўқ, йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас, боя у мўлжални бехато олган, бу бало-қазодан тескари томонга қочган эди. У қўрқув билан кўзларини катта-катта очганча, қаршидаги олов уммонига қараркан, беихтиёр шошиб ортига ўгирилди ва ҳозиргина келган томонига қараб қочишга тушди. Ишқилиб, бу гал мўлжални хато олмаса бўлди: бу бало-қазога албатта, чап беради, ҳадемай уни доғда қолдириб кетади. Фақат бундай таҳликали паллада оёқлари

панд бермаса бўлди. Танидаги куч-қувватни йиғиб, оловнинг тафти ҳам етиб бормайдиган олис-олисларга қочиб кетади ва бу балодан халос бўлади. Ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас. У ҳали Муайяд деган исмни олмаган кезларда не-не савдоларни бошидан кечирган, қанчадан-қанча офатларга чап берган, шу боис ўзини омадли деб биларди. Бу сафар ҳам омад ундан юз ўгирмайди: бу оташ-аланга юрагига қанчалик ваҳима ва қўрқув солиб кўкка ўрламасин, бари-бир унинг бир тукига ҳам зиён етказолмайди.

Бу сафар у, чамаси, мўлжалдан адашмади, фақат энди танидаги куч-қувватини йиғиб, тезроқ югурса бас, жонини қутқариб қолади.

Муайяд ана шундай илинжу ишонч билан ҳаллослаб югуриб бораркан, олов юзи, қўлларини куйдириб, чидаб бўлмас оғриқ қўзғаганидан инграб юборди. Чайқалиб-чайқалиб тўхтаркан, не кўз билан кўрсинки, яна ўз оёқлари билан осмонга ўрлаётган оловнинг бағрига кириб бораётган экан...

Тавба, нималар бўлаяпти, ўзи, сира ақли етмай қолди?! Нима бало, у қўрқув ва ваҳимага тушганидан буткул эси оғиб, қайси томонга қочишни ҳам билмай қолдими? Яна ўз оёқлари билан бу бало-қазонинг бағрига кириб бораяптими? Одам ҳам шунчалик овсар ва ландовур бўладими? Тавба, офат ҳамла қилиб турганда, қайси томонга қочиб, жонини қутқазишни ҳам билмаса... Бу балодан энди жонини қандай асрайди, кимнинг пойига бош уриб, нажот ва имдод сўрайди, қаердан паноҳ топади? Аслида, уни тинимсиз таъқиб этаётган, бутун вужудини куйдириб азоб бераётган олов ҳам ўчоқда ёнадиган оддий оловга сира ўхшамайди. Қандайдир сир-синоатли, оташу жазирамаси шунчалик ўткир эдики, суяк-суяккача куйдириб боради. Ё бу олов эмас, пешонасига битилган қисмату аъмолми? Демак, у ўзини қанчалик тўрт томонга уриб, қочишга, жонини халос этишга уринмасин, ялиниб-ёлвормасин, барибир, бу қисматдан қочиб ҳам, тониб ҳам қутула олмайди.

Муайяд шу ўйларни хаёлидан ўтказаркан, бирдан худди тақдирга тан бергандек, ожиз ва нотавон аҳволга тушиб қолди: у энди қочишни ҳам хаёлига келтирмас, танидаги мислсиз оғриғу азобга дош беролмай, инграганча илондек тўлғаниб, ўзини у ёққа-бу ёққа отарди.

Олов уни буткул ўраб-чирмаб олди. Муайяд ёнарди, олов унинг ичига кириб олган ва кўзлари, қулоқлари, буруни, оғзи ҳамда тирноқларининг остидан вишиллаб тилини кўрсатар, бутун танини куйдириб, азобга соларди. Муайяд олов бағрида қип-қизил чўққа айланган, аммо у негадир ёниб-ёниб бир ҳовуч кулга айланиб қолмасди. Айни дамда унинг ўзи бу мислсиз азобдан халос бўлиш учун ёниб-битиб, бир сиқим тупроққа айланиб қолишни истарди. Аммо олов бунга имкон бермасди...



Саболарда учди мисли зар

ҲУМОЮН

Кутиш

Шамолдан арқон эшиб,
Ташладим сой устига.
Мавжли тўлқинлар жўшиб
Ўраб олди дастига.

Чиқармикин шаддод қиз
Битта кўрсам жанонни.
Соҳилда кездим ёлғиз,
Узун ташлаб арқонни.

Йўқ, сувга чиқмади ёр,
Сопол кўза қўлида.
Куним ўтди интизор,
Тентаксойнинг бўйида.

Шамсиқамар

Тонг отди, ой кетгиси келмас,
Ёғдуланар, таратгандай сас.

Пойига сочилган юлдузлар
Саболарда учди мисли зар.

Шамс безаб бўлди тонгини,
Сочиб бисотдаги рангини.

ҲУМОЮН *– 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Ижодкорнинг "Юракдаги рангин камалак", "Унутилган гул", "Дилхирож", "Ёшлик бекати", "Туйғулар рақси", "Интиҳосиз наволар" тўпламлари чоп этилган.*

Тонг ҳайратда: бу ўнгими, туш,
Шамс порлар, қамар фаромуш.

Саҳна кўриниши

Турфа кўринишга моҳир оломон,
Бир тўда тазарру чекмоқда нолон.
Афв этувчи гуруҳ чиқар бу ёқдан,
Гўё энди хабар топди гуноҳдан.

Анави табақа ошкору пинҳон,
Фалакка илтижо этмоқда ҳамон.
Фақат бу оламни кузатар ҳайрон
Сўз демай, кетмонга суянган деҳқон...

Дарахт

Машаққатли дарахт ҳаёти,
Етавермас фалакка доди.
Кетолмайди илдиздан нари
Бош олиб бир сарилар сари,

Саратонда ташналик азоб,
Мадор қолмас этгани хитоб.
Куз шамоли сочар заҳрини,
Хазон қилар япроқларини.

Қор бўронда умиди танҳо,
Фақат кўкка қилмоқ илтижо.
Ҳатто япроқ ёзганда, баҳор,
Шохини синдирар сариқ қор.

Унга ҳеч ким ёрдам беролмас,
Ҳар балога ўзи келгай бас.
Етилганда, кучга тўлган дам,
Қўлда болта, келади одам.

Сен-чи, яшаб шоҳона ҳаёт,
Саройингда чекасан фарёд...

Ҳаёт

Либослар товланди – кўзим қамашди,
Мақтовлардан бошим кўкка туташди,
Гирдоблар мавжида юрагим тошди,
Эртакларинг узоқ тингладим, ҳаёт,
Сени охир англадим, ҳаёт!

Ором излаганда, беором бўлдим,
Орзуга берилдим, армонга тўлдим,
Ўзга манзиллардан ўтди кўп йўлим,
Бирибир, мақсадга етдим-ку, ҳаёт,
Қанча йўлдан ўтдим-ку, ҳаёт!

Кун келди, тўғрисўз, ўзга айландинг,
Оппоқ яктак кийган дўстга айландинг,
Ҳақиқатга, тўғри сўзга айландинг,
Орани ҳам очиб олдик-ку, ҳаёт,
Чин дўст бўлиб қолдик-ку, ҳаёт.

Шамол

Қайда туғилдинг, шамол,
Самодан бергил овоз,
Онанг чўғми, юзи ол,
Отанг музми ё аёз?

Қайга шошасан, шамол,
Сочиб барака-ю қут,
Отангни юрти шимол
Ё жанубга – эна юрт?

Унутма боғимизни,
Оқ булутлар олиб қайт,
Нега йўқламас бизни,
Шаббодага салом айт.

Мурч дарахтига

Чиройлисан бунчалар,
Тугибсан тугунчалар,
Атиргулдан чиройли
Бинафшаранг ғунчалар.

Мажнунтолдан сулувсан,
Ғариб кўнглим олурсан.
Гултожихўроз доғда,
Кунга боқиб кулурсан.

Сендан кўз олмасайдим,
Кошки, кўз солмасайдим.
Юрагингда нелар бор,
Ҳеч қачон билмасайдим.

Оқ қайин

Мажнунтолга ўхшайсан қайин,
Оқ сулувсан, сочларинг узун.
Бу қишлоқда яшашинг қийин,
Туришларинг кўринар маҳзун.

Меҳридарё бизнинг офтоблар,
Бизда барча сахийдир, билки,
Ёз чилласи танангни тоблар,
Қорачага тортарсан, балки.

Иссиқ бизда ҳатто, шамоллар
Ҳис қиларсан ташналикни ҳам.
Сув юзида оқар хаёллар,
Сен соҳилда яша, маликам.

Саҳар

Ёмғир ҳиди келар саҳардан
Кўкни аста қоплайди булут.
Ҳар не кутсанг бўлар баҳордан,
Аммо жимлик, безовта сукут.

Олис қишлоқ томондан келар –
Қичқириқлар бошлар хўрозлар.
Булбул хомуш қуёшсиз саҳар,
Боғчалардан келмас овозлар.

Бир-иккита ташлайди ёмғир,
Чуқур нафас олар арчалар.
Ҳаволарга тўлдириб бағир,
Қулоч ёзар уйлар – дарчалар...



Кўнгил жавҳарига тўкилган сиймо

Ҳабиб
АБДУНАЗАР

* * *

Икки бармоқ ораси юрак –
Бу юракнинг ранглари сўлди.
Икки куннинг ўртасида жим
Турган дунё йиғлади, кулди.

Икки манзил тутиб қулоғим,
Сўзларини эшитдим, билдим.
Икки тошни уриб, чақмоғин
Юмалоқлаб самога илдим.

Ғаройиб кун, ғаройиб кўнгил,
Икки кеча айламиш фиғон.
Икки ёнга қарадим – Ўзинг!
Мен йўқману сен бори замон.

Қара қуёш, ой ва булутлар...
Бунча иссиқ кўринди гардун.
Мен билмаган икки оламда
Билганларим айтиб юрар Тун.

* * *

Кўкка тегиб қайтар телба тол
Чирқиллаган боғлар қўшиғи.
Кўҳна сас-ла чайилган дилда
Зўраяди жимлик оғриғи.

***Ҳабиб АБДУНАЗАР** – 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Манзара", "Анжир гули", "Гулларини қўмсаган оғоч", "Дил меҳроби" шеърий китоблари нашр этилган.*

Ёғдуларнинг гул гирватида
Ороланар ложувард хилқат.
Олиб ўтар қимтинган сойдан
Кишанланган асирин зулмат.

Парчаланган вақт долғасида,
Овоз берар кўмилган мозий.
Тоғлар ғори гулдураб кетар,
Чиқиб келар саҳройи валий.

* * *

Ҳар кун қайтарилар
Мана шу оҳанг,
Ёд олдим мен сени
Ҳар ёз, ҳар қишдан.
Ҳар кун пайдо бўлар
Мунглиғ қиёфанг,
Овозлар тўқнашган
Ғаройиб тушдан.
Ҳар кун бўғиламан,
Осаман сиртмоқ.
Ўйлайман: ногаҳон
Келсайди кимдир.
Аммо деразалар
Ортида мендек,
Осмон дардларини
Айтарди ёмғир.

* * *

Тошлар орасида заиф гиёҳдек,
Нурларга талпиниб кўкарди таним.
Соғинч эркаланиб бир меҳр кутди,
Дилим, дардимизга боқмади ҳеч ким.
Бунда ва на баҳор ва на қиш кўрдим,
Юрак овозларин эшитдим фақат.
Менсиз юлдузларим порлайвердилар,
Менсиз кунларимни бўйлади қисмат.
Кичкина ҳаёт бу, айланмас замин.
Майсалар руҳига кўчади кўнглим.
Шохлари букилиб қип-қизил қондек,
Гуллаб ётар менинг бемаврид умрим.

* * *

Сени хаёл дедим, кечамда эрдинг,
Сени само дедим, ёнимда эрдинг,
Сени саҳро дедим, гулимда эрдинг,
Меърож кўкда дедим, кўнглимда дединг.

Қаддим дуто менинг, юлдуздан қайтдим,
Туним қаро менинг, кундуздан қайтдим,
Кўзёшдек югурдим, айлана йўллар,
Гарчи хато қилдим, ўзимга қайтдим.

Ўзим маъво дедим, ўзимдан сачраб,
Бу тиғи парронга ўзимни урдим.
Ўзим гуноҳ дедим, ўзим оҳ дедим,
Эврилиб ўзимда ўзингни кўрдим.

Дилимга дилингни қўйиб ётай дер,
Жонимга жонингни олиб кетай дер,
Тунларни ўтказиб кўкдан улуғвор,
Ёмғирли садолар бериб ўтай дер.

Сени фараҳ дедим, қайғумда эрдинг,
Сени вафо дедим, жабримда эрдинг,
Сени ризо дедим, қазомда эрдинг,
Меърож кўкда дедим, кўнглимда дединг.

* * *

Тун ҳам, тонг ҳам Сенда яширин,
Замин Сенда, осмон ҳам Сенда.
Қисмат – нишон айлана кунлар,
Ўқ ҳам Сенда, камон ҳам Сенда.

Сенда чароғ... Офтобга тутиб
Улғайтирдим мурғак онларни.
Мен билмаган гўзал исминг-ла,
Чорлаяпти шамол тонгларни.

Сенда манзил... Тушдим йўлингга,
Ёмғирларга кирдим намчил куз.
Ҳеч ортимдан юрмас хавотир,
Ҳеч изимдан келмас бирор сўз.

Сенда йиллар... Сукутли бўрон,
Сенда тупроқ, Сенда олов сув.
Гоҳо дордан ўтгандек қалқиб,
Хаёлимдан ўтар бир қўрқув.

Сенда кеча... Умидли кундек,
Йўлларимга дил чиқар пешвоз.
Бошгинамда сен эмас, йиғлар,
Ой шаклида тун берган овоз.

МАЪНО

1

Борлиғим етишди, борлиғим, илло –
Етишдим Сен қадар, ўзимда йўқман.
Сувга ғарқман, вале сувман, ташнаман,
Йўқман толеимда, лекин сендаман.

Сендаман, дуолар экилган саҳар,
Кўринмоқ истаган баҳорий тилсим.
Биргина сўз очсам дунё дардидан,
Руҳингга чирмашиб гуллади исмим.

Сендаман, раҳмати кўкарган осмон,
Заъфарон рангини сир тутган япроқ.
Ахир кўрганларим аслимас, ҳечдир,
Ахир топганларим бир сиқим тупроқ.

2

Бу вужуд –
Тангри жамолига тортилган парда –
Насибим, кўнглимда ёришган кулгинг.
Шайдоман гуллару гиёҳларга мен,
Умиддек тўлишди, умидсиз васлинг.

Бу вужуд –
Тангри жамолидан олинган парда –
Заволим, юракнинг заъфарон гули.
Ботиндан тўкилган Сўздирман балким,
Ва ёки руҳларнинг мангулик йўли.



Муҳаббатнинг кузги ўргимчак тўри

Ҳикоя

Жасур ИСҲОҚОВ

У машинасини жарангдор мусиқа садолари эшитилиб турган бошқа автомобилларнинг қувиб ўтаётганига парво ҳам қилмай оҳиста ҳайдаб борарди. Катта Чимён тоғ тизмалари чўққиларидаги оппоқ музликлар навбатдаги ҳар бурилишда гоҳ кўздан йўқолишар, йўл тепаликка кўтарилишида эса, гоҳ яна офтобда товланиб, пайдо бўларди.

Илон изи айланма йўллардан кўз илғамас юксак чўққилар сари юқорилаб бораркан, у ёқда, пастда, вақтинча бўлса ҳам беҳуда чоп-чопу, югур-югурлар, кундалик ташвишу муаммоларнинг оғир юки қолиб кетаётганидан кўнгли шу тоғлардек юксалиб, хаёлга толарди.

У ҳайдовчисига бугун хотинининг тоби қочгани учун касалхонага олиб бориши кераклиги учун жавоб сўрагани-ю, ўзининг рафиқасини ҳам тикувчиси айнан шу бугун янги кўйлак ўлчамларини олишга чақириб қолгани қандай яхши бўлгани ҳақида ҳам ўйларди. Одатда у шанба кунлари ҳам ишларди. Аммо бугун ишга чиқмаганининг муҳим сабаблари ҳам бор: яъни – қариндошлариникида тўй бор, қариндошларига эса – шошилинч хизмат сафари чиққанини айтади.

Ўзича мийиғида кулиб қўйди ва яна хаёлга чўмди...

Кеча вазир ҳузурида узоқ чўзилган йиғилишдан чарчаб чиқиб хонасига кираётганида котибаси:

– Рухсатномалар хизматидан қўнғироқ қилишди. Олдингизга кимдир келибди,– деб қолди. Сўнг қўлидаги дафтарчасига қараганча, қўшимча қилди: – Валиев, Шокир... Хоҳласангиз сизни “йўқ”лар деб юбораман... Жуда чарчаган кўринасиз...

– Йўқ-йўқ, қўнғироқ қилинг, киргизиб юборишсин.

Шокир билан Архитектура институтида бирга ўқишган. Бир пайтлар у қайсидир лойиҳалаштириш институтининг раҳбари ҳам бўлган. Олатасир, талотўпли 90-йилларда институт ишлари юришмай ёпилиб кетгач Шокир Валиев

Жасур ИСҲОҚОВ *– 1947–2021. Давлат мукофоти лауреати. Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Унинг “Роберт Тейлор билан саккизинчи раунд”, “Адабий баҳор”, “Дирижёр”, “Кабутар”, “Эски Тошкент ҳақидаги тушлар” яна йигирмадан ортиқ ҳикоя ва эсселари чоп этилган.*

“эркин ижодкор” сифатида “нон топиш”га ўтволганди. Яъни у ўзига тўқ “янги бойлар” учун ҳашаматли участка-ю дала-ҳовлилар лойиҳаларини чизиб, уларни қуриш ишлари билан шуғуллана бошлаганди.

Шокир хонага қўлларини икки томонга кенг ёйганча, кулиб кириб келди.

– Санжарбой, дўстим! – деганча Санжар томон отилиб бориб, уни маҳкам қучоқлади, юзларидан чўлпиллатиб ўпиб, белларидан даст кўтарди ва икки бор гир айлантиргачгина гурсиллатиб гилам устига қўйди. – Омонмисан, қадрдоним?

Котиба чаққонлик билан кичик столча устига патнисда чой ва ширинликлар қўйиб чиқиб кетди. Шокир унинг ортидан суқланиб қараб қолар экан, маънодор томоқ қириб, “Дидинг ҳали ҳам чакки эмас”, деб қўйди.

– Хонанг ҳам даҳшат экан, кошонанинг ўзгинаси. Қачон энди вазир бўласан?

Санжар қўлини силтаб, чой қуя бошлади.

Шокир диваннинг чарм ўриндиқларини силаб туриб:

– Ҳаммаси яхши, фақат булар мен учун эмас. Худонинг берган куни қилт этмай қафасга тушгандек ўтириш. “Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш”, деганмидилар Навоий бобомиз? Қафас олтиндан бўлса ҳам, барибир қафас-да! А, лаббай?

Бу Санжар учун энг нозик ва оғриқли масала бўлгани учун индамай қўя қолди. Ўзининг 55 йиллик умрининг 28 йилини вазирликда ишлаб ўтказди. Кичкинагина бўлим бошлиқлигидан вазир ўринбосари даражасигача кўтарилди. Жуда кўплар унинг мавқеига, жамиятдаги ўрнига ҳавас қилишини билади. Ўзи бўлса бу йиллар давомида асосий касбига қайтишга роса уриниб кўрди. Аммо шахсий машина, ҳукумат поликлиникаси, энг яхши санаторияларда дам олиш, чет эл сафарлари сингари жуда кўп, аллақачон кўникиб кетган, ҳузурбахш нарсалардан воз кечишнинг ўзи бўлмас экан.

– Майли, вақтим жуда тиғиз, шунинг учун гапнинг индаллосига ўтаман, – Шокир шошганча чойдан бир ҳўплаб, гапини давом эттирди. – Сенга иш таклиф қилмоқчиман. Ҳозир менда яхшигина бир буюртма бор... Жудаям зўр... Лойиҳа тайёр... Фақат уни қурилиш жойига мослаб, боғлаб бериш керак.

Шокир папкасидан диск олиб, иш столи ёнига борди. Санжарнинг айланма курсисига чаққонлик билан ўтириб, компьютерини ёқди.

– Бу ёққа кел, қара, – у дискни дисководга қўйди. – Эсингдами, бизнинг замонларда калькалар, чизмалар, ресфейдеру хитой тушлари билан қанақа қийналардик? Энди-чи... Биттагина бармоғинг билан шундай босасан ва қарабсанки...

Монитор экранида компьютер дастурининг логотипи пайдо бўлди. Санжар бу “контрофакт”, яъни “ўғрилик” дастурини яхши биларди. Унда ҳар қандай нозик таъб, қайсар буюртмачининг истаган талабини қондира оладиган ўнлаб уй, дала-ҳовли, коттеж ва виллаларнинг лойиҳалари, фотосуратлари, сарф-ҳаражатларининг тайёр ҳисоб-китоблари бор эди. Виртуал дунёда барпо этилган ҳашаматли биноларни юқоридан, парвоздаги қуш баландлигидан, пастдан – одам бўйи баравар нуқтадан ҳам истаган бурчакда кўрса бўлади. Биттагина тугмачани босиш орқали бино ичига “кириб”, хоҳлаган қаватдаги хоналарни, ертўла-ю йўлакларни, мансарда-ю чордоқларни айланиб чиқиш мумкин. Бино ташқи деворларининг ранги, хоналардаги қандиллар, ваннахонадаги сув жўмракларининг бир турини бошқасига алмаштириш ҳам бир зумлик оддий иш. Истаган нуқтадан икки томондаги зиналарнинг кундузи чироқсиз ёки кечқурун ёриткичлар нурида қандай товланишини кўриб, хоҳлаганча ўзгартирса

бўлади. Устига-устак, ҳар бир лойиҳага батафсил ҳисоб-китоби қилинган сарф-харажатлар суммаси илова қилинган. Унда Италия черепицаларидан тортиб, мармар тошдан ишланган жакузиларгача, алоҳида бошқариладиган иситиш ва совутиш тизимларидан тортиб чех биллур қандилларигача назарда тутилган. Ҳали иморатни қурмасдан туриб оқ, олдиндан унга қанча маблағ зарур бўлишини хомчўт қилса бўлади. Фақат бу ҳашаматлар баҳоси Нью-Йорк қурилиш биржасининг осмону фалакдаги нархларида.

Шокир файлларни варақлар экан, Санжарнинг эътиборини бир лойиҳага қаратди.

– Мана, буюртмачи ҳамма лойиҳалар ичидан шунисини танлади.

Экранда кенг айвонларининг тепаси устунли, чеккаларига тўртта конуссимон минора қўндирилган уч қаватли ҳашаматли уй салобат тўкиб турар эди.

– Питер Келлга айнан шу маъқул бўлди.

– У чет элликми?

– Ҳа деса ҳам бўлади, йўқ деса ҳам...

Шокир компьютер “сичқонча”сининг тугмачасини босган эди, бино ўз ўқи атрофида ҳаракатланиб, уни турли тарафлардан кўриш имкони яратилди.

– Ўзи тошкентлик. Ўрислашиб кетган немислардан. Йигирма йилча олдин оиласи билан Германияга кўчиб кетган экан. Ота-онаси ўлиб кетгач, Питерни Ватанига тортиб қолади. Жуда бой одам, аммо ҳақиқий мард эркаклардан... Тахминан бизнинг ёшимизда, тенгқуримиз, шекилли.

– Бу қасрни қаерда қурмоқчи?

– Биржадан Чимёндаги бир нечта ер участкаларини сотиб олибди... Ажойиб жойлар... Ҳали ўзинг кўрасан..

– Худди мен рози бўлгандек гапирасан-а...

– Менга қара, Санжар. Питернинг менежери лойиҳани тайёрлашда мендан ташқари, албатта, ландшафт архитектураси бўйича етук мутахассиснинг ҳам иштирок этишини талаб қилмоқда.

– Бунга менинг нима алоқам бор? Биринчидан, анчадан бери бунақа ишлар билан шуғулланмаяпман... – Санжар бироз тутақиб давом эттирди:

– Иккинчидан...

– Ҳаммасини тушунаман... Кечагина дунёга келмаганман... – унинг гапини бўлди Шокир. – Сизнинг, Санжар Умарович, бундай ишлар билан шуғулланишга юксак мавқеингиз, олий даражадаги оқ суяклик мақомингиз, қолаверса, виждонингиз йўл қўймайди... Шундайми? Қўрқма, сени бўйни йўғонлардан эканлигингни ҳеч ким билмайди. Нима, озгина бебилиска пуллар ортиқчалик қиладими? Пора олишни-ку ҳалигача ўрганганинг йўқ... Кечирасан, албатта... Лекин мен сени бирор қизиқарли, ғайриоддий, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган антиқа нарсалар ўйлаб топишингга ишонаман...

– Мен сенга ёшлардан бирортасини топиб бераман.

– Намунча ноз қилмасанг? Ўлай агар! Жилла бўлмаса биргина бориб кўриб кел. Биз у ёққа эртага кетаяпмиз. Сени йўлдан оламан. Ўзинг билан Хуршидани, Камолни ҳам келининг билан олвол. Жуда бўлмаса бир отамлашиб, ҳаво алмаштириб қайтамиз. Питер билан танишасан. Табиат қўйнида кабобхўрлик қиламиз. “Қиттак-қиттак” дегандек... Ахир хонангда ўтираверсанг диққинафас бўлиб кетдинг-ку, – у Санжарни елкаларидан қучди: – Доим яхши кўриб ўқийдиган шеърингни қанақайди: “Тоғларда менинг қалбим, мен энди у ердаман!”

– Айнан эртага боролмайман, – деди Санжар стол устидан конвертига чиройли зарҳал ҳарфлар билан ёзилган таклифномаларни олиб кўрсатар экан, – тўйга боришимиз керак, узр...

Шокир компьютердан дискини олиб, папкасига солди.

– Афсус... Сени олиб кетиб бир улфатчилик қилмоқчи эдим. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Хуршидага салом айт. – У қуруққина қўл сиқиб хайрлашди ва эшик томон йўналди.

Санжар бирдан бегона одамлар билан лиқ тўла тўйхонада ўтирганини тасаввур қила бошлади. Қулоқларни қоматга келтирувчи мусиқа, бўйнига олачипор бўйинбоғ тақиб олган маҳмадона ўртакашнинг алмисоқдан қолган аския айтиши ёки кўзини лўқ қилиб келин-куёвларга атаб “Икки оташ қалбнинг бир-бирини топгани” ҳақида шеър ўқиши... На куёвни, на келинни умуман танимаса ҳам, бору йўқ аъмолу амалларини достон қилиб, унга сўз беришлари... Бирдан юраги сиқилиб, Шокирни тўхтатди.

– Шокир, тўхтаб тур... Эээ, тўйининг ҳам падарига лаънат! Қариндошларимга, “Хизмат сафарига кетдим”, десам, биров мени уриб ўлдирадими? Нима дединг?

– Албатта-да!

– Фақат у ерга бир ўзим бораман…

Улар қаерда, қачон учрашишни келишиб олишди ва Шокир шошилганча чиқиб кетди.

…Ҳар доимгидек кўз олдимизда кенг адирлар кутилмаганда, худди туман ичидан бирдан сузиб чиққандек пайдо бўлади. Қачонлардир бу ерларни “Ўн икки булоқ” деб аташар экан. Ўшанда бу ерлар атрофдаги ҳали катта-кичик уйлар, дўконлар, бесўнақай деворлар, турли-туман реклама мосламалари, осма арқон йўлининг темир қозиқлари, дам олиш масканининг тўққиз қаватли ғалати кўринишдаги бинолари бўлмаган.

Йўл четида даста гул кўтариб олган қиз билан бўйнига гитара осиб олган йигит кўринди. Қиз оқсоқланганича йигитнинг елкасига таяниб борарди. У орқасига ўгирилиб, очиқ чеҳра билан табассум қилди ва қўл силтади. Санжар машинасини тўхтатди.

– Ассалому алайкум, кечирасиз, бизни марказгача олиб кетолмайсизми? Оёғим қайрилиб кетди, юролмаяпман, – деди қиз билинар-билинмас бузуқ талаффуз билан.

– Албатта, ўтиринглар...

Улар орқа ўриндиққа жойлашдилар. Машина ичи бир зумда турфа гулларнинг хушбўй исига тўлди. Улар тоғ бағирлаб кетиб бораркан, қиз йигитнинг қулоғига нималарнидир шивирлаб, секин кулиб қўйди. Санжар ҳам беихтиёр жилмайиб, севишганларга рўпарасидаги кўзгу орқали қараб қўйди. Қиз бошидаги бейсболкасини ечиб, сочларини бармоқларининг нафис ҳаракати билан тўғрилаб қўйди. Бирдан Санжарга сочларни тўғрилашдаги бундай бармоқ ҳаракатларини аввал ҳам қаердадир кўргандек бўлиб туюлди. Бу бахтиёр, шодон кулгуни ҳам қачонлардир эшитган. Чақнаб турган кўзлару, яноқдаги бежирим чуқурча ҳам унга жуда-жуда танишдек.

Қиз унинг қарашларини сезиб, чиройли жилмайиб қўйди.

– Бу ерларнинг табиати жуда ажойиб экан! – деди сўнг завқланиб.

– Ҳ-а-а, мен ҳам бу жойларга келишни жуда яхши кўраман.

Йўл бўйи севишганлар бир-бирларининг пинжиларига кириб, нималарнидир шивирлашиб, бармоқларини ўйнаб келишди.

Улар кичкинагина бозорча олдида тушиб қолишди.

Бозоролдидаги майдон жуда гавжум ва шовқин-сурон эди. Маҳаллий “ишбилармон” болалар арзимаган ҳақ эвазига дам олувчиларни от ва эшакларида сайр қилиб келишга таклиф этишаяпти. Тўхташ жойидаги машиналар ҳаракатланишга қийналиб, бир-бири билан йўл талашиб, тинмай сигнал чалади. Кассета сотувчисининг магнитофон карнайларидан баланд товушдаги оғир мусиқа янграяпти. Кабобхоналардан бурқсиб чиқаётган тутун бутун марказни худди тумандек қоплаб олган.

– Раҳмат, бизга катта ёрдам бердингиз, – пул узатди қиз.

– Қўйсайиз-чи, шарт эмас...

Ёшлар одамлар орасига сингиб кетгунларича, орқаларидан ҳавас билан қараб турди. Қиз оқсоқланаётганига қарамай, унинг қадам ташлаши, ҳатти-ҳаракатлари, бошини буришларигача, Санжарга яна жуда танишдек туюлди… Санжар тез-тез бўлмаса-да, баъзида шундай ҳолатларга тушиб туради. Ўқтин-ўқтин тушлари ёки ўнгида бирор воқеани яна қайта бошидан кечираётгандек бўлиб туюлаверади. Бирор нотаниш жойга биринчи марта келиб қолса ҳам, қачонлардир бу ерда бўлганман, деб ўзини астойдил ишонтирарди. Бундай ҳолатга тушишига эса арзимаган омиллар: овоз ҳам, гап-сўз, ёки ёддан чиққан мусиқани қайта тинглаб қолиш ҳам сабаб бўлиши мумкин эди.

Шу пайт қўл телефони жиринглаб қолди.

– Санжарбой, салом, қаердасан? – гўшакдан Шокирнинг овози эшитилди.

– Шу ердаман, бозорча ёнида…

– Кўрмаяпман…

– Афишанинг тагидаман, – Санжар ўқиб эшиттирди, – “Бард қўшиқлари фестивали…”

– Ҳа-а, кўрдим! – деган овозни эшитиб, ортига қайрилди. Ёнига автомобиллар уммони орасидан чаққонлик билан ёриб чиқиб, шошилганча Шокир келарди. Аввалига Санжар дўстини танимади. Бошида четлари ғалати қилиб қайрилган кулгили шляпа, юзининг ярмини қора кўзойнак ёпган, оёғида почаси узун шортигига мос рангдаги кроссовка.

– Нима, бир ўзингмисан? – Санжарни қучоқлай туриб, атрофга олазарак боқиб сўради у. – Хуршида, Камоллар қани?

– Улар бугун тўйга боришади-ку, мен қочиб қолдим... – кулди Санжар. – Сени деб, илон авровчи!

– Бўпти, бўпти. Питер бизни кутаяпти. Ортимдан юравер, бу ёғи яқин…

Санжар машинасини ўт олдириб, Шокирнинг “Нексия”си ортидан ҳайдади.

Улар Юсуфхона тарафга олиб борадиган йўлга чиқиб олгач, Кичик Чимён жарликларини айланиб ўтиб, асфальтдан тупроқ йўлга бурилишди. Бодомзорлар орасидаги илон изи бўлиб кетган бу йўл бўйлаб анча юришди. Атрофга сув сачратиб, сертош сойдан ҳам кечиб ўтишди.

Яна, эрталабдан бери учинчи марта, Санжарга бу жойлар: бу бодомзор, бу тошли сой жуда танишдек кўринди. Ҳозир, навбатдаги бурилишдан кейин, илдизига харсангтошлар ёпишиб олган азим ёнғоқ дарахти кўринади. Ундан кейин узун пахса девор бошланиши керак. Нарироқда қизил томли, трубаси ёнига шамол елвизаги (флюгер) ўрнатилган уй келади. Кейин эски, пастак эшик бўлиши керак... Буларнинг барчаси унинг хаёлоти маҳсули эмас. У бу ерларда бўлган, бўлган, аниқ бўлган.... Бирдан томоғига нимадир тиқилди, оғзи қуриб, тамшанди. Санжар елим идишдаги сувдан шошиб ҳўплади. Узоқдан қари ёнғоқ

кўринди. Ана пахса девор... Ана қизил том... Фақат девор аллақачон нураб, емирилиб бўлган. Кичкина трактор унинг қолдиқларига шахт билан тишларини ботирар эди...

Пастак эшик олдида иккита “Жип” ва эски “Москвич” машиналари турибди. “Москвич”дан бир йигитча оғир-оғир сумкалар ва пакетларни туширмоқда.

Санжар машинасини Шокирнинг “Нексия”си ёнига жойлади.

– Ана, келдик, – Шокир кўзойнагини ечди. – Ўнг ва чап тарафдан йигирма сотихдан жой. Мана бу уй, қўшимчасига эса эгасиз бепоён адирлар. Бу ёғига йўл йўқ, охири берк. Ҳеч ким безовта қилмайди. Нима қилсанг ўзингнинг ишинг, автономия, чексиз имкониятлар. Зўр-а?

Санжар бефарққина елка қисиб қўйди.

– Биз бу ерда ҳали шунақанги кўлинг ўргилсин дам олиш, соғломлаштириш масканини қурайликки, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлаб, оғзи ланг очилиб қолсин,– деди Шокир қўлларини завқ билан ишқалаб. – Юр энди, сени Питер билан таништираман.…

Пастак эшикдан эгилганча, ичкарига кириб кетишди.

Ҳаммаси бундан кўп йиллар олдингидек эди. Пастак ғиштин уй томон олиб борадиган, оёқ остига терилган тошлар орасини ўт босиб кетган тор йўлакча. Чап тарафда, девор тагида ёнғоқ дарахти. Ҳовлининг офтоб тушиб турадиган этагида тартиб билан памилдори кўчатлари, қизил булғор қалампири, саримсоқ пиёз экилган полиз. Аммо ҳовлининг асосий қисмига офтоб тушмас, соя-салқин эди. Дарахтларнинг қалин шохлари орасидан эрталабки қуёш нурлари зўрға-зўрға ўзларига йўл топади. Бегона ўтлар босиб кетган ҳовли атрофи ўша-ўша: баланд ва қалин малина буталари билан ўраб ташланган. Уй эгасининг бўғиқ овози эсга тушади: “Эй, эҳтиёт бўлинглар, ҳовлида илонлар ўралашиб юради”. Санжар минг азоб билан уй эгасининг исмини эслашга ҳаракат қилди. Аммо вақт унинг отини ҳам хотирадан ўчириб ташлаган эди.

Ҳовлида бир неча киши куймаланиб юрибди. Шу ерлик оқибатли жон қўшнилардан. Кимдир ҳовлини супурган, кимдир эски теннис столига дастурхон ёзган, яна кимдир бир марталик елим тарелка ва стаканчаларни қоғоз ўрамларидан олиб, тарқатиб чиқаяпти.

Икки киши белигача ялонғоч бўлиб олиб, немис тилида гаплашганча, қуёшда тобланаяпти.

Ўсмир йигит қўрадаги кўмирларни аланга олдириш билан банд. Чет эллик меҳмонлардан бири фотокамераси объективини йигитчага тўғрилади. Буни кўрган ёш кабобпаз янада катта ғайрат ва шижоат билан кўмирни ҳафсала билан елпишга тушди. Ора-чора “Барбикью? Кабоб?”, “Кабоб, шашлик, жигар, гўшт!” деган хитоблар билан калласини ликиллатиб, бақириб ҳам қўяди. Чет эллик меҳмон “Дас ист зерр гут!” деганча тинмай суратга олади.

Ҳовлида меҳмонларнинг кўпайиб кетганидан, гўштнинг маст қилувчи ҳидидан жунбушга келган кучукча чўлтоқ думини ликиллатиб у ёқдан, бу ёққа чопар, хурсанд бўлиб кулаётганга ўхшар эди.

Санжар атрофга олазарак боқиб, уйнинг эгасини қидира бошлади. Лекин у кўринмасди. Ёнига Шокир келди.

– Менга қара, намунча асабийсан? Нима бўлди? Ўзингни эркинроқ тутсанг-чи. – У Санжарнинг елкасига қоқиб қўйди. – Ана Питер, юр...

У Санжарга орқасини ўгирганча анча тарвақайлаб кетган малина бутасидан қип-қизил бўлиб пишган меваларни териб, маза қилиб еяётган кишининг олдига олиб борди.

– Жаноб Келль, – томоқ қирди Шокир.

Киши ўгирилди.

– Таништиришга рухсат этинг… Бу мен сизга айтган, Санжар Умарович Мансуров, ландшафт дизайни бўйича жуда катта мутахассис…

– Шокир, азизим, биз расмий қабулда эмасмиз-ку, – норози бўлганча афтини буриштирди бояги киши малинадан қизарган лабларини артаркан, – Питер, оддий қилиб Петя деса ҳам бўлади.

– Санжар…

– Хурсандман… – Питер Санжарга кулранг-кўкиш кўзлари билан узоқ тикилар экан, кулиб қўлларини қаттиқ қисиб қўйди.

– Юринглар, йўлдан келдинглар, чарчоқбостига муздек пиводан-а-а? – қўли билан ичгандек ишора қилди мезбон. Сўнг кучукчага қараб, қичқирди: –Тузик, Тузик! Бу ёққа кел. Итвачча! – ва кучукчанинг бўйинларини қашлаб қўйди. Кучукча эса унинг юзларини чилпиллатиб ялади.

– Константин Иванович! – айвон олдидан ўтаётиб қичқирди яна Питер, – Қаердасиз?

– Ҳо-зи-р! – жавоб эшитилди уйдан.

“Костя амаки! Албатта! Қандай эсдан чиқардим экан?” – Санжар очиқ эшик ортидаги қоронғиликка сабрсизлик билан термилар экан, қадамини секинлаштирди.

Костя амаки… Алоқачилар ротасининг командири, фронтдан ўз қишлоғига қайтади. Уйига бомба тушиб вайрон бўлган. Фақат печка мўрисигина бу ерда қачонлардир уй бўлганидан нишон каби омон қолган. Унинг хотини ва беш яшар қизи қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Бир киши унга: “Балки улар фронт ортига, Ўрта Осиё тарафларга эвакуация қилинишга улгуришгандир”, дейди. Оиласини ўн йил излайди. Кейин шу тоғ бағриларида қолиб, томида флюгери бор уйни қуради ва ёлғиз ўзи яшай бошлайди. Атрофдаги узоқ-яқин қишлоқлардан унинг олдига куйган дазмол, бузилган керосин примус, тўхтаб қолган соатларни олиб кела бошлашади. Костя амакининг қўлидан ҳамма нарсани тузатиш ёки тўғрилаш келар, энг асосийси, у телевизорларни ҳам созларди: “КВН”лар, “Темп”лар, “Рекорд”лар. Телевизор дегани у пайтларда катта бойлик ҳисобланарди. Узоқ қиш кунлари, айниқса бу тоғли ерларда, телевизор одамларни ташқи олам билан боғлаб турувчи ягона восита эди. Шунинг учун Константин Ивановични бу ердагилар ҳурмат билан “Телевизорака”, деб чақиришар эди.

Константин Иванович остонада уч бонка тузлама билан пайдо бўлди. Бирида диркиллаган майда бодринглар, иккинчисида қўзиқорин, қўлтиғининг тагига қисиб олганида эса памилдори.

– Салом, Константин Иванович, – деди Санжар.

– Салом, азиз меҳмонлар... – кўзларини қисганча деди чол. – Ёрдамлашиб юбор-чи менга…

Улар банкаларни стол устига қўйишди. Уй эгаси бирини оча бошлади. Чолнинг артритдан қийшайиб кетган бармоқлари ўзига унча бўйсунмасди.

– Менга берақолинг… – Санжар унинг қўлидан очқични олди.

“Ҳозир неча ёшдайкинлар? Саксон?.. Тўқсон? Шунча йил ўтиб кетибди-я…”

Деярли ўзгармаган. Фақат юзлари қорайиб, худди офтобда буришиб қолган олмадек кичрайиб кетибди.

– Сиз мени эслайсизми, Костя амаки? Биз сизникида кетма-кетига икки йил яшаганмиз. Ўшанда сизникида алпинистлар ҳам жойлашган эди.

Уй эгаси кўзларини қисганча Санжарга тикилиб турди, кейин нигоҳини очилаётган бонкага қаратиб, хўрсинди:

– Йўқ, эслолмадим, кечирасан, қаричилик…

– Сиз ўшанда “пичоқ ютиш” номерини кўрсатардингиз… – деди Санжар.

– Шунақаси ҳам бўлган, ютардим... Энди эса мана фақат дори-таблеткаларини ютаяпман... – чолни йўтал тутди.

Санжар у кишининг жияни Рита ҳақида сўрамоқчи бўлди. У Шимолда яшарди. Ота-онаси уни ҳар йили ёзда Костя амакисиникига “Тошкентга, мева билан офтобга” жўнатишарди.

Чол бонкадан битта бодрингни олиб тишлаб кўрди ва ҳузур билан тамшаниб:

– Вой бў! Даҳшат-ку! Хоой, Петя! – қичқирди у, – чақир оғайниларингни!

Бир зумда содда қилиб ясатилган қўлбола стол атрофига барча меҳмонлар тўпланишди.

– Марҳамат, бодринг, қўзиқорин! А-ля фуршет, шнапс! Шунақамиди?

– Водка! Гут! Раша водка! Зерр гут!

– Э-э-э! Бўлганича бўлди! – Константин Иванович ўзига ҳам қуйди. – Петя, мени энди ким деб чақирмоқчи эдинг? Унвоним нима энди?

– Хауз киппер, Костя амаки… Иш бошқарувчи ёки ҳарбийчасига “Қўмондон”… – Петр унинг елкасидан қучиб қўйди.

– Қисқаси… Бизникилар учун ичмоқчиман... Ҳалиги германиялик ўртоқлар учун… Рот-фронт дейишармиди. Лекин, асосийси, Сен учун, Петр… – чолнинг кўзларида ёш милтиради. – Келганинг яхши бўлди. Олдик!

У тирсакларини гусарлардек букиб, кафти орқасига стаканчани қўйди ва кўз илғамас чаққон ҳаракат билан ичиб юбордики, немислар ҳанг-манг бўлиб қолишди.

– Менга буларнинг ҳаммаси ёқмийроқ турибди… – ароқни бодринг билан газак қилар экан шивирлади Шокир. – Гаплашиб олишга улгурмаймиз, – сўнг хавотир билан Санжарга қаради. – Сенга нима бўлаяпти ўзи? Кайфиятинг йўқ, рангинг сўлиқ, касал-пасал бўлиб қолмадингми, ишқилиб?

– Йўқ, ҳаммаси жойида, – деди Санжар.

Санжар шиддатли шамол янглиғ ўткан кунлар, ойлар, йиллар қаъридан кўз илғамас сўқмоқ орқали пастдаги “шийпонча”га тушишганини эслади...

Рита тикка қияликдаги қалин наъматак буталари орасидаги бу сокин жойни шундай атарди. Пайҳон қилиниб, тепкиланиб ташланган майдончада ўриндиқ ўрнатилган эди... Бу ердан узоқ-узоқлар кўзга яхши ташланар, уларни эса ҳеч ким кўрмасди. Санжар қизнинг эҳтиросли шивирлашларини эшитгандек бўлди: “Сен энг яхши... Сен энг чиройли... Сен энг мулойим...Сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан, қандай севишимни... Сен-чи?” Бир хотира, жар ёқасидаги омонат тош сингари бирдан бошқаларини: иккинчи, учинчи... ўнинчиларини ўз кетидан эргаштириб кетди. У ўзини гўё четдан кўргандек бўлди:

Мана пичоқчаси билан ўриндиққа: “Рита+Санжар=Севги!” деб ўйиб ёзмоқда. Охирида эҳтиётсизлик қилиб бармоғини кесиб олди. Рита дарров қонни сўриб ташлаб, ярага баргизўт япроғларини қўйди. Кейин ёмғир ёғди. Аммо улар бир-бирларига суянган ҳолда алламаҳалгача ўтиришди. Ританинг яноқларидан кўзёш аралаш ёмғир томчилари сизиб тушарди: “Яқинда уйга қайтаман... Костя амаким йигирма саккизинчига чипта олиб келдилар…”

“Яна келасанми?”

“Ҳа, албатта… албатта келаман…”

“Мен сени кутаман…”

– Хўш, ишларимизни келишиб оламизми?

Санжар чўчиб бошини кўтарди. Питер унга қараб турарди.

– Ҳа, ҳа, – каловланиб деди Шокир. – Юринг, мен ҳаммасини тайёрлаб қўйдим.

Улар девор тагидаги ёнғоқ соясига ўрнашишди. Костя амаки шундоқ майсалар устига палос солиб, кўрпача тўшади. Стол ўрнига эски “Горизонт” телевизорининг ёғоч қутисини қўйди. Худди янги хўжайини кимлигини фаҳмлагандек, Тузик Питернинг тиззасига бошини қўйганча ёнига чўзилди. Питернинг ёрдамчиси видеокамерани штативга ўрнатиб қўйди. Шокир ноутбукини ёқиб, турли қоғозлар, ранг-баранг фломастерларини ёйди.

– Сизларга ўзим ишлаб чиққан қурилиш ишларининг умумий режасини тақдим этмоқчиман. – Шокир компьютер сичқончасининг тугмасини босган эди мониторда бизга таниш миноралик уй кўриниши пайдо бўлди. Уй орқасида тоғлар, мовий осмонда компьютер графикасида чизилган оппоқ булутлар сузиб юрибди. “Чиройли... Қачон улгура қолдийкан?.. Вой чаққон-ей”, деб хаёлидан ўтказди Санжар ва Питернинг кайфиятига эътибор берди. У ҳатто компьютерига ҳам қарамай, Тузикни эркалаб ўтирарди.

– Лойиҳанинг умумий жиҳатлари тасдиқланган бўлгани учун, мен уйнинг муайян муҳитдаги жойлашув режасига ўтаман... – Шокир қўлига фломастер олиб, режани чиза бошлади: – Бу тоғ ёнбағри... Катта йўл… Йўлдан бизнинг участкагача бир ярим километр. Бу йўлкачага асфальт ётқизишни таклиф этаман. Кескин бурилишларни йўқотиш учун эса тикка жарликнинг бир қисмини кесиб текислаш, беш-ўнта дарахтларни, жумладан қари ёнғоқни олиб ташлашга тўғри келади. Сой устига кўприк ва марказий участкани сув билан таъминлаш учун коллектор қурилади. Уйнинг ўзини мана бу ёққа, пастлик четига, дастлаб қирғоқларини бетон таянчлар билан маҳкамлаган ҳолда қуришни таклиф этаман.

Санжар бошини эгиб ўтирибди. Бу ердаги ҳамма нарса унинг ғашини келтираётганди. Чўнтаги пулга тўла Питер ҳам, юрган йўлида ҳадеб “Зерр гут, Зерр гут” деяверіб қулоқ-мияни еяётган ҳамроҳи ҳам, мўмай даромад учун ҳамма нарсага тайёр Шокир ҳам... Ҳатто ким бу ерда хўжайинлигини бир зумда англаб етган мана шу Тузик ҳам...

– Бўлдими? – сўради Питер. Мана шу қисқагина бир сўзнинг оҳангиданоқ Санжар ундаги совуқлик, бефарқлик ва норозиликни илғаб олди.

– Ландшафт дизайни ҳақида Санжар Умарович… – Афтидан Шокир ҳам Питер кайфиятининг бирдан ёмонлашганини сезди, шекилли, умид билан Санжарга қаради.

– Хўш… Дастлабки режалар бундай... Мен бу ерда бутун бошли шаршара, фаввора мажмуасини қурса бўлади деб ўйлайман... Бетон билан мустаҳкамланадиган пастлик деворларини бассейн учун ишлатса ҳам бўлади... Ишлатиладиган материаллар: Ғазғон мармари, Арманистон туфлари… Учинчи участкада теннис майдончаси… Сауна, тренажер зали, солярий… барпо қилса бўлади. Хуллас, ҳаммаси олий даражада.

Питер ёрдамчисига нимадир деди. У туриб уй ичига кириб кетди.

– Шокир, менга қара… – Питер яна кучукчанинг бўйнини қашлади. – Қилинган меҳнат учун раҳмат, аммо мен бу ерда ҳеч нарса қурмасликка қарор қилдим. Ҳаммаси қандоқ бўлса, шундайлигича қолсин. Албатта, капитал таъмирдан чиқарамиз.

– Томни-чи? Томниямми? – шошиб гап қўшди Костя амаки. – Чакка оқади, падар лаънат!

– Табиийки, томни ҳам…– кулиб қўйди Питер.

– Йўғе... Қанақасига? – Шокир асабийлашган ҳолда қўлидаги фламастерни айлантира бошлади. – Ахир биз келишгандик-ку!.. Нима бўлди?

– Ҳеч нима, – хотиржам жавоб берди Питер. – Мен шу қарорга келдим, вассалом.

– Аммо мен... Биз анча-мунча ишларни битириб қўйган эдик… – Шокирнинг қўлидаги фламастер қарсиллаб синиб кетди.

– Фақат, Худо ҳақи, ташвишланма… Сизнинг меҳнатингиз учун албатта ҳақ тўланади. У шундай деб ёрдамчисига ишора қилди.

– Бу сенга… – деди Шокирга бўлиққина конвертни узатиб. – Бу эса сизга…

– Менга ҳеч нарса керак эмас, – деди Санжар ўрнидан турар экан. – Мен ҳеч нарса қилганим йўқ.

– Ўзиз билас… – Питер конвертни ёрдамчисига қайтарди.

Шокир фавқулодда бирдан тинчланиб, ҳатто табассум қилиб қўйди. Шошмасдан, саранжомлик билан ноутбукини ёпди. Пулли конвертни ён чўнтагига эҳтиёткорлик билан солиб қўйди.

– Ачинарли, албатта… – хўрсиниб қўйди у. – Аммо нима ҳам дердик. Йўқни йўндириб бўлмайди. Рухсатинглар билан биз кетсак...

– Гутен таг! – деган қувноқ товуш эшитилди.

Санжар ўгирилди. Ҳовлига у йўл-йўлакай олиб келиб қўйган қиз билан йигит кириб келишди.

Питер уларнинг ёнига келиб, соатига ишора қилди ва норози равишда бошини сарак-сарак қилиб нималардир деди. Қиз унинг юзидан ўпиб қўйди.

– Адажон, кечиринг… Биз Эрик билан шунақа мазза қилиб сайр қилдикки. От миндик, яхши болалар билан танишиб олдик. Бу ерда бард қўшиқлари фестивали бўлаётган экан. Ҳатто Эрик, танловдан ташқари бўлса ҳам, қўшиқ ижро қилиб берди.

Қиз гапини немис тилида давом эттириб Эрикдан нима ҳақдадир сўради. У тасдиқ маъносида боши билан ишора қилди. Юртдошларига бош бармоғини кўрсатиб, “Гут, гут!” дея нималарнидир қизғин тушунтира бошлади.

– Костя амаки, мен сизга ўзингизнинг ёқимсиз, сассиқ сигаретларингиздан олиб келдим! – қиз сумкасидан бир неча қути арзон сигаретларни кўрсатди. Шу пайт Санжарга кўзи тушиб: – Вой! – деди таажжубланиб қиз. – Сиз бу ерда нима қилаяпсиз? Бизникига келаётган экансиз-да?

– Шунақага ўхшайди… – Санжар кулиб қўйди.

Питер ҳайрон бўлиб бир қизига, бир Санжарга қаради.

– Билсак сиз билан келаверар эканмиз… йўқ! Яхшиям бизни ўша ерда тушириб қолдирдингиз! – Қиз хохолаб кулиб юбориб, отасига юзланди. – Бу киши бизни пансионатгача олиб келиб қўйди! У биздан пул ҳам олмади…

– Бу унга теккан касал: пул олмаслик, – кесатиб қўйди Шокир.

– Бу менинг қизим – Аня… Анна… – деди Питер. – Бу эса унинг қаллиғи – Эрик.

– Танишганимдан хурсандман, – қиз қўлини узатди.

Санжар билан Шокир ўзларини таништиришди.

– Анечка, сен ҳақ бўлиб чиқдинг, – деди Питер қизига, – жаноб архитекторлар ҳам бу ерда ҳеч нарсани ўзгартирмаслик ҳақидаги ғоянгга тўлиқ қўшилишди.

– Жуда тўғри! Ҳозир инглиз услубидаги боғлар модада… Ҳеч қанақа тўғри чизиқлар қўлланилмайди. Тўлиқ қарама-қаршиликлар. Харсангтошлар, табиатга яқин ёғочлар! Аммо бу ерда гулларни кўпайтираман!

– Кетдикми бўлмасам? – сабрсизлик билан сўради Шокир.

– Қаёққа? – Аня бошини тебратди. – Мен сизларни ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман. Сиз бизнинг меҳмонимизсиз…

– Йўқ-йўқ, бугун менинг зарур учрашувим бор, – Шокир шундай дея Санжар томон ўгирилди: – Хоҳласанг сен қолавер...

– Ростдан ҳам, қолаверинг, – илтимос қилди яна Аня гулларни бонкаларга жойлаштираркан.

…Кечқурун электр токини узиб қўйишди. Уй эгаси “Кўршапалак”ни улаб юборди. Немислар уй олдидаги майдончага гулхан ёқишди. Эрик гитарада, Питернинг ёрдамчиси эса лаб гармошкасида жўр бўлиб мусиқа чалишди. Қолганлар эса бир-бирларининг елкаларига суянган ҳолда, ўз қўшиқларини айта бошлашди.

Питер қўшиқ айтмай, хаёл сурганча гулханга термилиб ўтирарди.

– Мана сенга фрицлар… – деди Константин Иванович секин Санжарга. Бу гапни у ҳайрон бўлганидан айтдими ёки ҳасад қилганиданми – билиб бўлмасди. – Кел, қиттак-қиттак отамиз. Салқин тушиб қолди...

Гулхан атрофида парвоналар гирдикапалак бўлар, сўнг қанотларини куйдириб, олов қаърида йўқолишарди.

– Петя, оласанми? – ароқ қуя туриб сўради Костя амаки.

– Нима? – паришон сўради Питер. – Йўқ, раҳмат....

У ўрнидан турди, қизининг олдига бориб нималардир деди. Аня йўқ ишорасини қилди. Санжар ота қизига, “Мен сендан илтимос қиламан”, деганини эшитди.

Аня қўлига гитарани олди. Торларини чертиб, созлаб олгач, паст овозда куйлай бошлади:

Ойдин ёз кечаси, гулхан қошида
Сенга айтмоқчийдим хўп ширинсўзлар...
Ва бунга юлдузлар аксин ёритган
Кўл каби гувоҳдир мовий бу кўзлар...

Биринчи сатрлар, мусиқанинг биринчи аккордлариданоқ Санжар бу қўшиқни таниди: Уни Рита куйлар эди...

* * *

Бу уларнинг танишган биринчи куни содир бўлган. Улар – беш дўст Катта ва Кичик Чимён ўртасида жойлашган оқ қайинзорга кетишаётган эди. Рита уни ҳам ўзлари билан олиб кетишни илтимос қилди. Костя амаки жияни учун ихчам рюкзак топиб, ичига макарон, шакар ва бир бонка тушенка солиб берди. “Уни эҳтиёт қилинглар... Ҳеч қачон тоққа чиқмаган”, деб тайинлади. Шундай бўлиб чиқдики, улар кун бўйи ёнма-ён юришди. Тепаликка чиқаётганда Рита Санжар билан бирга кетди. Тепада, оқ қайинзорда, биргалашиб палатка тиклашди, иккаласи қозонда тушенкалик макарон пиширишди. Сойда идишларни ювишди. “Кўрдизми, менинг ҳам фойдам тегди”, дер эди Рита кўзлари кулиб. “Нега менга бундай қарайсиз?” “Қарагим келди, қарадим!” “Кулгили экансиз!”

Санжар билмасдан қўлидаги товоқчани сойга тушириб юборди. Товоқча оқиб кетди. Уни тутиб олгунча кийимлари жиққа ҳўл бўлди. Сувнинг совуқлигидан таналарига титроқ турди. Санжар ногоҳон қизни қучоқлаб олди. Кейинги сонияда

бундан қўрқиб кетди. Аммо қиз титраган ҳолда унинг пинжига бутун борлиғи билан кириб кетганди. Салдан кейин бирдан сапчиб туриб, алюмин товоқчаларни тарақлатган ҳолда сўқмоқ бўйлаб тепага чиқиб кетди.

Кечқурун гулхан атрофида Окуджава, Визбор, Кимларнинг қўшиқларини айтишди. Кейин гитарани Рита олди.

Ойдин ёз кечаси, гулхан қошида
Сенга айтмоқчийдим хўп ширин сўзлар...
Ва бунга юлдузлар аксин ёритган
Кўл каби гувоҳдир мовий бу кўзлар...

У ҳали гитарада яхши чала олмасди. Шунинг учун кўпроқ бармоқларидан кўз узмасди. Фақат бир марта Санжарга қисқагина назар ташлади.

Немислар қўшиқни жим тинглашар, сўзларига тушунмас эдилар...

* * *

Питер гулханга тескари ўтирарди.

Қўшиқ тугади.

– Петя, Анечка… – Костя амаки улар олдига рюмкасини кўтариб борди. – Келинглар... Маргарита… Унинг порлоқ хотираси учун… – у кўзёшларидан уялмасдан йиғлаб юборди. Лаблари титрар эди. – Жойи жаннатда бўлсин…

У ичди, кейин Аняни қучиб, ўпиб қўйди.

– Сен онангга шунчалар ўхшайсанки…

Питер сапчиб ўрнидан туриб, бошини эгганча, қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Санжар турмоқчи бўлди, аммо оёқлари унга бўйсунмасди.

Азонда, ҳали ҳамма ухлаб ётганида, Санжар ҳовлига чиқди.

Майсалар, япроқлар, кечқурун унутиб қолдирилган гитара шудринг остида қолган. У девор қилиб ўралган сим тўсиқдан чиқадиган жой топиб, ўт босган сўқмоқдан пастликка туша бошлади. Тузик унинг кетидан эргашди. Пастлик тикка, сўқмоқ тупроғи нам ва сирпанчиқ эди. Икки бор пастга шўнғишига бир бахя қолди, зўрға гавдасини тутиб қолди. Энди қаёққа боришни билмай бироз тўхтади, шабнам ва тердан ҳўл бўлган юзини артди. Тузик ундан олдинга ўтиб олди, Санжар кетидан юрди.

Қор, ёмғирлар таъсирида қорайиб кетган ўриндиқ ўз жойида турарди.

Санжар ўтирғич устидан қуриб қолган япроғу наъматак мевaларини қўли билан сидириб ташлади. Ўша ёзув ҳамон билинар-билинмас бўлса-да кўриниб турарди. Тузик бирдан хурсанд бўлиб вовуллай бошлади. Санжар ортига қайрилди.

Тепадан унга Константин Иванович қараб турарди.

– Ўтирма… Буткул чириб кетган... – деди у. – Янгисини ўрнатмоқчи эдим... Қўлим бормади... – у чўнтагини тимирскилади: – Ма, ол, менда иккита.

У Санжарга четлари гулдор қилиб текис қирқилган фотосуратни узатди...

Фотосуратда денгизчиларнинг йўл-йўл майкасини кийиб олган Костя амаки бир тиззасида турган ҳолда пичоқ ютаяпти. Ёнида болалар, Рита ва Санжар. Расмдагиларнинг диққати Костя амакида. Фақат Рита фотоаппарат кадрига қараб тушган. Унинг кўзлари кулиб турибди.

– Сен қайтиб келишга ваъда берган эдинг-ку?

– Ваъда бергандим… – деди секингина Санжар, ютинганча томоғига тиқилаётган тошдан халос бўлишга уриниб.

– У сени кутди… Кейинги йил ҳам сўради... Шу тариқа муттасил уч йил…У сени жуда севар эди... – чол сигарет тутатди. – Кейин Петя пайдо бўлди. Бир кўришдаёқ Ритани севиб қолди ва уни ўзи билан олиб кетди...

– Нима… Унга нима бўлган?

– Авария… Тиккама-тикка тўқнашув. Петя билан Анечкага тирноқча зарар қилмаган. Маргарита билан ҳайдовчи ҳалок бўлишган... Беш йил бўлди... Ўзларининг Германиясида...

* * *

Чимён йўлининг қалтис бурилишларида тормозлар чийиллайди. Санжар борган сари тезликни оширарди. Гўё кимдандир қочаётгандек.

...Хуршида нонушта тайёрлаяпти.

– Бекор тўйга бормадингиз-де… – газ-ўчоқ ёнида куймаланганча дерди у. – Жуда зўр бўлди... Ҳамма сизни сўради... Салом айтишди…

Хуршида Санжарга қаради.

– Сизга нима бўлди? – деди кейин қўлини артар экан хавотир билан. – Рангизда ранг йўқ... Ҳа-аа, албатта, дориларизни қабул қилиш эсиздан чиққан... Ҳойнаҳой росса ичгандирсизлар ҳам?

Сўнг Санжарнинг ёнига келиб, сочларига қўл узатди.

– Ҳамма ёғингиз ўргимчак тўри-ку. Қаерларга кириб чиқдиз?

Санжар индамай аёлининг қўлини кафтлари орасига олиб, маҳкам қисиб қўйди ва ювиниш хонасига кириб кетди.

13 январь 2016 йил,
Тошкент
Рус тилидан Аъзам ИСҲОҚОВ таржимаси



Аъзам ИСҲОҚОВ *– 1954 йилда туғилган. Ленинград киноинженерлик институтини (ҳозирги Санкт-Петербург давлат кино ва телевидение университети) тамомлаган. Кинодраматург сифатида "Бахт ортидан", "Сузук ота", "Заъча"сингари қатор бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларнинг, "Зумраша" болалар киножурнали учун элликдан ортиқ юмористик ҳикояларнинг сценарий муаллифи. Унинг "Кинематография тарихи" ўқув дарслиги, "Боқий умр лаҳзалари" адабий-бадиий асари нашр этилган.*

Хаёлимда сен бир ҳилол



Икром ИСКАНДАР

* * *

Ширин ўйга толаман,
сени эсга оламан.
Ўтирганда, турганда,
юрганда, югурганда,
қуёш чарақлаганда,
юлдуз ярақлаганда,
қоронғу тунларда ҳам,
қиш-қиров кунларда ҳам,
ёки очилса бир гул
ва ё сайраса булбул,
кайфиятим чоғ бўлса,
кўксим баланд тоғ бўлса,
дилимда шукуҳ кезса,
ё андуҳ кўнглим эзса,
ғамдан танг қолганимда...
Ҳар нафас олганимда...
Бир баҳона бўлса бас,
сени эсламай бўлмас.

* * *

Гоҳи қуршаб қоронғу ўйлар,
гоҳ кўнгилни ёритиб нурлар,
оқаришган сомон йўлида
хасдай тўзғиб борар умрлар.

Икром ИСКАНДАР *– 1972 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Бир даста гул", "Баҳорни излайман", "Яшил хирғойи", "Фасллар оҳанги", "Шамол қўшиғи", "Висол қушлари" номли шеърий тўпламлари чоп этилган.*

Учраганга ҳатто қўл силкиб
қўймоқнинг ҳам топмай иложин,
не макону замонлар оша
ошиқади қайга бу очун?

Ёниб турган юлдузлар аро
тин билмасдан, билмам, қай сори
аравадай тортиб Ер шарин
елиб борар вақтнинг тулпори.

* * *

Очилиб бу заррин гул қопқаси,
таралар хуш исли қаҳқаҳаси,
тонг била уйғонган нозин кўринг,
бонг ила уйғун бу созин кўринг –
булбулни куйлатган ҳам ўшадир,
кўнгилни сўйлатган ҳам ўшадир –
ошкора этибман суйганимни,
ишқида ўт-оташ куйганимни,
кўзимни йўлида нақш этганим,
жонимни кўйида бахш этганим,
вале бир дод-фиғон этмаганим,
вале бир васлига етмаганим,
дилимнинг қатига кўмганларим
сўйлабман, сел бўлиб ўмганларим,
очилар қачон, деб, дарвозаси,
келар, деб, ғунчадай овозаси –
дардимга малҳамдай эмиш шунча
тонг чоғи очилган кумуш ғунча.

* * *

Биламан, ҳеч нарса абадий эмас,
мангу нарса йўқ бу дунёда, баски,
нечун айриликдан қўрқай-да абас,
озурда дилимга излайин таскин?

Балки, сен шоддирсан мендан олисда,
лекин аримасдан кўзимда ёшим,
қайта учрашмоқни истама-иста,
қошимдан чиқарсан яна, қуёшим.

Изингдан абад зор қолмасман қараб,
мангу тарк этмоқдан сен-да умид уз –
айланиб-айланиб замин муқаррар,
яна мени сенга қилар юзма-юз.

* * *

Сен гулларни парвариш
Қилмоғинг кундалик иш,
Яна бир ҳимо недир –
Гулга интилган каби,
Менга интилсанг эди.

Сезар меҳринг тафтини,
Гулларинг чанқабдими,
Шивирлаб нелар деди –
Сувга интилган каби,
Менга интилсанг эди.

Бир парча нур татийди,
Оддий ва одатийдир –
Гулларингга кун едир,
Нурга интилган каби,
Менга интилсанг эди.

Мен эса, жон ҳалпимда,
Қовжираган қалбимда
Гўё топгандай чаман –
Гулга интилган каби,
Мен сенга интиламан.

Ва ё чексиз саҳрода
Қолиб пою пиёда,
Жонимни ҳам тиламай
Сувга интилган каби,
Мен сенга интиламан.

Сенсиз қоронғу дунё,
Кўзимга тўлиб рўё,
Минг йилки тун ила ман
Нурга интилган каби,
Мен сенга интиламан.

* * *

Саҳардан кечга довур
қувончга тўлиб-тошган
ташна вужуди билан
баҳра олар қуёшдан.
Қуёш билан бирга у
осмонларда сайр этар –

тонгда тутганча қўлин,
кунботар қадар кетар,
чопқиллайди, бу висол
юрагига завқ солар,
унга ҳеч ғала-ғовур
ва тиқилинч автолар.
Кун ботганда қоронғу
ўйлар ўртаб кўксини,
катта кўча бўйидан
қайтар экан ўксиниб,
таққа қотар ва ногоҳ
тасаввурга қоришар –
кун акси кўз ўнгида
чироқ каби ёришар...

Сен кетганда соғинчинг
қадалгандай юракка,
шаҳарнинг чироқлари
уйқу бермас теракка.

* * *

Хаёлимда чорласам гар,
эшитмагин ноламни,
чунки менга сенинг ўйинг,
хаёл ҳам бир оламдир.
Бу оламда сенинг расминг
парилардан қолишмас.

Бу бир лоф ё муболаға,
гапни катта олишмас,
хаёлимда сен бир ҳилол,
нур таратиб тургайсан,
малакларга малоҳатдан
сабоқ бериб юргайсан.

Сўзларимни симиллатиб
соғинчларинг балқиса,
томиримга мадор кирар
ҳар ўйингдан.
Алқисса,
хаёлимда чорласам гар,
келиб қўйма тағин-ай,
сени тўйиб ўйлаб олай,
мазза қилиб соғинай.

* * *

Йўллар, бу қадим йўллар,
нурдек бир қатим йўллар,
гоҳо олис шафақдек,
гоҳи бир одим йўллар.

Айтгил, равон йўл қайда,
чароғон йўл бормикан?
Юртимнинг йўлларидай
қадрдон йўл бормикан?

Дил тубида порлаган
гўзал орзу сингари,
йўллар чорлайди бизни
келажак манзил сари.

Дилда тугарми орзу,
умидлар ҳам мўл экан.
Асли инсон умри ҳам
паст-баланд бир йўл экан.

Инсонки, гар истаса,
қуш мисоли учгайдир,
самоларга йўл топиб,
юлдузларни қучгайдир,

Лекин кўҳна дунёнинг
бир ҳикмати шул экан –
барчасидан бир қалбга
йўл топмоқ мушкул экан.

Йўллар, бу қадим йўллар,
нурдек бир қатим йўллар,
гоҳо олис шафақдек,
гоҳи бир одим йўллар.



Бир сўз бўлиб ўртар дилни дард

Шермурод СУБҲОН

* * *

қандай ёзилса
шундай ўқилиши лозим бўлган
сўзлар кабидир
ҳар икки юзим

у юзимдан урганга валлоҳ
тутиб бермасман асло бу юзим
ҳа буни билсин дўсту ғаним

баъзи саволларнинг
жавоби қисқа бўлар
ҳа ёки йўқ
узун бўлар умри

нимадан дарак
тонгнинг отиши
англатар нени
ваё бу ботиш
толиқдим-ку соя
етакламоқдан

Шермурод СУБҲОН *– 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультети ҳамда Истанбул университети адабиёт факультетида таҳсил олган. Унинг "Сокин сўз суврати" шеърий тўплами, "Шеърият иқлими" илмий мақолалар ва таржималар китоби чоп этилган. Шунингдек, турк ёзувчиси Меҳмет Ўндернинг Шарқ мутафаккир адиби Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига бағишланган "Мавлоно" биографик асарини таржима қилган.*

бу дунё
у дунёнинг қораламаси
мисоли кўзгу...

* * *

туш бу шундай бир маъвоким
йўқдир асло
манзил макони

бироқ унда
яшамоқ мумкин
ломакондан фарқли ўлароқ

* * *

дарвоқе
тартибга солишим керак
аввало фикрларимни
сўнгра ўй-хаёл
қарашларимни

менинг кўзим билан кўради руҳим
эшитар қулоғим-ла
тутса қўлимдир у
юрса оёғим

соядан ясалганми дейман бу дунё
йўқса нега
омонатдир бунда
барча-барчаси

* * *

не ажабким
ухласам-да мен
ухламас юрак
тўхтамас асло
тинмай бедорлик
бонгин чалишдан

уйғоқ экан токи бу қалб
одим отаман мен
ғоя ортидан
эргашар соя

* * *

кўп бўлди ойнага боқмаганимга
балки юз
балки минг йил
балки ундан ҳам ортиқ

бошланғич нуқтаси қаерда борлиқнинг
қаерда
сўнгги нуқтаси
на билган бор буни
на-да сўраган...

* * *

тун – курашмоқнинг айни дами
айни дами
ҳушёр тортмоқнинг
босиб келган ёв
уйқуга қарши

кечиб ширин жону
бор ҳаловатдан
зафар қучмоққа
уринмай қанча
ғалаба қилар уйқу...

* * *

диққат
кулиб туринг
сувратга оламан
чиқ...

қойилмисиз?!
жо айладим сизни
бир умр қалбга

* * *

йўқ тонг отмади
биз чиқдик балқиб
туннинг қаъридан

ёришмади кун ёҳу
ёруғликка шунчаки
юз тутдик холос

дарвоқе
рўй бермади рўё
рўй берганди туш

* * *

ҳа биламан
бироз либерал
бироз демократсан
тағин нима дей
тақвимга кўра белгила
саҳар нонуштасию
тун уйқусига қадар
кун тартибини

ойу юлдузлар
белгиламас тақдирни инон
муҳими
ўзингга ишонч

триумфаторлигинг бадал
терминаторлигингга

* * *

уйқу келса
гоҳ писиб гоҳо
бостириб келар
мисоли рақиб
сўнгра
бошланар хуррак
дунёнинг энг ёқимли
ғалаба куйи…

* * *

ёға-ёға ва ниҳоят
пасайгани каби
ёмғирнинг шашти
тушасан сен ҳам
аста ҳовурдан
тинар кўзёшинг

нақадар ёқимлидир бу
нақадар завқли

эндиги илиқлик
исинса бўлар нақ...

* * *

бир сўз бўлиб
ўртар дилни дард
бир сўзки
айтилмай қолган

қай бир сўзга қўл узатмай
изи қолар руҳимда
бармоқларимнинг

хаёллар қўлларимдир тобора
узайгандан узайган...

* * *


тун
ғинг этган товуш йўқ
чуқур уйқуда
бутун бир борлиқ
тинглар бу дам
мени биргина
бутун вужуди
қулоққа айланган ой...

* * *

бугун бўлмаса
эртага дея
ортга сурамиз гоҳ
муҳим юмушни
ҳавола қилиб барин
вақтнинг ҳукмига
билсак-да борин
эртанинг-да
яна бир эртаси

САИД АҲМАД ВА САИДА

Драмадан бир парча



Тўлқин МУҲИДДИН

Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар зали. Саҳнада раёсат столида уюшма секретариати аъзолари, залда уюшма аъзолари ва таклиф қилинганлар.

Мўйдин *(ўрнидан туриб)*. Ўртоқлар, тинчланинг! Ҳамма йиғилди. Йиғилишимизга газета ва радиодан журналист ўртоқлар ҳам таклиф қилинган. Йиғилишни бошласак бўлади, деган аъзолар қўл кўтариб маъқуллашсин. Раҳмат, бир овоздан қабул. Ишни бошлаймиз. Кун тартибидаги иккинчи масалани ҳозир кўриб чиқсак... Уюшмамизга тегишли бўлган биринчи масалани секретариат аъзолари билан муҳокама қиламиз. Қаршилар йўқми? Маъқул. СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Саида Зуннунованинг шахсий иши ҳақида. Қаршилар йўқми? (қарайди) Йўқ! Кун тартибига киритилган бу масала бизларни ўйлантириб қўйди. Зуннунова Саида "Халқ душмани" ҳисобланиб, 10 йилга қамалган ёзувчи Саид Аҳмад, асли исми Саидаҳмад Ҳусанхўжаевнинг хотини. "Буржуа миллатчиси"нинг хотинини уюшмамиз аъзоси сафида қолдира олмаймиз. У эридан ажралиши керак. Акс ҳолда уни аъзоликдан чиқарамиз. Сабаби, бизнинг таклиф, тўғрироғи, талабимизга қарамай, Зуннунова эридан ажралишни истамаяпти. Бу ҳолда уни мўътабар Совет Ёзувчилари уюшмасининг аъзолигида қолдиришга ҳақимиз йўқ. Марҳамат, секретариат аъзолари, сизлар нима дейсизлар? (ҳамма жим) Унда муҳокамага ўтамиз. (Стакандаги сувдан бир қултум ичади.) Марҳамат, Зуннуновани чақиринг, кирсин! Саида киради.

Айтинг-чи, нега шу кунгача бизлар сизга буюрганимизга қарамай "Халқ душмани" бўлган эрингиз Саид Аҳмаддан ажраш ҳақида судга ариза бермадингиз? Бу ишга тўғри баҳо бермай, сиёсий кўрлик қилиб, ўз билганингиздан қолмай келаётганингиз, ўжарлигингиз туфайли бугунги секретариат йиғилишида

***Тўлқин МУҲИДДИН** – 1940 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Унинг "Икки ўт орасида", "Номардан мард ясаган устоз", "Қалбим кўзи билан кўраман сени" каби ўнлаб китоблари нашр этилган.*

шахсий ишингизни муҳокама қилишга мажбур бўлдик. Бу қайсарлигингиз, биз ёзувчилар шаънига ҳамда уюшмамиз обрўсига доғ туширади. Айтинг, эрингиздан ажраласизми, йўқми?

Саида *(раёсат аъзолари ўтирган томонга қараб, вазминлик билан)*. Ҳурматли секретариат аъзолари, (залга қараб) азиз уюшмамиз аъзолари! Менга ишонинглар, умр йўлдошим Саид Аҳмаднинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Улар баъзи бировлар томонидан ёмон отлиқ қилиниб, уюштирилган бўҳтон натижасида, ҳеч бир асоссиз қамалди. Улар халқ душмани эмаслар ва ҳеч қачон бундай бўлмайдилар. Бу гапим рост. Аксинча, ҳамма одамлар уларга ўхшаган ватанпарвар, ўз миллати ва элини қалбдан севучи бўлгандами...

Силчаков (*ўтирган жойидан гапни бўлиб*). У совет ҳукуматининг ашаддий душмани-ку, бизга эрингиз ҳақидаги эртакнинг кераги йўқ. Типратикон ўз боласини юмшоғим деганидек, сиз эрингизни роса мақтаб юбордингиз-ку. Балки уни қаҳрамон унвонига тавсия қилсакмикан-а?

Саида *(қатъий)*. Сиз, сизни ёзувчи деб ҳурмат қилардим. Ёзган нарсаларингиздан нега бадбўй ҳид келишини энди тушундим. Кечиринг, бу менинг сизга, тўғрироғи, ижодингизга берган баҳоим. Сизни даврнинг тўтиқушига ўхшатгим келади.

Мўйдин. Бас! Ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Нега бунчалик бемаънилик. Овозингизни ўчиринг, даврга ҳам тил теккизманг. Бу ишларга ҳали анча ёшсиз.

Саида. Мен ҳозирча, Ёзувчилар уюшмасининг ҳақиқий аъзосиман. Ўз фикрим ва қарашларимни айтиш ҳуқуқига эгаман, тўғри эмасми?!

Силчаков. Тўғри эмас. Эй, хотин, бу ер бозор эмас, ёзувчиларнинг мўътабар уйидасан. Оғзингга қараб гапир. Сен битта винтиксан, билдинг.

Саида. Сиз-чи, мотормисиз?

Силчаков. Ҳа, моторман, менсиз ҳеч қаёққа боролмайсан. Хоҳласам кечираман, хоҳласам, сени ҳам ўша "Халқ душмани" бўлган ёстиқдошинг ёнига жўнаттириб юбораман, билиб қўй?

Саида. Тушундим. Ҳар қалай, сиз ҳам билиб қўйинг, эрим ҳалол, пок, ватанига садоқатли инсон. Улар шу кунгача фақат яхши ишлаб, обрў-эътиборга эга бўлган, оддий зиёли инсон. Улар ҳақидаги барча гаплар уйдирма, бўҳтон. Улар душман ҳам, буржуа миллатчиси ҳам эмаслар. Ҳеч қачон аксилинқилобчи ҳам бўлмаганлар, билдингизларми?! Улар...

Мўйдин *(гапни бўлиб)*. Ўртоқ Зуннунова, эрингиз ҳақидаги таърифингиз бизни қизиқтирмайди. Сиз ўзингизни ўйланг, суд ҳукми чиқиб бўлган, эрингиз қамоқда. Айбини ўзи ҳам тан олган.

Силчаков. Раис, халқ душмани, буржуа миллатчиси Саид Аҳмаднинг таъсирини кўряпсизми, хотинига ҳам ўтган. Буни ҳам ўша ёққа жўнатиш тарафдориман. Бундайлар бизга ҳеч қачон дўст бўла олмайди. Улар...

Саида *(тутоқиб)*. Дўст нималигини билган одамгина дўстлик ҳақида гапиргани маъқул бўларди, жаноб Силчаков. Сиз дўстликка нолойиқ одамсиз. Бу гапимга хафа бўлманг, лойингизни бошқача пишитишган, бизларни тушунишингиз ҳам анча қийин. Билиб қўйинг, адолат, ҳақиқат...

Мўйдин *(гапни бўлиб)*. Бас! Неча марта айтаман. Зуннунова, сизни ўсиб келаётган, умидли адиба деб биламиз. Сизнинг ижодингиздан хабаримиз бор. "Содиқ ва анор", яна қайсийди?.. Ҳа, ҳа "Хайрихон" каби достонларингизни, куни кеча чоп этилган "Янги шеърлар" тўпламингизни ҳам кўрдик. Аммо сиз

масалада оёқ тираб туришингиз сиёсий дунёқарашингиз пастлигини кўрсатиб турибди. Ўзингизни тутишингиз ҳам бизларга ёқмаяпти. Шу боис ҳозироқ барча олдида эрингиздан ажралиш учун ариза беришга ваъда беринг, акс ҳолда уюшма аъзолигидан ўчиришга мажбур бўламиз.

Саида. Кечиринг, Мўйдин ака. Аммо...

Силчаков *(гапни шартта бўлиб)*. Аммо-маммоси йўқ! Билиб қўй, эй хотин, сенда коммунистик эътиқод йўқ экан. Совет давлатига бўлган садоқатинг ҳам бўш! Совет давлати сени ўқитди, таълим-тарбия берди. Сен одам бўлдинг. Энди бўлса... Билиб қўй, кўнсанг кўндинг, кўнмасанг мажбур қиламиз. Сени нафақат уюшма аъзолигидан чиқариш, балки ишингни судга ошириб ҳам юборишимиз мумкин. Яхшиси кўн, эрингдан ажра! Гап тамом.

Саида *(бамайлихотир)*. Сиз жаноб катта ёзувчидан нимани ўрганай, ўзингиз айтинг. Одобними ёки ахлоқними? Ахир одоб ва ахлоқ ҳақида ваъзхонлик қиладиганларнинг, энг аввало, ўзлари одобли ва ахлоқли бўлиши керак эмасми?! Ота-онам менга катталарни ҳурмат қилишга ўргатган. Устозларим ижодидан ўрганаман, аммо ҳеч кимнинг шахсий ҳаётимга бурнини тиқишига, ҳатто сизга ўхшаган катта ёзувчининг ҳам аралашишига йўл қўймайман. Оила масаласи – бу ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Бу ерда бировларнинг даллоллиги ўринсиз. Билиб қўйинг, буюк даҳолардан бири: “Инсон вужуди тупроқдан, дили эса илоҳий нурдан яралган” деган. Демак...

Силчаков. Тўхтат донолигингни! (ўрнидан туриб кетади.) Қандайдир буюкларингнинг гапини бу даргоҳда ишлатма! Биз коммунистлармиз, аллақандай доноларга эмас, энг буюк жонажон Коммунистик партия буюрган ишларга масъулмиз, тушундингми? Илоҳнинг ўзи йўқ, уни нури бўлармиди?!

Саида *(бепарволик билан)*. Яна бир улуғ зот, башарият шоири Жалолиддин Румий, “Инсоннинг ичи ҳуррият оламидир” деган. Донишманд, киши қалбига ҳеч ким буйруқ бера олмаслигини айтмоқчи. Мен уюшмага наф кўраман деб аъзо бўлмаганман. Аксинча, уюшманинг фаоли бўлиб, халқимга бироз бўлса-да хизматим кўпроқ тегсин, деб аъзо бўлганман. Совет давлати чиндан ҳам мени ўқитди, таълим-тарбия берди. Аммо билиб қўйинки, одам қилди деб минбаъд айтманг. Чунки мен инсон эдим, ҳайвон эмасдим... Коммунистик партия айтган ишни қилишга доим тайёрман, чунки мен коммунистман. Коммунистик партияга сўздагина эмас, амалда ҳам фаолман.

Силчаков. Сен бу ерда қуруқ аравани олиб қочаяпсан. Сен, хонимча, ҳали 25 ёшга ҳам кирмагансан. Бу ерда ўтирганлар сендан икки-уч марта кўп умр кўришган. Уларни ҳурмат қилишга мажбурсан. Сен билан бекинмачоқ ўйнаётганимиз йўқ. Шуни унутма!

Саида *(яна ҳам бамайлихотир)*. Тўғри айтасиз. Сизнинг кучингиз кўп, шажарангиз улуғ. Истаган масалада ғолиб чиқасиз. Буни биламиз. Аммо қалбим истаган нарсадан воз кеча олмайман. Мен яна бир марта сизларга айтмоқчиман: Умр йўлдошим халқ дўсти, душмани эмас. Ўз халқи ва ватани Ўзбекистоннинг содиқ фарзанди. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди. Бир кун келиб, ҳақиқат, адолат тантана қилади. Агар виждонингиз бўлса ўшанда уялиб қолманглар, демоқчиман, холос. Мен...

Мўйдин. Саида бас, баҳс авжига чиқиб кетди. Отанг тенги одам билан тортишиш керакми-а? Барибир ютқазасан-ку!

Силчаков. Тўғри, баҳс авжига чиқди. Аммо бу хонимчага айтиб қўяй, сенинг ватанинг СССР, фақат сен Ўзбекистонда туғилгансан. Виждон ҳақида гапиришга ҳали жуда ёшсан. Қалбим, қалбим дейишдан кўра, яхшиси ақлингни ишлат, қалбингни-чи, (атрофга қараб мийиғида тиржайиб) бошқаларга инъом этганинг яхши бўлади. Эринг у ердан тирик қайтиши даргумон. Келган тақдирда ҳам, унгача сен анча қариб қоласан.

Саида *(дарғазаб бўлиб)*. Мени "хонимча" деб ҳақоратлашга ҳеч қанақа ҳақингиз ҳам, далилларингиз ҳам йўқ. Мен хонимча эмасман. Мен ўзбек қизиман, ўзбекнинг шоирасиман. Унинг дарди-ю, армонларини, яхши кунлари-ю, тўйларини куйлаш учун Тангри менга шу қобилиятни берган. Тоза қалбимни сассиқ сўзларингиз билан ҳақоратламанг. Андишани отини қўрқоқ қўйманг. Асли қийшиқ дарахтнинг кўланкаси ҳам қийшиқ бўлишини биламан. Сиз бундай беадаб сўзларни ҳар куни маишат қиладиган бузуқ аёлларингизга айтинг. Яна қайтараман, мен шоира Саида Зуннуновaман, жаноб, катта ёзувчи Силчаков!

Силчаков *(бўшашиб, жойида ўтиради)*. Эрсиз қолган аёлга хоним дейдиганлар борлигига шукр қилсанг-чи, тентак! (кулиб қўяди) Акс ҳолда ҳаётинг эркак ўрнига ёстиқ қучоқлаб ўтади, шуни тушинасанми? Худога ёлворяпсан. Худо йўқ-ку! Сени партия аъзолигига номзодликдан ҳам чиқариш керак экан. Бизга Худога ишонадиганлар керак эмас. Бу дунёқарашинг учун ҳам сени жазолаш лозим. Бунинг чорасини кўрамиз. Тилингни калта қилиб қўйиш қўлимиздан келади.

Саида *(унга тик қараб)*. Беадаб, маданиятсиз, тирноқ ичидан кир ахтарадиган устаси-фаранг одам экансиз. Билиб турибман, сизга, яъни деворга гапиришдан фойда йўқ. Афсус, тақдиримиз сизга ўхшаган кимсаларга қолибди. Наилож! Ёруғ кунлар ҳам келар. Бизларнинг уйимизда ҳам байрам бўлар! (Эшик томон кетабошлайди.) Ҳукмингизни чиқараверинг, ҳаммасига розиман. Эримдан ажрамайман! Шу қоронғи кунларни кўриш тақдиримда бор экан!

Силчаков *(қичқиради)*. Ҳей танноз, уюшма гувоҳномасини ташлаб кет. Сен СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилдинг, бугундан бошлаб...

Саида (эшик олдида тўхтаб, орқасига ўгирилиб). Бу гувоҳномани жаноб, покиза инсон қўлидан олганман, ўша одам рухсати билан топшираман, албатта. Билиб қўйинг, шоиралигим қалбимда. Уни ҳеч ким суғуриб ололмайди. Гувоҳнома сизга ўхшаганлар учун ниқоб, мен учун эмас. Уни албатта топшираман. (Залдагиларга қараб.) Ҳурматли ҳамкасблар, мени тўғри тушунасизлар деб ўйлайман. Шартакилигим учун сизлардан узр сўрайман. Шундай йўл тутишга мени мажбур қилишди. Мен ўз ақлим ва қалбим измигагина бўйсиндим, холос. (Чиқади.)

Саҳна қоронғилашиб, аста-секин ёришади.
Ҳовлида суҳбатлашиб ўтирган Ойбек билан Саида кўзга ташланади.

Саида. Уюшманинг сўнгги мажлисида сиз меҳнат таътилида эдингиз. Мен Силчаков билан баҳсга тушиб кетибман. Улар шаънига анча кўпол, гапларни айтганим учун сиздан, устоз, узр сўрайман. Ҳеч қачон бунчалик шартакилик қилмаган эдим.

Ойбек. Ҳамма гапларни эшитдим. Сен ҳақиқий жасорат кўрсатибсан. Силчаков ўзбек адабиётини тушунмайди ва тушунишни ҳам истамайдиган бир гумроҳ ёзувчи. Унинг кимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Энг муҳими, умр йўлдошинг Саид Аҳмадга бўлган садоқатинг ва меҳрингни исботлабсан. Ҳам аёл сифатида, ҳам

шоира сифатида раисга ҳам, силчаковчиларга ҳам яхшигина дарс берибсан. Мен орамизда, ёшларимиз ичида сендай жасур, эътиқодли қалам соҳиблари борлигидан беҳад хурсадман. Аммо котибият кўпчилик овоз билан сени уюшма аъзолигидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилибди. Наилож... Баъзида мана шундай хатолар ҳам бўлади. Ўкинма, гап гувоҳномада ҳам, уюшма аъзолигида ҳам эмас. Сенинг ҳалоллигинг ва виждонинг поклигида. Биламан, сен доим адолатни ёқлагансан, оилангга меҳрли бўлгансан. Сен ҳаракатчан, қалами пишиқ шоирасан. Ёз, ёзавер. Ёзганларинг қолади бу ҳаётда. Яхши кунлар ҳам албатта келади. Яхши ният қил, қизим! Дадиллик сени тарк этмасин, яхши асарларинг билан ўзингни кўрсат.

Саида. Раҳмат, устоз, юрагим сезиб турибди, Саидаҳмад акамларни ноҳақ қамашди. Буни сиз ҳам биласиз. Сал бўлса, сизни ҳам ўшандайлар сотиб, халқ душманига айлантиришлари мумкин эди. Ҳаётимиз шунақа алпозда давом этса, нима қиламиз? Инсофли, диёнатли ижодкорларимиз кўпидан ажраб қолаверамизми? (хомуш.) Абдулла Қодирий-ю Чўлпон, Фитрату Усмон Носир, яна ҳужум бошландими, устоз? Нега ўшандайлар ўз жазосини ҳалигача олмади?

Ойбек. Қизим! Сабр қил, ҳақиқат албатта қарор топади. Кўриб турибман, адабиётимиз, санъатимизнинг энг яхши истеъдод эгаларига йўқ ердаги туҳматларни тақиб, суд қилишяпти, қамашяпти. 30-йиллардаги зўравонликлар яна такрорланяпти. Хабаринг бор бўлса керак, 1938 йили Саид Аҳмаднинг отаси ва амакиси қамоққа олиниб, бедарак кетди. Орадан 10 йил ўтиб акаси ўзбек стенография ёзуви ижодкори бўлган Имомхонни ҳибсга олишди. Бу фақат битта оиладан ноҳақ кетганлар. Бундай мисоллар беҳисоб. Замон зўрники, дегани шу бўлса керак. Лекин аминманки, бу ноҳақликлар билан жон сақлайдиган тузум... (бироз сукутдан кейин) ўз-ўзидан ўлади. Ҳозирги пайтда тегирмонга тушганларнинг аҳволига ачинаман. Адолат қарор топади. Сабр қил. Ахир, сен бардошли қизсан. Файласуф Демокритнинг сўзларини балки эшитгансан: “Бахтсизликда бурчига содиқ қолиш буюк бахтдир”, деб бежиз ёзмаган. Биласанки, гул ҳидлаган ҳеч қачон тўйдим демаганидек, гул ҳидини билмаган бу сўзларнинг мағзини қаердан билсин! Тоқат қилган, албатта, мақсадига етади. Сенинг ҳозирги ишинг, боя айтганимдек, ижод, ижод ва яна ижод қилиш.

Саида. Раҳмат, устоз! Айтганингиздек иш тутаман. Энди сиз топширган мана бу гувоҳномани нима қилай? (Сўмкасидан олиб кўрсатади.) Уюшмага боришга оёғим тортмаяпти. Ўша ердаги баъзи тўтиқушларни кўришга тоқатим йўқ. Ҳужжатни конвертга солиб, “заказной” қилиб хат билан жўнатсам бўладими?

Ойбек. Маъқул. Шундай қилақол. Бу ёғига ўзингни асра. Саид Аҳмадга мактублар ёзиб, уни қўллаб тур, у ишонаман, албатта қайтиб келади ва сизлар бахтли ҳаёт кечирасизлар. Фақат боя айтганимдек, ижоддан тўхтама. Ёзавер, матбуотда чиқадими ё йўқ, барибир ёзавер. Шундай вақт келади, ҳамма ёзганларинг сўзсиз нашр этилади.

Саида. Сезиб турибман, ёзганларимни энди чоп этишмайди. Газеталару журналлар мен учун энди ёпилди. Радио ҳам номимни эшитган заҳоти эшикларини бекитади.

Ойбек. Биламан. Лекин наилож. Бирон жойда ишга ўрнашишинг керак. Яшашинг керак, тушунаман. Иш масаласини ўйлаб кўрамиз. Билиб қўй, қизим, якка ҳоким мафкуранинг моҳияти шунақа. У тузум билан боғлиқ. Сиёсатни ўзгартириш... Ҳозир сабр қилиш керак. Маъмурий буйруқбозликнинг чин қиёфасини мана, куни кеча ўзинг кўрдинг.

Саида. Ахир, мен партияга ишонаман-ку. Унинг даъватларини ижро этиш учун билимим ва кучимни сарфлаб меҳнат қилдим-ку. Қўлимдан келганича ёзаяпман...

Ойбек. Гапларинг тўғри. Ҳозирча бизлар ҳеч нима қила олмаймиз, ҳеч нимани ўзгартира олмаймиз. Бу тузум ҳали бақувват. Сен мажлисда сиёсатга қаттиқ тил тегизмай чиқиб кетганинг бир томондан яхши бўлибди, акс ҳолда сени ҳам қамаш учун уларга яхши баҳона бўларди.

Саида. Мен ҳеч қанақа гуноҳ қилмадим-ку. Фақат ўз қарашларимни, ўз фикримни айтдим, холос.

Ойбек. Ўз фикримни дегин? (Бироз сукутдан кейин.) Умр йўлдошинг, шўрлик, Саид Аҳмад ёки Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, ё Шуҳрат, ёки Тўхтасин Жалолов, Мирзакалон Исмоилий ва яна бошқалар гуноҳ қилишувдими? Улар ҳам асарларида ўз фикрларини, қарашларини ифода этган эдилар.

Саида. Уларнинг китобларини ўқиганман. Ҳеч бирида сиёсатга қарши гап йўқ.

Ойбек. Шуни тушунган бўлсанг бас!

Саида. Айтгандай, биз ўшанда Саидаҳмад акам билан никоҳ қилинганмизу, ЗАГСдан ўтишга улгурмагандик. Бу гапни айтмаганим яхши бўлибди-да-а?! Айтганимда, балки улар хурсанд бўлиб, мана эридан воз кечди, деган хулосага келишармиди.

Ойбек. Агар айтганингда, сени маънавий бузуққа чиқаришарди. ЗАГСдан ўтмай яшаш коммунистик ахлоққа зид деб, баттар қоралашарди.

Саида. Биз бир-биримизни жондан азиз... кўрамиз. ЗАГСдан ўтиш иккаламиз учун муҳим эмасдек эди. Ё нотўғрими гап...

Ойбек (гапини бўлиб). У келгач ўтасизлар, гапинг тўғри. Яхшиси, сенга лойиқ бир иш топиш устида ўйлайлик. Ҳар қалай бошингда кекса қайнонанг бор. Сени ҳозир матбуотга ишга олишмаса керак.

Саида. Жуда кўп ташкилотларга бордим, яхши суҳбатлашиб туришарди-да, гап оила ҳақида бурилган заҳоти, тамом, афсус бизда иш йўқ, дейишарди. Ишлаганим улар учун, жамият учун яхши эмасми?

Ойбек. Йўқ! Сени қийналганинг, азоб-уқубатларингни кўриб, гапимизга кирмаганларнинг ҳолига вой, ҳаёти шундай ўтади, деб ўзларининг ҳақ эканликларини бошқаларга намоён этиш бу. Ташкилотдаги масъуллар ўзларидан кўрқиб, сени ишга олишни истамайди. Тузум талаби шундай.

Саида. Яна иш излайман. Тақдиримда ёзилган бўлса, инсофли, яхши бир инсонга дуч келарман... Устоз, сиз безовта бўлманг, ўзим ахтараман...

Ойбек. Майли, сенга куч, сабр-қаноат тилайман. Худо сабрли одамни севади, қизим. Мен ҳам қадрдонларимдан суриштириб кўраман. Иложи бўлса бирлашган нашриёт директори Архангелский ҳузурига бор, у анча ғамхўр ва меҳрибон инсон. Унга сен ҳақингда айтаман. Балки, ҳозирча, сенга бирон-бир иш топиб берар.

Саида. Раҳмат устоз! Сизни ўз дардим билан қийнаб қўйганим учун мени маъзур тутинг. Менга энди рухсат беринг, борай. Айтгандай, эртага партия Марказий қўмитасига бораман. Зора улар ёрдам қилишса. Агар бу иш ҳам якун топмаса, албатта Архангелский қабулларига бораман. (Ўрнидан туради.)

Ойбек. Шошма, келинойинг Зарифахон бир нимага уннаяпти, хафа бўлмасин тағин.

Саида. Узримни айтиб қўйинг. Бошқа сафар, устоз!

Ойбек. Майли. Хайр, қизим, яхши бор!

Саҳна қоронғилашиб, яна аста-секин ёришади.
Хонада марказком ходимаси Саида билан.

Ходима. Сиз бизга келиб тўғри қилгансиз. Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси аёллар билан ишлаш бўлимининг йўриқчисиман. Сиз шоира Саида Зуннуновасиз, шундайми?

Саида. Шундай...

Ходима. Ишга кириш учун ёрдам сўраб келгансиз?

Саида. Ҳа.

Ходима. Нега тўғридан-тўғри бизга келдингиз, ўзингиз иш излашдан эриндингизми?

Саида. Кўп ташкилотларга бордим, улар оилавий аҳволимни билишганлари заҳоти гапни қисқа қилиб, бизда иш йўқ дейишяпти. Иложсиз қолганим учун сизга келдим.

Ходима. Партия аъзосимисиз?

Саида. Номзодман.

Ходима. Яхши. Энди оилангиз ҳақида айтинг. Эрингиз борми?

Саида. Эрим борлар. Уларга ноҳақ "халқ душмани" деган тамға босишди ва суд қарори билан 10 йилга қамашди.

Ходима. Гап бу ёқдами. Хотин-қизларга ҳамма жойда иш бор. Аммо сизнинг масалангиз бўлакча. Афсуски, сиз халқ душманининг хотини экансиз. (энсаси қотиб) Ўзингиз ўйланг, ақлли қизга ўхшайсиз, ким халқ душманининг хотинини ишга олишга ботинади? Биз огоҳ бўлишимиз, душман кимсаларга ҳушёр кўз билан қарашга ўрганишимиз лозим. Яхшиси, ундан тезлик билан ажралинг, ана шунда сизга иш топиш осон бўлади, сингилжон.

Саида. Опа, мен уларга ишонаман, улар халқ душмани эмаслар, ишонинг. Бу адашиш, ноҳақлик бўлган. Улар ҳалол, пок, ватанини, халқини севучи, ҳеч қанақа гуруҳ ва ташкилотларга қўшилмаган. Давлат ташкилотларида ишлаб юрувдилар...

Ходима. Сиз билмаган бўлишингиз мумкин-ку. Суд ҳукмига қарши бўлсангиз, Олий судга шикоят ёзсангиз бўларди. Биз сизга ёрдам бера олмаймиз. Кимга мен бу аёлни ишга ол, деб айта оламан. Оила масалалари бу – муҳим масала. Буни охирига етказинг, боя айтганимдек, кейин келинг, ёрдам берамиз.

Саида (аччиқланиб). Мен айбдор эмасман-ку!? Қайнонам иккимиз яшашимиз керак-ку, ё ўлишимиз керакми? Ишга киролмасам, ўғирлик қилайми, айтинг нима қилай?

Ходима. Айтганимни қилинг, ўжарлик қилманг. Бошқа йўл йўқ. Сиз ёшсиз, бошқа бировга кўнгил қўярсиз. Халқ душманини кутиш – тентаклик.

Саида. Опа, нега тушунмайсиз, улар айбдор эмаслар. Улар... (Йиғлайди.) Мени нега ҳеч ким тушунишни истамаяпти? Ҳеч бўлмаса сиз тушунишингиз керак эди-ку?! Партиямиз ичкарида ўтириб қолган ўзбек аёлларини жамоат ишларига тортиш, уларни иш билан таъминлаш масалалари билан шуғулланаётган бир пайтда мен ишсиз у эшикдан, бу эшикка кириб иш сўраб юрсам, бу қанақаси? Қани ҳақиқат, қани адолат, айтинг, опа?!

Ходима. Сизга бошқача тушунтира олмайман. Ҳамма гапни айтдим. Бу марказком, ҳар қандай одам келиб менга иш бер, деса унга иш топиб берадиган ташкилот эмас.

Саида (қони қайнаб). Мен дуч келган аёл эмасман, опа! Мен давримизнинг илғор аёлиман. Қўлимда иккита диплом бўлатуриб ишсиз юрсам, бу аҳволни қандай изоҳлайсиз?.. Майли манг, менга бу дипломлар энди керак эмас! (Сумкасидан дипломларни олиб, ходима олдига қўяди) Партиядошларим ҳам шундай совуқ муносабатда бўлишса... (Кетабошлайди.)

Ходима. Ўзингизни босинг. Мен сизга нима дедим? Ўзингизга лойиқ ишни ўзингиз топинг десам, нега тушунмайсиз? Майли, ўтиринг, мен сизга иш топиб бераман. Одам ўзини бунақа тутиши одобдан эмас. Сиз ваҳоланки, ҳам шоира, ҳам ёзувчи бўлган экансиз. (Телефон рақамларини теради.) Алло! Яхшимисиз? Ҳа бу мен, Салтанат Сиёевна, ёнингизга бир ёш аёлни юборяпман. Корейслар мактабига рус тилидан ўқитувчи керак, девдингиз. Бу аёл ҳам ўқитувчи, ҳам шоира, ҳам ёзувчи экан, эпласа керак, деб ўйлайман. Уни ишга олинг, синов муддати билан, албатта. У ҳозироқ ёнингизга боради. Фамилияси Зуннунова Саида. Бўпти. (Гўшакни жойига қўяди ва қоғозга бир нималарни ёзиб, Саидага узатади.) Ҳозироқ шу манзилга бориб, бошлиғининг қабулига кирасиз. Сизни ишга олади. Мана ишингиз ҳам битди. Энди шикоятга ўрин йўқ. Ўзингизни ишда кўрсатинг. Дипломларингизни олинг.

Саида. Раҳмат! (Дипломларини олиб, йўлакка чиқади, ўзича.) Рус тилида дарс ўтиш... Тағин корейс болаларига. Йўқ бўлмайди. Яхшиси қўлимдан келадиган ишга борай. Устозим айтган бирлашган нашриёт директори қабулига бораман.

Саҳна қоронғилашиб, яна аста-секин ёришади.
Оддийгина уйда хонтахта ёнида Саида ўтирибди.

Саида (ўзича). Мен кимман, нега тақдиримга шунча нохушликлар ёзилган экан. Бу синовлар яхши кунлар билан алмашармикан, Парвардигор! Саидаҳмад ака, нима қилай, баъзида жуда хафа бўлиб, хунобим ошиб кетади? Отам ўлди, укам ўлди, онам ўлди, улар кўз ўнгимда уларни ўлган деб айтолмайман, улар бамисоли тирик! Хайриятки, онангиз – онам борлар, насиҳатлари билан мени овутиб келаяптилар. Баъзида ўзимни денгиз остига чўккан бир тирик мурда деб биламан. Фақат номингизни эслаганимда юқорида сиз – бир нур бўлиб чарақлаб тургандай бўлади. Машинкам ҳатто қизиб кетгандай бўлади. У чарчайди, мен эсам тепага ўша нурга қараб интиламан. Ана шунақа дамларда тириклигим эсимга тушади. Сизни қалбим сезади, яқин ойлар ичида соғ-саломат келасиз, душманлар аламига, дўстлар қувончига шерик бўлиб кулиб кириб келасиз. Шуларни ўйлаганимда юрагим ҳовлиқиб кетади. Ҳатто ойимжоним ҳам ҳайрон бўлиб менга тикиладилар, уларнинг ҳам ғам-ғуссалари сал бўлса-да камайгандай туяман ўзимча. Она-бола хурсанд чойхўрлик қиламиз.

Бу сўзларни сизга айтолмайман, ёзолмайман. Ота-онам суратларига қараб, улардан мадад сўрайман. Отажоним, онажоним, Сизлар мени бир сўзли қилиб тарбияладинглар, аммо бахтли бўл демовдингларми, дейман.

Ичимдан чиққан ноладан ўзим уяламан. Улардан узр сўрайман. Битта қанот сиз, иккинчи қанотим ойижоним қолдингизлар. Илоҳо, иккингиз ҳам омон бўлинглар. Қанотсиз ёки бир қанотли қуш самога парвоз қилолмайди-ку. Шуларни ўйлаганимда “дод” деворaман. Аммо чида, чида деган нидо чиқади ичимдан. Тўхта, қизим, ишингни бошла, дейди бир овоз. Бу отамнинг овози. Хўп дейману яна машинкага ўтираман. Мана ҳозир ҳам худди шундай бўлди. (Шеър ўқийди.)

Ҳаётдан нолиса биров, суймайман,
Айниқса, соғ бўлса қўли, оёғи,
Ҳаёт сийлар бизни қувонч, бахт билан,
Не ажаб бўлса гоҳ алами, доғи.

Қачон бу кунлар ўтаркан? Қачон?! (Бошини кўтаради.) Йиғи биланми? Йўқ. Асло! Мен ишлашим – шеърлар, асарлар ёзишим, курашмоғим керак. Устозим шундай дедилар-ку! (Ўрнидан туриб.) Парвардигор, ижодимга барака бер, ўзимга сабр ва куч-қувват! Саид Аҳмад акам тезроқ қайтиб уйимизга чироқ ёқсинлар! (Машинкани чиқирлата бошлайди.) Бу сатрлар сиз, меҳрибоним – Саид Аҳмадга аталур. (Шеърни овоз чиқариб ўқийди.)

Мен сени шунчалар ёниб севганим,
Севишни сенга ҳам ўргатмоқ учун!
Ўзимни ўйламай, сени деганим,
Сенга ҳам ўзимни ўйлатмоқ учун.

Шаънингни булбулдек юз тилда айтдим,
Сени ҳам булбулдек куйлатмоқ учун.
Бахтимни таърифлаб ғазаллар битдим,
Сенга ҳам бахтингни сўзлатмоқ учун.

Эшикдан Хадича киради.

Хадича. Намунча ишга мукканг билан берилиб кетмасанг. Кирганимни ҳам сезмадинг-а, ой пари!

Дугоналар қучоқлашиб, ўпишиб кўришади.

Саида. Вой, ўргилай опажонимдан, яхшимисиз? Сизни жуда соғинган эдим. Зап вақтида келдингиз-да. Мен бугун “Абай” романини кўчириб тугатдим. Бир суҳбатлашиб, дардлашамиз. Уйдагиларингиз тинчми, ўзингиз яхши юрибсизми?

Хадича. Шукр ҳаётимиздан нолишга ўрин йўқ.

Саида. Куёвингизни қумсаб, бир шеър битган эдим. Ҳозиргина шоирона лутф қилсам, “Иссиқ тандирдан чиқди”, шуни кўчираётган эдим.

Хадича. Унда бизам бир эшитайлик.

Саида. Жон деб ўқиб бераман, аввало сизни қучиб, муборак этиб қўяй. Докторлик диссертациянгиз ҳимояси билан чин юракдан табриклайман.

Хадича. Телефонда Москвага биринчи бўлиб сен сим қоқдинг, табрикладинг-ку. Овозингни эшитиб, йиғлаб юбордим, хурсанд бўлганимдан, сездинг, шекилли?

Саида. Сездим, опажон, мен ҳам кўзёши қилиб олдим. Шундай хурсандчилик ёшлари бўлаверсин, илоҳа!

Холида опа. Айтганинг келсин. Энди навбат шеъргами?!

Саида. Майли. Уят қилмайсизда-а, опа?! (Ўқийди.)

...Куйим, ўйим бари сизники,
Сизникиман токи жоним бор.
Нима қилсам нима ёзсам ҳам,
Олдингизда қарздорман, қарздор.

Хадича. Балли, сингилжон. Бу дил сўзларингни битта хат билан Саид Аҳмаджонга юбор, ўқиб хурсанд бўлади.

Саида. Хўп бўлади. (Кулиб.) Гўзаллигу ақл-идрокда танҳо. Юракдан севадиган опагинам, илм чўққисига қўрқмай, илдам бораётган, сўзи билан иши бир, содда, ишонувчан, опажоним. Сизга соғлик, омад ёр бўлишини истовчи сингилжонингиз ниятлари ижобат бўлишини Тангридан сўраб қоламан.

Холида опа. Менга тилаган ниятларинг учун раҳмат, сенга ҳам тилагим бор. Саид Аҳмад тезроқ уйига қайтиб, бахтли ҳаёт оғушига шўнғиб кетишларингни истайман, сингилжон.

Саида. Раҳмат, опагинам, айтганларингиз ижобат бўлсин. (Кулиб.) Энди сиёсату ҳамду санолардан тадбиримизнинг иқтисодий томонига ўтсак. Ҳозиргина бир қазоқ қизи шеърлар тўпламини бироз таҳрир қилиб, ўзбекча матнини машинкалаб берганим учун, бир кичик мешчада қимиз билан бир дона қази ташлаб кетди. Майли десангиз, чойдан аввал қимизхўрлик қилсак, нима дейсиз, опажоним?! (Ўрнидан туриб столни безай бошлайди.)

Холида опа. Сен нима десанг шу! Бугун ўнг томоним билан турган эканман, чоғи. Айтгандай, ўзим ёпган нондан сизларга илиниб олиб келдим. Кеча қўй сўйгандик, шундан ҳам насиба келтирдим. Ойинглар кўринмайдиларми?!

Саида. Бўстонликдаги бир дугоналари бетоб ётган экан, “Кўриб келсам, болам”, дедилар. “Майли, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб келинг” девдим, хурсанд бўлиб, кетдилар. Эрта-индин қайтадилар. Сиз бекор овора бўлибсиз, опажон.

Хадича. Ундай дема. Насибаларинг. Ойижонинг бир ўзингни ҳеч ташлаб кетмасдилар. Анча чарчабдиларда-а?! Ўй ҳам одам соғлигини каламушдек кемиради.

Саида. Ҳа, анча толиқдилар. Гаплашишга улар ёшидаги кампирлар йўқ. Менинг улар билан гаплашишга вақтим етмайди. Қисқаси, жуда сиқилиб қолдилар. Кўзлари тўрт, эшик тиқ этса қувониб, болам келди, деб ўша томон чопадилар.

Хадича. Фарзандда, нима ҳам қилсин, бечора ойижонинг. Ойинг бахтига сен борсан. Тетик юришларига, сенинг борлигинг ҳам катта мадад.

Саида. Раҳмат. Юрагим тўлқинланиб кетди. Негадир шу пайт илҳомим жўш урди. Эшитинг, опажон!

Сенга совуқ бир сўз айтгим келарми,
Хотирангни қилгим келарми мажруҳ?!
Озор етказмакни кўнглим тиларми,
Қалбимда ғолибми ё қувғинди руҳ?!

Кунларим ўтганда сенсиз, кулгисиз,
Азалий маккор ишқ қўйганда туртиб,
Кўп гапларни сенга айтганман унсиз,
Жимжит кечаларда танҳо ўй суриб.

Забонсиз юлдузлар берса гувоҳлик,
Еллар тилга кириб шивирласа, оҳ,
У дардларни унутиб мангу-мангуга,
Бахтнинг боқийлигига бўлардим гувоҳ.

Хадича (қарсак чаларкан). Ажойиб мисралар. Кўзёши ҳам баъзида керак. Аёл киши қалбини кўзёши билан енгиллатади, дейишади-ку! Аммо ҳозир йиғининг ҳеч кераги йўқ, сингилжоним! Кулги кулги келтиради, йиғи йиғи, дейишади. Кел, бугунимиз кулги, қувонч билан ўтсин!

Саида. Айтганингиз келсин! Раҳмат, ғамхўр опажоним! Куёвингиздан январда хат олган эдим. Соғ-саломатман, аммо совуққа чидаш анча қийин деб ёзибдилар. Ўзларининг иссиқ кийимларини посилка қилиб юбордим.

Хадича. Яхши қипсан. У ёқларда совуқ 45–50 даражага ҳам чиқаркан.

Саида. Қамоқдагилар қамоқхона ичида озод юришармикан? Бир-бирини уриш, сўкиш албатта бўлса керак. Ёмон одамлар у ерда кўпроқ бўлса, ишқилиб укангизни уришмаса бўлди. Сурат чизармишлар.

Хадича. Саид Аҳмадинг уларнинг уришига жавоб бера оладиган йигитлардан, бу ёғидан ҳеч қўрқма. Қамоқхона тартиб-қоидасини бузмаса бўлди. Хат олганингга ҳам етти-саккиз ой бўлибди-ку! Хат ёзиб юбордингми?

Саида. Икки-уч хат ёзганимда хатларингни олдим аммо анча кеч, деб битта жавоб ёзар эдилар. Шунга ҳам шукр, тинч-омон эканликларини билиб турибмиз-ку.

Хадича (ўрнидан тураркан).Энди менга жавоб бер. Боришим керак. Сен ҳам шеърларингни ёз. Бояги шеърингни Саидаҳмаджонга албатта юбор. Ўқиб хурсанд бўлади. Ҳа айтгандай, мен Саидаҳмаджон масаласини чуқур ўрганиб чиқдим. Унинг ҳеч бир айби йўқ. Аммо... Аминман, у бу кулфатдан озод бўлади. Бироз сабр керак. Сен ҳозир ўзингни ўйла. Партиявий ишинг нима бўлди?

Саида. Сиёсатга тишим ўтмайди-ку, аммо битта масалага ҳеч тушунмайман. Раҳбар дегани қулоғи яхши эшитадиган, кўзи узоқни кўрадиган, меҳрибон инсон бўлиши керак деб ўйлайман. Нега биздаги раҳбарлар унақа эмас. Тўғри масалан, Владимир Фёдорович Архангелскийга ўхшаган яхши раҳбарлар ҳам бор, аммо кўпчилигининг кўзи кўр, қулоғи карми, дейман-да. Яқинда менинг партияга аъзолик масалам мажлисда кўриладиган бўлди.

Хадича. Яхши. Раҳбар ҳақидаги фикрингга келсак, шуни айтмоқчиман, ҳамма яхшилигу ёмон иллатларни давр яратади. Ўша давр одамлари қандай бўлса раҳбарлари ҳам ана шунақа бўлди. Бу гапларни қўй, сенинг ҳозирги асосий ишинг нима? Шеър ёзиш, ҳалол ишлаш. Қолганларига бошингни қотирма!

Саида. Раҳмат, опа. Гапингизга кираман, ҳар қалай сиз мендан бир мучалу бир йиллик каттасиз. Майли. Уйдагиларга менинг саломимни айтинг.

Хадича. Раҳмат. Сен ҳам омон бўл. Ойинг уйга қайтганида яна келарман. Ҳозирча хайр! (*Чиқади.*)

Саида (*кузатиб бўлгач, машинкага ўтиради, аммо ишлай олмайди, чарчаганини энди сезабошлайди*). Оллоҳим, ўзингга шукр, Яратганингга, бераётган туз-насибанг учун шукр! Фақат Эгам, жонимдан азиз кўрадиган Саидаҳмад акамни тезроқ бағримга қайтар. Бағримиз тўлсин! Ойижонимга раҳминг келсин, Оллоҳим!



“Сизга оламни бахш этмоқни истайман!

Ўткир Раҳмат ижодий портретига чизгилар

Наим КАРИМОВ

Бугунги адабиётимизда Абдулла Қодирийдек, Ойбек ва Ғафур Ғуломдек, Асқад Мухтор ва Шуҳратдек, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдек байроқдор ёзувчилар изидан белига ғайрат камарини боғлаб ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар йўқ эмас. Улардан ёки уларнинг шогирдларидан яқин келажакда янги сўз санъати намояндалари етишиб чиқиши шубҳасиз.

Ижод майдонида эллик йилдан бери тер тўкиб, лирик шеърлари билан китобхонлар эътиборини қозонган шундай шоирлардан бири Ўткир Раҳматдир.

Ижодкорнинг илк шеъри 1966 йилда, “Ирмоқ” деб номланган биринчи шеърлар китоби эса 1988 йилда чоп этилган. Шундан кейин унинг “Соғинч”, “Райҳон ҳиди”, “Шукрона”, “Ой ёғдуси” сингари 20 дан зиёд шеърий тўпламлари, тўрт жилдлик “Асарлар” тўплами китобхонлар қўлига етиб борди. Бу салмоқли “адабий” хирмон кўрсатадики, шоир умр бўйи нуфузли идораларда масъул лавозимларда ишласа-да, журналистика, ноширлик билан шуғулланса-да, ҳаётини шеъриятга бағишлаган, сўз уммонида дуру гавҳарлар терган, ушбу гўзал санъат билан нафас олган, десак, муболаға эмас.

“Шоир, таржимаи ҳолида эслатиб ўтганидек, – деб ёзган эди профессор Умарали Норматов, – эсини таниганиданоқ табиат, гўзаллик, шеърият шайдоси бўлиб улғайган, оилавий муҳитда бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик руҳида тарбияланган”. Олимнинг мақоласида Ўткир Раҳматнинг унча-мунча оилада эмас, балки Бедил, Навоий, Машраб ва бошқа мумтоз шоирларнинг пурҳикмат ғазаллари жаранглаб, барҳаёт руҳлари яшашда давом этиб турган маданий оилалардан бирида туғилиб-ўсгани айтилганки, бундай оилада улғайган фарзанднинг бадиий адабиётдан бошқа фан ёки соҳага ихлос қўйиши қийиндир. “Мактабда, – деб давом этади Олим, – нозиктаъб адабиёт ўқитувчилари унинг Навоийга, умуман,

---

Наим КАРИМОВ *– Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги. 1932 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Олим ўнлаб китоб, юзлаб мақолалар муаллифи.*

шеъриятга бўлган меҳри ва ҳайратини янада оширган. Айниқса, Ҳамид Олимжон унинг жону дили эди. Шоирнинг деярли ҳамма шеърларини ёд олганди. Шу орада ўз-ўзидан қалбидан шеърлар қуйилиб кела бошлаган, тўртинчи синфда ўқиб юрган кезлари шеър машқига уринган. 1961 йили (биз айтгандек, 1966 йилда эмас!), яъни 12 ёшида туман газетаси “Шарқ тонги”да илк шеъри дунё юзини кўрди”. (Лекин шоирнинг илк шеърий тўпламидан ўрин олган шеъри, барибир, 1966 йилда ёзилган.)”.

Ўткир Раҳмат мактабни олтин медаль билан тугатиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таълим олди. Шу давр университет талабалари учун олтин йиллар эди. Бошқа факультетларда бўлганидек, филология факультетида ҳам ўз соҳасини мукаммал билган ва севган машҳур домлалар хизмат қилар эди. Фақат Самарқанд миқёсидагина эмас, балки республика миқёсида каттта аҳамиятга эга илмий анжуманлар, юбилейлар, ижодий кечалар шу ерда ўтарди. Бу анжуманларда Садриддин Айний сингари кекса ёзувчилар, Воҳид Абдуллаев сингари тажрибали домлаларгина эмас, балки Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ҳоди Зариф сингари адиб ва олимларнинг иштирок этгани тадбирларга байрам руҳини бағишлар эди. Шундай адабий муҳитда яшаган филолог талабанинг илм-фанга, шеъриятга меҳр қўймаслиги, устоз шоир ва адиблар ижодидан сабоқ олмаслиги ғайритабиий эди.

Ўткир Раҳмат шундай мафтункор адабий муҳитда улғайди.

Камина ўша йилларда Самарқанд давлат университетида ўтган анжуман ва юбилейларга устозларим билан бирга кўп борганман. Шундай сафарлар вақтида университетнинг катта ва кичик домлалари, айниқса, тенгдошларим билан яқиндан танишганман. Шундай тенгдошларимдан бири атоқли адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров эди. Ғафур Ғулом ижодини яхши ўрганган ва унинг қарийб барча шеърларини ёддан билган бу олим талабаларга замонавий ўзбек адабиёти бўйича сабоқ бериш билан бирга “Шалола” деган адабий тўгарак ҳам ташкил этиб, талабаларга бадиий ижод “сир”ларини ўргатар эди. “Шалола”дан Омон Матжон, Ўткир Раҳмат, Салим Ашур, Уллибиби Отаева, Мукаррама Ғаффорова, Жонибек Субҳон ва биз билмаган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар шоирлик “диплом”ини олиб чиқишган.

Умарали Норматов Ўткир Раҳматни назарда тутиб, яна бундай ёзган: “Таниқли адабиётшунос Нуриддин Шукуров тарбиясида “назм ва наво ганжинаси”га калит излашда давом этди, шеър машқини давом эттирди, аммо шоирликка даъво қилишдан ўзини тийди, негаки, шеър, сўз масъулияти уни шундай йўл тутишга ундади. Устознинг: “Калит ўз қўлингда бор, лекин у ҳали товлангани йўқ. Сенинг вазифанг уни товлантириш, сўнг хазинага қўл уриш”, деган пандини ҳеч унутмади, ўз устида ишлашда давом этди... Ўқишни тугатиб, катта ҳаётга йўлланма олди. Шу пайтга қадар тотув, сарамжом-саришта оила, оқибатли қариндош-уруғлар, университетдаги дилига яқин, иноқ илмий-ижодий муҳитда нафас олиб улғайган Ўткир Раҳмат энди ҳаётнинг шафқатсиз шеваларига рўбарў келди, ҳарбий хизмат, туман газетаси, вилоят босмахонаси, телерадио қўмитасида фаолият кўрсатди; Навоий вилоятида, Санкт-Петербургда умрининг бир бўлаги қолди; ҳаёт сўқмоқларида юрди...”

Ўткир Раҳмат хизмат қилган жойларида ҳаётнинг фақат рангин бўёқларини кўрди ва булбулнинг гулга бўлган ишқини, куйлаб-сайрашларини мириқиб эшитди, дейиш қийин. Ҳали ўзбекнинг қўли боғлиқ, оғзи тикилган, фақат кўзларидангина унинг юрагида тўпланган жароҳатлар ҳайқириб турарди. Агар у гувоҳи бўлган

мураккаб ва машақатли ҳаётнинг шу томонини ҳам тасвирлайдиган бўлса, унинг вужудида улғайиб бораётган лирик шоир – гўзал манзаралар, эзгу туйғулар куйчиси бўлган шоир туғилмаган бўлармиди. У севимли шоирлари Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, ҳатто Ойбекнинг бошига тушган савдоларни яхши биларди. Шунинг учун ҳам унинг шоир кўзёшларини тўка туриб, севги ва баҳор, қиқирлаган ирмоқлар, шафақ ва юлдузлар ҳақида жўшиб ёзиш малакасини эгаллади.

* * *

Бадиий ижодда “туғма истеъдод” ёки “туғма шоир” деган феномен муҳим аҳамиятга эга. Камина ўзимга асрдош ва замондош бўлган шоирлар орасида бешта “туғма истеъдод” эгасини, “туғма шоир”ни биламан. Булар – Чўлпон, Ғафур Ғулом, Усмон Носир, Абдулла Орипов ва Рауф Парфидир. Улар истеъдоди кўзга кўринмас илоҳий ришталар билан кўкка интилган ёки кўкдан мадад олган эди. Туғма шоирларнинг бошқа, ҳатто истеъдодли шоирлардан фарқи шундаки, улар атак-чечаклик ва ҳатто муллаваччалик даврини яшин тезлигида босиб ўтади. Уларнинг ижодий ўсиш ва юксалиш схемасида зинапояли чизиқлар умуман бўлмайди.

Танқидчи (адабиётшунос)нинг вазифаси шоир ёки ёзувчи ижодини таҳлил қилганида фақат мақташ ёки танқид қилишнигина эмас, балки, биринчи навбатда, шу шоир ёки ёзувчи бадиий маҳоратининг ошишига, китобхонларга манзур бўладиган, миллий адабиёт хазинасини бойита оладиган асарлар ёзишига ёрдам берадиган фикрларни айтишдир.

Ўткир Раҳмат бу ҳақиқатни яхши тушунади. Шеъриятни ўзининг тақдири деб билган бошқа шоирлардек у ҳам яхши, илиги тўқ шеърлар ёзишга интилади. У севимли шоири Ҳамид Олимжондек гўзал ва баркамол шеърлар ёзиш учун нафақат унинг, балки мумтоз ўзбек шоирларидан ташқари, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир каби замонавий ўзбек шеърияти дарғаларининг шеърий меросини меҳр билан ўрганган, улар шеърий маҳорати сирларини эгаллашга интилган. Шоирнинг “Шаффоф лаҳза” (2021) шеърлар тўпламини варақлаган киши унинг шу шоирлар даражасида шеърлар ёзиш малакасини эгаллаганини яхши билади. Масалан, унинг “Сен борсанки...” сатрлари билан бошланган шеъри шу қадар гўзал ва қуйма сатрлардан иборат бадиий оламки, ундан Ҳамид Олимжон шеъриятининг жўшқин наволари янграб тургандек бўлади.

Мана, шу шеър:

Сен борсанки, бахт бор дунёда,
Кўксим тўлиб оламан нафас.
Кетаяпман пойи пиёда,
Висолингга ета олсам бас.

Шакарлабинг, нигоҳинг илиқ,
Гуноҳлардан фориғ бу олам.
Энди менга писандмас тўсиқ,
Дарё бўлиб оқса ҳатто ғам.

Бу – ҳамидона ва ҳатто пушкинона порлоқ илҳом билан ёзилган асар. Агар Ҳамид Олимжон тирик бўлиб, Ўткир Раҳмат унинг ҳузурига шу шеърни кўтариб борганида, “Муқанна” муаллифи ёш шогирдини қучиб табриклаган ва Алишер

Навоийнинг устозига ўхшаб: “Ўткиржон, мен шу пайтгача ёзган шеърларимни сенинг шу шеърингга алмаштиришга тайёрман ва шунда ҳам ўзимни ютган, деб ҳисоблаган бўлардим”, деган бўлармиди?

Кўпинча бир-икки шеърлар китобини ёзиб, ўзларини Олимп чўққисига чиққан, деб ҳис қилган ёшлар адабий билим олишда тўхтаб қолишади. Ҳолбуки, шоир зоти бутун ижодий ҳаёти давомида нафақат устоз шоирлар, балки тенгдошлари, ҳатто шогирдларининг ҳам шеърларини ўқиб, улардаги ижодий ютуқ ва ҳатто камчиликлардан ҳам сабоқ олишлари фойдадан ҳоли эмас.

Ўткир Раҳмат бадиий ижоднинг шу талабини ёддан чиқармайди. У ўқишда, машҳур ўзбек, рус ва жаҳон шоирларинг асарларини мутолаа қилишда давом этади. Ҳатто устозларининг айрим образлари ва сатрларини ўз асарларига сингдириб юборади. У бошқа шеърият мухлисларидек, Ойбекнинг 30-йилларда ёзган сўлим шеърларини қайта-қайта ўқиб, улардан завқ олади. Ойбек шеърларидаги истиоранинг бадиий гўзаллигидан ҳайратга тушади.

Агар ёдингизда бўлса, Ойбек бир гуруҳ шоир биродарлари билан бирга Пушкин асарларини Алишер Навоий ва Чўлпон тилига таржима қилиш учун Бўстонлиқ туманига бориб, Чимён тоғи этакларида тикилган ўтовда ижод қилган. Яъни Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини она тилимизга ўгирган. Таржимадан чарчаган ҳордиқ соатларида тоғ чўққиларига кўтарилган. Шундай кунларнинг бирида у тоғ чўққиларидан бирида улкан ва метин тошни тешиб чиққан наъматак новдаларининг шамолда тебраниб турганини кўради. Бу воқеадан қаттиқ таъсирланган шоир “Наъматак” деган машҳур шеърини ёзади.

Ойбекнинг бу умрбоқий шеъри бундай сатрлар билан бошланган:

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Ўткир Раҳмат бу шеърни ёд билган. Ойбек, айниқса, наъматакнинг “шамол беланчаги”да чайқалиб тургани манзарасини буюк шоирларга хос катта маҳорат билан тасвирлаган эди. Ўткир Раҳмат ҳар сафар шу шеърни ёд ўқиганида улкан шоирнинг бу илоҳий манзарани нодир истиора воситасида шу қадар гўзал тасвирлаганини кўриб, ҳайратга тушади. Бу тасвир ва бу поэтик образ унинг шуурига шу қадар сингиб кетадики, ҳатто у шу поэтик образдан фойдаланишга аҳд қилади. Шоир сарлавҳасиз шеърларидан бирини қуйидаги сатрлар билан бошлайди:

Зумрад ҳаволарнинг беланчагида
Тебраниб, сочингни тутасан елга.
Беҳудуд дунёнинг бир бурчагида
Сен ҳам қарайсанми тикилиб йўлга?

Агар Ойбек бу шеърида наъматакнинг “шамол беланчаги”да чайқалиб турганини тасвирлаган ва бу манзара табиатнинг мўъжизаси сифатида талқин қилган бўлса, Ўткир Раҳмат ўз шеърида ёр сочларининг “шамол беланчаги”да тебраниб туриши

ва бу манзара “ёр” деган гўзал оламнинг мўъжизаларидан бири сифатида қаламга олган.

“Зумрад ҳаволарнинг...” шеърининг “Сен ҳам қарайсанми тикилиб йўлга?” сатридан аён бўлишича, шеърнинг лирик қаҳрамони “Беҳудуд дунёнинг бир бурчагида яшаётган ёрини соғинади. Уни қўмсайди. Ёрда ҳам шундай туйғунинг жўш уришини истайди. У ҳатто шу бепоён дунёда ёлғиз яшаётганидан ўпкаланиб, бағрини ерга бериб, майса билан дўстлашади. Майса унинг сирдошига айланади.

Бу лирик сюжетда эътироз билдирадиган ўринлар оз эмас. Масалан, нима учундир лирик қаҳрамон (муаллиф)нинг ўзи эмас, балки ёр дунёнинг бир бурчагида яшайди. Лирик қаҳрамон эса ёрдан анча узоқда яшаётганига қарамай, ёр сочларининг “шамол беланчаги”да ўйнаётганини аниқ кўриб туради. Бу ерда зиддият йўқ. Бу муболаға. Аммо ёрни соғинган лирик қаҳрамоннинг уйқу чоғида кўрган тушлари билан ўнгида рўй бераётган воқеалар ўртасида уйғунлик бўлмагани учун у изтироб чекади. Бу изтиробнинг замирида эса лирик қаҳрамонни безовта қилган руҳий ҳолат – соғинч ётади:

О, соғинч,
Туйғумни айлаган сархуш,
Кўксимдан, кошкийди, эритса тошни.
Ўтган кунларим ҳам айланганда туш,
Топармидим, майса, сендай сирдошни?

Ёрга муҳаббат – ҳар бир миллий адабиётнинг етакчи мотивларидан бири. Лекин бу мотив бошқа бирорта миллий адабиётда ўзбек шеъриятидагидек катта ўрин олмаган, десак, янглишмаган бўламиз. Бу мотив Ўткир Раҳмат ижодида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Лекин у бу мотивни бадиий талқин қилиш жараёнида китобхон эътиборини бир руҳий масалага кўпроқ қаратади. Бу инсон қалбидаги соғинч туйғусидир. Ёрни, онани, фарзандни, дўстни соғинишнинг тагида чин муҳаббат ётади. Шу маънода соғиниш севги ва муҳаббат оламининг қалдирғочи ҳамда ростгўй таржимонидир.

Шоир давом этиб ёзади:

Зумрад ҳаволарнинг беланчагида
Тебраниб сочингни тутасан елга.
Беҳудуд дунёнинг бир бурчагида
Сену мен қараймиз тикилиб йўлга.

О, соғинч,
Умрбод ям-яшил ўлка...

Ўткир Раҳмат аксар шеърларида муҳаббат мавзуига ана шу мезондан – инсон юрагида ёниб-порлаб турадиган улуғ туйғулардан бири ва балки асосийси – соғинчдан туриб ёндашади. Соғинч секин-аста шоир ижодининг бош мотивларидан бири даражасига кўтарилади.

Унинг шеърларидан бирига шу сеҳрли сўз – “Соғинч” сўзи сарлавҳа бўлиб хизмат қилган. Келинг, бор-йўғи саккиз мисрадан иборат шу шеърни қуйида тўла келтирайлик:

Кўзларимдан сачраб ўтли нур
Дарвозангга бориб санчилур!

Балки мени ўйларсан бу пайт,
Ҳовуримни сезмадингми, айт?

Соғинчимга ўзинг бердинг эрк,
Севинчимга нега йўллар берк?

Илинж қўймас мени бирпас тинч,
Остонангда турибди СОҒИНЧ!

Бу шеърни нафақат Ўткир Раҳматнинг, балки шу шеър ёзилган саксонинчи йиллар ўзбек шеъриятининг дурдоналаридан бири сифатида баҳолаш адолатдан бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар Ўткир Раҳмат ижодига хос бўлган бир муҳим тамойилга эътибор қаратишни тақозо этади. Гап шундаки, шоир ижодини хронологик нуқтаи назардан кузатсангиз, у бир шеърида ифодалаган лирик мавзуга муайян фурсатдан кейин яна қайтиб, ўша шеърда ифодаланган поэтик фикрни давом эттиради. Бу шеърнинг “иккинчи қисми” ёки “янги версия”сини яратишдан мақсад биринчи шеърда тасвир этилган поэтик фикрни аввалгига қараганда, янги, оҳори тўкилмаган, ихчам, “пружиналашган” поэтик формага солиш ва асосий поэтик ғоянинг янада ёрқин, янада порлоқ жаранглашига эришишдир.

Агар шоирнинг “шеърий” хирмонини кўтарсангиз, шундай шеърларга кўзингиз тушадики, улар замирида ётган ғоя ўнлаб шеърларда акс-садо бераётгандек туюлади. Бунинг боиси шундаки, Ўткир Раҳмат ижодида бир неча мотив устуворлик қилади. Шундай мотивлардан бири, айтиб ўтганимиздек, ёрга бўлган муҳаббатдир. Лекин шоир муҳаббат мотивини “Сени севаман, сени жондан ортиқ севаман” сингари яланғоч ифодалар билан эмас, балки соғинч феноменига мурожаат этиш орқали лирик қаҳрамоннинг гўзал руҳий оламини очишга муваффақ бўлади. Натижада соғинч шоир шеъриятининг лейтмотиви даражасига кўтарилади.

Ижодкорнинг “Кел” деган шеърида ҳам шу мотив жаранглаб туради:

Кўп оғир дунёда яшамоқлик тоқ,
Сенгадир қалбимнинг кўзлари муштоқ.
Ўчган оловларни ўзинг келиб ёқ,
Тонг отсин оппоқ,
Тезроқ қанот қоқ!

Бу маъво сен каби менга ҳам азиз,
Умр ўтмоқда-ку қолдирмайин из.
Икки бор дунёга келмаймиз-ку биз,
Вақт ўтар сенсиз!
Демаклик: – Эсиз!

Бу шеърда лирик қаҳрамон қалбида мавж уриб турган соғинч туйғуси уни ўйлашга мажбур этади. У инсонга Аллоҳ берган умрнинг азизлиги, ҳеч кимнинг дунёга икки марта келмаслиги, қайсар ёрнинг ҳам, унинг ишқида ёнган лирик қаҳрамоннинг ҳам бир кун келиб, ўтган умрига пушаймон бўлиб, “Эсиз!” дейиши муқаррарлигини айтади. Лирик қаҳрамоннинг фикр-ўйлари шундай маиший-

фалсафий ҳақиқатлар оламидан умид юлдузи сари интилаётганида у файласуф даражасига кўтарилади.

Шоирнинг лирик қаҳрамони шу тарзда шеърдан-шеърга янги-янги қирраларини намойиш этиб, янги тарихий даврнинг муносиб вакили ва шу давр ғояларини ўзида мужассамлантирган сиймо сифатида гавдаланади.

* * *

Ўткир Раҳмат ўқиган ижод мактаблари орасида Миртемир мактаби ҳам бўлган. У Миртемирнинг машҳур "Онагинам" шеърини ўқиб ва ундан таъсирланибгина қолмай, ундан ўзи учун сабоқ олишга интилган. Бу сабоқ ўз вақтида, ўз онасини ардоқлаш, унинг орзу ва истакларини бажариш, унга нисбатан сўнмас муҳаббат билан яшашдир. Ўткир Раҳмат ижодида шундай мазмун билан йўғрилган шеърлар талайгина. Лекин шулардан бирининг "Онагинам" шеъри вазни ва оҳангида ёзилгани бежиз эмас.

Мана, шу шеърдан бир неча сатрлар:

...Сизга оламни бахш этмоқ истайман!
Умримни умрингизга
пайвандлаб
нақш этмоқ истайман!
Ғам-андуҳ дунёси панжа солганда,
Мадад истаб қошингизга кетмоқ истайман,
Онажон,
онам деб!..

...Ўшанда,
оҳу каби чўчиб кетган
оромсизлигим,
қўнимсизлигим
топади макон.
Беминнат меҳрингиз қанот остида олса, онажон!..

...Қуёш ҳаёт бахш этгани каби,
Ер соққаси узра шу кез
Мен-чун шу тириклик оламида
Сиз,
умримнинг офтобисиз!
Мен оламни бахш этмоқ истайман,
Умримни умрингизга пайвандлаб,
нақш этмоқ истайман!..

Миртемир шеъридан фарқли ўлароқ "Онажон" деб аталган шеърда Ўткир Раҳмат, шу шеърни ёзаётганида, худди устозидек, қаттиқ ҳаяжонга тушгани яққол сезилиб турибди.

Ўткир Раҳмат Миртемир каби устозларидан фарқли ўлароқ большевиклар давлатининг қутурган даврида эмас, балки ўлим талвасаси билан яшаётган даврида ижод эта бошлади. Шу ҳол унинг лириканинг турли жанрларида – рубоий,

бармоқнинг 7, 9, 11 ҳижоли вазнларида, ҳатто арузнинг ғазал жанрида ўз қалбининг таманноларини, лирик қаҳрамон образи орқали ўзининг руҳий ва маънавий оламидаги эврилишларни акс эттиришга алоҳида эътибор берди.

Шоирнинг каминага манзур бўлган ижодий ақидаларидан бири шундаки, у доим адабий билимини бойитиш ва поэтик маҳоратини ошириш учун, биринчи навбатда, XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари ижодини ўрганишдан, адабий сабоқ олишдан чарчамайди.

* * *

Шоир ҳаётининг талабаликдан кейинги даврини дастлаб Самарқанддаги маърифий-маданий муассасаларда ўтказган. Кейин эса республика марказида яшаб, нуфузли “Қишлоқ ҳаёти”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарига бош муҳаррирлик қилишдек катта масъулиятни зиммасига олган. У қайноқ сиёсий-ижтимоий ва маданий-маърифий муҳитда яшаётганига қарамай, сиёсий-ижтимоий мавзуларда эмас, шеърият оламининг “Лирика” деган боғида таътил кунлари демай, хизмат кунлари демай, турфа рангли ва турфа бўйли гулларни ўстириб, бу боққа қадам ранжида қилган замондошларини нафосат ва малоҳат гуллари билан сийлаб, уларда хушкайфият уйғотиб, руҳий оламига покиза туйғу ва фазилатларни пайванд қилиб келмоқда.

Камина ушбу мақолада Ўткир Раҳматнинг насрий ва драматик асарлар ҳам ёзганини айтиб ўтишни истардим. Шоирнинг шу адабий тур ва жанрлардаги асарлари билан таниш бўлган дўстларим Ўткир Раҳматнинг шу соҳалардаги асарларини, айниқса, “Гуласал” драмасини ҳам юқори баҳолашади. Истеъдодли ижодкор адабиёт ва санъатнинг қайси турида ижод қилган бўлса, у ёзган асар шу адабий тур ёки жанрнинг энг гўзал ва баркамол намунаси бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай асарларнинг муаллифларини “истеъдодли ёзувчи”, “истеъдодли шоир” деган сифатлар билан шарафлашади.

Ўткир Раҳмат шундай истеъдодли шоирдир. Унинг ижод боғига бирров кириб, бир-иккита гулни ҳидлаб, узиб кетишга шайланган кишилар номаъқул ишга қўл урган кишилардир. Бу боққа бир кирган одам анчагача қайтиб чиқа олмайди. Бу боғда чаман бўлиб очилган гуллар уни сархуш қилиб қўяди.



Адабий жараёнда миллий роман муаммолари

Санобар ТЎЛАГАНОВА

Эътиборли жиҳати шуки, тарихий мавзудаги асарлар орасида ўтмишдаги машҳур аёллар қиёфасини жонлантиришга уриниш сезиларли даражада кўпроқ эканлиги кўзга ташланади. Устоз адиблардан Муҳаммад Алининг “Клеопатра”, Шаҳодат Исахонованинг “Гавҳаршодбегим ёхуд қиёмат ўйини”, “Нодираи Даврон”, Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий” романларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур романларда машҳур шахсларнинг тарих саҳнасида қолдирган “изи” ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳар бир тарихий мавзуда битилган романда бугуннинг нафаси, бугуннинг дарди, бугуннинг муаммоси акс этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Устоз адиблардан бири Муҳаммад Алининг “Клеопатра” романи ҳақида тўхталамиз. Муаллиф бугунги адабий жараёндаги энг сермаҳсул ижодкорлардан биридир. Дунё адабиётида Миср маликаси Клеопатрага бағишланган асарлар оз эмас. Ёзувчи Миср маликасининг қиёфасини йирик полотнода яратишни мақсад қилди ҳамда Клеопатра ҳақидаги ўз талқинини яратди. Ўзбек адабиётида малика Клеопатрага мурожаат қилиш улуғ шоир Чўлпон ижодида учрайди. Шоир 1923 йилда “Клеопатра” Клепўтра номли ҳикоя ёзади. Ҳикояда шоир ўзи яшаётган жамият ҳаётидан норозилик туйғусини қондириш истагида “Сирлар ва яширинликлар уяси бўлғон Миср” томонга юзланади. Чўлпон Малика образи талқинида ўзига хос ёндашади. Клеопатрани меҳр-муҳаббатга ташна аёл қиёфасида тасвирлайди. Муҳаммад Али эса шоирдан фарқли ўлароқ мавзуга ўзгача ёндашади. Асарда Миср озодлиги йўлида курашчи, давлати мустақиллиги йўлида ҳаётини қурбон қилишга тайёр маккора Клеопатра тасвирланади. “Клеопатра” романида қадимий Миср ва Рим ҳаётининг тарихий манзаралари жонлантирилади.

***Санобар ТЎЛАГАНОВА** – филология фанлари доктори. 1970 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Илмий мақолалари марказий нашрларда чоп этилган. “Бадиий асар морфологияси” “Абдулла Қодирий: ижод ва шахсият” номли китоби нашр этилган.*

Роман муаллиф томонидан ёзилган кириш сўз, яъни ўнгсўз билан бошланиб, ёзувчининг мақсади очиқланади. Клеопатра Спитаменнинг қизи эканлигига алоҳида урғу берилиб, малика авлодларининг илдизлари бизнинг тарихимиз билан чамбарчас боғланиб кетиши айтилади. Клеопатранинг миллатимиз тарихи билан туташиши, яъни у ёзувчи таъбири билан айтганда "момокалонимиз" эканлиги урғуланади ва бу таъкид асар давомида керагидан ортиқ даражада такрорланади. Тарихий жиҳатдан асосланмаган бундай фактларга ёзувчи асарнинг туб асоси сифатида қарайди. Асарда буюк саркарда Искандар, рим диктатори Юлий Цезарь, саркарда Марк Антоний, император Октавион, файласуф Цицерон каби машҳур тарихий шахслар иштирок этади. Асарда Софокл, Арасту, Ҳомернинг асарларидан парчалар берилган. Романда Клеопатра Мисрнинг буюк давлат сифатидаги ҳуқуқий мақомини сақлаб қолиши ва унинг келажаги ҳақида қайғуриш йўлида ҳар қандай ишга тайёр, бу йўлда у ҳеч нарсадан тап тортмайдиган аёл сифатида гавдаланади. Ёзувчи талқинига кўра маликанинг давлатини сақлаб қолиш йўлидаги ҳийланайранглари, фитналари заминида юрт истиқболи қайғуси ётади. Айнан мана шу қайғу туфайли малика қанча фитналарга бош бўлади, зарур ҳолда хиёнатдан ҳам қайтмаслигига ишора қилинади. Муаллиф талқинига кўра Клеопатра Миср давлатининг рамзи сифатида келади. Асардаги воқелик тасвирида бўрттирилган кўтаринки руҳ, фожиавий оҳанг, публицистик руҳни сезиш қийин эмас. Асарда муаллифнинг ижодий концепцияси тўлиқ очилмайди, қаҳрамон характери кўринмайдики, асар бадиияти етук эмаслиги ошкор бўлиб қолади.

Бадиият мезонларига кўра тарихий мавзуда ёзилган асарларда бир қанча талабларни адо этиш зарур бўлади. Ҳужжатлилик ва бадиийлик тарихий асарнинг асосини ташкил қилади. Муаллиф тарихий вазиятни ёритишда ўқувчини воқеаларига нафақат гувоҳ, балки ҳодисанинг иштирокчисига айлантира олсагина, асарнинг муваффақиятини таъминлаган бўлади. Бу эса поэтик маҳорат билан боғлиқдир. Ҳолбуки, адиб воқелик тасвирида макон ва замон чегараларини забт этмоғи, тарих аталмиш пардани орадан кўтариб, ўқувчи кўз ўнгида ўтмишни жонлантирмоғи, давр руҳини кўрсатиб бермоғи лозим. Адабий жараёнда эълон қилинган романларни кўздан кечириб, бу каби бадииятнинг мезонларига тўла амал қилинган деб бўлмайди. Бу фикр мазкур асарга ҳам тегишлидир.

Романда эътибор қаратадиган муҳим жиҳатлардан бири муаллифнинг асар воқелари тасвирида холислик масаласидир. Ёзувчи роман воқеалари тасвирида воқеликка бевосита бугуннинг кўзи билан қарайди, бугунги нуқтаи назар билан муносабатини очиқ-ойдин билдириб қўядики, бу асарнинг бадиий бутунлигига соя солади. Муаллифнинг воқеликка аралашиб, муносабатини ошкор қилиши ёки очиқчасига изоҳ бериши ноўрин. Асарда бундай лавҳалар керагидан ортиқ даражада. (Антик давр Рим ҳақидаги воқеаларни ҳикоя қилатуриб мусиқа ҳақида сўз борганда юнонларнинг мусиқаси миллий куйимиз "Тановор"га ўхшатилади. 169 бетда). Яна бир ўринда олимлар ҳақида гапира туриб, муаллимнинг нон топиб ейиши ҳақидаги бугуннинг нуқтаи назарини ошкор қилади. "Антоний ва Клеопатранинг мудҳиш хатоси фурсатни бой берганида, вақтида курашга кирмай, имиллаб қолишларида ва ўзлари билмаган ҳолда душманга пухта тайёрланиб олишида имкон яратиб қўйганликларида, деб жўяли баҳолайди бу вазиятни кейин тарихчилар дейилади", ҳоказо.

Асарда характер тадрижи ва қаҳрамон руҳий тебранишларни очиб бериш масаласи етарли даражада акс этмаган. Баёнчилик устувор. Маликанинг қалб кечинмалари, изтироблари асарда кўпроқ даражада акс эттирилганда мақсад адо этилган дейиш мумкин эди.

Шаҳодат Исахонованинг “Гавҳаршодбегим ёхуд қиёмат ўйини” романи темурийлар саройининг маликаси Гавҳаршодбегим ҳаётига бағишланган. Муаллиф малика ҳаётининг сўнгги кунларини тасвир марказига олиб чиқади. Асар макон ва замон нуқтаи назаридан миллат ўтмишининг энг мураккаб, зиддиятли саҳифаларини ёритиб беришга қаратилган.

Муаллиф ижодий концепциясида тарихий мавзуга мурожаат қилиш, машҳур шахсларнинг ҳаётини ёритиш, қаҳрамон руҳиятини англашга уриниш каби хусусиятлар муҳим ўрин тутади. Адиба малика яшаган даврни тавсирлаш орқали, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият, салтанатнинг танназулга юз тутиши, шаҳзодаларнинг тахт йўлида биродаркушликка бориши каби муаммоларнинг илдизини очиб беришга ҳаракат қилади. Муаллиф Гавҳаршодбегим характерини ёритишда ниҳоятда интиргаларга бой, зиддиятли саҳналардан унумли фойдаланиш ўрнига баёнчиликка берилиб кетади. Назаримизда, бундай ёндашув ижодкорнинг “Нодираи даврон” романида ҳам такрорланадики, бу ҳол адиба услубидаги ўзига хосликни белгилайди. Ҳаёт интиҳосидаги аёл қисмати, хатар ва ҳадикдаги умр, руҳиятдаги тиғиз ҳолатлар ўта қалтис лаҳзаларнинг тасвирида муаллиф воқеликнинг сатҳида қолади. Малика ботинидаги руҳий ҳолатлар очиб берилмайди. Қаҳрамон умрининг энг қалтис нуқталари тасвирида муаллиф малика хотираларига таяниб, сўзлаб беришни маъқул билади. Малика ҳаётининг бир бўлаги орқали унинг бутун умр йўли кўрсатилади. Гавҳаршодбегим образи тасвирида муаллифда аёлни англаш, тушунишга уриниш, дардини ҳис қилиш, ҳамдардлик туйғуси сезилиб турса-да, аммо ифодада бу тўлиқ ўзини оқламайди. Англаганни мукаммал тарзда англатиш бадииятнинг мезонларидан биридир, афсуски бу асарда тасвир ва ифода кўнгилдагидек даражада эмаслигини айтиб ўтиш жоиздир.

Роман воқеалари Гавҳаршодбегимнинг сўнгги кунлари ва унинг хотиралари асосига қурилган. Қаҳрамон воқеаларни хотирлаш – эвазига ўзини англашга, тирилик фалсафасини тушунишга ҳаракат қилади. Асар композицияси шу асосга қурилади. Муаллиф Шоҳрух вафотидан сўнг салтанатнинг парчаланиб кетиши, шаҳзодаларнинг очкўзлиги, давлат инқирози фонида малика руҳиятидаги тушкун йилларни ёритиб беради. Гавҳаршодбегим тарихда ўзининг қаттиқўллиги ва давлат ишларига ҳаддан зиёд кўп аралашгани билан танилганлиги сир эмас. Салтанат душманларидан ўч олишда Шоҳрухга нисбатан ҳам талабчан бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда айтилган. Аммо романда тарихдаги Гавҳаршодбегимдан фарқли ўлароқ қудратидан ва қувватидан айрилган, жудоликдан бағри қон малика ҳаётининг рангин лаҳзалари акс этади. Муаллиф маликанинг айни пайтдаги ҳолатини ёритиб беришни мақсад қилади. Гавҳаршодбегим айриликлардан юраги зада бўлган, қадр-қиммати поймол этилган Она қиёфасида жонланади. Ҳар бир шаҳзоданинг тахт йўлида қурбон бўлишида малика ўзини айбдор санайди, ўтмишга назар солиб ҳаётидан маъни қидиргандай бўлади, аммо аёл қалбидаги пўртаналар очиб берилмайди.

Асардаги баҳсли ўринлардан бири муаллифнинг Алишер Навоий ҳаёти билан

боғлиқ саҳнани роман воқелигига олиб киришидир. Асарда кўзланган мақсад Навоий сиймосини яратишми ёки Руқия Султон билан улар орасидаги муҳаббатни тасвирлашми ният ойдинлашмаган. Асар композициясида Гавҳаршодбегим Руқия Султон орқали Навоийга боғланади. Навоий истеъдоди шаклланишида маликанинг хизматларини кўрсатиб беришни ният қилган муаллиф мақсаддан чалғиб кетади. Айрим лавҳаларда тарихий давр ва шоир ижоди билан боғлиқ ўринлар тасвирида ортиқча урғулаш кўзга ташланади. Тарихий асар биринчи навбатда ҳужжатлиликка таянади, бадиий тўқиманинг имкони чекланади. Муаллифнинг тўқимани киритишга ҳақи бор, аммо у мантиқий асосни талаб қилади. Бўлмаса мақсад англашилмайди. Навоийнинг ёшлиги, шахсий ҳаёти билан боғлиқ мавҳум нуқталарни ёритишга уриниш, Руқия Султон билан улар орасидаги муҳаббат чизиғини ривожлантириш, шоирнинг онаси Салима бонунинг мингдан ортиқ мисраларни ёддан билиши, мадрасада дарс бериши каби тафсилотлар, ортиқча бўртиришлар сўровларни кўпайтиради. Ҳолбуки, бу муҳаббат чизиғи романнинг асос ўқ илдизига бориб уланмайди. Бир неча ўринларда муаллиф томонидан чалкашликка йўл қўйилади.

Кўз бирлан қошинг яхши, дудоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, қабоғинг яхши (116-саҳифа).

Муаллиф Навоийнинг мазкур мисраларини Руқия Султонга ёзган мактубга киритади. Романга кўра Навоий ушбу рубоий 15–16 ёшлигида муҳаббатга тўлган ўспирин ёшида ёзган дейлади. Ҳолбуки, мазкур мисра шоирнинг “Хазойин-ул маоний”дан таркиб топган девонига киритилган, яъни 1491 йилда ёзилган. Демак, бу вақтда Навоий 51 ёшда бўлган. Яна бир ўринда шоирнинг машҳур “Қоши ёсинми” мисралари келтирилади, бу ҳам худди шундай. Шу ўринда айтиб ўтилиши жоиз бўлган бир жиҳат бор. Муаллиф Навоийни бугуннинг “кўзи билан кўради”, бугуннинг қиёси билан муқояса қилади, бугуннинг одами билан тенглаштирилади. Навоий даҳосидан шунчалик йироқлашиб кетдикки, унинг мислсиз закосини, олиму уламонинг салоҳиятни англашга тасаввур доирамиз етмайди. Навоий тенгсиз даҳо. Навоийнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ сўз кетганда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик талаб этилади. Бугуннинг ғами билан Навоийга баҳо бериб бўлмайди. Авлиё даражасидаги улкан Шахсиятни тор тасаввурларимиз билан чеклаб қўйишдан сақланиш лозим. Романда Навоийнинг “ҳайдария” тоифасига мансуб дарвешлар билан ўтказган кеча ҳақидаги саҳна ҳам эътироз уйғотади. Оллоҳ йўлида нафсига жиҳод қилган дарвешларнинг бир кечага “Дарвишликни хуржунга солиб турамиз” қабилида иш тутиши ҳамда Навоийнинг тақяга борган кечадаги ҳолатлари ақлга сиғмайди. Улар Оллоҳнинг зикри билан машғул одамлар, муаллифга кўра Навоий ҳам улар билан бу дунёнинг ғамини унутди, гўёки дам олди.

Муаллиф давр зиддиятлари оралиғидаги Гавҳаршодбегимнинг руҳий ҳолатларни ёритишда воқеликнинг сатҳида қолади, қаҳрамон ботинидаги зиддиятларга чуқурроқ назар солмайди ёки буни муҳим деб билмайди. Гавҳаршодбегим темурий маликалардан бири сифатида жуда мураккаб қарама-қаршиликлар тўла ҳаёт кечирган. Унинг севимли аёл, давлат ишларида фаол бўлган малика, тадбирли хотин, шаҳзодаларни тарбияловчи буви сифатидаги мақоми ва ундаги интригаларга чуқурроқ кирилганда муаллиф ҳам, асар ҳам, бундан ютган бўларди. Ортиқча

тафсилотлар ўрнига Маликанинг умр поёнидаги забун ҳолати, қалб тубига чўкиб улгурган оғриқлар, иқрор ва изҳорлар асарда ўз аксини топса романнинг бадиий-эстетик таъсири ортган бўларди. Асарнинг "Гавҳаршодбегим ёхуд қиёмат ўйини" деб номланиши ҳам мунозарали, назаримизда. Қиёмат сўзига ўйиннинг бирикма сифатида боғланиши мантиқий жиҳатдан нотўғри. Қиёмат исломдаги замон билан боғлиқ инсон тасаввури етмайдиган даҳшатли ҳодисанинг номидир. Қиёмат сўзига ўйин сўзини тиркаш ўзини оқламайди, Қиёматда ўйин бўлмайди, инсон тасаввурлари қиёматни идрок этишга, англашга ожизлик қилади. Бундай диний атамаларни қўллашда бироз ҳушёрлик талаб этилади. Асардаги кемтик жиҳатлардан бири асар тилининг ночорлигидир. Темурийзода маликалар Бегика бегим ва Руқия Султоннинг ўзаро муомаласи бугунги кун маишатидан дарак беради. Она боланинг "а десам, "бе" дейсан, "бе" десам, "а" дейсан" қабилидаги ўзаро айтишувлари таъбни хира қилади. Малика қизига қарата "Бойнинг қизи ғарлик қилур, олдини олиб шарлик қилур" деган мақолни ишлатади. (115 бет). Яна бир ўринда Гавҳаршодбегим Бегика Султонга "бозорчи хотинларга ўхшаб" деган сўзни ишлатади (116 бет). Асарда бундай эътирозли ўринлар талайгина, барчасини айтишдан ўзимизни чеклаймиз. Тарихий асарларга хос энг нозик нуқталардан бири тил, асар тили ва давр руҳи билан ҳисоблашиш заруратидир.

Лўқмон Бўрихоннинг "Имом Мотуридий" романини адабий жараёндаги яхши романлардан бири сифатида айтиш мумкин. Асар миллий замин асосига қурилгани, миллий маданиятимиз, исломий маърифат туйғусини ўзига хос ёрқин рангларда бера олгани билан эътиборга лойиқдир. Ёзувчи асарида романий тафаккур ва эпик кўлам ўзаро уйғун тарзда бўй кўрсатади. Луқмон Бўрихоннинг тарихий мавзуда ёзган асарларини кузатиб, шундай хулосага келиш мумкин. Адиб бу борада етарли тажриба ва ижодий потенциалига эга ижодкорлар сирасига киради. Асарни жуда катта қизиқиш ва бироз ҳадик билан ўқиб чиқдим. Сабаби диний мавзуда асар ёзиш жуда эҳтиёткорликни талаб этади. Абу Мансур Мотуридий шаръий илмларнинг учта йўналиши: тафсир; усулул фиқҳ; ақоид билан боғлиқ йўналишда асарлар ёзган. Шундай улуғ сиймонинг қиёфасини бадиият нуқтаи назаридан ёритиш осон иш эмас. Исломий шахсиятнинг сийратини адабиётда жонлантириш, унинг руҳий маънавий, ахлоқий қиёфасини тўлақонли яратиш ҳисси ижодкорга катта маъсулият юклайди, диний билим ва малака талаб этилади. Ёзувчи романни ёзиш жараёнида жуда катта меҳнат қилгани, кўплаб диний манбаларни ўргангани асарда ўз тасдиғини топган. Китобхон асарни малолланмасдан ўқийди, давр руҳини беришга эришган, бадиий матн пухта ишланган, мутолаа чоғида қоқилмайсиз. Ёзувчи Мотуридийнинг фаолиятини ёритиш билан бирга ақида илмининг энг қизиқ ва ҳал қилувчи нуқталарини очиб беришга ҳаракат қилади. Асар билан танишган ўқувчи ақида илмининг нозик жиҳатларидан ҳам хабардор бўладики, бу романнинг маърифий аҳамиятини тасдиқлайди. Ёзувчи Мотуридий қиёфасини икки йўналишда: маиший ва илмий фаолияти орқали очиб беришни маъқул билади. Қаҳрамон сийратини ёритишда бир қанча тўқима образлар ҳам асарга киритилган. Бу билан боғлиқ баҳсли ўринлар йўқ эмас. Мотуридийнинг оилавий аҳволи, Мастонбиби, Сурайё образи талқинида "ёпишмаган" ўринлар талайгина. Мотуридий шахсини очиб беришда муаллиф унинг хотини билан муносабатларидан восита ўрнида фой-

даланишни афзал билади. Мана шундай саҳналарда асардаги мантиқий бирликка путур етади. Ақоид илмининг билимдони “имомил ҳудо”саналган олим хотини билан муқояса қилинади, дунёқарашлари бир-бирига қарама-қарши қўйиладики, етук уламонинг маиший ўрингa туширилиб қўйилиши романнинг ютқизиқларидан бири деб ҳисоблайман. Имом Мотуридий сингари фикҳ ва ақоид илмининг улуғ алломасини маиший муаммолар кесимида тасвирлаш зўраки саҳналарнинг вужудга келишига хизмат қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, муаллиф бугуннинг қайғуси билан қаҳрамон характерини талқин қилади. Ўқувчи романда улуғ исломий шахсиятнинг характер тадрижини, олимнинг бу мақомга эришув жараёнларини, комиллик босқичларини кўришни хоҳлайди. Назаримизда, муаллиф бугун урфга айланган эрхотин муаммолари қамровида қарайди масалага, бу эса асар савиясига таъсир қилмай қолмайди. Асарда мантиқ тизгини маҳкам тутилган саҳналар борлигини айтмаслик адолатсизлик бўлади. Муаллифнинг ютуқлари асар тилида кўринади. Мастонбиби ўлим олдидан: “Дуо қилғайсиз, илтижо этгайсиз, жаннатларда бирга бўлай деб”, сўрайди. Имом “Мен… ахир андоғ кўп нарса сўрай олмасмен”, деб жавоб беради. Мана шу савол-жавобда кўп сўзлар айтилиб бўлинади. Асардаги киноя, серқатлам қочиримлар ўқувчини беэътибор қолдирмайди. Роман кўп талқинларга йўл очади ҳамда мунозарага чорловчи саволлар юзага келтириши билан аҳамиятлидир. Профессор Қозоқбой Йўлдошев асарни “илк фалсафий ақидавий роман” деб эътироф этадилар (https://ishonch.uz/archives/). Исломий шахсиятга бағишланган дастлабки роман дейиш ҳам нечоғли асосли, ўйлаб кўриш лозим. Саъдулла Сиёев “Аҳмад Яссавий”). Жанрга кўра ақидавий дейиш бироз мунозарали, бадиийлик мезонларини ёдда тутмоқ лозим. Ақида исломнинг энг мураккаб илми, диннинг оғиш бурчаги ҳам дейиш мумкиндир. Адашишлар, чалғишлар ақида бузуқлигидан келиб чиқади. Шу боис ақидавий сўзини қўллашда бироз эҳтиёткорлик лозим деб ўйлайман. Роман маърифий-тарихий-биографик асарлар сирасига киради.

Навбатдаги романлар ноанаънавий услубдаги асарлар саналади. Неъмат Арслоновнинг “Хўтама” романи “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган. Романинг “Хўтама” деб номланиши эътиборни тортади. Дўзахнинг бир қанча дарвозаси бўлиб, Хўтама шулардан биридир. Бу сўз муқаддас Қуръони каримда келган. “Йўқ! Албатта, у ҳутомага хор-зор этиб ташланур. Ҳутома қандоқ нарса эканини сенга нима билдирур? У Оллоҳнинг шиддатли, ўчмас оловидир. Қалбларгача етиб борур”, дейлади муқаддас китобда.

Ёзувчи исломдаги энг оғир мавзулардан бири дўзах ва унинг дарвозалари номларидан асарда сарлавҳа сифатида фойдаланади. Аслида, сарлавҳа муаллиф диди ва савиясидан дарак берадиган кичик лисоний бирликдир. Одамзотни даҳшатга солувчи оловли қийноқлар масканини асарга ном сифатида танлашда фаҳм ва эътибор лозимлигини унутмаслик керак.

Муаллиф асар композициясини шакллантиришда миф ва рамзлардан поэтик восита сифатида фойдаланади. Романда ер ости салтанатининг маъбудалари ҳақидаги ривоятлар қолипловчи вазифасини бажарган. Рамз ва тимсоллар воситасида жамият ҳаётидаги муаммолар фош этилади. Асарда бир неча тасвир чизиқлари кўп тармоқли шаклда ривожлантирилган. Барча йўналиш асосан қаҳрамон Товашар нигоҳи воситасида ёритиб берилади. “... Нимаики мавҳум бўлса, шундан қўрқади

ва шунга интилади инсон”. Муаллиф одамзот тийнатидаги билишга бўлган иштиёқ, англашга бўлган шавқ инсонни ўзида мавжуд бўлган қўрқувдан озод бўлишига имкон беришига ишора қилади.

Асарда адибнинг ўзига хос киноявий оҳангини эътиборсиз қабул қила олмайсиз. “Икки мингинчи йилларнинг атоқли газетаси. Давлат раҳбарларига мақтов ёғдиришга асосланган: “Барғурур” “Мадҳибор”, “Пурмадҳ” деган газета-журналлар ўртасида рақобат кучли. “Кўрғурур”ни ямламай ютиб юборди чоҳ”. Роман мавҳумлик, тушкун кайфият, сирли воқеалар билан боғлиқ саҳналарга бой. Юнон афсонасидаги Иштар ва Тамуз, ер ости қароргоҳи, ўликлар салтанати каби саҳналарни тасвирлаш орқали муаллиф миллатнинг бугунги муаммоларини нишонга олади. Эътибор берилса, муаллиф рамзлар тилида бугунги жамият ҳаётидаги оғриқларни, инсоният тарихидаги фожиалар, миллий ўзликка қайтиш масалаларини асар тагматнига сингдиришга ҳаракат қилган. Асарда ер ости салтанати ва ер устида тирикчилигини ўтказаётган одамларнинг ҳаёти ўзаро муқояса қилинади. Спитак зилзиласи, Covidнинг инсон ҳаётига олиб келган оқибатлари, одамлар орасидаги диёнатнинг бой берилиши каби муаммолар фонида роман сюжет композициясида бироз тарқоқлик юзага келган. Роман яхлит организм сингари бутун қурилма бўлмоғи лозим. Чунки роман жуда катта муаммоларни ўзида қамраб олишга ҳаракат қилган, публицистик руҳ ортиб кетган, бу эса, ўз навбатида муаллифни мақсаддан чалғитиб қўйишига сабаб бўлиши мумкин.

Назар Эшонқулнинг “Тақиқ меваси” романи ҳам муаллифнинг ўзига хос услубини ўзида акс эттирган асардир. Ёзувчи асарни “Икки новелладан иборат роман” деб қайд этади: (1. Ҳаво. 2. Малак ҳол). Ёзувчи асарга Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан мисрасини эпиграф сифатида танлайдики, бу ҳам кўп нарсага ишора қилади. Асарда Одам Ато ва Момо Ҳавво, Иблис каби анъанавий тимсолларнинг ўзига хос талқинига гувоҳ бўласиз. Мифопоэтика бадииятнинг энг қизиқ ва талқинларга бой соҳаси саналади. Назар Эшонқул ёзувчи сифатида ўз аудиториясига эга қобилиятли ижодкор саналади. Фалсафий кўламдорлик, эпик баёндаги шартлилик, ақлий ва ҳиссий билишдаги ўзаро уйғунлик мазкур асарда аксини топган. Ёзувчининг ижодини кузатар эканмиз унинг асарларида ижтимоийлашув алоҳида ҳодиса сифатида аҳамият касб этади. Назаримизда, ёзувчининг ижодида ижтимоийлашув яхлит асос сифатида бўй кўрсатади. Шу боис муаллиф асарларига ижтимоий кесимда ёндашув ўзини оқлайди. Муаллиф мазмунни метафорага сингдириб юборади, бадиий ғояни рамзга юклайди.

Ёлғизлик ҳисси, жамиятдан қочиш, бегоналашув, ўзини-ўзи тергаш, ғайбий ҳодисаларнинг қаҳрамон руҳиятидаги изларига назар солиш каби ҳолатлар мазкур романнинг етакчи хусусияти саналади. Муаллиф Одам Ато, Момо Ҳавво, Иблис билан боғлиқ нақлдан роман тагзамини учун асос сифатида фойдаланади. Аввалги талқинлардан фарқли равишда нақлга янги маъно юклашга ҳаракат қилган. Иблиснинг Малакни йўлдан уриб унга олма дарахтидан мева узиб беришини қаҳрамон жим кузата олмайди. У Иблисга қарши исён кўтаради. Дунё ва Шарқ фалсафаси билан тўйинган асар жуда талқин ва мушоҳадага бойлиги билан аҳамиятлидир. Роман юзасидан ҳали кўп изланишлар олиб борилади, сабаби ёзувчи услубидаги бетакрорлик ва кўпқатламлилик, фалсафийлик ўқувчини фикрлашга, мушоҳадага чорлайди.

Кузатишларимизга кўра, бу даврда ёзувчиларимиз ижодида тарихий мавзуга мурожаат етакчилик қилган. Сабабни юзага келтирган омилларни аниқлашга уриниб кўрдик.

1 Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қараб иш кўрмак хайрликдир” сўзлари романнависларимиз учун адабий анъана шаклида қабул қилинган. Ижодкор замон умумадабий эстетик эҳтиёжидан келиб чиқиб мавзуга ёндашади. Эҳтиёж заруратни юзага келтиради.

2. Миллий ўзликни англашда тарихнинг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, у миллат учун ибрат мактабидир. Ижодкор тарихдаги машҳур шахс ҳаёти орқали бугунга “ойина солади”. Ўтмиш бугун учун намуна. Қаҳрамон тасвирида бу жиҳатлар бирламчи аҳамият касб этадики, бу йил романларининг муҳим хусусияти саналади.

3. Жамият ҳаётидаги иқтисодий, маънавий, ижтимоий зиддиятнинг ортиб бориши, маънавий беқарорлик, ўткинчи ғоялардан сақланиш, эстетик идеал истаги, адабий тутимларни ўзгартириш эҳтиёжи, ахлоқий ва миллий қадриятларнинг қадрсизланиши каби муаммоларни ҳал этишда муаллиф ечимни мозийдан қидиради.

4. Эстетик идеал талқинида миллат тарихига юзланиш миллий бирдамлик руҳини юзага келтиришда асос бўлиб хизмат қилади. Ижодкор комилликни, идеални ўтмишнинг олис пучмоқларидан излайди. Ва бу албатта бугунинг идеали учун ундирги бўлиб хизмат қилади.

Замонавий ўзбек насри хирмонига йиғилган романларни кузатар эканмиз, тарихий мавзуга мурожаат қилиш, нигоҳни ўтмишга қаратиш, идеални мозийдан қидириш, миллий ўзликни англаш, диний-маърифий қадриятларни бадиият нуқтаи назаридан ёритиш каби жиҳатлар етакчи тамойил сифатида кўзга ташланади. Миқдор ва сифатий янгиланишлар оралиғида миллий романчилик карвони астасекин ўз йўлида давом этмоқда. Карвондан нелар қолади, нелар Абадият манзилига етиб боради улуғ Вақт изми ила намоён бўлади.



Фарҳод
МУСАЖОНОВ

Ибрат

Ҳикоя

Кун айни қиёмига етган, ҳаво ёнмоқда.

Бозордан қайтаётган эр-хотин ўз кўчаларига етганларида дам олиш учун қўшни ҳовлилардан бири олдидаги ёғоч курсига чўкдилар.

– Боситхон барака топсин, эшигининг тагини гулзор қилиб қўйди, бизнинг каби толиққанлар ўтириб нафас ростлайди, – деди эр. Аёл бош силтаб маъқуллади, рўмолчаси билан пешона терини артди.

Эр ўрта бўй, эчки соқол, кўзи кулранг-кўкимтир, тетик одам эди. Аёл тескариси – нимжон, кўриниши одми, кўзлари маъюс боқарди.

Эрнинг асл исмини маҳаллада камдан-кам одам билади. Уни Насиҳатхўжа деб чақиришади. Бу лақабни у бекорга олмаган: ўзини барчадан доно ҳисоблаб, ҳаммага ақл ўргатади – нонвойга нон ёпишни, чеварга кийим тикишни, устага иморат қуришни, амалдорга ишни ташкил қилишни.

Барчага ақл бўларди-ю, аммо ўзи ҳеч кимнинг гапига қулоқ тутмас, бирорта одамнинг фикрини эшитишга тоқати йўқ эди. Сабаби яна ўша – ўзини ҳаммадан билимдон санарди. Маҳалла аҳли ундан безиллаб қолган, негаки учратган одамининг ёқасидан бўғиб тўхтатади-да, эзмаланиб насиҳатни бошлайди. Ҳозир ҳам ичи ёниб, тили қичишиб ўтирганди, бахтига кўча этагида Матқовул кўриниб қолди-ю, ёғли ўлжани кўрган овчидек қувониб кетди.

– Ҳой бола, мундоқ кел, – деди буйруқ оҳангида.

Матқовул омади чопмаган, ношудроқ кимса эди, тўхтаб салом берди, сўнг “нима дейсиз” дегандек саволчан боқди Насиҳатхўжага.

– Сенларнинг дастингдан ўладиган бўлсак ўлиб бўлдик-ку, – аччиқ таънадан бошлади сўзни Насиҳатхўжа.

Томдан тараша тушгандек бу хуруждан Матқовул донг қотиб қолди.

– Қачон бизларни тинч қўясанлар? – Насиҳатхўжа энди дўққа кўчди.

***Фарҳод МУСАЖОНОВ** – 1933-2013. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Баҳор нафаси”, “Ҳиммат”, “Боғ кўча” каби ўттизга яқин насрий китоблари нашр этилган.*

Матқовул аранг ўзига келди.

– Нима қилиб тинчингизни бузибмиз?

– Ия, манавининг гапини?! – Насиҳатхўжа шох ташлаб ўшқирди, – ҳеч нарса билмагандек нима қилиб тинчингизни бузибмиз дейди-я? Эр-хотин Худонинг берган куни кўчани бошларингга кўтариб қирилишасан. Қўни-қўшниларга на кундузи тинчлик бор, на кечаси, жонга тегди сенларнинг жанжалларинг!

Матқовул гуноҳкорона бош эгди.

– Нима қилай, шунақа ношукур бандага йўлиққанман.

– Айбни хотинга тўнкама, қарс икки қўлдан чиқади.

– Сиз уни билмайсиз, ғалвани доим ўша бошлайди. Қачон бошқа эркакларга ўхшаб рўзғор тебратишни эплайсиз, болалар оч-яланғоч, деб қулоқ-миямни егани еган. Маошимни бир тийинигача қолдирмай қўлига олиб келиб бераман, уч кунда адо қилиб, яна дийдиёсини бошлайди, – Матқовул ўксиб ҳасрат қилди.

– Гап маошда эмас, яхши топиб гапиради, ёмон қопиб, дейдилар. Сен муросани билмайсан, қўрссан. Хотин зоти ширин гапнинг гадоси. Дўқ урмай, Худо хоҳласа ишимиз юришиб кетади, дея ётиғи билан тушунтирсанг, тушунади, – насиҳатни бошлади Насиҳатхўжа.

– Тушунмайди, ғирт нодон у, – эътироз билдирди Матқовул, – неча марта айтганман, сабр қил, Худо хоҳласа бойиб кетамиз, деб. Кошки гапга қулоқ тутса, – Матқовул хўрлиги келиб нолиди, – оғзимни очишим билан “Уйланган кунингиздан бери, мана йигирма йил бўляпти, шу гапни қайтарасиз, бойиш ўрнига кундан кунга баттар бўляпмиз”, деб итдек қопиб беради. Шундан кейин меники ҳам тутади, чидолмай сўкаман, таъсир қилмаса, гоҳида ураман.

– Ана энди сиринг ошкор бўлди! Зўравонсан, золимсан! – нафрат билан ҳайқирди Насиҳатхўжа. – Ҳой бола, хотинни урсанг бир кун сени Худо уради. Шуни бир билиб қўй.

– Нима, унда хотиндан қўрқиб яшаш керакми? Попугини пасайтириб қўймасам, бошимда ёнғоқ чақади.

– Сени мен ақлли-ҳушли одам десам, ғирт сўтак экансан-ку, – куйиниб давом этди Насиҳатхўжа, – хотиндан қўрқмайман деган эркаклар жоҳил бўлади. Аёл киши гўдакдек беҳимоя. Бекорга заифа дейишмайди. Росмана эркак аёлнинг ҳурматини жойига қўяди, иззат-нафсини қадрлайди. Мана биз опоғойинг билан бирга яшаб келаётганимизга ўттиз йилдан ошди. Шу давр ичида уни бир марта ҳам чертмаганман, чертиш у ёқда турсин, ҳатто овозимни баландлатмаганман. Ҳа, кафтимда олиб юраман. Ишонмасанг мана, ўзининг юз-кўзи, сўра ўзидан, – Насиҳатхўжа хотинига юзланди. – Айт, сени ҳеч хафа қилганманми?

Опоғойи ёқинқирамай “йўқ” дегандек бош чайқади.

– Уйда жанжал чиқишига аввало оила боши – эр айбдор, – ҳукм чиқараётгандек совуқ овозда давом этди Насиҳатхўжа.

Матқовул чўзилиб кетган насиҳатлардан зерика бошлаганди, гапга чек қўйишнинг пайига тушди.

– Биламан, эр жарақ-жарақ пул топиб келса яхши, мен бир қоровулман, топиштутишим ҳалигидек. Шундоқ экан, минг ширин гапирай, барибир ёқмайман хотинга.

– Янглишасан! – Насиҳатхўжа қизишиб кучанди, – жарақ-жарақ пул топиб келганинг тақдирда ҳам хотинингни одам ўрнида кўрмай хор қилар экансан, оилангда иноқлик ҳам, ҳаловат ҳам бўлмайди. Тўғри, аёл зоти борки, яхши еб, яхши ки-

йингиси келади, янги чиққан кийим-бош, ҳар хил тақинчоқларга ўч бўлади. Мана, опоғойинг ҳам ҳалигача уни олиб беринг, буни олиб беринг, деб хархаша қилади. Раъйига қараб “Хўп, пул тушса олиб бераман” дейман. “Йўқ” деган совуқ гапдан насия бўлса ҳам ширин сўз маъқул. Шунда ғалва чиқмайди. Эру хотин сан-манга бордими, тамом, уйдан барака кўтарилади.

Матқовул Насиҳатхўжадан қай йўсинда қутулишни билмай, хит бўлди. Қўлини кўксига қўйиб ёлворди.

– Узр тақсир, мен нонга кетаётгандим…

Насиҳатхўжа ўлжасини осонликча қўлдан чиқармайдиган ғаддор овчилардан эди.

– Баъзи эркаклар бўлади, иккиюзламачи, – Матқовулнинг узрига мутлақо эътибор бермай давом этди у. – Улар хотинга фақат ўринда ширин гапиради, бошқа пайт қўрслик, дағаллик қилиб зулм ўтказади. Ўшанақалар садқаи эркак кетсин!.. Мен опоғойингни росмана ҳурмат қиламан. Баъзи ноинсонфларга ўхшаб, бутун оғирликни хотиннинг елкасига ортиб қўймайман. Қозон-товоққа, супур-сидирга ҳам қарашиб кетавераман, уй юмуши эркакнинг иши эмас, деб қаққайиб ўтирмайман.

Матқовул оғиз очгани хезланган эди, Насиҳатхўжа яна имкон бермади.

– Яна бир тоифа қуруқ савлат димоғдорлар бор, хотин судраб юришдан номус қиладилар. Мен ҳеч қаёққа ёлғиз бормайман. Тўй-ҳашам дейсанми, зиёфатми, туғилган кунми, концерту томошаларгами, ҳаммасига опоғойинг билан бирга борамиз. Чунки жуфти ҳалолимнинг нафақат кийими-ю овқатини бўйнимга олганман, балки…

Энди Матқовул Насиҳатхўжанинг сўзини бўлди.

– Тақсир, магазин ёпилиб қолмасин, уйга қуруқ қайтсам, хотин икки ямлаб бир ютади, – росмана ёлворди Матқовул.

– Борасан, тушликка ҳали бор! – жеркиб берди Насиҳатхўжа, – шошилмасдан гапни эшит, жиндак мағзини чақ. Нега жон ачитиб гапиряпман сенга? Мендан ибрат олгин, демоқчиман. Бизлардан ибрат олсанг, кам бўлмайсан, оиланг билан тинч-тотув, ҳузур-ҳаловатда яшайсан, жанжал нималигини билмайсан…

– Хўп, тақсир, ибрат оламиз! – деди сабр косаси тўлган Матқовул, сўнг, "Хафа бўлса бўлар" деб жуфтакни ростлаб қолди.

– Гапни уқдингми, хотинни ҳурмат қил, асл эркак бўлсанг! – Матқовулнинг ортидан қичқирди Насиҳатхўжа гапи чала қолганидан аччиқланиб. – Тавба, буларга яхши бўлгин, деб насиҳат қилсанг, эшитиш малол келади!

Насиҳатхўжа сал ҳовуридан тушиб, хотинига юзланди.

– Анча дамингни олволдингми, онаси?! Энди турақол. Мен бирровга Боситхонга учраб кетаман, суннат қилмоқчи экан, билайчи, қанча гуруч дамламоқчи, қанча одам айтмоқчи. Ҳа, маҳалладан бемаслаҳат иш тутмасин. Сен боравер, онаси, бу ёғи озгина қолди, бир ҳафсала қилсанг, етиб оласан.

Аёл бир эмас, иккита зил-замбил халтани аранг кўтариб ўрнидан турди, оёқлари чалишиб, инқиллаб-синқиллаб йўлга тушди.

– Ҳой, эҳтиёт бўл, тағин йиқилиб ўт-бўтингни майиб қилиб ўтирма, – сўнгги насиҳатни берди Насиҳатхўжа ва Боситхонникига кириб кетди.

“Сўзлашаман хотиранг билан”



Икром ОТАМУРОД

Маъруф Жалил сўзни самимиятга йўғирган шоир. Қачон, қаерда у киши ҳақида гурунг бўлганда ёким ўзи билан суҳбатлашганда, хаёлимдан шундай фикр ўтган. Сўзи ҳам, ёзгани ҳам, гапириши ҳам самимий. На ёзувларига, на гапига жимжима аралашмайди. Сохта муомалани ёмон кўради. Жимжимани ёқтирмайди. Чунки, ўзи қандай ўйласа шундай ёзади. Бошқалардан ҳам шуни излайди. Феъли-да. Фикрнинг, ифоданинг шарқона йўсини борасида кўп гапиради. Бундай шамойилнинг адабиётда, хусусан, шеърда мустаҳкам томир ёйишини жуда-жуда истайди. Ўзининг битиклари шунга мойил.

Олисларга қарайман ёниб...

Бу шоир сўзининг нигоҳи йўналтирилган кенглик.

Кангулнинг туб-тубларидан сириқиб-сириқиб келаётган, имкон сиёлари нигоҳга айланган, руҳият кенглигининг жавдираб турган ҳолати.

Маъруф аканинг кўп китоблари, драмалари, достонлари, таржималари чиққан. Лекин, у киши тўғрисида гапирганда, китоблар сони ёки эълон қилинган нарсаларнинг рўйхати эмас, балки, гап-сўз самимияти, шеър улуғлиги борасида кетади.

У шеър яратган ижодкорлар сирасидан.

Шоир ва шеър. Кангулнинг ҳодисаси. Шу боисдан, ҳар иккиси ҳам ўзга кангуллардан ройиш ахтаради. Ройиш топган жойда шоир ва шеър кангулнинг қадрдонига айланади.

Икром ОТАМУРОД *– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Вақт ранглари”, “Жануб қушлари”, “Тўрғайли манзиллар”, “Уфқлар орти бепоён”, “Узоқлашаётган оғриқ”, “Сопол синиқлари”, “Сен”, “Ичкари ва ташқари”, “Руҳимнинг қайғуси”, “Канглум, ўзинг”, “Тавр”, “Тағаззул”,* “*Харитага тушмаган жой*”, “Ҳувийят” *шеърий китоблари чоп этилган.*

Маъруф Жалил шеърлари кангуллар қадрдони. Одамни ўзининг қурбатини билишига, ўзининг имконини англаб етишига ундайди. Шундай бўлгандагина, одам юксалади, деган хулосага келади.

Йўқса...

Ўзини енгмаса аввало одам,
Аввало ўзидан чиқмаса ғолиб –
Йиллар бўронидан ўтолмас бардам,
Адам саҳросида кетади қолиб.

Бу сатрлар шоир дилидан армонсифат, афсуссифат хўрсиниб чиқади. Ҳолат кузатувлардан йиғилган хулосалар орқали чизилади. Хулоса ички изтироб йўсинида кангулга, фикрга ҳавола қилинади. Шундай йўриғ билан одамни ўзига қайрилиб қарашга, англашга ундайди. Шоирнинг сўзидаги мурод шу. Ўзига қайрилиб қараш ва ўзини англаш.

Шоирнинг дастлабки шеърларидан бирида шундай сатрларни ўқиганман:

Замонлар ортидан чанг бўлиб,
Умидлар қолганмиш тўкилиб.
Шуларни авайлаб тераман.

Олтмишинчи йилларда битилган мазкур ният ўтган йиллар мобайнида, йўллар давомида шоирнинг катта муродига айланди.

Маъруф ака чанг киби замонлар ортида қолган умидларни авайлаб териш баробарида, умид тўғрисида битилган сатрлар сатҳини, яна бир ҳолат насими билан кенгайтиради. Ва, шу мурод ҳали-ҳали, унинг умид йўлларини узоқ-узоқ кенгликларга равона этади.

Туйғу кенгликларига...
Фикр кенгликларига...
Самимият кенгликларига...

Дарвоқе, йўл ҳақида гап кетди. Шоир шеърларида ушбу восита, қайта-қайта ифода имконини очади:

Йўл ахтариб сенинг қалбингга,
Мен ўзимни йўқотиб қўйдим...

Маъруф ака шеърларида яна бир сифат бор. Бу олтимишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йилларнинг бошларида ёзилган. Истиқбол туйғуси, истаги, дарди, соғинчи. Бундай жиҳат “Истиқбол” номли шеъридан тортиб, бошқа қатор битикларигача сингиган. Китобда мазкур шеър 1972 йил санаси билан берилган. Шеър қуйидаги мисралар билан тугайди:

Кўнглумга далда берган
ҳар тонгдаги тушимсан,
Пешонамга битилган
Ёрилтошим, истиқбол!

Сатрлар моҳияти фикр билан англанади, мантиқ билан ечилади. Ўшандагина шоирнинг муроди ҳис қилинади. “Пешонамга битилган Ёрилтошим, истиқбол”нинг маъноси аён бўлади...

Бошқа бир битигида шундай сатрларни ёзади:

Ёрқинроқ бўлсин деб узоқ истиқбол
Ўзимни излайман узоқ ўтмишдан.

Шоир – истиқбол ва узоқ ўтмиш ўртасида турган англаш туйғуси. Англаш ҳисси. Ҳар икки сатрда келтирилган, ҳар икки узоқ сўзи шоирнинг юрагида тўхтайди. Бирлашади. Шоирнинг юраги – ўтмиш кўприги.

Бир қараганда, сўз эътиқодларга жойлангандек туюлган қуйидаги сатрларда бу хусусият ажиб бир мантиқ ҳосил қилган:

Бир кўзлари Чўлпоннинг фироқида ўртаниб,
Истиқболни кўраман изтироб зиёсида.

“Чўлпоннинг фироқида ўртаниб”. Истиқбол фидосига имо. Ва, унинг қисматидан пайдо бўлган изтироб. Булар шоирнинг тафаккур нигоҳи, ҳис этиш туйғуси англаган тарзлар.

Маъруф аканинг китобларидан бири – “Мен сув ичган дарёлар” деб аталади.

Шоир сув ичган дарёлар – қадим Турон қадри, улуғ аждодларимиз ғурури. Ватан ва унинг ўтмиши. Ўзликка таянч бўлган томирлар эл ботирлари, тил фидойилари.

Шоир сув ичган дарёлар – кангул сифатлари.

Яхшилик.

Шафқат.

Меҳр.

Мурувват.

Эзгулик.

Самимият.

Шоир сув ичган дарёлар – “Сизнинг меҳрингизга тўлиқдир қалбим”.

Шоирнинг иқрори.

Шоир сув ичган дарёлар – ишонч.

Соғинч.

Умид.


Хотира.

– Мен бугун бойдурман ишончга – дейди шоир.

– Сўзлашаман хотиранг билан – дейди энтикиб.

– Мезон бўлиб ҳилпирар соғинч – деб ёзади яна бир битигида.

Булар ҳаммаси шоир сув ичган дарёлар. Шоир сув ичган дарёлар доимо тиниқ бўлсин. Дарёлар сувини ичган шоир ҳамиша йиллар битикларида бут бўлсин!



“Ноябрь куйи”нинг лирик прозаси

Қодиржон НОСИРОВ

Бадиий адабиётнинг эпик турига мансуб асарларнинг аксарияти проза шаклида ёзилади. Эпик сюжет шеърий тарзда ҳам баён этилиб, уларда персонажнинг ички дунёси, руҳий кечинмалари ифодасига алоҳида аҳамият берилади. Шунга кўра бундай асарлар шартли равишда лиро-эпик турга ажратилади (поэма, баллада).

Лиро-эпик турнинг “лирик проза” деб аталувчи хили ҳам мавжуд. Бунда ягона шеърий тизим бўлмаса-да, маълум даражада вазн-тартиб, қофия, алоҳида руҳий кўтаринкилик (пафос) мавжуд. Нисбатан катта бўлмаган ҳажмдаги бундай асарларни адабиётшуносликда гоҳ “мансура”, гоҳ “сочма”, гоҳ “оқ шеър” ёки “верлибр”, “эркин шеър”, гоҳ “сарбаст” деб ҳам номланиб келинади. Бу кўринишдаги лирик проза ўзбек адабиётида XX аср бошларида пайдо бўла бошлаган. Мазкур жанр Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Миртемир, Рауф Парфи, Иброҳим Ғафуров, Омон Матжон, Хуршид Даврон ва яна қатор адибларимиз ижодида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Лиризмга мойил катта-кичик проза асарлари орасида вазн ва қофияга “бефарқ”лари ҳам, кам бўлса-да, учраб туради. Бунга Чўлпоннинг “Клеопатра”, Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, Омон Матжоннинг “Тўғон”, “Алла” каби асарларини мисол қилиш мумкин. Аммо бундай “бефарқ”лик асло бадиий қашшоқлик аломати эмас, балки ўзига хос услубдир. Мисол учун Чўлпоннинг ана шундай, яъни, вазни-ю қофияси бўлмаган “Клеопатра” номли асаридан бир парча келтирамиз:

“Эй Мисрнинг Тангриси, Нилнинг маликаси Килеўпатра!

Ойдин кечаларда, сирли Нилнинг бўйларида узун этакларингни майсалар, гуллар устидан судраб юруб янги очилғон вафо ҳидли нилуфар чечаги узубсан. Ўзингни елпиб турғучи қулға чечакнинг фазилатларидан гапирганингни эшитдим:

Қодиржон НОСИРОВ *– 1947 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. “Ўгай қалдирғоч” номли насрий, “Сонет ва сонетлар гулчамбари”, “Наманган адабий ҳаётидан лавҳалар”, “Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат”, “Муҳаммад Юсуф наманганликлар нигоҳида” каби китоблари нашр этилган.*

“Бу гул сувда ўсиб, сувда етишиб, яна сувда битадир”, – дединг. Биламан, тенгсиз қиз, биламан. Нил суви билан ўсган нилуфарни қанча мақтасанг ҳам оздир”.

Маърифатпарвар адиб ва олим Абдурауф Фитрат ёзган экан: “Чўлпоннинг “Килеупатра”си сочим йўсинида ёзилғон; вазн, қофия йўқ. Бироқ бир шеърдир”. Айтиб ўтиш лозим, “Хуршид Даврон кутубхонаси”да мазкур асар “мансура-ҳикоя” деб тақдим этилган. Биз учун бу ерда муҳими – келтирилган матнда вазннинг ҳам, қофиянинг ҳам йўқлигида. Айнан мана шу хусусияти билан “Клеопатра” “Хуршид Даврон кутубхонаси”даги барча мансуралардан фарқланиб туради. Чунки бошқа ҳаммаси ўлчамли ритмик бўлакларга ажралиб турган ва тузуккина қофияга ҳам эга бўлган сочмалардир. Биргина Чўлпоннинг мазкур асари бу унсурлардан ҳоли бўлса-да, лирикликнинг гўзал намунаси сифатида аҳамиятли. Чунки асар лиризмига, аввало, мазмун ва яна услубий воситалар (риторик ундалма, инверсия) эвазига эришилган. “Клеопатра”нинг пафоси жуда ҳам ёқимли, жазирама иссиқда дарё томондан эсиб, кишига ҳузур бағишлаётган майин шаббода янглиғ. Бежиз, Фитрат буни шеър деб таърифламаган.

Яқинда мана шундай эътиборли лирик хусусиятга эга насрий асарлардан жамланган янги нашрга кўзим тушди. Беихтиёр бир вақтлар Белинскийдан ўқиганим ёдимга келди: “Муқояса доимо оқсоқ бўлади”. Айтмоқчиманки, менинг диққатимни тортган янги давр асарларида ҳақиқатан ҳам лиризм кучли бўлса-да, лекин пафос нуқтаи назаридан “Клеопатра”га оҳангдош эмас – анча сокин, босиқ; бунда эзгин, куюнчак туйғулар устун, кўнгил ғашлик деса ҳам бўлади...

Кўпчилик адабиёт мухлисларига даврий матбуот орқали, ҳамда ўзининг “Улғайиш кунлари” (2008), “Муҳаббатдан сўнг...” (2010), “Энг қудратли зарра” (2012), “Шарҳ” (2015) тўпламларида эълон қилинган “бедор” лирик шеърлари билан яхши таниш бўлган шоир Носиржон Жўраев қаламига мансуб “Ноябрь куйи” (Тошкент, “Шарқ”, 2019) деб номланган китобидан жой олган насрий асарлар – икки қисса ва олти ҳикоя – сиртдан қараганда, бизнинг илмий-бадиий тасаввуримиздаги эпик тур тушунчасига, асосан, мос келади. Асосан, дедик, зеро бунда умумийликдан кўра ўзига хосликлар кўпроқ кўзга ташланади.

Аввалambор таъкидлаб ўтамиз: “Ноябрь куйи”нинг қиссалари мўъжаз, ҳикоялари эса митти. Аммо уларда чуқур маъно-мазмун ва уни англатувчи ихчам, лўнда, ёрқин ва охори тўкилмаган бадиий воситалар мужассам. Мисол учун, 70х90 бичимли китобдан икки саҳифагина ўрин эгаллаган “Нуройим” ҳикоясини ўқигач, бизда ўзбекона одобли, иффатли, сабот-бардошли улкан муҳаббат тарихи, икки инсон тақдири тўғрисида тўла тасаввур ҳосил бўлади; чуқур ижтимоий-руҳий ўйга толамиз. Муаллиф ва унинг қаҳрамонлари кўп ўйлаб, оз, лекин, соз сўйлайди. “Шоирим, раҳмат! Китобингизни ўқидим”. Бу тўрттагина сўз – собиқ синфдош қиздан келган нома, атиги тўртта сўз. Бу калом митти ҳикоя сюжетининг тугунини-ю ечимини ташкил этади, яъни, бу ўзига хос халқа. Ҳикоянинг бошида ва якунида такрорланиб келувчи мана шу қисқа жумладан аёл қалбини, ўн уч йилдан буён ҳижрон дардини тортаётган, висолдан маҳрум бўлса-да сўнмаган муҳаббатни илғаймиз. Агарда шу англаганимизни ҳафсала қилиб қоғозга туширмоқчи бўлсак, тузуккина қисса чиқади.

Носиржон Жўраевнинг ҳикоялари ўзининг эзгин лиризми ва эмоционаллиги билан И.С. Тургеневнинг “Стихотворения в прозе” номли машҳур туркумига кирган шеърларини эслатади. Қолаверса, мутахассислар таъкидлашича, Тургенев ҳам мазкур асарларида ритм ва қофиядан онгли равишда қочган экан, ҳатто

тасодифий товуш уйқашликларини ҳам йўқотишга ҳаракат қилган экан.

Китобдан жой олган атиги ўттиз-қирқ саҳифалик қиссаларда биз яхшигина сюжет ва композиция мураккабликларига дуч келамиз, мазмун бойлигига эътибор берамиз, муаллиф маҳорати ҳақида гапиришга етарлидан кўп асос кўрамиз. Аммо, келинг, умумий (бу кўпинча "юзаки" дегани) гаплардан кўра китобга ном берган "Ноябрь куйи" қиссасида батафсилроқ тўхтаймиз.

Ушбу ихчамгина қиссада бир эмас учта сюжет мавжуд. Уларни бош қаҳрамон образи боғлаб туради. Биринчи ва иккинчи сюжетларнинг ривожланиш схемаси содда. Учинчи сюжет мураккаброқ, бир чизиқдан бормайди, у спиралсимон ҳаракатланиб, биринчи ва иккинчисини бошдан-оёқ ўраб олган. Сюжетларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, биринчисини воқебанд-лирик, иккинчисини воқебанд, учинчисини эса лирик-фалсафий деб таърифласа бўлади. Ҳар бири ўзига яраша мавзу ва ғояга эга.

Биринчи сюжет персонажларининг исми йўқ. Қиссанинг бу жиҳати уни соф лирик турга яқинлатиб турибди. Муаллиф уларни "Мен", "У", учинчисини эса аёлим деб атайди; биз "Мен"нинг аёли" дейлик. "Мен" ўрнига "бош қаҳрамон" атамасини ишлатса ҳам бўлар, балки, таҳлил давомида такрордан қочиш мақсадида биз буни қўллармиз ҳам, лекин барибир моҳиятан "Мен" афзалроқ. Чунки, "Мен" бу ерда шунчаки ҳикоячи биринчи шахснигина англатмайди. Соф лирик турга кўпроқ хос бўлган ушбу атама шеърий асарларда асосий ролни ўйновчи "лирик қаҳрамон"га ҳам тенгдир. "Ноябрь куйи"да ҳам шундай.

"Мен"га йиллар давомида кимдир сирли равишда қўнғироқ қилаверади". ("Мен" қўнғироқ қилувчини "У" деб атайди), бирор сўз демай, маълум муддат сукутдан сўнг телефонни ўчиради. Қиссанинг биринчи саҳифасида ҳовлидан куз ёмғири чакиллаб турган кез жиринглаган ана шундай қўнғироқ овози ва телефондан эшитилган ёмғир саси – сюжет тугуни. "Мен" ўй-ўйлаб, бу сирли қўнғироқ сабабини ўзига ўзи қуйидагича талқин қилади: "Менга ёмғирнинг овозини илинибди-да. Балки бу сокин фаслнинг сеҳрли-сирли қўшиғини бирга тингламоқчи бўлгандир?" Қўнғироқ сирлилиги унсизлигида ҳам эмас: Қўнғироқ одатда "Мен"нинг аёли ёнида йўқлигида жиринглайди; кўчада кетаяпганда, ишхонада, аксар унинг ўй-фикрлари жумбишга келганда, ишида қандайдир муаммо юзага келаётган пайтларда ҳам. "Мен" эркаклик табиати билан "У"нинг қўнғироқларига қизиқиб қолган, уни кутадиган бўлиб қолган, бу ҳақда ўйлагани-ўйлаган: Ким ўзи? Нега бир сўз гапирмайди? Бу саволларга жавоб асар якунида чиқади.

"Мен" покиза қалбли инсон сифатида хотинининг доимо ўйчан ва ҳадикка тўла нигоҳларидан аёли сирли қўнғироқдан хабардорлигини фаҳмлайди, ва бундан янада баттар азобланади. У меҳрибон хотинининг кўзларига кўзи тушиб қолишидан чўчийди. Хотинининг нигоҳидан таралаётган унсиз садони "ёлғизлик куйи, кимсасизликнинг ғамгин мусиқаси" деб баҳолайди. Бу куй унинг учун "Кузнинг куйидан-да оғир, маъюс" эди. Қачон ва қандай қилиб гуноҳсиз эканлигини тушунтириш мумкинлигига ақли етмай, изтироб чекади. Айни пайтда, "У"чи? Нега "У" нуқул менинг изтиробим ортган, танг пайтларда қўнғироқ қилади? Гўёки барча ўй-изтиробларимдан хабардору, кўнгилсизликлардан мени қутқаришга интилади? Дарвоқе, ушбу сюжет мавзусини шартли равишда "Эркакча қизиқиш ва гуноҳ ҳисси" деб белгиласа бўлади.

Маълумки, ҳаётда, адабиётда ҳам эркак билан аёл ўртасидаги ҳис-туйғуларда, муносабатлардаги мушкулликлар кўпинча учинчи шахс пайдо бўлганда юзага

келади. Буни олтин учбурчак ҳам дейишади. Бизнинг таҳлил объектида бевосита тўқнашув асосида қурилган ишқий драма кўринмаса ҳам, ҳар қалай, учбурчак шаклида туйғулар кесишувининг гувоҳимиз. “Мен” икки тош орасида қолгандек эзилмоқда. Ечим қаерда? Олтин учбурчакда учтадан биттаси ўлади ёки қаёққадир ғойиб бўлади – бу типик ечим. Бу асарда эса ўзгача ечим кўрамиз.

Иккинчи сюжетнинг асосий персонажлари “Мен” ва нашриёт директори Мўмин ака. Замирида ижтимоий-ахлоқий конфликт, тўқнашув ётган ушбу сюжет мавзусини “Адабиётимиз тақдири ҳақида қайғу” сифатида ҳам кўриш мумкин. (Дарвоқе, китобнинг “Адабий ўйлар” деб номланган учинчи қисмидаги эсселар ҳам худди мана шу мавзуга бағишланган). Тўқнашув “Мен” билан директор ўртасида юз берса-да, лекин унинг сабабчиси учинчи шахс. Яна учбурчак, фақат ишқий эмас. Аммо учинчи шахс бу ерда кўринмас эмас, бир марта бўлса-да ялт этиб қолади, лекин “У” каби унсиз. Шундай бўлса-да “Мен”нинг луқмасидан учинчи кимлиги ҳақида тасаввур оламиз: “Туппа-тузук жойда ишларкан, топиш-тутиши ҳам ёмонга ўхшамайди...”

Директор нашриётда муҳаррир бўлиб ишловчи “Мен”га чоп этишга тайёрлаш учун қўлёзма топширади. Лекин “Мен” “Хом-хатала, бир пулга қиммат” “асар”ни таҳрир қилишдан бош тортади. Бошлиқ (табиатан хушмуомала одам, ғамхўр раҳбар) зиддиятни “йўлида” бартараф этишга сабр билан ҳаракат қилади, чунки “асар” муаллифи (“ўзимизнинг одам”) айнан “Мен”, таниқли мутахассис, унинг бўлажак китобига муҳаррирлик қилишини истаган экан. Аммо нашриёт обрўсини, адабиёт қадрини ўйлаган муҳаррир: “Бир жумлани тўғри ёзолмайдиган савдогардан нега ёзувчи ясаяпмиз?!” (12) деб терслик қилади. Бундай ҳолат бир неча бор такрорланса ҳам, директор ходимини доимо нимтабассум билан эшиккача кузатиб қўяр эди. Охирги марта: “Сизнинг истеъдодингизни жуда қадрлайман, сиз яхши ижодкорсиз. Аммо билиб қўйинг, ўша китоб барибир нашр этилади”, (12) дейди директор, “Мен”ни эшик олдигача кузатиб қўятуриб.

Орадан бир-икки кун ўтгач, директор нашриёт ходимларини биргаликда тушлик қилишга таклиф этади. Ўзи ёнида бир йигит билан пайдо бўлади: “Бу йигит бизда чоп этилаётган “Замонамиз қўшиғи” китобининг муаллифи. Бугун ана шу китобнинг тасдиқдан ўтгани муносабати билан бизни меҳмон қилмоқчи!” (34) деб эълон қилади. Гапнинг мағзини чаққан “Мен” баданига тиғ теккандек сесканиб кетади. Худди ҳамма унга тикилаётгандек, Мўмин ака билан ўрталаридаги гапдан бутун жамоа хабардордек, ўзини ноқулай сеза бошлайди “Мен”. Раҳбар эса унга истеҳзоли тикилиб қўяди, устига-устак уни мазах қилгандек: “Шоир, сизга қанақасидан қуяй?!” (35) дейди. “Мен” ғазаб билан оғзига келганини бўғзига ютмай, айтмоқчи бўлиб турганда, телефони жиринглаб қолади, яна ўша унсиз қўнғироқ. Шу баҳона “Мен” залдан чиқиб кетади. Шундан кейин унинг ичидаги куюнчак туйғулар изтироби янада ортади. Бу энди қиссадаги учинчи, лирик сюжет.

Учинчи сюжет том маънода мустақил эмас, балки биринчи ва иккинчи сюжет-мавзуларга сингдирилган, уларни спиралсимон ўраб турган “Мен”нинг анчагина куюнчак, лекин босиқ, сокин кечаётган фикр-туйғулар лентаси. Бу лентанинг тўлқинли ҳаракатини ифодалашда асосий бадиий восита сифатида пейзаждан унумли ва моҳирона фойдаланилган. “Мен”нинг нигоҳи билан тасвирланаётган кеч кузнинг ҳазин, совуқ, ёқимсиз манзаралари муаллифнинг ўзига ёқмаслиги сезилиб турса-да, унинг тавсифига чиройли лирик ибора топилган – “эзгин куй”. Муҳими эса – муаллиф таълиф учун танлаган ноябрь манзаралари “Мен”нинг ички

дунёсига, ҳаёт мазмунига ўта мос, унинг ички кечинмалари билан ёнма-ён ўзига хос композицион параллелизмни ташкил этган. Бундан ташқари, Носиржон Жўраевда пейзажни қўллаш услуби бошқа кўп асарлардан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: пейзаж бош қаҳрамон ихтиёрига топширилган. “Мен” ундан қиёсий-таҳлилий материал сифатида фойдаланади: табиат ҳодисаларини инсон ва жамият ҳаёти билан таққослаб, фалсафий мушоҳада қилади, хулосалар чиқаради; қисқаси, табиат манзаралари мисоли ижтимоий муаммоларни идрок этиш лабораторияси бўлиб хизмат қилади.

Ҳаётда кузатилаётган баъзи жиддий ахлоқсизликлардан “Мен”нинг пок ва тийрак қалбига ноябрнинг совуқ томчилари чакиллаб тургандек туюлади. Эътиборлиси шундаки, қаҳрамон унинг фикру хаёлида изғирин бошлаётган куз оҳанглари янглиғ изтиробли туйғуларга, киши руҳига асло илиқлик, тафт бермаётган ҳолатга ўзини ҳукм қилинган ҳисоблайди, ўзи учун ўзгача ҳаёт, бошқача ҳаётий позицияни хаёлига ҳам келтирмайди.

Кўкда-ю ерда кузатилаётган манзаралардан ҳам номутаносибликлар топади: “Осмонга қарасанг, кўм-кўк яланглиқда парча-парча булут қийқимлари, қуёшнинг кучсиз нурлари ерга осойишта оқиб турибди. Ерда эса... уюм-уюм қорайган хазонлар, мунғайган уйлар, қўнжигача лойга ботган оёқ кийимлари, хуллас, шунақа чалкашликлар. Йўқ, булар ҳеч қандай чалкашлик эмас, аслида қандай бўлиши керак бўлса, шундай... турипти. Фақат менинг кўзларим бу акс манзараларга кўника олмаётган бўлиши мумкин. Кўрдингми, дейман ўзимга ўзим, осмонга, оёғинг остидаги ерга бир лаҳза тикилиб, шунча изтироб чекаяпсан. Бошқалар ҳам ўзларини худди ортиқ қийнамаслик учун бунақа нарсалардан, ўй-хаёллардан кўз юмиб, қулоқ ёпиб ўтишади, вассалом. Уларнинг наздида сенинг бу каби ҳамма нарсадан азият чекишинг бемаънилик, жинниликдан бўлак нарса эмас! Бунинг ўрнига улар уйларига печка қуришади, ўтин ғамлашади, тешик-туйнукларни беркитишади ва шу тахлит тадбир-тадориклар билан ҳар қандай фаслни, ҳар қандай қулай-ноқулай шароитларни ҳам хотиржамлик, ортиқча ҳиссиётларга берилмай, баъзан эса беписандлик билан кутиб олишаверади”. (22–23)

Мана шундай, одамлар ўртасидаги ва бунга параллель равишда табиатдаги номутаносибликлар ёки нохуш ўхшашликлардан “Мен” куйинаверади, ҳатто хотинининг унга нисбатан меҳрибонликлари ҳам унинг жаҳлини чиқаради, изтиробга солади, эгри, баъзан бемаъни фикрлар қўзғайди. Мана унинг хотини тўғрисидаги ўйларидан бир парча:

“Кузги япроқлардек омонат, мажолсиз ва сокин муҳаббатининг юки эзиб қўйганди, кўзларидаги тубсиз-ниҳоясиз умид, илинжнинг оғирлиги менинг бечоралигимни тобора юзага олиб чиқарди. Аммо мен, ана шу юк заҳматлар орасида янчилиб-топталиб кетаётганимга қарамай, улғаяётган эдим, унинг муҳаббати улғайтираётган эди... Унинг севгиси шу қадар шафқатсиз эдики, мени бир сония, бир нафас бўлсин аямасди, таъқиб қилишдан чарчамасди ҳам... У шундай шафқатсиз севги эдики, менинг ҳар бир сўзим унинг учун қонун билан баробар эди, у фақат менинг борлигимни тан оларди, холос ва шу йўл билан, яъни мени камситмасликка уриниб азобларди. Бу худди совуқда музлаётган одамни иситаман деб гуриллаб ёнаётган оловга отишдек гап. Бу – минг-минглаб ҳужайраларингни, томирларингни, сезгиларингни дўзахдан дўзахга солиб ўйнашдир. Мен бу адоқсиз хўрланишларга ҳукм қилинган, унинг сассиз-садосиз, маъсум ва сокин муҳаббати эса, шубҳасиз, ҳукмфармо эди. Мен уни ҳамиша қучгим, бағримга маҳкам босиб,

бераётган укубатлари учун ўч олгим, кучоғимда туриб қандай йиғлашини ҳузур билан томоша қилгим келарди”. (23-24)

Қаҳрамоннинг бу алфоздаги ички кечинмалари тасвири билан танишар эканмиз, биз беихтиёр бугунги адабий танқидчиликда тез-тез қўлланиб турган модерн, онг оқими, “абсурд” каби тушунчаларнинг Носиржон Жўраев ижодига таъсири тўғрисида ўйлаб қоламиз. Зеро, кейинги давр насрий асарларида персонажнинг ички дунёсини очиш воситаси сифатида изтиробли ўй-мулоҳазалар, чалкаш, баъзан бемаъни фикрларга тўла узундан-узун ички монологлар кўп учрайди. Шу ерда эътибор берилса, бундай ўй-фикрларни кимдир “бемаънилик” деб қабул қилиши мумкинлигига “Мен” ўзи ҳам ишора қилаяпти. Демак, “Мен” (қаҳрамон ортида эса муаллиф бор) ўзи яхши билади ўйлаётганларининг қийматини. Демак, бу ерда, маълум даражада “абсурд”лик белгиси мавжуд, аммо муаллифнинг бунга муносабати ижобий эмаслигини ҳис этамиз.

Айни пайтда, “Мен” образига бошқа томондан ҳам назар солсак, унда биргина ўзга аёл тўғрисида миясига келаётган фикрдан оиласи олдида хижолат тортадиган, касбига ва бу билан боғлиқ адабиётга фақат виждон, ҳурмат ва муҳаббат кўзи билан қаровчи зиёли киши, ижтимоий адолатсизликка дадил қарши чиққан қаҳрамон тимсолини кўрамизки, унга “абсурд” ёрлиғи ярашмайди.

Ишхонадаги, кўча-кўйда ўнга-ю чапга ҳеч кимга, ҳеч нарсага қарамай шошилаётган одамларни мушоҳада қиларкан, саволларга чўмилади: “Одамларда нега унга ато этилган истак-майллар сўниб бормоқда? Ҳис-туйғулар нега бой бериляпти? Ҳар куни уйдан ишга¸ ишдан уйга бир маромда келиб-кетувчи одамлар ташқаридан қараганда жуда тартибли...” Аммо, “Фаслларнинг алмашиши, майсалар униши, хазон тўкилиши... уларинг эътиборидан четда қолган...” Бундай одамлар “Алалоқибат, вақт билан чопиша-чопиша, кунларни, йилларни қурбон қилиб юборишади”. (13)

Одамзот ва унинг тақдири ҳақида бундай куюнишлар “Мен”нинг маънавий қиёфасини тавсифлаб турибди. Кўриб турганимиздек, сокин, индамай, ичида қовурилаётган юракнинг изтироби эҳтиросли туйғулар етказадиган дарддан енгил эмас. Қолаверса, лирик қаҳрамоннинг ҳолати куюнчак қалбли ўқувчини топиб олиб, маҳкамроқ чулғаб олади-да, уни ҳам ҳаёт тўғрисида ўйлашга мажбур этади.

“Мен”нинг ички кечинмаларидан, у ўзини ҳаммадан четланиб қолгандай, кимсасизликка маҳкум бўлгандай ҳис этади. У ҳаётда ўз ўрнини қидираяпган одам бўлиб кўринади. Аммо асарда тасвирланган воқеадан эса биз тамомила бошқача хулосага борамиз: “Мен” ўзини йўқотиб қўйган шахс эмас, аксинча, ҳаётда унинг тайинли ўрни бор, у шамол қаёққа учирса юмалаб кетаверадиган эвалак эмас; унинг қатъий ахлоқий принциплари мавжуд. Мана шу принциплар уни ҳаёт сўқмоқлари бўйлаб етаклаб бормоқда; худди мана шу тамойиллар уни “Замонамиз қўшиқлари”нинг муаллифлари олдида ўз ғурурини сақлаб қолишга кўмаклашди; ниҳоят, “Мен”нинг ишончли маънавий қўрғони бор – бу унинг оиласи.

Қисса якунида ўқувчида савол туғилиши муқаррар: “Мен”ни нима кутаяпти? У хотини уктиргандек ҳамма нарсага қайғуравермасдан ҳаётга оддий одамдек қарашга, ҳамманинг ташвишини қилмай яшаш тарзига кўникадими ёки ўзлигига содиқ қоладими?

Кўрганимиздек, “Мен”нинг ўй-хаёллари биргина биз шартли равишда учинчи, “лирик сюжет” деб белгилаган фикрлар “лентаси”нинг ифодаси эмас, айни пайтда биринчи ва иккинчи сюжетлар қобиғида тасвирланган воқеаларни ҳам қамраб

олган. Бинобарин, ушбу руҳий зиддиятларнинг ечими айни пайтда асосий воқебанд сюжетларнинг ҳам ечимидир. Ва бу ечим ҳеч кутилмаган антиқа шаклда намоён бўлади.

Юқорида биз ишхонадаги зиёфат устида жиринглаган телефон қўнғироғи ҳақида гапириб ўтдик. “Мен” бу унинг учун “огоҳлик қўнғироғи, ҳаёт қўнғироғи” эканини фаҳмлаб етади. Чунки қўнғироқ жуда муҳим ҳаёт синовидан асраб қолган эди уни. Бу қўнғироқ эзгулик қўнқироғи эканлигига амин бўлади ва унда “У” ким эканлигини билиш, миннатдорлик изҳор этиб қўйиш истаги пайдо бўлади...

Эрта тонгда хотинини туғруқхонага ташлаб қайтган “Мен” “У”га ўзи телефон қилишга жазм этиб, аппаратида сақланиб келаётган рақамларни босади ва бундан ўзи тахтадек қотиб, ҳушини йўқотаёзади, чунки шу пайт чақирув қўнғироғининг овози ёнгинасида турган хотинининг тошойнаги ғаладонида бўлган пардоз қутичасидан таралаётган эди...

Шундай қилиб, ҳар учала сюжет чизиқлари бир нуқтада кесишиб, тугунлар ечилади. Биринчи, воқебанд-лирик сюжет (“Мен”, “У” ва “Мен”нинг аёли) асарда композицион аҳамияти муҳимроқ бўлиб чиқди, мисоли қолип экан, деб хулоса чиқарамиз, чунки нариги иккитасини ўзига қамраб олган, яъни, бир сюжет доирасида яна иккита сюжет ривожланган эди. Қиссанинг умумий композицияси буни кўрсатиб турибди: асарнинг тугуни ҳам қўнғироқ, унинг умумий ечими ҳам қўнғироқ.

Қиссанинг биринчи сюжети ҳаётдан айнан кўчириб олинмаган, тўқима, лекин абсурд ҳам эмас, воқеа мантиқ доирасида ривожланмоқда: шундай бўлиши мумкин ҳаётда. Мантиққа сиғмайдиган баъзи чалкаш фикрлар эса лирик сюжетда кўринади, лекин уларнинг асосий воқеа ривожига (мантиғига) салбий таъсири сезилмайди. Айни пайтда, асарда тўқнашган кучларнинг фикр-туйғуларини ҳаракатга келтирган конфликт воқебанд сюжет қобиғида яширинган. Бундай сюжет, афсуски, бизнинг ҳаётимизда учраб туради, унинг ҳақиқат эканлигига шубҳа йўқ.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилишимиз мункин-ки, бош қаҳрамоннинг ички кечинмаларидаги баъзи “чалкашликлар”дан адолатсизликка қарши дадил курашаётган зиёли образининг асосий мазмун-моҳияти баланд. Чунки асар марказида турган воқебанд сюжет замирида абсурд эмас, XX асрда адабиётимизда етилиб пишган танқидий реализмнинг илдизи ётибди.

Реализм, айниқса унинг танқидий кўриниши, инсониятнинг бадиий тафаккури ривожида топилган энг буюк ҳодиса, унинг элементларини ҳатто Алишер Навоийда ҳам кўриш мумкин.

Абсурд – ўткинчи ҳодиса. Эсласак, унинг “отаси” модерн XIX аср охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган, маълум маънода ҳукм ҳам сурган (у пайтлар уни “декаданс” ҳам деб аташар эди; французчадан бу сўз “тушкунлик”ни англатади). Бу алғов-далғов даврнинг ифодаси эди. Ва яна икки аср оралиғида ўхшаш ижтимоий вазият юзага келди ва унинг ҳосиласи сифатида абсурд ва бошқалар югуриб чиқишди. Лекин жамиятда сиёсий-ижтимоий жараён барқарорлашган сайин булар йўқолиб бориши муқаррар.

Носиржон Жўраевнинг лирик қиссасидан англаганим мана шулар. Кимгадир бошқачароқ туюлиши ҳам мумкин.

"Она Туркистондир туркларнинг тожи..."



Олим ОЛТИНБЕК

Шоир Рауф Парфининг “Дорнинг оғочи”[1] (1988) шеърида Она Туркистонга шундай таъриф берилган. Лекин, афсуски, Туркистон турк мана шу “тож”ни бой беришган эди. Рауф Парфи шеърларига эътибор берилса, мана шу йўқотишнинг аламу ҳасратларини, қайта қўлга олишга даъвату орзуларини туясан киши. Миллий шеъриятимизда Фитрату Чўлпонлардан кейин Туркистон бирлиги байроғини баланд кўтарган шоир Рауф Парфи бўлди. Бу борада шоир Хуршид Давроннинг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқат: “Унинг юраги Туркистон эди, унинг қайғуси Туркистон эди, унинг боласи-ю маъшуқаси, онаси Туркистон эди. Оламга ҳам “Туркистон” деб, унинг учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддас бўлган шу кўҳна тупроқ кўзи билан боқди, Туркистон сари дарё бўлиб оқди”[2].

Она Туркистон ҳасратининг Рауф Парфи қалбида пайдо бўлиши унинг болалик йилларига бориб тақалади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай хотирлайди: “Дадамнинг дўстлари кўп эди. Бари эски жадидлар. Ўлмай қолган... Ҳаммаси билимдон, саводли одамлар. Дунё миқёсида фикрлайди. Адабиёт билан шуғулланади. Аммо барчасининг бошига кулфат тушган: замон уларнинг қўлини кесиб ташлаган. Уларнинг барида шаклланган *туркчилик туйғуси* бор эди. Водилий ҳақида гапирдим. *Унинг учун турк эканлигини англаш бахт эди.* Абдал ака дегани бўларди. 1944 йил Қиримдан кўчирилган... Буларнинг бари онгимга кучли таъсир қилган. Энди билсам, кўнглимда Ватан туйғусини шакллантирган нарса шуларнинг қисматлари ва ҳикоялари экан”[3]. Бу даврада қувғинга учраган озарбайжон зиёлиси Наврасли ҳам бор эди (Рауф Парфи рубоб чалишни ундан ўрганган). Бу уч шахсни боғлаб турган икки жиҳат бор: биринчидан, улар “ўлмай қолган” туркчи жадидлар эди,

1 Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 1-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 321-бет.

2 Хуршид Даврон. Рауф Парфига гулчамбар. Интернетдаги “Хуршид Даврон кутубхонаси”дан олинди.

3 Ёлғон – истеъдоднинг кушандаси // Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 2-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 202–203-бетлар.

Олим ОЛТИНБЕК *– филология фанлари номзоди, доцент. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Каримбек Камий – Миллий уйғониш шоири”, “Миллий шуур шуъласи” монографиялари, “Ўзбек адабиёти тарихи. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли” услубий қўлланмаси чоп этилган.*

бир-бировининг тилини яхши билишарди, маслакдош эдилар. Иккинчидан, “замон уларнинг қўлини кесиб ташлаган”, шунинг учун ҳам тузумдан аламзада – “антисовет” одамлар эди. Кўриниб турибдики, Рауф Парфи қалбида туркчилик туйғуси эрта кўз очган. Шоир ижодида бу туйғунинг ҳар хил қирралари бор. Шулардан энг йириги Туркистон бирлиги масаласидир.

Шоирнинг “Туркистон ёди”[4] шеъри 1981 йилда ёзилган. Кейинчалик шоир ўзининг “Таржимаи ҳолим”ида бу ҳақда шундай дейди: “Шеър бутун Туркистонга аталган бўлсаям, мафкурачилар Туркистон шаҳри, деб ўйласин деган мақсадда, Миртемир домлага бағишлаб матбуотга чиқарганман. Бу Туркистон мавзуига биринчи кириш шеърим эди”[5]. Қисқагина бу маълумот бизнинг идрокимизда кўп нарса уйғотади: биринчидан, шоир 80-йиллар бошида, худди жадидлардай, Туркистон бирлиги борасида қайғураётганини; иккинчидан, сиёсатчилар кўзини шамғалат қилиш учун адабий усул қўллаганини, учинчидан, “Туркистон ёди” шоир ижодида Туркистон мавзуидаги биринчи шеър эканлигини айтади. (Лекин шоир ижодига эътибор берсак, Туркистон ҳасрати бундан олдинги шеърларида ҳам учрашини кузатишимиз мумкин – О.О.) “Нақадар узундир, оғирдир бу йўл”, деб бошланадиган бу шеърда Рауф Парфи бой берилган ва парчаланган Туркистонга олиб борадиган йўлнинг “нақадар узун”лиги ва “нақадар оғир”лигидан сўз очади. Осмон каби кенг далалари ястаниб ётибди. Бу далаларнинг эгаси йўқ, ботирлари йўқ. Шундан, чеки йўқ бу осмон лирик қаҳрамоннинг хотираларини тиғлайди, асабида тизгинсиз бир шиддат пайдо қилади. Бу кенгликлар ҳақидаги ўйлар уни ғижимлаб эзади, қалбини ўқ сингари тилади. Туркистон деганда шоирнинг кўз олдида бир саҳройи кенглик келди. Чунки бу саҳрода тирик жон йўқ. Она Туркистон теграсида “зич ҳаво”. Тўғри, “зич”, лекин у “ҳаво”, яъни ҳечлик ва йўқликдан иборат. Биринчи бўлиб уйғонган ва бу ҳолатни кўриб ҳайратга тушган лирик қаҳрамоннинг аҳволи ақлдан озар даражада:

Теграмда зич ҳаво – она Туркистон,
Ёргай томиримни кўр ҳаяжоним.
Бу майдон ичинда мен тўкмаган қон,
Менинг уни дея аяган жоним.

Шоир чиқмаган жонинию тўкилмаган қонини фақат шу “майдон”да тикмоққа тайёр. Чунки бу “майдон”га “Ватан” тушунчаси келар етаклаб”. Улуснинг эса аҳволи ёмон: у нафақат Ватанидан “айрилган” (“айрилган” қўлдан бой берган, маъносида), айни пайтда ўз Ватанида “хўрланган” ҳам. Тирикларнинг аҳволи шу. Энди шоир эътиборни ўтганларнинг уйига – Яссавийнинг қабрига қаратади:

Яссавий мақбари мунғаймиш мағрур.
Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги.
“Дунё менинг деганлар...” нидо келур.
“Каркас қушдек...” қадим сўзлар жаранги.

“Ёлғон даъво қилганлар...” Сўзлар шоир.
“Оқни қаро қилганлар...” айтинг, кимлар?!
Мақбара бошимга йиқилар ҳозир.
Яна товуш: “Ҳаром еган ҳокимлар...”

Бу мисралар ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Бундай ҳолдан Яссавий мақбараси мунғайган бўлиши мумкин, лекин у мағрур ва тирик ўликларга ўхшаган сукутдамас,

4 Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 1-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 290–291-бетлар.

5 Таржимаи ҳолим // Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 2-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 8-бет.

ҳар бир ғишт жаранглаб, воқеликка муносабат билдириб турибди. Шунинг учун ҳам Рауф Парфи кейинги бандниng бир мисрасида, “Хотирот мозори – Туркистон мангу”, дейди умид билан.

Шеърнинг сўнгги бандида шоир ўз кўзига мурожаат қилиб:

Йиғла энди, кўзим, сен-да йиғлаб ол,
Тўйсин кўз ёшингга бу туркий ситам.
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол,
О, сабр дарахти – қутлуғ Туркистон.

дея тугаллайди. Тўғрироғи, тугаллайди, десам хато бўлади. Чунки бу банддан кейин яна бир мисра келади. Бу – шеърнинг биринчи мисраси – “Нақадар узундир, оғирдир бу йўл”. Рауф Парфи бу билан шеърнинг боши билан охирини улаб, ўзига хос поэтик ҳалқа ясайди ва афсус билан Туркистон халқлари бирлиги йўлининг нақадар узун ва оғир эканлигига яна бир бор урғу беради.

Рауф Парфи “Қадимги туркулардан”[6] (1981) шеърида ҳам Туркистондан сўз очади:

Туркистонни бўлдилар,
Парчаланди бемажол.
Устимиздан кулдилар
Ул ёвузлар бемалол...

Хўш, Туркистонни бўлган “ул ёвузлар” ким? Бу ҳақда сўзни яна шоирнинг ўзидан эшитамиз. “Зулм – башариятнинг муқаддас бешикларидан бўлмиш улуғ Туркистонга бостириб кирди. Милён-милён гуноҳсиз инсонларимизнинг пок қонларини тўкди, илоҳий масжидларимизга кўппакларини боғлади, мезаналарига қўнғироқлар осди, боғларимизга: “Итларга ва сартларга кириш манъ этилади”, деб ёзиб қўйди, жаҳоннинг кўрки бўлган обидаларга бомба ёғдирди, бир кечада минглаб ўзбекларни, эру хотин, болаларни, ҳомиладор аёлларнинг қорнидаги гўдаккача жаҳолат пичоғи билан сўйди, неки ҳалол бўлса барини ҳаром қилди, нажосатга тўлдирди”[7]. Шоир “ул ёвузлар”нинг номини тилга олгиси ҳам келмайди ҳатто. Бу ерда босқинчи ўриснинг ҳар икки тоифаси – оқи-ю қизили томонидан Туркистон халқлари бошида юргизилган зулм тегирмони ҳақида гап кетмоқда.

1924 йил ленинчилар ўзлари яратган қулай имкониятдан фойдаланиб, қадимий Туркистонни дастлаб учга, кейинчалик бешга бўлиб ташладилар ва бу ҳаракатга қарши турганларнинг боши танасидан жудо қилинди. “Туркистон” деган ном қатағонга учради. Ҳатто таклиф бўлганида ҳам янги тузилган бирор давлатга бу ном берилмади. Чунки Туркистон элатлари шу ном атрофида яна бирлашишлари ва унинг бутунлиги учун курашишлари тайин эди. Буни чуқур ҳис қилган Рауф Парфи мақолаларидан бирида шундай ёзади: “Чор империяси, кейинчалик қизил салтанат Туркистон мусулмонларининг, айниқса, турк халқларининг бирлашувидан қаттиқ қўрқарди, шунинг учун тиш-тирноғи билан қуролланиб туркчиларни, туркчи бўлмаганларни ҳам, умуман, тубчак аҳолидан чиққан мунавварларни тирик қолдирмасликка киришди. Ўғри, босқинчи, маккор, худосиз махлуқлар муқаддас Туркистон тупроғини таладилар, бўғдилар, қонга ботирдилар”[8].

Рауф Парфининг энг катта орзуси парчаланган мана шу Туркистонни яна бутун кўриш эди. У юртнинг фаровонлигини ва миллатнинг тараққиётини шунда кўрди. Бунинг учун, аввало, Туркистон кенгликларига баҳорий ҳаво бахш этиб, миллатни

6 Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 1-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 297-бет.

7 Шеърият ҳукуқи // Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 2-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 103-бет.

8 Фитрат шеърияти // Ўша манба: 115–116-бетлар.

уйғотиш керак. Шоирнинг “Лутфихоним. “Уйғон, болам”[9] шеъри шу мақсадда ёзилган. Рауф Парфи шеърда Туркистон болаларига мурожаат қилиб:

Ёлғиз сен ухлайсан, ёлғизим болам,
Майсалар шивирлар, ҳайқиради тоғ.
Шовуллар дарёлар, далалар уйғоқ,
Қасамга ботирар туби йўқ олам.

Дарҳақиқат, бутун борлиқ – майсалар, тоғлар, дарёлар, далалар, барча-барчаси уйғоқ, ёлғизгина Туркистон болалари ухлаб ётибди. Шунинг учун ҳам Туркистонни қайта барпо этаман деган лирик қаҳрамоннинг умид кўзлари кўр, фироғи аччиқ, алами чинқиртирадиган. Бунинг боиси она юрти истибдод исканжасида, эли қул, тупроғи душман оёғи остида топталган. Буни кўриш учун, англаш учун уйғонмоқ керак. Шунинг учун ҳам шоирнинг кейинги сўзлари “Уйғон!”дан иборат:

Уйғон, уйғон, болам, уйғонгил, эй дил,
Уйғондан иборат уйғотлик дунё.
Инон, сени ўйлаб кетмакдаман, бил.
Сенгадир, жон болам, мушкулот, ғавғо,
Уйғон, уйғон, дея инграйди наво,
Сенгадир бу Ватан, сенгадир бу тил.

Юрт миллатнинг моддий, тил эса маънавий Ватанидир. Бу иккиси бўлмаса, бу қавм миллат бўлолмайди. Уларни авайлаш учун эса қавмнинг болалари уйғоқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам шоир бир наво каби инграётир, Ватани ва Тилини уларга омонат қолдираётир.

Рауф Парфи “Қадимги туркулардан” шеърини “Чиқмасми қуёш балқиб?!” дея саволли хитоб билан тугатади. Шеърдаги фикр мантиғига эътибор берадиган бўлсак, Қуёшнинг балқиб чиқиши – Туркистоннинг ер саҳнида бутун бир давлат ўлароқ пайдо бўлишидир. “Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим”[10] (1973) шеърига диққат қилсак, парчаланган Туркистон дарди Рауф Парфи ижодида 1981 йилда ёзилган “Туркистон ёди” шеъридан ҳам илгарироқ бошланганини кузатиш мумкин. Аввало, савол туғилади, нега олмон шоирига? Французгамас, инглизгамас ёки бошқагамас?.. Чунки Рауф Парфи Ватан масаласида айнан олмон шоири билан ҳамдард эди, тақдирдош эди. Негаки, Бернд Иентш Олмониясини иккига ва Рауф Парфи Туркистонини бешга бўлиб ташлаган битта ёвуз давлат эди. Айнан шунинг учун ҳам ўзбек шоирининг бу шеърий мактуби айнан олмон шоирига мурожаат тарзида ёзилган. Қуйидаги мисралар фикримизнинг яна бир тасдиғидир:

Хотирамнинг ичинда парчаланур, арраланур, кесилур,
Ўзбегим, тожигим, қозоғим, қирғизим, туркманим, уйғурим,
озорим – турким.
Хотирамнинг ичинда сўйилган Туркистон.
Мен шундай тушунаман Ватанни.
...Олмония, сен ул қора кунларда,
Қаерларда эдинг, кимларга бош эгдинг?
Кимларга қисматингни топшириб қўйдинг?
Мен шундай тушунаман Ватанни.
Унутишга арзир бахт, шон-шуҳрат, бошқа...
Унутилмас нарса фақат фожеъ Ватандир.
...Қор ёғмоқда. Тахайюл ёғар.
Унинг карвон-карвон булутларини қўлларим-ла

9 Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 1-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 296-бет.

10 Ўша манба: 249 – 252-бетлар.

Ушлаб кўраман.
Улар милён-милён шаҳид номидан сўзлар.
Бу – буюк миллат эди. Бу – буюк давлат эди.
Дунёнинг севикли Ватани эди...
Йўқ энди. Йўқ энди. Йўқ энди.

Шоирнинг “Она Туркистон”[11] деб номланган шеъри Абдулла Қодирий хотирасига бағишланган. Уч сонетдан иборат бу шеърга шоир Туркистон ҳақидаги бутун қайғу-ҳасратларини тўкиб солади. Лирик қаҳрамон хотирасининг қаър-қаъридан Тарих отли бир донишманд эзгин ҳикоялар сўзлайди. Бу Тарих унинг қадим ўтмишдаги бир бобоси каби. Бобо бу эзгин ҳикоялари билан неварасини уйғотмоқ, ўзи билан боғлиқ фожиаларни англатмоқ истагида. Невара эса ўзини “Тутқун қуш сингари” ғариб ҳис қилади, руҳига ўзи англамас қандайдир булутлар соя ташлайди. Шеърдан алланечук бир ҳодисаларни англагандай бўласиз-да, лекин бу ҳодисанинг номини ҳар доим ҳам топавермайсиз. Шеърда лирик қаҳрамон баъзида шоирнинг ўзи, баъзида шеър бағишланган Абдулла Қодирий, кўп ҳолларда эса уларнинг иккаласини ҳам ўзида жамлаган туркистончи боболар образидир. Ким бўлганда ҳам унинг кўзига Ватан “Олисда милтираб сўнаётган шаъм”га ўхшатилади, айни пайтда, у “кўҳна ҳасрат”нинг “машъум яраси”. Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати яхши эмас: унинг бутун эътибори она Туркистонини тарих саҳнасига қайтаришга қаратилган, лекин у “сўнаётган шаъм”. Бу “сўнаётган шаъм” сўнаётган умид ҳам. Бу нажотсизликдан унинг қўллари кишанбанд қилинаётгандай, танаси эса жонини тарк этиб, тупроққа қоришаётгандай гўё. Иккинчи сонетнинг катренлари шундай жаранглайди:

Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи, холос.
Ул Турондир, Туркистондир? У балким
Ичимни кемирган қадимий қасос.

Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда.
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман...

Ҳа, Ватанни озод қилиш учун “бир кескир тошга” айланиб, “ўқ каби учиб” унинг қошига боришга ҳам тайёр лирик қаҳрамон. Лекин бундан бир натижа чиқадими? *“Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон, Шакланиб қарарман қалққан қуёшга. Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон”.* Ҳозир қасос деб ёнишдан бошқа имкони йўқ шоирнинг. Чунки у – ёлғиз, у – нажотсиз, у – душман қаршисида ожиз. Лекин шундай ҳолатда ҳам она Туркистон учун қараб туриб бўлмайди...

Бу шеър, ҳар учала сонети билан, яхлит бир композицион бутунликка эга: биринчи сонет тезис, иккинчиси антитезис, учинчиси эса синтез. Синтез, яъни поэтик хулосани ўзида ифодалаган учинчи сонетнинг катренлари эса куйидагича:

Умр деганлари ўтмакда шошқин,
Тилла баргларини элаб йўлимга.
Сенинг мангулигинг беради таскин,
Эрта узилгувчи менинг умримга.

Ў, она Туркистон, куйлайман ёниб,
Дунё журъатини бердинг қўлимга.
Мен энди англадим Туркий Дунёни,
Мана, мен тайёрман энди ўлимга.

11 Рауф Парфи. Сакина. – Т.: “Muharrir”, 2013. 255–256-бетлар.

Кейинги сатрларда Рауф Парфи заҳматкаш туркий халқидан шунчаки куйламак ҳаққини эмас, “фақат куйиб куйламак ҳаққин”и сўрайди, унинг учун бу “топилган Бахт” шундай бахтки, “Ортиқ масъул этар” шоирни. Кейинги мисрада ҳазрат Навоийнинг “Ишқ сўзидан куйди булбул маскани” сўзлари беҳуда тазмин этилмаган. Чунки адабиётда шоир тимсоли бўлган булбулнинг ёниши учун она Туркистонига унинг ишқи бўлиши керак, муҳаббати бўлиши лозим. Чунки бу “Она”ни шунчаки тил билангина куйлаб бўлмайди, уни ёниб куйлаш керак, куйиб куйлаш керак.

Рауф Парфи Туркистон ҳақидаги фикрларини “Абдулҳамид Чўлпонга мухаммас”ида[12] янада оташинроқ, янада риторик саволлар оҳангини кучайтирган бир ҳолда давом эттиради:

Кўзимга, хоки Туроним, озодлик гарди инмасми?
Бу кунлардан умид йўқми? Йўлларинг қаро тунмасми?
Хазон бўлган баҳор сенми? Нишон ҳурлиқдан унмасми?
Ҳақорат дилни оғритмас, тубанлик мангу тинмасми?
Кишанлар парчаланмасми, қиличлар энди синмасми?

Тахмиснинг кейинги бандига мансуб аввалги уч сатрида Туркистон йиғлаётган, бағри куйган булутга ўхшатилади: *“Оллоҳ-оллоҳ, йиғлаюрсан, булутдек бағри сўзонсан, Мунавварсан, мукаррамсан, рисолат туғида шонсан, Сен Каъбамсан – Туркистонсан, хунимсан, сен ахир қонсан”.* Дарҳақиқат, у – мунаввар, у – мукаррам, у – “рисолат туғида шон”, у ҳатто Каъба. Аммо у бой берилган Каъба. Унинг хунини олиш эса лирик қаҳрамоннинг бўйнида, “хунимсан”, дейди шунинг учун ҳам шоир.

Шоирнинг “Дорнинг оғочи”[13] (1988) шеърида туркий қавмларнинг парокандалиги, ғафлатда ётгани, ўзлигини йўқотгани, дўсту душманини ажратолмагани, туркийлар орасида иттифоқнинг йўқлиги, аксинча, нифоқнинг устунлиги хақида куйиниб гапиради. Шунинг учун шоирнинг кўзи борлиқда фақат қоронғиликни, тутунни, ёлғиз боши узра увуллаган шамолни, кўзларини ғажиган аллақандай тунни кўради. Шундай кейингина ақлини ғижимлаган “яланғоч савол”ларни қўяди ўқувчи олдида. Мана, ўша саволлар:

Туркийлар, айтингиз бизда нима бор?
Бизда бор мутеълик, қуллик, озорлар,
Бизда бор қўллардан кетган ихтиёр,
Манҳус кимсаларнинг талон-тарожи.
Ҳайқириб ётибди буюк мозорлар –
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи!

Туркийлар, айтингиз бизда нима йўқ?
Бизда йўқ иттифоқ, бизда йўқ бирлик,
Оёқ остидадир инсоний ҳуқуқ,
Бу туркий оламнинг қутлуғ меърожи.
Оёқ остидадир муқаддас ҳурлик,
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи!

Шоирнинг фикрича ортиқ бундай яшаб бўлмайди. Чунки: *“Ёвузлар кучларин тўплаб шайланар, Ичи тўла ғазаб, қўлларида тиғ”.* Она Туркистон эса “туркларнинг тожи”. Бу тожни қўлимизга қайта олишимиз керак. Биз қандай миллатмиз, ахир?! Нон сўраб келганга жонимизни бердик, қон сўраб келганга шонимизни бердик, қаттоллар (қатл этувчилар)га хирож сифатида юртимизни ҳам бердик, ўлдирсак, (душманни эмас) ўзимизни ўлдирдик фақат. Бундан кўра ўзимизни

12 Рауф Парфи. Сайланма. Икки жилдлик, 1-жилд. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2022. 316-бет.

13 Ўша манба: 321–322-бетлар.

дорга осганимиз яхши эмасми, дейди шоир. Магар сен шундай ғафлатда бўлсанг, Ватанга, миллатнинг келажагига бефарқ бўлсанг, уйғонмасанг – тўнкадай ухлаб ётсанг – унда хоҳласанг отангни от, онангни ўлдир, толесиз болаларингни бўғизла, оҳинг билан оламни тўлдир – барибир, “Тингламас Оллоҳинг нолаларингни!” Шунинг учун ҳам Рауф Парфи бир шеърида миллатни қатъиятли, жасоратли, кучли бўлишга чақиради:

Ўзингни аяма, бораётган илдиз,
Юлғичлар йўлда тутиб урсалар-да,
Қора совуқ юла кетган япроқларнинг юзига.
Шохларингни бўшатсалар-да,
қоқиб шамолларда ўгрилар.
Кўзларингга суқсалар-да палидлар
Ҳаром қўлларини,
Оғриқнинг ўзигача санчсалар-да пичоқларини,
Ўйиб ўз исмларин.
Ўзингни аяма бораётган Илдиз,
бораётган Ҳасрат,
бораётган Ватан,
Она Туркистон[14].

Бу “илдиз” “Сабр Дарахти” бўлмиш Она Туркистоннинг “илдизлари” – бугунги фарзандларидир. Шоир мана шундай матонатли бўлишини истайди миллатни.

Рауф Парфининг “Сўнмас руҳимизда матонат асло...”[15] деб бошланган манзумаси Истиқлолдан бир йил олдин – 1990 йил ёзилган истиқлол ҳақидаги шеърдир. У Истиқлол мадҳияси каби янграйди. Шеърнинг сўнгги – учинчи бандида яна эски дардига қайтади шоир:

Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон,
Қуёш, бошимиздан сочгил қутлуғ нур.
Асл Турк юрти бу, қадим, навқирон,
Темур умиди бу, Туркистон мағрур,
Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон!

Бундан тўрт йил ўтиб, “Абдурауф Фитрат”[16] (1994) шеърини шоир шундай якунлайди: *Ай, улуғ тоғларим, ай, шонли Турон, Токай уйғонмассан, ай, қонли Турон!* Айнан шу сонетнинг биринчи тўртлигида муаллиф *“Уйқудан уйғотдим Туркистонимни”*, деган бўлса-да, шеърни “токай уйғонмассан” деган сўзлар билан тугатади. Чунки ҳақиқат шу – кейинги сўзларда эди.

Шоирнинг “Туҳмат – 1985”[17] шеъри шу санада юз берган “пахта иши” билан боғлиқ. Бу ўрис томонидан уюштирилган қатлиомнинг янгича тури эди. Шеър шу қатағоннинг жабрдийдаларидан бири Тоштемир Қаҳрамон ўғлига бағишланган. Мана ўша шеърдан баъзи сатрлар:

Келгинди, босқинчи, исқирт қартабон,
Юртимни қонларга ботирди, ё Раб.
Ботирлар, шоирлар бўксиб юзтубан,
Кўзларин чирт юмиб ўтирса, ё Раб.

14 Ўша манба: 322-бет.

15 Ўша манба: 326-бет.

16 Ўша манба: 333–334-бетлар.

17 Ўша манба: 379–381-бетлар.

Бу қонли ўйинни Оллоҳ кўрмасми?
Қутлуғ Туркистоним, имдодинг йўқми?
Сотқинлар кармасми? Хоин кўрмасми?
Дунёни бузғувчи фарёдинг йўқми?

Биринчи бандда шоир "Ё, Раб" дея, Яратганга мурожаат қилади ва "келгинди, босқинчи, исқирт қартабон"нинг юртни қонга ботираётганидан, миллат шоирлари ва ботирларининг эса кўзларини чирт юмиб, гўёки ҳеч нарсани кўрмагандай юзтубан ётишидан шикоят қилади. Иккинчи бандда шоир ўз мурожаатини Қутлуғ Туркистонга қаратади: унинг имдоди – ёрдамчиси, қўллаб-қувватловчиси йўқлигидан, сотқинлари карга, хоинлари кўрга айланганидан, бу ҳам етмагандай, "дунёни бузгувчи фарёди" йўқлигидан надоматлар чекади ва шеърни *"Муқаддас Туроним, сесканиб тўлғон, Қўлларингни узат, чирпаниб уйғон!"* деган исёнкор бир руҳдаги мисралари билан тугаллайди. Рауф Парфи миллат бошига тушган ҳар қандай мусибат сабаб Туркистон номини тилга олаверади. Гўё унинг Она Туркистони бўлмагани учун ҳам шундай кўргиликлар юз бераётгандай. Масалага теранроқ ёндашсак, аслида ҳам шундай.

Рауф Парфининг "Адашган руҳ" шеърида Турон (Туркистон) фожиалари билан боғлиқ қуйидаги сатрларда дуч келамиз:

Билингиз, бу Турон диёри,
Қонлари кўкларга сочилган.
Йўқ эрки, йўқ дўсти, Ҳақ ёри,
Боблари кенгликка очилган.

Экилган ёлғонлар, гумонлар,
Бергайдир машаққат мевасин.
Бу тунлар, бу кунлар, бу тонглар,
Мен ва Сен, Мен ва Сен, Мен ва Сен[18].

Дарҳақиқат, шеърда Турон билан боғлиқ фожеий ҳолат чизилган. Лекин шоир умидсиз эмас. "Бу тунлар"ни кун ва тонгларга эвириш мумкин. Бунинг учун "мен ва сен" бирикиб, "биз"га айланишимиз керак, деган бадиий хулосани илгари суради шоир. Бу борада турк адабиётшуноси Ҳусайн Ўзбойнинг ушбу сўзлари ҳам фикримизни қувватлайди: "Рауф аканинг Туркистони бой берилган гўзал Ватаннинг, Нигер[19] каби юртда юртсиз қолдирилган инсонларнинг оҳу зорларидир. Йўргакка ўралган мурғак гўдак бешикка эҳтиёж сезганидек ҳолат бу. Туркистон йўқотилган жаннатдир... Парфи (...) умр бўйи Туркистон учун курашди. Курашчи сифатида У доимо некбин эди... Уни "Туркистон шоири" десак, ярашади"[20]. Рауф Парфи, ҳақиқатан, некбин эди. У бир шеърида "*Олдинда кўринур баҳорлар, Бу – туркий Дунёнинг баҳори*"[21], дея, умид билан ва, айни пайтда, "Туркий Дунёнинг баҳори" келажагига ишонч билан ўтди оламдан.

18 Ўша манба: 329-бет.

19 Ғарбий Африка мамлакатларидан бири – *О. О.*

20 "Kardeş kalemler" журнали, 2007 йил, 1-сони, 51-бет (Туркчадан Сабоҳат Бозорова таржимаси).

21 Рауф Парфи. Сакина. – Т.: "Muharrir", 2013. 200-бет.

Содиқ АНВАР

Ташриф[1]

Қисса

* * *

Бобом кулба деворига суяниб ўтириб олганди; кўзларини юмиб, икки қўли билан бошини чангаллаганди. У юз бераётган ҳодисаларни ақлига сиғдиролмас, ҳеч нарсани кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамасди. Бобомга жуда ачинардим, унга қараб туриб юрагим эзиларди. Бечорани қуруқ туҳматга қолдирганимдан изтироб чекардим. Алам қиладигани, бари кўргиликларга ёлғиз набираси сабабчи эканлигини у билмасди. Бобомни ҳужрага олиб кирмоқчи бўлдим, у қаршилик кўрсатди. Мени тинч қўй, деди.

Кимдир хабар берган бўлса керак, бир маҳал Хидир хўжайин оппоқ отини елдириб келиб қолди. У эгардан тушибоқ тўғри ўранинг оғзига борди.

Бобом от туёғи дупурини эшитиб, бошини кўтарди.

– Чинорни қаёққа гумдон қилдинг?! Томири билан суғуриб олибсан-а, номард! – дея ўдағайлай кетди у. – Ҳеч йўқ тўнгаги қолмайдими, ўрнидан ўсиб чиқарди – тани йўқолмасди!

– Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, – деди бобом ўрнидан туриб, унга яқинлашаркан.

– Энди дарахтларга кўз олайтиришни бошладингми, ноинсоф?! Уни кимга сотдинг? Қанчага сотдинг – ўша пулни ўзим берардим! Нега сотдинг? Ахир бу чинор мингта ҳужжатда қайд этилган, ҳамма шунга кўз тиккан, қайси калла билан сотдинг?! – дея Хидир хўжайин товушини тобора баландлатаётганди, ногоҳ яқингинадан бегона овоз эшитилиб қолди:

– Бу нима шовқин?! Кимнинг арпаси хом ўрилибди?!

Қарасак, Оқсоқол шундоқ орқамизда қўлларини белига тираб, серрайиб турибди. Минг йиллик чинор хусусидаги гап-сўзлар унинг ҳам қулоғига етиб борганди. Хидир хўжайин Оқсоқолга хушламайгина кўз қирини ташлади; унинг қарашида: “Оббо, ўзи сен етмай тургандинг; қўлингдан бир иш келса экан, муаммога ечим топиб берсанг!” деган таъна бор эди.

– Ўғирлик бўлибди, зудлик билан чора кўринг! – деди Хидир хўжайин қўрслик билан.

---

[1]**Давоми. Бошланиши ўтган сонда.**

Оқсоқолга Хидир хўжайиннинг муомаласи ёқмади; ўранинг оғзига яқин келиб, атрофдаги бесарамжонликни кўриб, гап нимада эканлигини тахмин қилаётган бўлса ҳам:

– Қанақа ўғирлик? – деб талмовсиради.

– Чинор ўғирланибди! – деди Хидир жаҳл билан. – Тумшуғининг тагидан шундай катта дарахтни томири билан суғуриб олиб кетишибди-ю, у киши бехабар эмиш! Ўша ўғрилар шерикларим, дейишга тили бормаяпти!

Оқсоқол ажабланган қиёфада бобомга юзланди ва секингина бош тебратиб қўйди.

– Шу иш сенга эпми? – дея у ҳам бечорага ёпишиб олди. – Бу ёғи етмишни уриб қўйган бўлсанг, оппоқ соқолингни селкиллатиб, ўғирликка аралашишинг нимаси?! Ҳеч йўқ, набирангдан уялсанг-чи!

Мен чидаб туролмадим; худди бобомни гавдам ёрдамида тўсган бўлиб олдинга ўтиб, овозим борича чинқирдим:

– Бобом ўғирлик қилгани йўқ, чинор ўзи кетиб қолди!..

Оқсоқол бу гапимга изоҳ талаб қилган каби илкис Хидирга ўгирилди.

– У нима деяпти?

– Сиз ҳам ҳаддингиздан ошаверманг, ҳурматингизни билинг! – деди Хидир қовоғини солиб.

– Мен-ку кечиримлиман, даргоҳим кенг, аммо бу ишларни бошқаларга қандай тушунтирасан? – деди Оқсоқол териси қизиб. – Ҳаммаёқда шов-шув, нима дейсан, минг йилдан буён бир жойда турган дарахт ўзидан ўзи йўқолиб қолибди! Хуллас, бўлаётган ажабтовур ҳодисалардан халқ саросимада, барча бирдай дарғазаб; уларни зўрға тўхтатиб турибман! Қўйиб берсам, боғингни кунпаякун қилиб, текислаб ташлашади! Шуни биласанми?!

Хидир хўжайин гапи қирқилгани учун асабийлаша бошлади, у паст келишни асло истамасди.

– Менга овозингизни кўтарманг! Оқсоқол бўлсангиз ўзингизга! – деб ўдағайлади у. – Энди боғимга кўз тикяпсизми?! Меваларим ҳушингизни олдими?!

Оқсоқолнинг баттар жаҳли чиқди; Хидирга яқинроқ бориб иягини чўзди-да, қўлини силтаб унга гап уқтира бошлади:

– Э, ўша меваларинг ўзингга сийлов, боғингга кўзим учиб тургани йўқ!.. Куппа-кундузи шундоқ баҳайбат дарахт ғойиб бўлса-ю, буни ҳеч ким изоҳлаб беролмаса – халқ шундан безовта! Сен менга чақчайгунча боғингда тартиб ўрнат! Тағин ўзинг ҳам йўқолиб қолмагин!.. – дея жўнаб қолди.

Оқсоқолдан дакки-дашном эшитиш Хидир хўжайиннинг нафсониятига тегиб, бор аламини бобомдан олди:

– Сенга эрталабгача муҳлат: ўша чинорни ернинг остидан бўлса ҳам топиб келиб, жойига ўрнатиб қўясан! Акс ҳолда, шу чуқурга ўзингни тириклайин кўмаман! – деб ўшқирди у.

* * *

Бобом бошига устма-уст ёғилаётган фалокатларни кўтара олмади, мазаси қочиб ётиб қолди. Уни ҳужрага ётқиздим. Тушга яқин бувим сирли тунука идишда овқат олиб келди. Қишлоқдаги ваҳималарни у ҳам эшитган экан, биздан ҳол-аҳвол сўради. Бобомнинг ранг-рўйини кўриб, хавотирга тушди. Уни дарҳол шифохонага олиб бориш кераклигини айтди, аммо бобом бунга унамади. Салгина учиняпман, холос, “Бир терласам бас, ҳамма дард чиқиб кетади”, деди. Овқатдан озгина

татинган бўлди, кейин бувим уни кўрпа билан ўраб қўйди. “Майли, дам олсин, бир оз терласин, зора шифо топса”, деб дуо қилди. Бувим кечгача бобомнинг ёнидан жилмади. Туни билан унинг бошида ўтириб чиқишга ҳам рози эди. Юлдуз аммам уйда ёлғиз ўзи қолгани учун кетишга мажбур бўлди. “Бобонгга яхшилаб қараб тур, эрталаб келаман”, деб тайинлади у.

Хуллас, қишлоқ алғов-далғов эди, халқ қалқиб турганди. Шу боис мен ҳам бир жойда хотиржам ўтира олмасдим: бир бобомдан хабар олсам, бир кўчага қулоқ тутардим. Одамларнинг кайфияти қанақа, улар нима дейишяпти, ёндош дунёлик дўстим устидан қандай ҳукм чиқаришяпти – барига қизиқаётгандим. САОнинг тақдири мени кўпроқ ташвишга солаётганди; ишқилиб кечгача қир ошиб, йироқлашиб кетсин-да, бўлмаса, оломон уни соғ қўймайди. Бу ёқда Хидир хўжайин ҳам тинчини йўқотганди, у қандай тадбир кўришни билмай боши қотганди. Бобомга захрини сочгани билан ичидаги олов пасайса кошки эди, аксига олиб баттар аланга ола бошлаганди. Кейинчалик маълум бўлишича, у Оқсоқолга қўрслик қилишга қилгану, кейин ўйланиб қолган: “У чинорнинг ғойиб бўлиши билан боғлиқ ҳолат қонуний жиҳатдан қандай баҳоланар экан?” мабодо бари айб бўйнимга илиниб қолмасмикан? шундан хавотирга тушган. Қонун-қоидани яхши билади, деб Бошлиққа маслаҳат солган.

– Кўзингни каттароқ очиб қарасанг, кўрасан: ҳозир нақ балонинг оғзига тўғри келиб турибсан! – деб ваҳима қилган у. – Иягингнинг тагида шундай ножўя ишлар бўляптики, Худо кўрсатмасин, юқоридагилар бундан хабар топиб қолса борми, бошингда калтак синиши аниқ! Сен Оқсоқол билан ўчакишгунча каллангни ишлат; бу фалокатдан қандай қутулишни ўйла!

– Нима қилсам бўлади? – деб сўраган Хидир хўжайин саросимага тушиб.

– Аввало, Оқсоқолнинг олдидан ўт! – деб маслаҳат берган Бошлиқ. – Унинг чўнтаги қуруқ бўлса ҳам, ҳурмати баланд: бутун қишлоқни оёққа турғазишга қодир! Вазият қалтис, каттачилик кетмайди, тақдиринг қил устида турибди! Демоқчиманки, эсинг бўлса, Оқсоқолнинг пинжига кириб, унинг куч-қудратидан фойдаланиб қол!

Оқсоқолга эгилиш ва ундан ёрдам сўраш Хидир хўжайинга ёқмагани баробарида, бу фикр обрў-мавқеини таҳқирлаш бўлиб туюлди. Аммо, бечора бошини қайси деворга урсин, бошқа иложи йўқ, унинг айтганларини қилишга мажбур, эътирозга ўрин қолмаган.

Хидир хўжайин минг ўй-хаёлда Оқсоқолнинг ҳузурига бош эгиб борган. Худди бояги қўполлиги учун узр сўраган бўлиб, ичидаги бор дарду ҳасратини унга тўкиб-солган. Кейин муаммоларга биргаликда ечим топиш таклифини ўртага ташлаган. Оқсоқол, бузоқнинг югургани сомонхонагача экан-да, деган каби мийиғида кулиб қўйган, лекин гина сақламаган. Буни қарангки, у худди ўша куниёқ ҳаммани гузарга тўплаб, йиғилиш ўтказди.

– Бошимизга келган бало-офатлар Яратганнинг синови, албатта, – деди Оқсоқол халойиққа қарата. – Одамлар итоатни унутди; ҳар ким ўзи хоҳлаганича қадам босяпти, тартиб йўқ! Ёшларни-ку, гапириш ҳам шарт эмас, жуда саёқ бўлиб кетган! Улардаги ана шу қусур, кўрдиларингми, дарахтларга ҳам юқди! Агар бу ҳолат шунақа давом этаверса борми, унда томошанинг каттасини ўз кўзингиз билан кўраверасиз! Бунинг оқибатини ўйлашга ҳам қўрқасан киши! Фалокатлардан сақланиш учун барчамиз тартиб-интизомни қаттиқ ушлашимиз керак! Ҳар қандай бузғунчиликка йўл қўймаслигимиз даркор!

– Ҳақ гап! Айни ҳақиқат! – дея бошқалар унинг фикрини маъқуллашди.

– Кўз ўнгимизда юз бераётган воқеалардан ибрат олишимиз лозим, барчамиз ўзимиз учун хулоса чиқаришимиз даркор!

– Хўш, қандай йўл тутишни маслаҳат берасиз? – деб сўради Хидир хўжайин муддаога кўчиб.

– Аввало, ҳамманинг юрагига ғулғула солган ўша балони даф қилишимиз керак! – деб жавоб берди Оқсоқол.

Тўпланганлар безовталаниб чувуллашди: "Унга кучимиз етармикан? Ҳайбатидан ит ҳуркади, қорасини кўришинг билан эсинг оғиб қолади, дейишяпти-ку!"

– Кўпдан қуён қочиб қутулмас; халқ катта куч, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, ҳар қандай ёвни ҳам енгамиз! – дея Оқсоқол одамларни руҳлантирди.

Хидир хўжайин ҳам ўзини кўрсатиб қўйиш учун овозини баралла қўйиб:

– Қани, йигитлар, бардам бўлинглар, жасорат кўрсатиш фурсати етди, ғайрат-шижоат қилиб, биргалашиб ёвни янчиб ташлайлик! – дея қичқириб, барчани курашга бошлади-да, ўзи даврадан силлиққина сирғалиб чиқиб, ўша заҳотиёқ кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Ана шундай даъвату чақириқлар билан эр-йигитлар қишлоқдан тўда-тўда бўлиб чиқишди. Қўлларига болта-ю ўроқ, чопқи-ю кетмон, чилвиру арқон ушлаб олишган; бақир-чақир авжида. Чинор ҳақида лоф уришиб, бири қўйиб, бири олиб қочарди. Шунчалик катта дарахтни томири билан суғуриб олишга одам боласининг кучи етмаслиги, бунга инс-жинслар аралашгани хусусида фол очишиб, ваҳима кўтаришарди.

– Ана, холос! Шуниси етмай турганди! Дарахт ҳам юрса-я! Бу қанақаси бўлди?! – деди Сотиболди қассоб.

– Бунақа ажабтовур ҳодисалар эртакларда учрарди! – дея ҳайратдан ёқа ушлаганини баён қилди Тошқўзи.

Уларнинг суҳбатига бошқалар ҳам қўшилди. Саф йўқ, тартиб йўқ, ҳар ким ўз ҳолича ҳаракатланарди. Йўл чангиб, нафас олишни қийинлаштирар, атрофда ачқимтир ва ўткир тер хиди анқирди. Ким кўйлакчан, ким нимчада, яна ким ялангоёқ кетиб борарди.

– Ҳа-я, ота-боболаримиз таърифлаган жин худди шу бўлса, ажабмас! Қаранг-а, жиннинг ҳам роса маккори экан, жуда ҳушёр туриш керак! – деб гап қотди қариялардан бири.

Унга жавобан Сотиболди қассоб секингина шивирлади:

– Юргани майли, одамга ўхшаб туппа-тузук гапираркан-ку, бунисига нима дейсиз?!

– Ўламан саттор, бунақаси тушимга ҳам кирмаганди!.. – дея ёқа ушлади Тўхтасин мироб.

Шу тобда кимдир унинг тирсагидан туртиб ўтди. Бундай бехос ҳаракатни кутмагани учун мироб чўчиб тушди. Ранги ўчиб, шоша-пиша ён-атрофига қаради. Шундоқ биқинида қилиғи совуқ Сотиболди қассоб қув кўзларини қисиб, тиржайиб турганди.

– Носни узат! – деди у кафтини тутиб.

Миробнинг жаҳли чиқиб, унинг қўлини зарда билан итариб юборди.

– Шу чанг-тўзонда нос чекмасанг нима?! – деб бақириб берди-да, яна Оқсоқолга ўгирилди. – Раҳматли энам, "Бу чинорга яқин борма, ажина бор", дерди. Гапи тўғри чиқди, мана исботи!

– Чинор жуда қари эди. Унга ажина ёпишгани аниқ! – деди Оқсоқол.

– Худо кўрсатмасин, жин чалиб кетса нима қиламиз? – деб қолди Тошқўзи. – Эсингдами, қайси бир йили қўшнимизни ажина улоқтириб олиб қочганди, даланинг этагидаги зовур ёқасидан топиб келгандик.

– Гапингда тутуруқ йўқ, пойма-пой; дам ажина дейсан, дам жин дейсан! – аччиқланди Сотиболди қассоб.

– Э, нима фарқи бор?! – деб қўл силтади Тошқўзи.

– Сен ўзи жин билан ажинанинг фарқига борасанми, чаласавод?! Ажина урғочи бўлади, жин эркаги! – деб тушунтириш берди Сотиболди қассоб ва яна миробни туртиб, ундан нос сўради.

– Носим йўқ! – деб қичқирди мироб. – Чекар экансан, ёнингда олиб юрсанг бўлмайдими?!

– Нега олиб юрмас эканман, носим доим чўнтагимда! Сеникидан ҳам бир чимдим отиб кўрмоқчи эдим-да! – дея у иршайиб, бежиримгина, попук тиқинли носқовоғидан кафтига нос тўкиб, тилининг остига ташлади.

– Ҳой, Тўхтасин, хабаринг йўқми, Сотиболди сўраб чекувчилар хилидан! Одати шунақа! Мабодо биров бермасагина ўзиникидан чекади! – деб гап қотди Тошқўзи тирриқ.

– Сенга гапиришни ким қўйибди экан, ўзингни билсанг-чи! Ундан кўра инс-жинсларни эркагу урғочига ажратишни ўрган! – дея унинг гапини кесди Сотиболди қассоб.

– Э-э! – деб қўл силтади Тошқўзи тирриқ. – Иккови ҳам бир гўр: одамга зиён етказади!

– Секинроқ гапир, эшитиб қолса, кунингни кўрсатади! – деб шипшиди кимдир.

– Хўш, унда ялмоғизнинг жинси қанақа? – деб суҳбатга аралашди Тўғон косиб.

– Шуни ҳам билмайсанми: ялмоғиз урғочининг қариси!

– Жуда билимдон экансан, алвастининг жинсини ҳам айт-чи!..

Тортишув ҳали узоқ давом этиши мумкин эди, лекин Оқсоқол бунга йўл қўймади.

– Ҳой шаккоклар, инс-жинсларни тинч қўйинглар, уларни безовта қилаверманглар, оқибати ёмон бўлади! – деб огоҳлантирди у.

Ана шундан кейингина бу мавзу ёпилди. Улар боғимиз ёнидан ўтаётиб, ўша дарахт қолдириб кетган чуқурликни ҳам кўздан кечиришди, албатта.

– Вой-бу! Ўранинг катталигини қара-я, нақ аждарҳонинг оғзи десанг-чи! Ямламай ютишга тайёр!..

Боққа яқинлашганда, Оқсоқолнинг кўзи менга тушиб, бобомни суриштирди. Тўғрисини айтдим: унинг мазаси йўқ, дедим. Одамлар бир-бирига маъноли қараб олишди.

– Кўрдингми унинг кучини, чолни бир ҳамлада йиқитибди! – деб шивирлади Сотиболди қассоб.

Улар бу балодан қандай қутулиш хусусида узоқ баҳслашишди. “Қишлоқни инс-жинслардан халос қилмасак, офат аримайди, сира тинчлик йўқ, дейишди. Кейин йўлларида давом этишди. Мен ҳам уларга эргашдим. Жуда хавотирда эдим; одамларни тўхтатиб қолишнинг ҳеч иложи йўқ, барча баравар ёвуз кучни даф қилишга ошиқарди. Оқсоқол, ёши ўтиб қолган бўлса ҳам, ғайрати ичига сиғмасди – энг олдинда борарди.

Қир томон кўтарилиб борганимиз сайин ҳавода чанг-тўзон ариб, юзимизга ёқимли, салқин шабада урила бошлади. Ҳориб-ҳарсиллаб, ярим соатлар чамаси йўл юрдик. Узоқда қир белидан ўтиб бораётган чинор – САО кўринди. Барчани кўркув аралаш ҳаяжон босди, юракларга ваҳима оралади. Оломон бир қалқиб олди, бироқ ҳеч ким тўхтаб қолмади, фақат қадамлар бироз секинлашди. Шунда Оқсоқол одалар ичидаги бор кўркувни қувиб юбориш учунми, овози борича “ур-а” деб ҳайқирди-да, олдинга ташланди. Буни кўриб, бошқалар ҳам жазавага

тушиб қийқиришиб, қўлларидаги яроқларини ҳавода тўлғаб, шовқин-сурон кўтаришиб, унинг ортидан югура кетишди. Тўхтамай чопиб боряпмизу кўзимиз ўша ёқда эди, ундан нигоҳимизни узмасдик. Кекса дарахт тоққа яқин яп-яланг қир бағрида ҳам жуда савлатли кўринарди, ҳаракатланаётгани деярли сезилмасди. Қирдан ошиб ўтаётганда уни қувиб етдик. Саёқ чинорни одамлар ўраб олишди. Шундагина у ҳаракатдан тўхтади. “Булар мендан нима исташяпти ўзи? Одамларга зиён етказаётганим йўқ-ку!” деб ўйлади чинор – САО. Дарахт жуда ҳайбатли эди, унга бас келишнинг сира иложи йўқ эди, кучлар тенг эмасди. Шунинг учун ҳеч ким чинор – САОнинг яқинига бора олмади, масофа сақлашди ва уни қандай бўйсундириш хусусида чувуллашиб баҳслашишди.

– Уни кесиб майдалаб ташлаш керак! – деди Сотиболди қассоб ва қўлидаги чопқи билан дарахтга пўписа қилди.

Оқсоқол унинг ёнида турган эди, қўлидан ушлаб қолди.

– Хой, эсингни йиғ! – деди у. – Бундай қилиш ярамайди, қонунга хилоф! Жавобгарликка тортилишимиз мумкин! Нима бўлганда ҳам у тирик дарахт! Энг тўғри тадбир тупроқни ковлаб, уни экиб қўйишдир!

– Қаерга экамиз? Бу бесўнақайни боққа судраб борамизми? Шундай демоқчимисиз?

– Йўқ, ундай эмас! Бунга кучимиз етмайди! – деди Оқсоқол ҳаммани тинчлантириб, қўлини баланд кўтарарди. – Дарахтни шу ерга экамиз! Қолаверса, ерни жуда чуқур ковлаймиз, белигача тупроққа ботсин, токи қайтиб суғурилиб чиқмасин! Ҳозир иш қуролимиз етарли эмас! Кейин қош қорайиб қолди, улгурмаймиз! Яхшиси, бу ишни эртага қолдирамиз-да, бугунча уни боғлаб қўямиз, қочиб кетмаслиги учун!

Чинор – САО уларнинг муддаоларини тушунди. Кекса дарахтнинг гавдаси жуда қўпол кўринса ҳам, кўнгли жуда нозик эди: шунча жойдан ҳаллослаб югуриб келишди, хафа бўлишмасин бечоралар, дея ҳамманинг кўз ўнгида анчагача қотиб турди. Шу баҳонада нафас ростлаб олди. Йўғон томирларининг ер юзасида турганини айтмаса, у асл ҳолига қайтиб қолганга ўхшарди. Бу ҳолатни кўриб, одамлар бироз тинчланишди.

Оқсоқолнинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Дарҳол ишга киришдилар. Ёш-яланглар дарахт танасига тирмашиб чиқиб, шох-шаббаларига арқону чилвирлар ташлашиб, ён-атрофдаги бута-ю ҳарсангларга тортиб боғлашди. Барака топгур чинор – САО одамларнинг кўнгли тўлса-тўлсин, деб тек туриб берди, қимир этмади. Бечоралар билмасди-ки, ҳамма кетгач, чинор – САО оҳиста бир тебранса бас, барча бандлар чирт-чирт узилади, у яна йўлида давом этаверади. Ҳозирча эса ҳаммалари хурсанд эди, катта хавфни бартараф этганларидан мамнун ҳолда қишлоққа қайта бошлашди.

Кулбага қайтгач, ўйлаб қолдим: “Чинор – САО одамларнинг кўнглига қарашни билди, биз нега уни тушунишга ҳаракат қилмаслигимиз керак? Рости, унинг саёҳатга чиқиш режаси ёмон фикр эмас, хайрихоҳ бўлишга арзийди”. Лекин буни бошқаларга қандай тушунтириш мумкин – ана шуниси муаммо!

Бобом роҳатланиб ором олаётганди, уни безова қилмадим. Ўша куни ўзим ҳам жуда чарчаган эканман, қотиб ухлаб қолибман. Бир маҳалда туш кўрибман. Тушимда чинор – САО югуриб-елиб бораётган эмиш. У оғир гавдасини тебратиб, шох-шаббаларини силкитиб-силкитиб, баргларини пирпиратиб чопқиллаб кетаётганди. Мен эса худди қуш каби унинг атрофида айланиб учардим; ўзимни жуда енгил ҳис қилардим. Биз тоғ бағирлаб, олис манзилларни кўзлаб йўлга чиққандик. Чинор – САО баланд қояга кўтарилиб, йироқ-йироқларга назар ташларкан, “Дунёнинг кенглигини қара, чексиз-чегарасиз-а; гўзаллигини айтмайсанми, мен ҳеч қачон

бундай чиройли манзарани кўрмагандим!” дея ҳаяжонланарди. Қуёш уфққа бош қўйганди, унинг ўткир нурлари кўкка санчилиб, юмшоқ булутларнинг бағрини тилиб-тилкалаб, теварак-атрофга қизғалдоқ ранг сачратарди. Табиатнинг турланиб-товланиши ҳушимни ўғирлаганди, қараб тўймасдим. Юрагим гупиллаб урарди, мен “Ўзимни ҳеч қачон бунчалик бахтли ҳис этмагандим!”

* * *

Эрталабда итнинг безовталаниб ҳуришидан уйғониб кетдим. Қуёш аллақачон тепага кўтарилганди. Бобом жойида йўқ: ўрни аллақачон совиб қолган, чамаси, унинг ҳужрани тарк этганига анча вақт бўлганди. Боғни гир айланиб чиқдим, ҳеч қаерда қораси кўринмасди. Энг ёмони, бузоқ ҳам ғойиб бўлганди, бостирмада Қашқа отимизнинг ёлғиз ўзи турарди. Овозим борича бақирдим, биров жавоб қайтармади. Юрагимга ғулғула тушди. Жон ҳолатда Олапарни ечиб юбордим. У бўшалиши билан боғ этагига қараб чопиб кетди. Мен дарҳол кўчага чиқдим ва тўғри ҳовлимизга қараб югуриб кетдим, чунки боғдаги нохушликлардан уйдагиларни тезроқ хабардор қилишим керак эди. Ўзи доим шунақа бўлади: қанчалик тез харакат қилсам ҳам ҳеч йўлим унмади. Камига тўғримдан Қўзибой чиқиб қолса денг.

– Бобонг қани? – деб сўради у.

– Уни тополмаяпман, бузоғимиз ҳам йўқ! – дедим ташвишланиб.

– Бузоқни сотгани кетгандир-да! – деди Қўзибой қандайдир қониқиш билан.

– Инсофга келгани рост бўлсин!

Биз томонга қайси шамол учирди экан, деб ўйлаб тургандим, бу гапидан кейин унинг асл муддаосини тушуниб етдим. Бундан жаҳлим чиқиб кетди, албатта.

Қўзибой мендан яна ниманидир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётганди, тезгина бурилиб, жўнаб қолдим. Тағин гапга тутишидан хавотирланиб, орқамга қарамасдан жадалладим. Йўлда одам сийрак, келинчаклар кўча супуриб, сув сепишарди. Олдинда уч-тўрт чоғли қариялар кетишаётганди. Биттаси Оқсоқол, яна бири Тўхтасин мироб, кейингилари Сотиболди қассоб билан қудаликка номзод Тўғон косиб. Улар қир устига банди қилинган дарахтнинг тоғ этагига кўтарилиб қолгани хусусида гаплашишаётганди. Айтишларича, Хидир хўжайин бунинг сабабини билиш учун Тўрага отини бериб жўнатибди; шунга қараб иш кўришаркан. “Дарахт қаерда туришининг аҳамияти йўқ, муҳими, хавф бартараф этилса бас”, дейишди улар.

Мен қизиқсиниб ўша ёққа қарадим. Ростдан ҳам, чинор худди тушимда кўрганим каби тоғ бағрида савлат тўкиб турарди.

Уни кўриб бироз кўнглим ёришди, бироқ ҳаракатсиз бир жойда қотиб туриши жуда шубҳали: “Ўша жойгача чиқиб борибди, нега йўлида давом этмаяпти?” деб ўйладим. Қариялар дарвозамиз тўғрисида тўхтаб қолишди. Энди улар бобом ҳақида суҳбатлашаётганди.

– Қишлоқда сув йўқ, ариқлар чангиб ётибди. Йўлчи қайиқ кўтариб келганини қаранг! – деди мироб бўғилиб.

– Шуни айтинг, қурғоқчиликда қайиққа бало борми?! – деб унинг гапини маъқуллади қассоб.

Тўғон косиб уларнинг фикрига қўшилмади, бўлғувси қудасини (чамаси у ҳали ҳам бобом билан қуда бўлиш ниятидан қайтмаганди) қўллагиси келди:

– Ҳар ишда бир хайр бор, дейишади. Неки юз бермасин, яхшиликка йўйган маъқул. Тангри бизга қайиқни кўрсатибдими, демак, қурғоқчилик этаклаб қолган, бу – серобчиликка ишора, сув келиши яқин. Тез кунда қурғоқчилик чекинса ажаб эмас.

Унинг гаплари Оқсоқолнинг энсасини қотирди, асабийлаштирди; шу ҳолатда қия очиқ дарвозадан ҳовлимизга кўз қирини ташлаб қўйди-да, ичкарида нималарни кўрди – билмадим, ҳар нечук, овозини хиёл пастлатиб:

– Бекор гап! – деди кескин оҳангда. – Йўлчининг ҳуши ўзида эмас, унинг томи кетиб қолган! Жин чалгани аниқ! Ҳойнаҳой, ўша хосиятсиз чинор қўзғалганда, ичидаги инс-жинслар тўзиб, унга ёпишган!

– Ана, холос! Бу ёғи қандоқ бўлди?! – деб бош чайқашди Сотиболди қассоб билан Тўхтасин мироб бараварига.

– Секин айтасанми, ростдан ҳам унинг юриши бежо! – дея ваҳима қилди Оқсоқол. – Ўзинг ўйлаб кўр, бизнинг ариққа қайиқ сиғадими?! Ё яқин ўртада сувлари сапчиб турган дарё-денгиз борми?!

– Тўғри гапиряпсиз, – дея қариялар йўлларида давом этишди.

Очиғи, уларнинг гапларидан бобом айни дамда уйда эканлигини уқдим, холос. Менга шу хабарнинг ўзи етарли эди. Дарҳол ўзимни ичкарига урдим. Ҳовлимизга кирганим ҳамоно биринчи бўлиб кўрганим чоллар гапираётган ўша қайиқ бўлди. У сўрига тўнтарилиб қўйилганди; бобом сиртини ҳўл латта билан артаётганди. Бувим сал нарида бошидаги рўмолининг бир учини тишлаб, ҳангу манг бўлиб турарди. Олапар мендан олдин етиб келган экан, бобомга қараб тўхтовсиз ҳураётганди.

– Кампир, – деди бобом бошини кўтармасдан, – тезроқ ҳаракатингни қил, шу кунларда кетадиган бўлиб қолдим...

Бу гапдан бувимнинг ранги қув ўчди; кўзлари олазарак бўлиб, атрофига аланг-жаланг назар ташлади.

– Вой шўрим! Бу гап қаёқдан чиқди?! Туппа-тузук юргандингиз-ку! – деди у овози титраб.

– Бу ёғи тезлашиб кетди! – деди бобом хўрсиниб. – Вақти-соати шунақа белгиланган экан-да! Хуллас, сафарим яқин...

Бувим ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш олди; лаблари титради.

– Энди сизсиз нима қиламиз? Бунга қандай чидаймиз?! – дея у тўкилиб-пўкиллаб турган экан, бирдан дод солиб йиғлаб юборди: – Узоқ йўлга сафар қилган, вой тўрам, вой тўрам!..

Бувимнинг бемаврид йиғисидан бобом шунақа ғазабландики, қўлидаги латтани жаҳл билан унинг юзига қарата улоқтирди.

– Ўчир овозингни! – деб ўшқирди у. – Мен ўлгани кетаётганим йўқ, саёҳатга кетяпман, аҳмоқ кампир!..

Бувим йиғидан таққа тўхтади ва ҳайратдан кўзлари олайиб, қўли билан сўридаги қайиққа ишора қилди.

– Унда... бу нима? – деб сўради қўрқа-писа.

– Товуқмия, бу – қайиқ! Ёнидагиси эшкак! Мен шунда саёҳат қилмоқчиман! – деб жаҳл билан тушунтириш берди бобом.

– Э, бу ҳали қайиқми? Мен ўйлабманки... – дея бувим гап бошлаётганди, бобом чўрт кесиб қўйди:

– Бас қил! Ўзи нафасинг совуқ эди, ўйинг ундан совуқ! Одамни сескантиради-я!.. Хуллас, шу қайиқда денгизда сузмоқчиман! Сафар халтамни тайёрла! Тушундингми?!

Бувим сал ўзига келди, хиёл чиройи очилди. Рўмолини бошидан олиб, қайтадан ўради.

– Шунақа демайсизми? Нақ эсим чиқиб кетаёзди!

– Эсинг қуриб кетсин! – дея бобом ўзига қараб акиллаётга итнинг тумшуғини мўлжаллаб тепмоқчи бўлган эди, оёғи етмади; Олапар қисқа-қисқа ҳуриб, нари кетди.

Бувим кўнгли жойига тушиб, чаққонлашиб қолди. Оёғи олти, қўли етти бўлиб, сафар халтани тайёрлашга киришди. Бобом қайиқни пастга олмоқчи эди, лекин кучи етмади. Дарҳол ёрдамга шошилдим. Мен ҳам қайиқни илк бор кўришим эди, алланечук қизиқсиниш билан унинг тумшуғига ёпишдим.

– Денгизда сузмоқчимисиз? – деб сўрадим ундан.

Бобом мийиғида кулиб қўйди ва кўксини тўлдириб энтикиб нафас олди-да:

– Сен денгизни ҳеч кўрганмисан? – деб сўради.

– Йўқ, кўрмаганман.

– Мен кўрганман! – деди бобом ғурур билан. – Ҳарбий хизматни денгизда ўтаганман. Кемамизнинг кекса ошпази бўларди. У бир гапни кўп такрорларди: "Ҳой, йигит, шуни билиб қўйки, кўз очиб кўрган уйим ҳам, топинган ватаним ҳам, далам ҳам, боғиму бозорим ҳам шу денгиз; мен учун усиз яшашнинг ҳеч қизиғи йўқ, чунки қуруқликдаги ҳаётга ҳеч кўника олмайман, юрагим сиқилади; худди қирғоққа чиқиб қолган балиқ сингари доимо сувга талпинавераман", дегувчи эди. Мен ҳам денгизни яхши кўраман, уни соғинаман. – Тасаввур қилгин-а, кўм-кўк кенглик, чексиз-чегарасиз, поёни йўқ; тўлқинлар мавжланиб кўзни қамаштиради, жуда гўзал!.. Айниқса, қуёшнинг денгиз уфқига бош қўяётганини томоша қилиш жуда маромли – қараб тўймайсан!..

Денгиз олдидаги ҳайрати унинг кўзларида акс этарди. Мен бобомга ҳавас билан ва айни дамда таажжубланиб тикилдим. У ўзгариб қолганди, қандайдир бошқача эди. У ғам-ташвишдан эзилган кечаги хокисор қарияга сира ўхшамасди. Шунинг учун бузоқнинг ғойиб бўлганлиги ҳақидаги совуқ хабарни айтишга шошилмадим.

– Денгизда сузиб нима қиласиз? – деб сўрадим ундаги ўзгариш сирини билиш мақсадида.

– Денгизни яхши кўраман! – деди у мамнун жилмайиб. – Биласанми, қуруқликнинг бари эгали, фақат сувлик эгасиз!

– Ҳозирча, – деб қўйдим билағонлигим тутиб.

– Ҳозирча, – дедии бобом-САО ҳам гапимни тасдиқлаб. – Сувда чегара йўқ, сузаверасан-сузаверасан, ҳеч ким йўлингдан чиқмайди! Мисоли эркин қушсан! Сени ҳам олиб кетайинми? Қайиғимиз бўлса бор, маза қилиб сузардик. Балиқ тутардик, парранда-даррандаларни овлардик, хуллас, роҳат-фароғатда кун кечирардик! Ишон, ёруғ дунёда яшаш завқини ўшанда юракдан ҳис қиласан! Ҳозирги ҳаётимиз ҳам ҳаётми, эртадан кечгача худди қумурсқалар каби тирикчилик илинжида тимирскиланиб юрасан!.. Эҳ, болагинам, Тўлқиним! Исмингни бекорга "Тўлқин" деб қўймаганман-да, денгиз тўлқинлари ҳушимни олган! Тўлқинлардан тўлқинланганман!

Бобом яйраб-яшнаб гапиргани сайин менинг кўнглим ғаш тортарди; юрагим қандайдир нохушликни сезарди. Буларни бобом эмас, худди бегона бир кимса айтаётганга ўхшарди. Ундаги ўзгариш сабабини билиш мақсадида қайта-қайта саволлар беравердим.

– Қайиқни қаердан олдингиз? – деб сўрадим аввал.

– Нима ишинг бор? Узумини егину боғини суриштирма! – дея қўпол жавоб қайтарди у.

– Буни қанақа қилиб олиб келдингиз? – деб сўрадим кейин.

– Аравада! Барака топгур қўштепалик Қутлуғнинг ўғли бакор келди! От-аравасини ҳовлининг ичигача тисариб кириб, ўзи тушириб берди!

* * *

Қайиқ оғир эди, уни сўри қирғоғига олиб келдик, аммо пастга тушириш учун кучимиз етмади. Бобом кўмак истаб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Боядан бери дарвоза оғзида серрайиб турган Қўзибой сергак тортди. У орқамдан қолмай югуриб келгану энди бобом билан юзма-юз бўлишга журъат этолмаётганди; қулай вазиятдан фойдаланиб қолишни лозим топди-да, дарҳол қайиқнинг учига ёпишди ва биргалашиб уни ерга тушириб олдик. Шунда ҳам бобом ёрдамчини хушламади.

– Сен нимага келдинг? – деб сўради у.

Дангал берилган саволдан Қўзибой эсанкираб қолди.

– Э, ҳа-а... – деди у бироздан сўнг. – Хуллас, мени Бошлиқ жўнатди.

– Нега? – дея бобом Қўзибойга босиброқ тикилди.

Шу тобда бувим халта кўтариб яна ёнимизда пайдо бўлди. У ёрдамчига аҳамият ҳам бермади.

– Ҳой, бобоси, саёҳатга кетяпман, дедингизми? Қанақа саёҳат? Қаёққа бормоқчисиз ўзи?! Сира ақлим етмаяпти!

– Ақлинг бўлса етади-да? Суҳбатнинг белига тепгунча итни боғлаб қўй, акиллаб қулоқ-мияни еди! – деб бобом уни жеркиб берди.

Кейин эшкакни қўлига олиб, ҳавода тўлғаб пўписа қилиб, Олапарни ҳайдашга уринди. Аксига олиб, итнинг феъли айниганди, ириллаб унга ташланди. Бобом ўзини орқага олди – ҳимояланган бўлди. Унинг кетида турган бувим тисарилиб бориб, сўрига ўтириб қолди. Шундан кейин ортиқ томошабин бўлиб туролмадим, шартта Олапарнинг бўйнидаги тасмасидан ушлаб олдим-да, судраб айвон ортидаги уясига боғлаб келдим.

– Бузоқни сотибсиз, чоғи? – деб сўради Қўзибой мулойимлик билан. – Энди келишувимизни охирига етказиб қўйсак...

Бобом унга илкис ўгирилиб қаради.

– Қанақа келишувни гапиряпсан? – деб сўради у.

Қўзибой зўрма-зўраки илжайди, келишув шартларини қай йўсинда эслатишни ўйлаб, бир муддат жим қолди.

– Рости, Бошлиқни йўлга солиш жуда қийин бўлди, – деб гап бошлади кейин.

– Лекин мен ҳам бўш келмадим, оёқ тираб туриб олдим ва охир-оқибат ниятимга етдим – уни кўндирдим!

– Ёмон чайналдинг-да! – деди бобом тоқатсизланиб. – Очиқроқ гапирсанг-чи!

– Хуллас, ўша бузоқнинг пулини берсангиз бас, иш битади! – деди Қўзибой мамнуният билан. – Фақат бир-биримизга хиёнат қилиш йўқ, гап ўртамизда қолсин!

Бувим уларнинг суҳбатига тушунолмай турганди, бу гапни эшитиб, қўлидаги халтани шартта сўрига қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

– Ҳой, бу нима қилганингиз? Бузоқни сотдингизми? – деб сўради шошиб.

Унинг яна орага суқилиши бобомга ёқмади; ҳўмрайиб, бир қошини кериб, қия қараш қилди. Кейин Қўзибойга яқинроқ борди.

– Сен ҳали ҳам ўша чинор ҳақида гапиряпсанми? – деди у. – У тоғ этагида қотиб турганидан хабаринг йўқми?

– Хабарим бор, – деди Қўзибой ортига тисланиб. – Лекин... кеча йўқ эди, айни маълумот қоғозга муҳрланиб, аллақачон расмийлаштирилган; энди буни ўзгартиролмаймиз. Қолаверса, чинор ҳозир ҳам ўз ўрнида эмас! Шунга кўра жарима қўллашга мажбурмиз! Агар келишувимиз...

Бобом у ёғини эшитмади, чунки унинг авзойи бузилиб, феъли айниди; қуруқшаган лаблари титраб, ёноқлари пир-пир уча бошлади.

– Келишув дегин! Жуда соз! Бузоқни сотганим рост! – дея бувимга бир қараб олди. – Аммо унинг пули ишлаб кетди! Мана, қайиқ сотиб олдим!

– Вой ўлмасам, энди тўйни қайси пулга қиламиз? – деб юборди бувим қайғуриб.

– Ташвишланма! – деди бобом. – Унинг ҳам ўрни бор! Сен сафар халтамни тайёрладингми? Қотган нонни туйиб толқон қил, қуруқ мевалардан кўпроқ сол!

Бувим қовоқ-тумшуғи осилиб, кўзлари намланиб, тез-тез киприк қоққанча, бош ирғади-да, ошхонага кириб кетди.

– Қани, берироқ кел-чи, бўтам! – дея бобом ёрдамчини чорлади.

– Мен сиз томонман...

– Шунақами? Унда келишувни бир кўриб қўй! – деб бобом қўлидаги эшкакни кулочкашлаб, Қўзибойнинг бели аралаш орқасига чунонам келиштириб солдики, у додлаб юборди.

Афтидан, бечора бобомнинг ҳужумга ўтишини сира кутмаган чоғи, қочишга ҳам улгурмади. Бобом фурсатдан фойдаланиб иккинчи зарбани ҳам беришга чоғланди. Бу гал Қўзибой ўзини четга олишнинг уддасидан чиқди, акс ҳолда бобом аяб ўтирмасди, дуч келган жойига олатасир ура кетарди. У:

– Вой-дод! Ёрдам беринглар! Ким бор?! – дея ваҳимали бақирганича кўчага югуриб чиқди.

Бобом эшкакни ҳавода ўйнатиб орқасидан қува бошлади. Уни тўхтатиш учун қўлига ёпишгандим, бир силтаниб мени итариб юборди-да, нари тур, сен аралашма, деб бақириб берди. Қўзибой бутун маҳаллани бошига кўтариб додлаганича катта йўл бўйлаб қочиб борарди. Унинг ранг-кути ўчган, ғазабданми, қўрқувданми, оёқ-қўлларини титроқ босганди.

– Ақлдан озибсан, қари тўнка! Давлат одамига куч ишлатиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, ярамас чол! Бу ишни шундай қолдирмайман, тавбангга таянтираман ҳали!.. – дея овозини баралла қўйиб бақирарди бечора.

Бобом унинг дўқ-пўписаларига парво қилмади. Йўл ўртасида Қўзибойнинг орқасидан қараб тураркан:

– Бошлиғинг ҳам келсин, насибасини олиб кетади! – деб қолди.

* * *

У қилган ишидан кўнгли тўлиб, қўлидаги эшкакни ўйнаб қайтаётганда, дарвоза олдида уни кутиб турдим. Худди шу жойда кўзларимиз тўқнаш келди. Ишонасизми, хокисору камтаргина бобомнинг ўрнида бошқа бировни кўрдим. У бобом қиёфасидаги САО эди. Минг йиллик дарахтнинг бир жойда қотиб туриши бежиз эмас экан: ёндош дунёлик дўстим қари дарахт танасини тарк этиб, кекса мўйсафиднинг вужудидан макон топганди. Миямга урилган фикрдан қўрқиб кетдим.

– Энди буниси жуда ортиқча! Чегарадан чиқиб кетдинг! – дедим унга тик қараб. – Ёши улуғ қарияни калака қилишинг нимаси?! Инсофинг борми?!

Бобом – САО совуқ нигоҳини менга қадади, унинг қарашида ўзим ўрганиб қолган илиқликни кўрмадим.

– Ҳеч кимни калака қилаётганим йўқ! Ўзини ўзига танитиб қўймоқчиман! Шунда бошқалар ҳам уни яхшироқ билиб олади! Ҳар ким ўз ҳаётини яшаши керак, асло бировникини эмас!

Унинг овози бобомники эди-ю, лекин оҳанги бегона, қандайдир ҳиссиз эди. – Сен ҳаётимизни издан чиқаряпсан! – дедим ғазабланиб.

– Ҳаётингизни издан чиқараётганим йўқ, қолипдан чиқаряпман! Бунинг фарқи бор! – деди бобом – САО совуққонлик билан.

Тағин эътироз билдириш учун оғиз жуфтлагандим, у жаҳл билан ўшқириб берди:

– Бас қил! Аҳмоқона алжирашларингни, халақит беряпсан! Шуни яхши билиб қўйки, иш вақтида шахсий масалаларни муҳокама қилиш одатим йўқ!

– Чинорни ҳам тоғ этагига ўрнаштириб келибсан! – дедим баттар асабийлашиб.

– Бу – унинг танлови! Ўзи шуни хоҳлади! Мен бажарувчиман, холос! – дея бобом – САО беписандлик билан мени туртиб ўтиб кетди. Кейин, яна хизмат вазифасини бажаришга киришди. – Ҳой, кампир! Бунча имилладинг?! Тезроқ ҳаракат қилсангчи! – деб бувимга гап қотди.

Мен унга қаршилик қилолмаётганимдан хуноб эдим ва айни дамда бобомга бирор кор-ҳол бўлишидан хавотирланаётгандим. Шу боис, унинг ортидан қолмасдим, тинмай таъқиб эта бошладим. Буни бобом – САО сезди, албатта.

– Сен орқамдан соядек эргашиб юргунча, Тўғон косибни айтиб кел, тўйнинг маслаҳатини қиламиз! – деди у. – Ҳойнаҳой, гузардаги дўконидадир!

Бувим ошхона эшиги оғзида бобом – САОга тикилиб турарди; дақиқа сайин унинг ҳайрати ошиб, ақли шошарди: умрида чумолига ҳам озор бермаган инсон уйига келган меҳмонни калтаклаб ҳайдашга қандай журъат этди? Устига-устак кеча ўзи беҳурмат қилиб жўнатган косибни йўқлаяптими? Бу ёғи қандоқ бўлди?!

Чамаси, у ҳам чолидаги ўзгаришни пайқаган эди.

– Рост гапиряпсизми? – деди у тилга келиб. – Қизимизни узатишга розимисиз?! Тўғонни остона ҳатлаб келганига минг пушаймон қилдиргандингиз-ку?!

Бобом ҳали ҳам қайиғи билан овора эди; унинг ичига тушиб олиб, латта билан артиб тозалаётганди, бошини кўтармади.

– Биздан хатолик ўтибди! Яхшиси, тушунмовчилик дея қолайлик! Ахир буни тўғрилаш мумкин! Қуда ямоқчи бўлса нима?! Косиблик айбми?! Муҳими, Тўғон ҳалол пул топади, унда ғирромлик йўқ! – дея бобом – САО бувимга бир назар ташлаб олди. – Ҳалоллиги ўғлига ҳам юққан! Акс ҳолда, туман марказида ишлармиди?! Тўғон оми одам, аммо ўғли пайтахтда ўқиб келган! Ана шунақа!..

Бувим унга яқинрок келиб, қизиқсиниб қайиқнинг ичига кўз югуртирди ва бўялган ялтироқ сиртига қўл текизиб кўрди.

– Сиз чиндан саёҳат қилмоқчимисиз? Ўзи қаерга бормоқчисиз? – деб сўради сўнг.

– Боя айтдим-ку, уқмадингми? Хуллас, денгизда сузмоқчиман!

– Орол денгизидами? – деб сўради бувим чолига қайта-қайта тикилиб қараркан.

– Йўқ, Орол сал кичиклик қилади! Ахир унинг ярми қуриб битган-ку! Мен катта денгизларда сузмоқчиман!..

– Катта денгиз деганингиз узоқми?

– Ҳа, жуда узоқда! – Тошкентдан ҳам узоқми? – деб қайта сўради бувим. Унинг мижғовланиши бобом – САОнинг энсасини қотирди; ғаш билан илкис ўрнидан туриб кетди.

– Ёмон эзилдинг-да! Сен бир гапни эшитмагин, ипидан игнасигача суриштираверіб, одамни хуноб қилиб юборасан! – деб тутақди у. – Толқон туйдингми?

– Ҳозир, – дея бувим ноилож нари кетди ва товоқда қирқилган қаттиқ нон олиб чиқиб, келига солиб туя бошлади.

Бобом – САО бир муддат унинг ишини кузатиб турди-да:

– Сен нега серрайиб турибсан?! Гапимни эшитмадингми?! – деб бақирди менга. – Дарвоқе, ундан нари боққа ўт, Қашқани ола келасан! Ўткиркўз ҳам эсдан чиқмасин!

Бу гапни эшитиб бувим толқон туйишдан тўхтаб қолди ва хавотирланиб сўради:

– Вой, нега энди?

– Бас, боғда қоровуллик қилмаймиз! – дея қатъийлик билан жавоб қайтарди бобом.

– Унда тирикчилик нима бўлади? – деб шошиб сўради бувим.

– Хидир билан ҳисоб-китобимиз бор, ўшани ҳал қилиб олайлик, у ёғига ё раззоқ!.. Нега бақраясан, тезроқ жўна! – дея яна менга ўшқирди.

* * *

Рости, бобом-САОнинг айни буйруғини бажариш малол келаётганди. Сабаби, боққа жуда ўрганиб қолгандим, уни бутунлай тарк этиш оғир эди, мен бундай қилолмасдим. Лекин Қашқа отимизни ўзим мустақил бошқариб олиб келишим лозимлиги юрагимга қувват бағишлаётганди. Ахир уни бутун қишлоқ кўчалари бўйлаб намойишкорона миниб ўтишим мумкин бўларди-да.

Гузар йўлимнинг устида эди. Тўғон этикдўзнинг дўконига ўтиб, бобомнинг омонат гапини етказдим. У ихчамгина дўконида туфли ямаётганди, айтганларимга ишонқирамай анграйиб турди. Қариянинг фикри тўсатдан ўзгариб қолганлигини батафсил тушунтириб беришга мажбур эмасдим. Қолаверса, буни унга қандай уқтиришни билмасдим. Кейин фикру хаёлим от минишда эди, шу боис жуда шошилаётгандим. Хабарни етказдиму жуфтакни ростладим, Тўғон ямоқчининг сўрайдиган саволи оғзида қолди.

Боққа киришим билан негадир юрагим орзиқиб кетди; боғбони йўқ, энди у кимсасиз ва алланечук бегона бўлиб қолганини ҳис қилдим. Кулба ҳам, супа ҳам ва ҳатто қўнғироқ ҳам бобомсиз файзини йўқотганди. Шунинг учун бу ердан тезроқ кетишни истардим. Қашқани эгарлаб бостирмадан олиб чиқдим. Энди ов қушимизга навбат етганди, бургутни қафаси билан олиб кетишим лозим. Аввал ўзим эгарга ўрнашиб ўтирдим-да, кейин узангига оёқ тираб, қамчи дастасини тишлаган ҳолда энгашиб, қафасни икки қўллаб ушлаб, уни тортиб олдим. Қушнинг анчагина юки бор эди, уни эгар қошига чиқаргунча, терга ботдим. Аммо бу ишни уддалаганимдан мамнун эдим: бургутники қафаси билан ердан узиб от устига торта олдимми, демак, улоқни кўтаришга ҳам кучим етади. Қувватга тўлганим рост бўлса, от буткул ихтиёримга ўтиши аниқ.

Бобом Қашқани назардан пана тутарди. Уни ҳеч қачон куппа-кундузи кенг кўчада намойишкорона миниб юрмасди. Назарланишдан сақлаши бир тараф, бошқа ёқдан хўжайинининг ҳурматини қиларди. Дейлик, Қашқани бошқариб кетаётганда, Хидир хўжайин тўғрисидан чиқиб қолса нима бўлади? Ахир бу ҳолат унга нисбатан беписандлик эмасми?! У ана шундан чўчирди. Айни дамда Ўткиркўз билан милтиғини ҳам бегоналардан яширарди: бургут қафаси устига мато ташлаб, милтиқни ғилофда сақларди. Мен ана шу одатга амал қилишим керак. Бу гал отни кенг кўчадан ошкора олиб ўтишга рухсат бор, милтиқ шундоқ ҳам панада – бобом уни кулбадаги жавонга қулфлаб қўйган; қуш қафасини чойшаб билан ўраб олсам бас.

Кўчага чиққач, жиловни сал бўшатдим, Қашқа йўртиб кетди. Отнинг кўкраги кенг, гавдаси кўркам, оёқлари узун-узун эди; виқор билан қадам ташларди. Тун каби қоп-қора бадани ялтирарди. Пешонасидаги кафтдеккина оқ доғи ҳам ўзига жуда ярашиб турарди; унга “Қашқа” деб лақаб қўйишимизнинг сабаби ҳам шундан эди. Йўлда учраган жон борки, ундан кўз узолмай қоларди. Мен атайлаб айланма йўллардан юрардим. Мақсадим, отда кўпроқ сайр этиш, ундан ҳам кўра,

эгарда виқор билан ўтиришимни ҳаммага кўз-кўз қилиш эди. Гузар айланишим ҳам бир томоша бўлди. Қишлоқ маркази жуда гавжум эди: бу ерда дўконлар, расталар, сартарошхоналар, чойхона-ю ошхоналар жойлашганди. Йўлнинг қоқ ўртасида кетиб боряпману барчанинг нигоҳи менда эканлигини ҳис қилиб ҳаволанаман, вужудимни ёқимли титроқ босади. Ёнгинамдан туртиниб-суртиниб ўтиб кетаётганларни айтмай, дўконда савдолашаётганлардан тортиб, чойхонада аския айтишаётганларгача, ундан нари эт қирқаётган қассоблару кўрадаги ўтни елпиғич билан елпиб чўғлантираётган кабобпазларгача, қўли қалтираб тарозининг пасангисини тўғри келтиролмаётган олибсотарлару пистафурушларгача – барибаринг кўзи қишлоқда янги пайдо бўлган ёш чавандозда эди. Улар ўз ишларидан салгина чалғиб бўлса-да, менга ҳеч йўқ бир кўз ташлаб қўярдилар. Отимнинг бир маромдаги туёқ товушлари ҳамманинг хаёлини бузганди. Буни ҳис қилиб, юрагимда ширин туйғулар жўш урар, эгар устида гердайиб борардим.

* * *

Ана шундай ҳиссиётлару таассуротлар билан уйга қанча вақтда етиб борганимни билмай қолдим. Муюлишдан бурилиб, дарвозамиз яқинига боғланган оқ тулпорга кўзим тушгачгина ўзимга келдим; таъбим тирриқ бўлиб, бояги ғурурланишдан асар ҳам қолмади. Бу от Хидир хўжайинники эди. Мен гузару торкўчаларни тўлдириб, ўзимни бозорга солиб юрганимда, у бутун бошли боғ эгасиз қолганидан хабар топиб, тўғри бизникига йўл олганди. От ёнида Тўра турганди, чамаси у Хидир хўжайин билан бирга келганди.

Дарвозага етмаёқ жиловни тортдим. Энди қафасни ерга тушириш муаммо эди.

– Сени тўпурар десам, туппа-тузук чавандоз ҳам экансан-ку! – дея Тўра ёрдамга шошилди.

Бу гапдан ҳаволаниш қаёқда, кўмаклашгани учун унга очиқ юз билан миннатдорлик ҳам билдира олмадим, чунки Хидир хўжайиннинг келганидан кайфиятим бузилиб, хаёлим бўлинганди. У мени бекор-беҳуда койиса майли, бунга ўрганиб кетганман; бобом – САОдан хавотирда эдим. Ахир у энди илгариги беозор қария эмасди, бу кетишда икки ўртада тузуккина тўқнашув бўлиши аниқ.

Қафасни биргалашиб тушириб олгач, отни дарахт шохига боғлаб қўйдим. Йўлдаги одамларни десам, қўли билан ушлаб кўрган Тўра ҳам қафас ичида нима борлигига аҳамият бермади. Унинг хаёли бошқа ёқда эди.

– Кеча қўшни маҳаллаликларни роса бопладинг-да, сира эсдан чиқмайдиган бўлди! Буни қандай уддаладинг – шунга ақлим етмади, – дея Тўра мендан гап олмоқ ниятида.

– Ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, омадим келди – шу, холос! – деб қўя қолдим қуруққина қилиб.

Тайинки, жавобим уни қониқтирмади. Мийиғида кулиб бош чайқади. Демоқчи эдики, барибир ёрилмадинг, дардинг ичингда қолди!

Худди шундай: дардимни сиртимга чиқаролмайман; мабодо тилга келиб айтганим билан бунга ким ҳам ишонарди, қайтага ҳаммага калака бўлардим.

– Ўзингиз бу ерда нима қилиб турибсиз?

Саволимга жавобан Тўра атайлаб Оқтулпорнинг бўйнини силади.

– Отга масъулман, – деди у ғурурланиб. – Уни улоққа тайёрлаяпман. Қашқангни қирга олиб чиқсанг, бир чопишиб кўрардик.

– Яхши фикр, – дедим сиполик билан. – Ўйлаб кўраман.

У менга шунчалик ихлос қўйиб турган бир пайтда, бунинг учун бобомдан рухсат сўраш керак, дейишим жуда кулгили бўларди-да ахир.

– Ҳа, айтмоқчи, дайди чинорни кимдир тоғ этагига экиб кетибди! Ўзим кўрдим! – дея Тўра ҳаяжонланиб янги мавзуни бошлади.

– Э, шунақами? – деб қўйдим, аммо бу тўғрида суҳбатлашгим йўқ эди.

Яна гапга тутиб қолмаслиги учун қафасни кўтардим-да, жадаллаб ичкарига кириб кетдим. Бобом – САО сўрининг суянчиғига тирсагини тираб, оёғини осилтириб ўтирганди. Тўғрисида қайиқ, ундан нарида Хидир хўжайин, бир қўли белда, бир қўли билан иягини ушлаб ўйчан турарди. Унинг авзойи бузуқ эди, шунинг учунми, менга эътибор ҳам қилмади. Ҳовлида бувим кўринмасди, чамаси у эркаклар олдида ўралашиб юришни ўзига эп кўрмай, ичкарига кириб кетганди.

* * *

Бобом – САО шарпамни сезиб, менга бир қараб қўйди-да, кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб, қафасни ҳужрага олиб киришим кераклигини уқдирди. Буйруғини сўзсиз бажардим. Буни қарангки, худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди: бобомнинг шашти баланд эди; боғни қаровсиз қолдиргани учун ҳижолат тортиш қаёқда, ҳеч тап тортмасдан хўжайинига тик қараб дадил сўзлаётганди.

– Чинорни кўрдингми? – деб сўради у сенсираб.

– Кўрдим, – деди Хидир хўжайин ва бобом – САОга диққат билан тикилди: доимо қўллари кўксида, мулозаматни ўрнига қўядиган юмшоқ супурги қаёққа ғойиб бўлди; не боис уни таний олмаяпти?! – Олдингга Чинор хусусида келгандим. Нега у ўз жойида эмас? Нима сабабдан тоғ этагига кўчиб қолди?

– Унисидан бехабарман! – деди бобом – САО ижирғаниб. – Билганим шуки, чинор ўғирланмаган, ҳеч қаерига шикаст етказилмаган, бус-бутун! Қаердалигидан қатъи назар, яшамоқда, жин урсин! Кеча мени шуни деб қип-қизил муттаҳамга чиқардинг! Бутун умримни шу боққа бағишлагандим, шунча йиллик меҳнатимни бир лаҳзада унутдинг-а! Ҳамма мени айблайвергач, ярим кечаси отда тоғу тошларни кезиб, ўша чинорни қидириб топдим; унга ялиниб-ёлвордим, йўғон танасига ёпишиб олиб, кўзёши тўкдим! Нима қилдимки, уни тўхтатдим! Дардингни айтсанг, дарахт ҳам тушунар экан, лекин у ўз ўрнига қайтишни истамади, тоғ этагида қолди! Ўша ерга томир қадаб, мангу кўним топди! Ана, юксакликда яшнаб-яшариб турибди!..

Бобом – САОнинг айтганлари мен учун ҳам янгилик эди, шу боис уни жон қулоғим билан тингладим ва ҳаммасини тушуниб етдим.

– Оқсоқолни кўрдинг-ку, нақ ҳиқилдоғимдан олди! Чорасиз қолдим! – дея Хидир хўжайин ўзини оқлади ва мавзу нозиклашаётгани сабаб, қайиққа ишора қилиб, дарҳол гапни бошқа ёққа бурди. – Сафарга отланибсан-да!

Бобом қўрслик қилиб:

– Ҳа, шундай! – деб жеркинди.

– Шу ёшда сафарни ихтиёр қилибсан, журъатингга қойил! Юрагинг бақувват экан, балли! Сен ўзи йўлда туғилгандинг, ҳаётинг йўлда якунламаса гўрга эди! – деб киноя қилиб илжайди Хидир хўжайин.

Буни бобом – САО дарров тушунди.

– Менинг ҳаётимни яхши биларкансан! – деди у ҳам бироз жилмайган бўлиб.

– Айт-чи, ўз ўтмишингни эслаб турасанми? Яъники, ёдингдан кўтарилгани йўқми?

– Нима демоқчисан? Мен қишлоқнинг бутун тарихини яхши биламан!..

– Жуда соз! – деди бобом – САО янада жонланиб. – Демак, бу томонларга қандай келиб қолганинг ҳам эсингда!

Хидир хўжайин сергак тортди ва гап жуда чувалашиб кетаётганидан чўчиди.

– Тушунмадим! – деди у, кейин ишонч билан қўшиб қўйди: – Эътиборинг учун мен шу ерда туғилганман!

– Тўғри, шу қишлоқда туғилганинг рост! – деб тасдиқлади бобом – САО. – Аммо ота-бобонг бу ерлик эмасди, улар келгинди эдилар! Шунинг учун юзсизлик қилишган: отамнинг боғига канадай ёпишишгану қайсидир хўжайиннинг пинжига кириб, боғни ўз номларига хатлаб олишган!..

Хидир хўжайиннинг пешонаси тиришди, ранги бўзарди; бобом – САОга босиброқ тикилди: "Нега бу калбош ўткир панжали тиканак каби қаршимдан ўсиб чиқиб, йўлимни тўсяпти?! У бундай журъатни қаёқдан олди?! Нега шу даражагача етиб келди?! Мен қаерда хато қилдим?!"

– Бугун чап томонинг билан турдингми? – дея тўнғиллади у. – Хабаринг бўлса, боғ аввал жамоа хўжалигига киритилган, ундан сўнг бошқариш учун бизга берилган.

– Худди шундай! – деди бобом – САО ижирғаниб. – Отамни мулкдор сифатида қулоқ қилишган-да, боғни тортиб олишган! Кейин сенларга беришган! Ҳаммаси олдиндан режалаштирилган эди, хуллас отамга ўйин қилишган!..

Бобом – САО аста ўрнидан қўзғалди ва Хидир хўжайиннинг устига важоҳат билан бостириб боради.

– Сен хоҳлайсанми-йўқми, боғ отамдан қолган, ҳар қаричида оёғининг изи бор, мен учун табаррук! Ундан кечиб кетолмаслигимнинг сабаби – шу! Отам чиқинди ташланадиган ташландиқ ерни ўзлаштириб, кўчат эккан; пешона тери билан суғорган; аммо у оми одам эди, ҳужжат қилмагани рост! Сенлар эса ғирт муттаҳам эдиларинг: ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлдиларингу боққа эга чиқдиларинг!..

– Эътиборинг учун, отанг эккан дарахтлар аллақачон кесилиб кетган! Ўзинг ҳам яхши биласан, боғ бир неча марта янгиланди! – деди Хидир хўжайин овози титраб.

– Тўғри, боғ икки-уч бор янгилангани рост, кўчатларни ўзим экиб парваришлаганман! Аммо унутмаки, отам эккан олти туп ўрик ҳали ҳам бор – ундан ёдгорлик!

Бу гаплар Хидир хўжайинга ёқмади, албатта. Шунинг баробарида ўз хизматкори буни ошкора айтишига жасорати етганидан хавотири ошиб, саросимага тушди.

– Боққа меҳринг баландлигини биламан! Шу боис, қанча туёқ қилсанг ҳам рози бўляпман! Имконият яратиб бериш шунчалик-да, ҳаддингни бил! – дея у ҳар эҳтимолга қарши орқага тисланди.

– Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан-а! – деди бобом – САО истеҳзоли жилмайиб. – Энди ҳижжалаб тушунтиришим керак, шекилли! Сафарга кетишдан олдин ҳақимни ҳақлаб олмоқчиман! Орқамда оилам қоляпти ахир! Майли, инсоф билан сўрайман: боғнинг тенг ярмини берасан!

Бу гапни эшитиб Хидир хўжайиннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди; қаҳр-ғазаб билан бобом – САОга тикилди.

– Нима?!– деди у иягини чўзиб.

– Эшитганинг! – дея бобом – САО овозини бир парда кўтарди. – Менга ўкрайма! Кўзингни ўйиб оламан! Сенгга эрталабгача муҳлат: боғ қоқ ўртадан иккига бўлиниб, қозиқ қоқилган бўлсин!

Ана, холос! Энди бунисига нима дейсиз?.. Айни буйруқдан Хидир хўжайин тамоман гангиб қолди, эс-ҳушини йўқотди ва жазавага тушиб:

– Эсинг жойидами?! Шу гапларни сен гапиряпсанми?! Оғзингдан чиққанини қулоқларинг эшитяптими?! Нима деяётганингни ўзинг тушуняпсанми?! – деб тутақиб бақирди.

Хидир хўжайин пайтавасига қурт тушиб, питирлагани сайин бобом – САО босиқлик қила бошлади.

– Хавотирланма, илгари эсим йўқ бўлса ҳам, ҳозир жойида! Яна шуни ҳам билиб қўйки, сенга ортиқ югурдаклик қилмайман! Мен ўз меваларимни парваришлайман! Мустақил боғбонлик қиламан! – Бобом – САО бор дардини тўкиб-солганидан кайфияти кўтарилдими, илҳоми жўш уриб:

– Хидир, ўзингга бошқа хизматкор қидир! – дея қофияли гап қилди. – Қани энди бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол! Турқингни кўргани кўзим йўқ!..

Хидир хўжайин қулоқларига ишонмасди, оғзи хиёл очиқ, бақрайиб қолганди. Унинг шунчалик жаҳли чиққан эдики, гапиришга гап тополмасди. Бир муддат ненидир қидирган бўлиб ён-атрофига аланг-жаланг қараб турди-да, кейин ер тепиниб тутақди ва охир-оқибат зарда қилиб, тап-тап қадам ташлаб, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолди.

* * *

Бобом – САО қилган ишидан мамнун эди, илжайиб кўз қисиб қўйди. Демоқчи бўлдики, мен ҳақман ва ҳақиқатни албатта тиклайман!.. Тайинки, унинг хатти-ҳаракатлари менда хавотир уйғотарди, холос. Кўнглим ёришмасди, айни воқеалар қандай якун топиши мумкинлигини ўйлаб бошим қотарди, лекин бу томошаларнинг ҳеч охири кўринмасди. “САОни қандай қилиб бўлса ҳам ўз дунёсига жўнатиб юборсам, ҳаммасидан қутулардим”, деб ўйлайману бунинг йўлини тополмай гаранг эдим.

Шовқин-сурон босилгач, бувим икки ўртадаги даҳанаки жанг якун топганига ишонч ҳосил қилиб, юрак ҳовучлаб унсиз-шарпасиз ичкаридан чиқиб келди. Бобом – САОга ҳадиксираб бир қараб олди-да, келиб ёнидан ўтиб кетди. У чолининг ўз хўжайинига шундай қўпол муомала қилганидан қўрқиб кетганди ва айни дамда унинг бунчалик ўзгариб қолганига ҳеч тушунолмаётганди.

Бобом – САО ҳовли ўртасида турган қайиғини мақтай бошлади.

– Кўрдингми, қандай ажойиб! Бундан ортиғини тополмайсан! – деди у ёш боладай қувониб. – Ёғочи зарангдан, жуда мустаҳкам, таши-ю ичига бўёқ сурилиб, ранг берилган! Ўриндиқлари ҳам қулай! Эшкакларини айтмайсанми, бақувват ҳам бежирим!

– Қайиқда сузишингиз етти ухлаб тушимга кирмаганди! – деди бувим келида толқон туйишга киришаркан. – Ёшингиз ўтиб қолган, сафар сизга оғирлик қилмайдими?

– Асло! – деди бобом – САО қатъият билан ва қайиқнинг икки ёнига тош тираб, ўзи унинг ичига чиқиб, ўрнашиб ўтириб олди. – Денгизда сузсам, ғайратим ошади – яшариб кетаман!

Гарчи бобом – САОнинг йўлини тўсишга кўзим етмаса-да, бувимнинг фикрини маъқуллаб:

– Ўзига яраша йўл қийинчиликлари бор, албатта; камига табиат инжиқликлари учраб туради – буларга дош бериш осонмас! – деб шаштидан қайтаришга уриндим.

– Жуда доно бўлиб кетибсанми?! Бобонгга ақл ўргатишни ким қўйибди сенга! Айтмоқчи, Тўғонни айтиб келдингми? Қашқа қани? – деб суриштириб қолди бобом – САО.

– Уни айтиб келдим. Қашқа ташқарида! – дея қисқагина ҳисоб бериб ўтдим-да, кўчада турган отни ичкарига олиб кириб қўйдим. Шу лаҳзадан эътиборан ўзимни унга масъулдек ҳис қила бошладим.

– Маъқул, – дея бобом – САО худди сувда сузаётган каби эшкак эша бошлади. – Қани, қайиққа ўтир, сузишни машқ қиламиз! Хўш, ўйлаб кўрдингми, мен билан кетишга розимисан?

Тўғриси, саёҳат қилишга иштиёқим баланд эди, айниқса, тўлқинланаётган кўм-кўк денгизда сузишни жуда-жуда хоҳлардим, лекин юрагимнинг туб-тубида бўй кўрсатаётган бир истак айни томошанинг денгизгача бориб етмаслигига ва тезроқ тугашига даъват этарди.

Бобом – САО эшкак эшиш асносида осмонга тикилиб, кўк юзида худди мавжланаётган тўлқинларни кўраётгандай завқланиб жилмайди. Унинг ҳаяжонидан озроқ таъсирланиб, гапларига маҳлиё бўлиб турдим. У шу ҳолича ҳам менга жуда қадрли эди.

– Денгизга қандай етиб олмоқчисизлар? – деб қолди бувим. – Қайиқни кўтариб кетасизларми?

– Буни ҳам ўйлаб қўйганман, – деди бобом – САО хотиржамлик билан эшкак эшаркан. – Отимиз бўлса бор, унга арава қўшилса бас – муаммо ҳал!

– Ҳали Қашқани аравага қўшмоқчимисиз?! – дедим норози оҳангда. – Ахир уни улоққа тайёрлаётгандик-ку!

– Бошқа иложимиз йўқ! Улоқ чопиш қочмас! – деди бобом – САО совуққонлик билан ва бувимга юзланди. – Эслатганинг яхши бўлди, тезроқ арава топиб қўйиш керак!

– Сизга арава қаёқда тайёр турибди экан! – деб тўнғиллади бувим.

– Пўлат аравакашнинг араваси қачондан буён бекор ётибди! Отини сотиб юборган, ҳозир аравакашлик қилмай қўйган. Ўшани гаплашиб келамиз.

– Берса ҳисоб-да!

– Пул бўлса, чангалда шўрва!

Очиғи, аравани савдолашгани боришга оёғим тортмаётганди. Қашқани аравага қўшиш ҳақида ўйласам, бошим оғриб қолаётганди. Лекин зиммамда бобом – САОни кузатиб юриш мажбурияти бор. Шу боис унга ҳамроҳлик қилишдан бошқа иложим йўқ. Кетишдан олдин бувимнинг илтимосига биноан қайиқнинг устига чойшаб ташлаб қўйдим. “Кўздан панада турсин, назарланади”, деди.

Кейин бобом – САО билан бирга аравакашнинг уйига жўнадик. Ёлғиз қолганимиздан фойдаланиб, уни сўроққа тутдим.

– Бобомнинг ўрни сенга ёқяптими дейман?

У қуруққина жавоб қайтарди:

– Бир амаллаб чидаяпман! Очиғи, копток ёки минг йиллик чинор бўлишдан кўра оғирроқ экан!

– Тўғрисини айт: бу томошани қачон тугатасан?

– Ўзим ҳам билмайман, – деди у елка қисиб. – Ҳали ўрганадиган соҳалар кўп.

– Майнавозчиликни йиғиштир! – дедим жаҳл билан. – Шу бугуноқ ўзингга бошқа эрмак топ! Бобомни тинч қўй! Шунча калака қилганинг етар! Умуман, биздан нари юр! Оиламиз сенга тадқиқот майдони эмас, тажрибаларингни бошқа жойда ўтказ!

– Хўп! – деди у совуққонлик билан. – Сизларнинг оламингизда қачонгача изланиш олиб боришим ҳали номаълум! Ахир сизларда бир ибора ҳам бор-ку: ҳаммасини вақт кўрсатади!

Хунобим ошиб:

– Ибора айтишни бас қил! – деб бақириб бердим.

– Бунча қизишмасанг! Ахир ўзинг менга мақол айтавериб, юрагимни сиққандинг, эсингдан чиқдими?!

У билан ортиқ тортишгим келмади-да, жим кетавердим.

Пўлат аравакашни осон топдик: у кўчадаги йўлак бўйлаб қатор қилиб экилган узумларини хомток қилаётганди. Валиш энсиз ва пастак эди, боши тегиб турарди.

Шунинг учун оёғи остига курси қўймасдан ҳам ток баргларини осонгина чирт-чирт узаётганди. Аравакаш келишимиздан мақсадимизни эшитиб, негадир ҳайрон қолди ва дарвоза ёнидаги шотиси юқори қилиб қўйилган кўконаравасига тикилиб турди.

– Аравани нима қиласиз? – деб сўради кейин.

– Сен сотишингни бил, у ёғи билан ишинг бўлмасин! – деди бобом – САО бироз тажанглашиб. – Хўш, мол сеники, энди баҳосини айт!

Аравакаш хижолат тортиб, хиёл илжайди. Ўзига қолса-ку. Шалоғи чиққан дардисар аравадан тезроқ қутулгани маъқул эди, шунинг учун у харидор сўраган нархга бериб юбориш ниятида эди. Ахир арава ўзига кераксиз, ортиқча, боз устига қанча жойни банд қилиб турибди; унинг ўрнига беш-олти туп ток кўкартириб, валишга тараб қўйса, даромадига даромад қўшилмасмиди.

– Арава анча эски, нарх айтишга ҳам уяласан! – деди у.

– Бунча таранг қилдинг! – деб қўрслик қилди бобом – САО.

Аравакаш дўпписини пешонасига суриб, бошини қашлаб, бир муддат ўйланиб турди-да:

– Юз сўм бера қолинг! – деди у ниҳоят.

Бобом – САО ўзини орқага ташлади-да, худди ҳафсаласи қайтган бўлиб, кафтини бир-бирига уриб қўйди.

– Оғзингни тўлдириб юз сўм деганингни қара-я! Сал инсоф билан айт-да! – дея у аравакашга дакки берди.

Пўлат аравакаш ўнғайсизланди, нарх айтишда адашдим, деб ўйлади. Аланглаб валишда осилиб турган узум бошларига тикилди: кераксиз барглари олинганидан кейин унинг доналари яна ҳам кўзга яқин бўлиб товланаётганди. “Оббо, баланд нарх айтиб юбордим, шекилли, – деб ўйлади юраги така-пука бўлиб. – Харидор айниб қолмаса гўрга эди! Эҳ, эс-ҳушим қаёқда эди, сал мулоҳаза қилиб баҳо айтсам бўлмасмиди?! Энди оғзидан чиққанига бериб юбораман, айтгани ҳисоб, шу дардисардан қутулсам бас!”

– Хўш, ўзингиз қанча сўрайсиз? – деб харидорга юзланди.

Бобом – САО аравaнинг атрофини айланиб, уни обдон кўздан кечириб чиқди.

– Араванг эскилиги рост, аммо ғилдираги бақувват, кегайлари бутун экан. Агар кўнглинг чопса, икки юз эллик сўм бераман! – деди у.

Аравакаш тушунмади ва менга бир қараб олиб, қайта сўради:

– Икки юз эллик сўм дедингизми?! Нотўғри эшитмадимми?!

– Тўғри эшитдинг: икки юз эллик сўм дедим!

Ҳозиргина ҳар қандай нархга бериб юбориш ниятида турган аравакаш негадир шу тобда орқага тисланди.

– Устимдан куляпсизми? – деб аччиқланди у.

– Нега устингдан куларканман! Тўғри гап туққанингга ёқмайди-я! – деди бобом – САО. – Араванинг нархи – шу, уни ерга уриш инсофдан эмас! Олди-берди ҳалол бўлиши керак!

Савдонинг бундай ажабтовур тус олишидан аравакаш довдираб қолди, қандай жавоб қайтаришни билмай тараддудланиб турди.

– Очиғи, уйдагилар билан маслаҳатлашиб олишим керак, – дея дудмаллашди.

– Нимасини маслаҳатлашасан, ахир савдо пишди ҳисоб! Майли, мендан кетса кетсин, сенинг ҳам кўнглинг чўкмасин, яна эллик сўм ўтганим бўлсин! Она сутидан ҳалол икки юз сўмга нима дединг? Бор барака!

Бобом – САО аравакашнинг қўлидан шартта тутди ва қаттиқ сиқиб, уч марта силтаган эди, бечоранинг ранги бўзариб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди; баҳо талашишга ортиқ ҳоли қолмади. Қолаверса, бобом – САО аҳдидан ҳеч қайтмаслигини, тортишишнинг сира фойдаси йўқлигини тушуниб етди.

– Пули нақдми? – деди у шошиб.

– Мен насия савдо қилмайман, пулни нақд бериб, кейин аравангни олиб кетаман! – деди бобом – САО. – Фақат пича кутасан. Тўй бошлаб қўйдим, шуни ўтказиб олишим керак.

Пўлат аравакаш бобом – САОнинг шартига кўнишга кўнди-ю, аммо туриши бежо эди; авзойи ўзгарган, қандайдир хаёли паришонроқ эди. Бунинг сабабини кейинроқ билиб олдим.

* * *

Савдони битириб қайтишимиз билан у тўғри Оқсоқолнинг олдига жўнабди. Айтибдики, Йўлчибой отага эски аравамни сотдим; ҳайрон қоладигани мен юз сўм баҳо айтсам, у икки юз эллик сўм бераман, деб туриб олди ва охир-оқибат икки юз сўмда тўхтади – буни қандай тушуниш керак?!

Оқсоқол унинг гапларини тинглаб, “Пулни нақд санаб бердими?” деб сўрабди. Аравакаш эса, бобом пулни тўйдан кейин бермоқчи эканини айтибди. Оқсоқол уни койибди: “Ҳали пулни бермаган бўлса, бунча ҳовлиқмасанг. Подадан олдин чанг чиқаришинг нимаси?! Аввал пулни қарсиллатиб санасин, кейин ваҳима қилсанг ярашади!”

Ўзи эса кечга томон бувимни йўқлаб келди. Бу пайтда бобом – САО дам олгани ҳужрасига кириб кетганди. У аравакашнинг айтганларини оқизмай-томизмай бувимга айтиб берди. Мен атайлаб бу ҳақда оғиз очмагандим, ойни этак билан ёпиб бўлмас экан, Оқсоқол орқали барибир айни воқеадан хабар топди. “Чолинг оғир дардга чалинган, чамамда нарсаланган-ов, уни ўқитиб юбор, – деди Оқсоқол бувимга. – Ҳадемай қизингни узатасан, бўлғуси қудаларинг олдида тилинг қисилмасин; бу ёқда маҳалла-кўй бор, гап-сўз кўпаймасин; маслаҳатим – чолингни ҳеч қаёққа чиқарма, битта уйга қамаб қўй, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин; алмойи-жалмойи гаплар гапириб, одамларнинг кўнглига ғулғула солмасин!”

Бувим кўзига ёш олди, унсиз йиғлади. Оқсоқолнинг фикрини маъқуллаб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди ва чолини ҳеч ким билан гаплаштирмасликка, учраштирмасликка ваъда берди. Ҳолбуки, Оқсоқол келмасидан аввал унинг Тўғон этикдўз билан иноқлигини, дилдан суҳбатлашганини кўриб, бирам кўнгли ўсгандики, ширинсўзлиги-ю хушмуомалалигидан бирам суюнгандики, асти қўяверасиз! Энди эса бегоналар олдида ножўя хатти-ҳаракат қилиб қўйиши мумкинлигидан чўчиб, бечорани яшириб қўйишга ҳам осонгина рози бўляпти. Тўғриси, бувимнинг бундай беқарорлигидан жаҳлим чиқди.

Биз аравакашникидан қайтганимизда, Тўғон этикдўз дарвозамиз олдида турганди. У ичкарига киришни ҳам, кетаверишни ҳам билмасдан иккиланаётганди. Сабаби маълум эди: у кечагина худди шу жойда қувиб ҳайдалгандан баттар аҳволга тушганди. Шунинг учун дарвозадан ўтишга юраги дов бермаётганди. Этикдўз чамаси иложини қилиб, бобом билан кўчада тиккалай гаплашиб кетаверишни мўлжаллаётганди чоғи, бўйнини чўзиб ҳовлимизга мўралаётганди. Ишонсангиз, бобом – САОнинг овозидан чўчиб тушди.

– Нега бегонасираб турибсан. ичкарига киравермайсанми?! – деб қолди бобом – САО шу пайт. – Ахир энди қариндош бўляпмиз, ўзингни тортишинг нимаси?!

Тўғон этикдўз худди ўғирлик устида қўлга тушгандай, ранги қув ўчиб, дарҳол ўзини четга олди; қўлларини қовуштириб, бироз энгашиб турди-да, бошини қимирлатиб саломлашган бўлди. Бироқ бобом – САО қуруққина кўришишга кўнмади, бўлғуси қудасини қучоқлаб, уни бағрига босди ва кафти билан орқасига шапатилаб қўйди. Сўнг ҳол-аҳвол сўради.

Этикдўз бундай мулозаматни кутмаган чоғи, довдираб қолди; ҳадеганда оғзига калима келавермади. Бобом – САО уни ичкарига таклиф қилди ва ўзи йўл бошлади. Тўғон этикдўз меровланиб менга бир кўз ташлаб қўйди-да, унинг орқасидан эргашди.

Бувим бўлғувси қуда келганидан хабар топиб, югуриб-елиб, ичкаридан янги кўрпага олиб чиқиб, сўрига тўшаётган экан, очиқ чеҳра билан унга пешвоз чиқди. Қўли кўксида, юзида табассум билан уйдагиларни сўраб-суриштирди. Қуда бўлмиш эсанкираганидан бошини ликиллатишдан нарига ўтолмас, гапиргани сўз тополмасди. Этикдўз устига чойшаб ташлаб қўйилган қайиққа аҳамият ҳам бермади. Уни қўярда-қўймай тўрга ўтқазишди. Дарҳол дастурхон ёзилиб, нон ушатилди.

– Кеча мендан хатолик ўтибди, гапингни яхши уқмабман, узр, – деди бобом – САО. – Ўзинг ҳам чайналиб тузукроқ тушунтирмадинг-да, тан ол! Хуллас, икковимиз ҳам айбдормиз! Энди барини орқага ташлаб, мақсад-муддаога кўчсак. Хўш, ёшлар бир-бирига кўнгил қўйишган экан, биз нега тўсқинлик қилишимиз керак?! Уларга оқ йўл тилаб, дуога қўл очсак, қандай ярашади! Шундай эмасми, қуда?!

Этикдўз сал ўзига келди чоғи, бош ирғаб:

– Ҳа, тўғри, – деб қўйди.

– Қолаверса, қизимни ҳавас қилибсизлар, сизларга раҳмат! Битта маҳалладанмиз, бир-биримизни яхши биламиз, гапимиз гапимизга мос тушади. Худо хоҳласа, тўйни ҳам маслаҳатлашиб, чиройли қилиб ўтказамиз. Сени йўқлатишдан мақсад, тўй тараддуди хусусида гаплашиб олиш эди. Биз пул топиб ақл топмаган аҳмоқлардан эмасмиз, пешона тери билан қийналиб топган маблағимизни ҳуда-беҳуда совурмаймиз, тўғрими? – деди бобом – САО таъкидлаб.

– Тўғри, – деб тасдиқлади этикдўз.

– Тўйни ортиқча сарф-ҳаражатларсиз ихчамгина қилиб ўтказсак, нима дейсан?

– Албатта-да! – дея Тўғон этикдўз пича жонланди.

– Қариндош-уруғ, ёру биродар, қўни-қўшнилар бўлса бас-да, етти маҳаллани тўплаб олиш шартми? Дабдаба-ю асасага берилиб, ўзимизни қийнаб, бошқаларнинг ҳам вақтини ўғирлашдан нима фойда?!

– Ҳақ гап, мен ҳам шу фикрдаман, – дея аста кўнглини оча бошлади этикдўз.

– Аслида, тўй дегани қорин тўйдириш эмас, яқинларинг дийдорига тўйиш, ёшларнинг қувончига шерик бўлишдир, – деб давом этди бобом – САО. – Ўзинг ўйлаб кўр: каллайи саҳарлаб бўкиб ош ейишдан не наф, шох чиқармиди? Шуни тушга кўчирса бўлмайдими?! Одамларга нима жин теккан, ким ўзарга тўй қилишяпти; исрофдан қўрқишмаяпти! Тўйхонадаги таомларни кўриб, оғзинг очилиб қолади! У ёғини сўрасанг, дастурхондагиларнинг ярми ҳам ейилмайди! Нима бало, улар кўргазма ўтказишяптими?! Ё тавба, бу қанақаси бўлди?! – деб бош чайқади у. – Биз дастурхонни ҳам камтаргина қилиб тузаймиз, битта овқат бўлса бас, паловнинг ўзи етарли! Ошни наҳорга эмас, тушга яқин дамлаймиз. Меҳмонларни ҳам, ёшларни ҳам шу вақтга чақирамиз. Келин-куёвга бахт тилаб, ўйин-кулги қиламиз. Тантананинг қолгани сизларникида давом этаверади. Ҳаммаси бир кунда ўтади, тўйдан олдинги-ю ундан кейинги бари маросимлардан воз кечамиз! Ортиқча сарф-харажатнинг нима кераги бор?! Ёшлар бахтли бўлишса кифоя-да! Ўртадаги олди-бердиларни ҳам йўқ қиламиз, келин-куёвни чиройли қилиб кийинтирсак етади!

– Яшанг, ака! Юрагимдагини топиб айтдингиз! – деб юборди этикдўз юзи ёришиб. – Хабарингиз борми-йўқми, ўғлимга атаб уч хонали иморат солганман, ҳамма жиҳозлари етарли. Камини ёшларнинг ўзлари топиб-тутиб тўлдиришади. Сиздан ҳеч нарса умид қилмайман. Ялаб-юлқаб вояга етказган ойдай қизингизни бизга беряпсиз, шунинг ўзи катта давлат.

Бувим чой дамлаб келди. Кейин пилдираб юриб овқатга уннай бошлади. Бобом этикдўзга чой қуйиб узатди.

– Эсинг бор экан, мени тўғри тушундинг, – деди у бўлғуси қудасининг гапларидан қониқиш ҳосил қилиб. енгил хўрсиниб қўяркан. – Фикримиз бир жойдан чиққанини қара! Нега илгарироқ ҳамсуҳбат бўлмаган эканмиз?

– Шуни айтинг, – деди этикдўз чой ҳўплаб. – Ўзи мен кеч қолдим, вақтлироқ келишим керак эди.

У бобом – САОнинг гапини ўзича тушуниб, бугунги кечикиш сабабларини баён эта бошлади. Маълум бўлишича, Хидир хўжайиннинг топшириғига биноан Тўра чинордан хабар олгани борган. У қайтиб келиб, дарахтнинг ўзидан ўзи тоғ этагига экилиб қолганини айтган. Буни эшитганлар хавотирга тушиб, тоққа жўнаган. Улар орасида зтикдўз ҳам бўлган. Бориб кўришсаки, ўша чинор ростдан ҳам тупроққа томир қадаб, мустаҳкам ўрнашиб олибди. Барча баравар дағдаға бошлабди, болта кўтаришиб пўписа қилишибди, лекин дарахт жойидан жилмабди, қотиб тураверибди. Шундан кейин дарахтнинг ичидаги зиёнлар чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилишибди ва қишлоққа қайтишибди.

Бу тафсилотларни эшитиб бобом – САО менга секингина кўз қирини ташлаб қўйди. Сўнг бўлғуси қуда билан тўй кунини белгилаш хусусида маслаҳатлашишди. Ўзингизга маълум, бобом – САО тўйни тезлатиш тарафдори эди, қуда томоннинг ҳам тайёргарлиги бор, шекилли, этикдўз унинг гапини маъқуллади. Тўйнинг аниқ кунини уйдагилар билан келишиб, кейин белгилашмоқчи бўлишди.

* * *

Тўғон этикдўз овқатга қолмай жўнаб кетди. Ҳамма мамнун эди. Айниқса, бувим ўзини қўярга жой тополмасди. “Ўғлим туғилгандан кейин қизим ҳам бўлишини орзу қилгандим, аммо буни кўп кутдим ва узоқ йиллар тилаб-тилаб олганим шу Юлдуз бўлди. Шукурки, унинг бахти очилганини кўриш насиб этди”, деди у севинганидан кўзи ёшланиб.

Бувим нуқул дарвозага қарарди; қизи ишдан кела қолса-ю янгиликдан уни тезроқ ҳабардор қилса! Бувим билмасдики, Юлдуз опамни хурсанд қилиш учун оёқ-қўли чаққон бошқалар ҳам тайёр турибди. Бу ёғи худди ўйлаганимдек кечди: аммам дарвоздан кириши биланоқ унинг истиқболига югуриб чиқдим ва ҳаммадан олдин унга хушхабарни етказдим. Юлдуз опам севинчи ичига сиғмасдан, мени бағрига босиб, юз-кўзларимдан ўпа бошлади. Бувим бўлғуси қуданинг ташрифи билан боғлиқ тафсилотларни бир бошдан энтика-энтика гапиришга тушди. У чолидаги қусур ўзгаришларни ҳам бир муддатга унутганди, шунинг учун ҳам бу ҳақида қизига оғиз очмади. Кун бўйи ҳаракатда бўлиб, ҳориб-чарчаган бобом – САО ҳужрасига кириб кетди. Шундан кейин бувим чолининг қайиқ сотиб олгани-ю тез кунда денгизга саёҳат қилмоқчи эканлиги тўғрисида гапириб берди. Буни эшитиб, Юлдуз опам роса кулди. У жуда бахтиёр эди, чунки қувонишга сабаб етарли эди. Шу боис ҳар бир хабарни хурсандчилик билан қарши оларди. Бувим орада чолининг Хидир хўжайин билан роса тортишганини ва қоровулликдан воз кечганини ҳам айтиб ўтди. Саёҳатчи сафарга тўйдан аввал жўнаб қолмасин, деб қайиқни биргалашиб оғилга олиб кириб қўйдик. Кейин Оқсоқол келди ва бувим яна қайғуга ботиб, хийлагина тундлашди.

* * *

Ўша кеча мен ҳам ҳужрада ухладим. Мақсадим, бобом – САОга кўз-қулоқ бўлиб ётиш эди, ундан хавотирда эдим. Шунинг учун алламаҳалгача кўзимга уйқу илинмади. Қачон ухладим – ўзим билмайман, кўзимни очганимда, тонг ёришган эди. Қарасам, бугун ҳам ёним бўм-бўш, деразанинг бир қаноти очиқ. Турибоқ эшикка ёпишдим, у ташқаридан беркитилган чоғи, очилмади. Чамаси, бувим Оқсоқолнинг айтганини қилиб, эшикка қулф ургану деразани мустаҳкамлаш хаёлига келмаган ва бобом шу жойдан ташқарига чиқиб кетганди. Мен ҳам деразадан сакрадим.

Юлдуз опам ҳовли супураётганди, аммо бувим кўринмасди. Ундан бобомни сўрамоқчи бўлиб тургандим, шу тобда ўзи бостирмадан от етаклаб чиқиб қолди. Қашқага эгар-жабдуқ урилган, минишга шай ҳолатда эди. Бобом – САО отни кўчага бошлади, у кетиш пайида эди. Тезда юз-қўлимни ювиб, унга эргашдим.

Юлдуз опам отасининг отланганини кўриб, супуришдан тўхтади ва атайлаб унинг йўлига тўсди.

– Тинчликми, отажон? – деб сўради у. – Саҳарлаб қаёққа кетяпсиз?

– Кўрмайсанми, бугун ҳужрада ухлабман, боғ қаровсиз қолибди, – деди отаси.

Тўй тараддудини кўриш ўрнига унинг боққа йўл олиши аммамни ажаблантирди, албатта. Қолаверса, хўжайини билан орани очди қилди дейишаётганди-ку, кейин қоровулликдан ҳам воз кечганди – бу ёғи қандоқ бўлди?

Аммам отасига йўл бергиси келмади-да, ҳовлига аланглади, чамаси, у нигоҳи билан бувимни қидирарди.

– Соч-соқолингиз оқарган чоғингизда ҳам ишлайверишингиз тўғри эмас. Боғдаги меҳнат энди сизга оғирлик қилади. Сўрида оёқни узатиб ётадиган ёшдасиз, – дея бувим кўрингунча уни ушлаб туришга уринди.

У отасининг фикри ўзгариб қолиб, тўй бузилишидан хавотирда эди. Мен эса бобом яна асл ҳолатига эврилганини сезиб турардим. Ёндош дунёлик дўстим унинг вужудини тарк этганди ва аллақаёққа ғойиб бўлганди. САОнинг энди қаердан макон топгани муҳим эмас, асосийси, бобом ўз ҳолига қайтганди. Буни унинг гаплари ҳам исботлаб турарди.

– Э, қизим, – деди у, – уй менга торлик қилади: икки қадам ташласанг бас, бошинг деворга урилади. Менга боғ тузук, қанча юрсанг ҳам йўлинг тугамайди – узалиб кетаверади. Соғлиғимни ўйласанг, қаршимдан чиқма, ўз ҳолимга қўй.

Шунинг устига қаёқдандир бувим пайдо бўлди. У ҳам бобомнинг от етаклаганини кўриб ажабланди.

– Ҳа, йўл бўлсин? – деб сўради кейин.

– Мен қаёққа ҳам борардим, боққа-да! – деди бобом бироз аччиқланиб.

– Ахир боғда энди ишламайман, дегандингиз-ку?!

– Бекор айтибсан! – деди бобом бақириб. – Бу гапни қаёқдан олдинг?!

Бувим шошиб қолди ва савол назари билан менгга бир қараб қўйди, чамаси у ҳам чолидаги ўзгаришни пайқаганди. Кеча Оқсоқолга берган ваъдаларини ҳам унутди-да, ўз ишига қайтаётганидан таскин топиб, унга бошқа қаршилик кўрсатмади ва қизига имлаб, йўлни бўшатиб қўй, деган ишорани қилди.

Бобом узангига оёқ тираб, отига миниб, жиловни тортаркан:

– Бургутни олиб чиқ! – деб буюрди менга. – Дарвоқе, эшик қулфланиб қолибди, калити қаерда?

Буни қарангки, бувим калитни сочининг учига боғлаб олган экан, дарров ечиб берди. Мен калитни олиб, эшикни очдим-да, қафасни олиб чиқдим.

– Олапарни-чи?

Боққа кетяпмизми, демак, Олапар ҳам ўз вазифасини бажаришга киришади, деган хаёлда эдим. Ахир усиз мевазоримиз ҳувиллаб қоларди-да. Лекин бобом бу гал негадир уни хушламади.

– Итни қўя тур! – деди у хўмрайиб.

Мен бургут солинган қафасни кўтариб чиқдим-да, бобомга узатдим.

– Айтмоқчи, тўй нима бўлади? – деб хавотирланиб сўради бувим.

Бобом таажжубда эди, у бир қўлида қафас, бошқаси билан безовталанаётган отни тинчлантиришга уриниб, ёллари аралаш бўйнини силади. Кейин ҳайратини яширолмай сўради:

– Қанақа тўй?

– Юлдузнинг тўйи-да! Эсингизда йўқми? Кеча Тўғон косибга ваъдани қуюқ қилдингиз-ку, сўзингизда туринг энди! – деди бувим.

Бобом пешонасини тириштириб, бир муддат ўйланиб қолди, сўнг:

– Сўз берган бўлсак, асло қайтиш йўқ! Хотиржам бўл! – деб қўйди.

Шундан кейингина бувим билан аммамнинг кўнгиллари жойига тушди ва уни ортиқ саволга тутишмади. Мен бобомнинг орқасига чиқиб олдим. Биргалашиб боққа жўнадик.

Ҳаётимиз изга тушаётганидан мамнун эдим. Айни дамда ёндош дунёлик дўстим қаёққа ғойиб бўлгани ва ўзига қандай макон топгани мени қизиқтираётганди. Бироқ ҳозир бу ҳақда ўйламаганим маъқул эди. Нега десангиз, унинг турмушимизга маслашолмаслиги-ю ҳар нарсага ўринсиз аралашувидан қўрқиб қолгандим – буларни эсласам, кайфиятим бузиларди. Олапарни ташлаб кетаётганимиз хаёлимга келиб, САО унинг танасига ўтиб олмаганмикан, деган мулоҳазага бордим, чунки ит бугун жуда безовта эди, тинмай ҳураётганди. Шунинг учун ҳам бобом хўжайини ҳузурида Олапарнинг муаммо чиқариб қўйишидан чўчиди ва уни олиб кетишга унамади.

* * *

Йўл-йўлакай бобомга кеча бўлиб ўтган воқеаларни сал юмшатиб, кўнглига оғир ботмайдиган тарзда сўзлаб бердим. У гапларимни босиқлик билан тинглади, ҳеч эътироз билдирмади. Хомуш тортиб, ўйга толди, чамаси бобом айтганларимни сира эслаёлмаётганидан хижолатда эди. Шунча гап-сўздан кейин хўжайини билан юзлашиш ташвиши ҳам уни қийнаб қўйганди.

– Ҳеч йўқ, Тўғон этикдўзнинг келганини эсларсиз? – деб сўрадим ундан.

– Дарахтнинг суғурилиб кетгани ёдимда, бошқаси эсимда қолмаган. Қарилик қурсин, хотирам панд беряпти, – деб бош чайқади бобом. – Ростдан ҳам шулар ўнгимизда юз бердими? Ё ҳаммаси тушимда кечдими?

– Яхшиси, сиз буларни ўйламанг, – дедим мен ва мавзуни ўзгартирмоқчи бўлдим. – Боғимиз тинчмикан?

– Ким билади дейсан!..

Шу кеча боғда Хидир хўжайиннинг ўзи тунаб қолибди. Биз етиб борганимизда у супада ёлғиз ўтирган экан. Оқтулпорни ёнидаги дарахтга боғлаб қўйганди, отга янги жой маъқул келмаган чоғи, тоқатсизланиб депсиниб, юган сувлиғини асабий ҳолатда чайнарди. Хўжайиннинг оти баттар безовталанмасин деб, Қашқани ташқарида қолдирдик. Бургут қафаси ҳам ўша жойдан ўрин олди.

Хидир хўжайинга кўзи тушиши ҳамоно бобомнинг оёқ-қўли чаққонлашди, у югургилаб бориб, хўжайинга таъзим қилди. Уни ҳақоратлашгача бориб етганидан кейин айбини ювиш учун ҳам қуюқроқ мулозамат кўрсатиши керак эди-да, ахир.

– Кеча биздан бироз хатолик ўтиб, салгина бўшалиб кетибмиз, узр, жуда ҳам афсусдаман, – деди бобом, юзида пушаймонлик ифодасини кўрсатишга уриниб.

Хидир хўжайин унга хўмрайиб қаради.

– Салгина бўшалсанг кошки эди, сен тузуккина бўшалдинг! Қилғиликни қилиб қўйиб, шиқрайиб кириб келишингни қара! Тағин ҳеч гап бўлмагандай ғирмайиб туришинг ортиқча! – деди у тишларини ғижирлатиб ижирғанаркан. – Нима егандинг? Ҳеч ўзингда эмасдинг, одам танимас даражада ҳушингни йўқотгандинг!

– Очиғи, ҳеч нарса эсимда йўқ! – деди бобом ялинган оҳангда. – Менга ёмон дард ёпишди, шайтон йўлдан оздирди! Адашганим рост, буни тан оламан! Шунинг учун ҳузурингизга бош эгиб келдим!

– Шунча томоша кўрсатганинг етмагандай, камига Қўзини калтаклаганинг нимаси?! Ҳали бунинг жавобини берасан! – деди Хидир хўжайин қўлини силкитиб.

– Айбдорман...

– Бўлди бас! – дея ўшқирди у. – Бундан бу ёғига қадамингни ўйлаб бос! Ҳар ишнинг ҳам меъёри бор, шуни унутма! Боғни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб кетма! Бу яна такрорланса, аяб ўтирмайман, ковушингни тўғрилаб қўяман! Қоровуллик қиламан деганлар сонмингта!

Ишонасизми, хўжайин ҳар қанча овозини кўтармасин, нутқи қандайдир қуруқ чиқди; гаплари тош босмади, юки енгиллиги сезилиб қолди. Чунки у ҳали ҳам ўз хизматкоридан ҳайиқиброқ турарди, бечора кечаги мавзу қўзғалишидан хавотирда эди. Буни бобом пайқади, албатта. Шу боис янада жонланиб хушомад қила бошлади.

– Гап битта, сўзим сўз! Бир киприк қоқсангиз бас, ўша ондаёқ ҳозиру нозирман! Энди чизган чизиғингиздан чиқмайман! – деди у тобора жўшиб. – Ёзган ёзиғингизман, қоққан қозиғингизман!

Бобомнинг ялтоқланиши Хидир хўжайинга ёқмади, тўғрироғи, хушомадларига ишонмади ва тумтайиб олди. Кейин эса ноилож муроса йўлига ўтиб, сал юмшади.

– Бузоғингни сотганинг ростми? – деб сўради.

– Рост, – деди бобом бош силкиб.

– Аттанг, кузгача анча чўзилиб, кўзга кўриниб қоларди-я, – деди Хидир хўжайин унга ҳамдардлик билдириб. – Ҳа майли, ўзингни кўп қийнама! Бош омон бўлса, дўппи топилади. Мен сенга битта туёқ боғлаб бераман, бузоғингнинг ўрни йўқолмайди.

– Раҳмат, хўжайин! Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман! – деди бобом хиёл букилиб.

Хидир хўжайин қўрани тиклаб, атрофини тартибга келтиришни тайинлаб, тезда жўнаб кетди.

* * *

Шундан кейингина бобом хийла енгил тортди. Ўзини бироз хотиржам ҳис қилди. Қумғонни ўчоққа қўйди. Супада биргаликда нонушта қилдик. Кейин дарвозани жойига ўрнатиб, қўрани тикка қилдик. Ўрани кўмиб, ўрнини текислаш анча иш эди, буни кейинга қолдирдик.

– Хидирнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатдик, уни ҳазм қилгунча бир ҳафта – ўн кун ўтади. Шу муддат ичида боққа қадам босмайди, мен айтди дерсан! Энди овга чиқсак ҳам бўлади! – деди бобом хушнуд ҳолатда.

Тўғриси, анчадан бери бунга қўлимиз тегмаётганди, хушхабарни эшитиб, теримга сиғмай кетдим; қувончимни яширолмай ҳайқириб юбордим: “Ура-а!”

– Отда борамизми? – деб сўрадим сўнг.

– Ҳа-да! – деди бобом мамнун кулимсираб. – Шу кунларда бошимиздан кулфат аримай қолди! Аввало, кўнглимизни ёзамиз; кейин битта жонлиқ сўйиб, қон чиқариб юборамиз! Бугун бургут билан ов ташлаймиз! Бирорта қушми, ҳайвонми тутсак бас, қонини боққа оқизамиз! Зора, шунда бало-офатлардан қутулсак!

Отни ўзим етаклаб чиқдим, бобом қафасни кўтарди. Йўлга чиқаётганимизда:

– Овга милтиқсиз бормайлик! Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, ахир! – деди у.

Ғилоф урилган ов милтиғини жавондан олиб чиқдиму бир муддат ўйланиб қолдим.

– Боғ яна ёлғиз қоладими? – дедим мен хавотирланиб.

Сабаби, бобом боғни ҳеч қачон бунчалик осон ташлаб кетмасди, шунга ҳайрон эдим. Қолаверса, унинг ўзи боягина хўжайинга энди масъулиятли бўлишга сўз берди. Устига-устак Хидир хўжайиннинг бояги танбеҳу дашномлари ҳали қулоғим остидан кетмаётганди. Шунинг учун биз боғдан чиқишимиз билан у лоп этиб қаршимиздан чиқиб қоладигандай туюлаётганди. Қувончимга ҳадик қўшилиб, юрагим ғашланди; яна муаммо чиқишидан хавотирлана бошладим.

– Овга хўжайинни ҳам таклиф қилмадик-да, – дедим миямга урилган фикрни тилимга кўчириб.

– Роса топиб айтдинг-да! – деди бобом киноя билан. – Хидир ов қилишни биладими! Милтиқ қўндоғига қўли тегиб кетса ҳам сочининг учигача қалтироқ босади! Агар билсанг, эгарга ҳам зўрға минади, акс ҳолда, от абзалини кўрмай ўтиб кетарди! Гапини қара, менга туёқ қилиб берармиш! Хўп ишондим-да! Қурумсоқ эҳсон қиладиган бўлса, жони бирга чиқади!

Унинг кескин оҳангда гапиришидан хийла дадилландим.

– Дўқ-пўписасидан қўрқиб кетдингизми? – дея ҳазиллашган бўлдим.

– Секин айтасанми? – деди у кулиб.

Бобом қишлоқдаги энг моҳир чавандозлардан бири саналарди, шу билан бирга туғма мерган ҳам эди. Уни яхши билганлар, “Учиб кетаётган қушнинг нақ кўзидан уради”, деб мақташарди. Бобом истеъдодидан фахрланарди, албатта. Хидир хўжайинни зимдан писанд қилмаслигига ана шундай қобилияти борлиги ҳам сабаб бўларди. Бобом шу кунларда бошига тушган кўргиликлардан анча сиқилиб қолган экан, тоққа йўл олишим билан яйраб кетди. У отнинг жиловини бўш қўйиб, ёшлиги қўзғаб, “ҳайт-ҳуйт”, дея қичқириб-жўшиб, қамчини ҳавода ўйнатиб борарди. Қашқа ҳам югуришни соғинган экан, ёллари тўзиб, худди қуюндай еларди; туёқлари ер сиртини чилдирма каби чертиб-чертиб ўтарди. Бобомда уйғонган ғайрат-шижоат унга ҳам юққанди; шу туйғу отнинг қонини қиздираётганди. Қашқамиз кенг адирлик бўйлаб чопиб тўймасди, югургани сайин танаси яйрарди. Мен бобомнинг белбоғидан маҳкам ушлаб олгандим, тезлик сурурини ҳис қилиб ҳаяжонланардим; барча ташвишларни бир зумда буткул унутгандим. Тоғнинг муздай ҳавосидан ютоқиб симириб, шунинг баробарида юрагимга оқиб кирган жўшқин туйғулардан энтикиб, бобомга қўшилиб ҳайқирардим.

* * *

Хаш-паш дегунча, тоғ этагидаги ўзимизнинг чинор тагига етиб бордик. Ўша ерда тўхтаб нафас ростладик. Отни қари дарахтнинг эгилган шохига боғлаб қўйдик. Ростини айтсам, чинор жойини топганди, тоғ бағрида яшнаб, барқ ураётганди. Унинг қалин барглари шабадада ҳилпираб ўйноқларди.

– Қара, чиноримизга тоғ ҳавоси ёқибди, у бу ерда яшариб кетибди, – деди бобом кекса дарахтни суқланиб томоша қиларкан.

– Боғда жуда сиқилиб қолган экан-да, – дея унинг гапини маъқулладим.

– Ердан суғурилиб чиққанининг ўзи бир мўъжиза эди, бироқ қандай қилиб илдизларини қайтадан тупроққа қадаб олди – шуниси яна ҳам ажабланарли! Қара, атрофидаги ўт-ўланларга ҳам шикаст етмаган!

– Тўғри, – деб бош силкиб қўйдим ва айни ҳолатдан ҳайратланган бўлиб кўринишга уриндим, ҳолбуки ёндош дунёлик дўстим учун бунақа ишларни амалга ошириш ҳеч қийинчилик туғдирмаслигига ишончим комил эди.

Бобом чинор соясида турган отни эркалаб, яғринини силади.

– Тоққа чиқиш хавфли, сени шу жойда қолдирамиз, – деди кейин.

Қашқа бурун катакларини кериб пишқириб, бетоқатланиб депсинди.

– У ёлғиз қолгиси келмаяпти, – дедим мен.

– Ҳа, бу ёқда бургут ҳам безовталаняпти, ов яқинлигини сезяпти. Қўйиб берсанг, ҳозироқ қанот қоқиб, ҳавога кўтарилади! – деб қўйди бобом.

Ҳақиқатан ҳам йўлимиз тиклашганди, бу ёғига пиёда кетишимиз керак. Бобом бургут қафасини қўлига олди, мен ғилофланган милтиқни елкамга илдим. Шундоқ тепамизда чўққилари кўкка санчилган улуғвор тоғ қад ростлаганди. Биз ўша юксакликка қараб кўтарилиб борардик. Тик сўқмоқдан одимлаш оғир эди, бирпасда ҳансираб қолдим. Милтиқнинг вазни-ку менга ҳеч сезилмасди, бироқ юқорига қараб одимлаш тинкани қуритарди. Бунинг устига қафас анчайин вазмин эди, бобомга дарров билинди, у чарчоқни унутиш учунми, ё қизиққаниданми, мендан кечаги кун воқеаларини сўраб-суриштира бошлади. Ўзи ҳеч нарсани эслаёлмаётганди, шу боис яна ўша мавзуга қайтдик. Холи қолганимиздан фойдаланиб, энди уни тўлалигича – бор тафсилотлари билан сўзлашга тушдим. Гапларимга астойдил қулоқ тутаётган бобом менга ҳайрат билан қараб қўярди ва ҳадеб: “Йў-ғе, шунақа бўлдими?” – дерди. Баъзан ишонгиси келмай: “Ичингдан тўқимаяпсанми?” – деб сўрарди-ю, айтганларимни барибир диққат билан тингларди. Айниқса, Хидир хўжайин билан ўрталарида бўлиб ўтган можароларни сўзлаётганимда, роса ҳайрон қолди ва кейин жонланиб кўзлари порлаб кетди.

– Буни қара-я! Ё тавба! – дея завқланиб илжайди.

Мен ёдимга тушган воқеаларни ўнг-сўлига қарамай шоша-пиша ҳикоя қилаверардим. Бошлиқнинг ёрдамчисини калтаклаб қувлагани хусусида гап бошлаётгандим, бобом дарҳол тўхтатди:

– Уни қўя тур, сен яхшиси, Хидирга нима деганимни айт! Бу қандай юз берди? Хуллас, охиригача сўзла!

Худди шу тўғрида кеча кўрган-эшитганларимни унга оқизмай-томизмай, батафсил етказишга ҳаракат қилдим. Бобом эса оғзимга тикилиб, жон қулоғи билан тинглади.

– Уни сенсираб гапирдингиз! “Ота-боболаринг келгинди эди, шунинг учун юзсизлик қилишган, отамнинг боғини тортиб олиб қўйишган”, дединг!

– Наҳотки? – деди бобом ҳайратланиб.

– Боғ аслида отамники, унда менинг ҳам ҳақим бор; ўртадан тенг иккига бўламиз, деб айтдингиз!

– Ё пирай! Шунақа дедимми?! Ҳеч ақлга сиғмайди!..

– “Менга ўкрайма, кўзингни ўйиб оламан”, деб бақирдингиз.

Буни эшитиб бобом тўхтаб қолди ва қафасни ерга қўйди-да, менга ҳаяжонланиб тикилди.

– Ё қудратингдан! Наҳотки, шу гаплар менинг оғзимдан чиққан бўлса!.. – дея у елкалари силкиниб, қиқирлай бошлади. – Азбаройи Худо, ҳеч ишонгим келмайди! Рост айтяпсанми? Тўқиб чиқармаяпсанми?!

– Рост! Бир чимдим ҳам ёлғони йўқ! – дедим шошиб. – Кейин шеър тўқишни ҳам қотирдингиз!

– Шеър дедингми? Яна қанақа шеър?

– Хидир, энди ўзингга бошқа хизматкор қидир, дедингиз!

– Ана холос! – дея бобом ўзини тутиб туролмай баралла қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди; унинг жарангдор овози узоқ-узоқларгача бориб етди.

Бобом кулгининг зўридан энгашиб олди ва гавдасини тутиб туролмай, ўзини майсалар устига таппа-ташлади. Мен эса воқеа тафсилотларини охиригача айтишга шошилардим.

– "Энди туёғингни шиқиллатиб қол, сени кўргани кўзим йўқ", деб уни ҳайдадингиз.

Бобом биқинини ушлаб, ерда юмалаб-юмалаб, қотиб-қотиб куларди. Хўжайинини боплаб ҳақоратлагани унга шунчалик нашъа қилардики, кулгидан ўзини ҳеч тўхтатолмасди. Кўзлари ёшланиб хандон отавериб, юзлари қизариб кетди. Орада, "Ана шу жойини яна бир қайтар", деб қўярди ва тағин кулишда давом этарди. Кейин эса гап-сўзсиз бир қўлини силтарди, демоқчи бўлардики, "Ҳой, бўлди-бас, ортиқ чидаёлмайман, кулавериб қорним оғриб кетди!"

Ўшанда бобом кулиб-кулиб, ичидаги бор ғуборини чиқариб юборганди ва кўз ёшларини артиб ўрнидан тураётиб: "Бугун жуда кўп кулдим, "Ишқилиб хайрли бўлсин", деб қўйганди.

* * *

Яна йўлга тушдик. Тоғларнинг вазмин ва салобатли сукунати, қушларнинг чуғур-чуғури-ю салқин шабада димоғимизга ураётган ўт-ўланларнинг ўткир ҳиди руҳимизни кўтариб, кайфиятимизни чоғ қилганди. Осмон тиниқ, кўм-кўк эди, тўда-тўда оппоқ булутлар нақ чўққилар учида осилиб турарди. Қуёш юқори кўтарилиб, еру кўкни қиздира бошлаганди. Ҳаво шунчалар мусаффо ва ёқимли эдики, нафас олиб тўймасдик. Ҳаёт қандай ажойиб, яшаш қанчалик завқли, қани энди бу лаҳзалар сира тугамаса, деб кўнглимдан ўтказардим. Тоғ этагидан юқорилаб борарканмиз, қолган воқеаларни ҳам бобомга айтиб бера бошладим.

– Денгизга саёҳат қилмоқчи бўлдингиз. Мени ҳам олиб кетмоқчи эдингиз, – дея унга тикиламан; бунисига қанақа муносабат билдиришига қизиқаман.

Бобом гапларимга ишонгиси келмайди, албатта.

– Саёҳат дейсанми? Тағин денгизга-я! Ақл бовар қилмайди!.. – деб бош тебратди у.

– Ўзингиз шундай дедингиз-ку! Қайиқ ҳам сотиб олдингиз!

– Э, шунақами? Буниси жуда аломат бўлибди-да! – дея завқланиб кулди бобом.

– Ростдан ҳам саёҳатга чиқсак-чи! – деб кўнглига қўл солдим.

– Қайиғимиз бўлса бор, отимиз тайёр, бизни ким тўхтата оларди, кетсак-кетаверамиз-да саёҳатга! – деди бобом ғайрат-шижоати ортиб.

– Денгиз саёҳатига! – дея қўшимча қилдим мен.

– Албатта-да!..

Ўша дақиқаларда денгизга саёҳат қилиш жуда осон ва муқаррар бўлиб кўринганди; бундан беҳад шод эдим. Бобом ҳам хурсанд эди, у барча ғам-ташвишларни буткул унутганди; дам-бадам баланд қояларга назар ташлаб, кулимсираб қўярди. Бобомни овдан ҳам кўра, тоққа кўтарилиш кўпроқ завқлантираётганди.

Бир маҳал бобом сергакланиб, тоғ бағридаги сайҳонликка ўгирилди. Мени ҳам қизиқсиниб, ўша ёққа қарадим. Шу тобда қовжираган ўт-ўланлар орасини ёриб кетаётган аллақандай жониворни кўриб қолдик. У саросимага тушиб, гавдасини ҳар ёққа ташлаб, жуда тез ҳаракатланаётганди.

Биз таққа тўхтадик ва ўша томонга диққат билан назар ташладик. Бобом арча панасига ўтиб, қафасни ерга қўйди. Қўлига теридан тикилган узун ов қўлқопини кийиб, бургутни қафасдан тортиб чиқарди. Кўзи ўлжада, ўзи Ўткиркўзни бақувват билагига қўйиб, уни овга ҳозирлади. Бургут ҳушёр тортди, унинг ўткир тирноқлари қўлқопнинг қуруқ ва қайишқоқ терисига ботса-да, ҳар қалай этга ўтмасди. Бобом бургутни елкаси баравар баландликка кўтариб, овга чорлаб:

– Аканг қарағайнинг Ўткиркўзи, қани бос! – дея уни ўлжа устига отди.

Бургут бир силтаниб сакраб, нақ икки қулоч келадиган қанотларини кенг ёйиб, ер бағирлаб учиб кетди. Ўлжа хатарни сезди чоғи, жон ҳолатда қоча бошлади. Унга етиб олиш осон эмасди, ўзини у ён-бу ёнга ташлаб, йўналишини тез ўзгартирар, рақибини чалғитишга ҳаракат қиларди. Шундай бўлса-да, зўрга тараф йўқ экан, Ўткиркўз уни қувиб етди ва таппа босди. Кейин панжаси билан чангаллаб олиб, яна ҳавога кўтарилди.

– Олди! – деб қичқириб юбордим-да, милтиқни арча танасига суяб, беихтиёр унинг орқасидан эргашдим.

– Яша, Ўткиркўз! – дея ҳаяжонланиб ҳайқирди бобом. – Қуён экан! Ана, кўрдингми, овимиз бароридан келди, жонлиқ тайёр! Қон чиқариш баҳона, ўзимиз ҳам базм қиладиган бўлдик! Ўткиркўз бор экан, оч қолмаймиз!

Ўшанда бекор қувонган эканмиз, овимизнинг якуни жуда қайғули тугади. Бургут бир юқорилаб олди-да, сўнг вазмин қанот қоққанча аста ортига қайтиб, пастлай бошлади. У ер бағирлаб учиб келиб, шундоқ устимиздан ғувуллаб ўтиб кетди. Бизга яқинлашаётганда, совуқ боқувчи кўзлари аниқ-равшан кўринди – унинг ўткир нигоҳида худди чақмоқ чақнашининг шиддати қотиб қолганга ўхшарди. Қушнинг панжасидаги жон талвасасида типирчилаётган қуён ҳам яққол кўзга ташланди. Бургут узоқлаб бориб, тағин баландлаб кетди ва ҳеч кутилмаганда тоғ томонга қараб парвоз қила бошлади. Бобом ҳам, мен ҳам саросимада эдик, бундай бўлиши хаёлимизга ҳам келмаганди.

– Ҳой, у нима қиляпти?! – деб бақирди бобом ва тез ғилофни очиб, қўштиғ милтиғини олди-да, бургутнинг орқасидан югура кетди.

Мен ҳам унинг орқасидан чопдим. Бургут тоққа жуда яқин борди ва қоялар устидан учиб ўтаётиб, бирдан чангалидаги ўлжани ташлаб юборди. Қўнғир юнги қонталаш бўлган чалажон қуён қоянинг қиррасига урилиб, юмалаб кетди ва қирғоққа осилиб қолди. У зўрға қимирларди.

Ҳар сафар ўлжани шундоқ оёқлари остига олиб келиб ташлайдиган бургутнинг бу галги ножўя хатти-ҳаракатларини бобом ҳеч тушунолмаётганди.

– Ўткиркўзнинг бунақа ҳунари йўқ эди-ку, янги қилиқ чиқариб қолибдими?! – деди у асабийлашиб ва қушнинг ортидан қичқирди: – Қайт деяпман! Ҳой, қаёққа?! Оббо, бу нимаси энди?!

Бургут қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди, тобора юқорилаб борарди. Мен алланечук нохушликни сезиб, безовталанаётгандим. Шунинг учун тезлашиб, бобомнинг олдига ўтиб олдим. Бу пайтда бургут яна ҳам юксалиб, осмон бағрида айлана шаклида парвоз қилаётганди. У қулочини борича ёйганди, узун қанотларини деярли силкитмасди, ҳаво оқимида жуда эркин, сокин учаётганди ва ўзини шу кенгликларнинг ҳақиқий эгаси каби ҳис қилаётганди. Бургут юксалгани сайин айланиш масофаси ҳам кенгайиб борарди. У салқин ва сийрак ҳавога тўш уриб, ора-сира вазмин қанот қоқарди ва кейин ҳаракатсиз айланиб учарди. Осмон жуда кенг эди, поёнсиз эди; унинг олдида ўзи яшаб келган макон хаддан ташқари майда бўлиб кўринарди. Бургут ана шу юксакликдан ҳайратланарди. Шу билан бирга ҳаётнинг гўзаллиги-ю тирикликнинг суруридан завқланиб ҳаяжонланарди. Рости,

унга қараб туриб, ҳавасим келарди. Айни дамда Ўткиркўзнинг тобора йироқлашиб кетаётганидан юрагим ғашланарди. Бургут бу юксакликларни соғинганди, парвоз этиб тўймасди ва ҳузурланаётганини кўз-кўз қилиб учарди.

Ундан кўз узмай бораётган бобом бирдан тўхтаб қолди ва оғир хўрсиниб қўйди.

– Йўқ, қувлашимиз бефойда, у қайтиб келмайди! – деди бобом тушкунликка тушиб. – Бургут кенг осмонни кўрди, асл маконини топди, энди у бизнинг тор қафасимизга сиғмайди! Бу қуш ортиқ ўзимизнинг Ўткиркўз эмас, у ёввойилашди, қонхўр йиртқичга айланди!

Бобомнинг гапларини эшитганим сари юрагимни ғулғула босарди. Нафасим бўғзимга тиқилиб, ҳориб-ҳарсиллаб қолган бўлсам ҳам, тўхташни асло ўйламасдим, тош қояларга тирмаша-тирмаша юқорилаб борардим. Бобом тўғри айтаётганди: биз Ўткиркўздан айрилгандик, шунга аламим келаётганди. Энди ҳеч йўқ ўлжага эга чиқиш ҳаракатида эдим. Қояга яқин қолгандим; унга етиб олсам бас, ўлжа қўлимизда эди. Бизнинг ҳаётимизни ўзбошимчалик билан тарк этган бургутдан шу тариқа ўч олмоқчи бўлдим.

– У ёққа борма! – дея ортимдан бақириб қолди бобом. – Эсингни йиғ! Ақл билан иш кўр! Зинҳор қояга чиқа кўрма! Бургут сени омон қўймайди!

* * *

Бобом мақсадимни пайқаганди, лекин мен аҳдимдан қайтишни сира истамасдим. Танамда бундай куч қаёқдан пайдо бўлди, билмайман, тоғ қоясига шунчалик эпчиллик билан чиқиб борардимки, бобомнинг гаплари қулоғимга кирмасди, дағдағаларига парво қилмасдим. Бўғиқ овозининг тобора узоқлашаётганидан анча илгарилаб кетганимни сезиб борардим.

Бобом тинка-мадори қуриб, ҳолдан тойганди, аммо шунда ҳам ортимдан қолмаётганди; оёғини базўр судраб босиб, бақириб-чақириб шовқин кўтариб, мени қайтаришга уринарди.

– Ҳозироқ қайт! Ҳаётингни хатарга қўйма! – дерди тинмай.

Мен орқамга қарамасдим. Қийнала-қистала тиришиб-тирмашиб қоя лабига чиқиб бордим. Бобом анча пастда қолиб кетди. Ўлжа ёнгинамда эди, қўл чўзсам бас, ниятимга етардим. Қуён юнги қип-қизил қонга бўялганди; бечора жон таслим қилаётганди, у зўрға қимирларди. Кўнглим бузилиб, унга энди яқинлашганимни биламан, қаёқдандир ўша бургут пайдо бўлди. У устимдан шиддат билан ўқдай учиб ўтиб, шундоқ қуённинг устига қўнди. Йиртқич қушнинг тўсатдан келиб қолишини сира кутмагандим, шу боис қўрқиб кетдим; дарҳол ўзимни орқага олдим. Шу дамда у билан юзма-юз бўлдик, нигоҳларимиз тўқнашди; бир-биримизга сўзсиз-сассиз тикилиб турдик. Унинг ўткир кўзлари одамни сескантирарди, қарашида совуқ бир ифода бор эди. Шунда тўлиқ амин бўлдимки, ростдан ҳам бу қуш бизга бутунлай бегона, асло Ўткиркўз эмас, энди у бургут – САО эди. Буни тан олишим жуда қийин бўлса-да, аччиқ ҳақиқат шундан иборат эди; жуда бўшашиб кетдим.

– Менинг ўлжамга кўз олайтиргани қандай ҳаддинг сиғди?! – деб тилга кирди у.

– Энди бургут бўлгинг келиб қолибди-да! Шунча муаммо туғдирганинг камлик қилдими?! – дедим ғазабланиб.

Бургут – САО пинагини бузмади, кўкрагини кериб, гердайиб тураверди.

– Бургут бўлиш ҳам менга ёқди! Кўкка бош уриб, бошим кўкка етди! Сизлар ер юзида хўжайинчилик қилсаларинг, мен осмон ҳукмдориман, қоялар қиролиман! – деди у ғурурланиб. – Мен озодман! Мен эркин қушман! Энди сенларга малайлик қилмайман! Ўз ҳақимни ҳам бировларга бериб қўймайман! Яқинлаша кўрма!

– Сени палапонлигингда бобом асраб олганди, акс ҳолда нобуд бўлишинг тайин эди, – дея уни муросага чақирдим. – Меҳр кўрсатиб, авайлаб вояга етказди...

– Буларнинг барини ўз манфаати учун қилган, менга раҳми келганидан эмас! – деб гапимни чўрт кесди бургут – САО. – Ёввойи ҳаётимдан айириб, ов қуши қилиб тарбиялади. Мен топган ўлжамни унинг қўлига олиб келиб берадиган бўлдим.

Бургут – САО қуён танасини панжалари билан қаттиқ эзди; ўлжа қимир этмади, чамаси у аллақачон жон таслим қилганди ва энди қурбонликка ярамас эди. Мен шунда ҳам ундан воз кечишни истамасдим.

– Сен ҳам қуруқ қолмасдинг, ҳар гал ўз улишингни олардинг, – дея эътироз билдираётгандим, бирдан ёввойи қушнинг жағи очилиб кетди.

– Ана шуниси алам қилади-да! – деди у ғазабланиб. – Ўлжани мен тутардиму тақсимот сизларда эди, қўлларингга қараб турардим! Тоза этини ўзларинг олиб, чиқитини менга отардиларинг! Мана, сенларнинг адолатинг!

Бургут – САОга гап уқтириш қийинлигини тушуниб етган бўлсам-да, қайсарлигим тутиб, ортга чекинишни ўйламасдим; у билан тортишишда давом этардим.

– Бизни доғда қолдирдинг! Шу пайтгача қафасда миқ этмай келганингни қара-я! – дедим мен.

– Қулай фурсатни кутдим! Озод бўлиш орзуси юрагимни ёндирса ҳам, сабр қилиб чидадим! Бундан бошқа иложим йўқ эди-да, ахир! Қанчалик ҳаракат қилмайин, ўз кучим билан қафасдан чиқиб кетолмасдим! – деди бургут – САО.

– Ўлжани бизга бермоқчи эмасмисан? – деб сўрадим ундан.

– Асло! Қайноқ қони оқиб турган қип-қизил эт жону дилим! – дея бургут – САО панжалари остидаги қуён танасини тумшуғи билан чўқиб тортқилай бошлади. – Жуда ҳам тотли экан! Оҳ-оҳ!.. Хуллас, ўлжадан умидвор бўлма, у менга тегишли! Ахир қуённи ўзим тутдим! Мен ўз ҳақини бировга бериб қўядиган аҳмоқ эмасман! Унга сира эгалик қилолмайсан! Буни хаёлингга ҳам келтирма! Акс ҳолда, аяб ўтирмайман, тилка-пора қилиб ташлайман!

У менга важоҳат билан яқинлашиб, бўйнини чўзди-да, тумшуғини узатди. Бургут – САОнинг бу ҳаракатларини жиддий қабул қилмадим, шунчаки қуруқ пўписа деб ўйладим-да, жойимдан жилмай туравердим. Шу пайтда тўсатдан милтиқ овози янгради, бу даҳшатли товуш тоғу тошларга урилиб, кучли акс садо берди. Бобом ўз ишини қилганди, ўқ қушнинг нақ кўксини тешиб ўтди. Қон сачраб, унинг патлари тўзиб кетди. Қанотлари осилиб тушиб, мувозанатини йўқотиб, оғир гавдаси ён томонга оға бошлади. Мен қотиб турардим; икки қўлимни қулоқларимга босиб, бошимни чангалладим. Эс-ҳушимни йиғиб олганим ҳам йўқ эди, яна милтиқ варанглаб отилди. Бу гал ўқ қушнинг бошини мажақлаб ташлади. Жонсиз тана қоя лабидан сирғалиб тушиб, пастликка қулади. Унинг тошларга урилиб, мажақланиб, пора-пора бўлиб кетишини кучли ҳаяжон, қўрқув ичида кузатиб турдим.

– Нима қилиб қўйдингиз?! Нега отдингиз?! – деб бор овозим билан чинқириб юбордим.

* * *

Қоядан сирғалиб тушиб, жон ҳолатда орқага қайтарканман, бобомнинг олдига қандай етиб келганимни билмай қолдим. У ҳам саросимада эди, кўзларини катта-катта очиб, энтикиб нафас олар, қўлидаги милтиқнинг оғзидан ҳали аччиқ тутун аримаганди.

– Бургут сенга ташланди-ку, сал бўлмаса кўзингни ўйиб оларди! – деди у.

– Асло бундай қилмаслигингиз керак эди, бобожон! Ахир уни ўзимиз боқиб катта қилгандик-ку, шуни ўйламадингизми?! – дея алам билан қичқирдим унга.

– Кўрдинг-ку, бургут ёввойи ҳолига қайтди! Энди у ўзимизнинг Ўткиркўз эмас! Шуни тушунсанг бўларди, болажоним! – дея бобом ўзини оқлашга уринди.

Мен унинг гапларини эшитгим келмади-да, ёнидан ўтиб кетдим. Пастликка қараб нигоҳим билан бургут жасадини изладим ва тошлар устидан сакраб-сакраб қуйига туша бошладим.

– Ҳали кўп ов қилардик, – дедим афсусланиб.

Бобом орқамдан эргашди. Унга қайрилиб қарамасам ҳам, изма-из келаётганини ҳис қилиб борардим.

– Хафа бўлма, Худо хоҳласа, яна бургут боласини асраб оламиз! – деди у мени юпатишга уриниб.

– Керак эмас! – деб жаҳл билан қичқирдим. – Энди ҳеч қачон ёввойи қуш боқмайман!..

Мен бу гапни шунчалик алам ва қатъият билан айтдимки, бобом юрак ютиб бошқа оғиз очмади. Пастликдаги тошлар устида сочилиб ётган қуш пати кўзга ташланди. Шу тобда унинг мажақланган жасади кўриниб қолиши мумкинлигини ўйлаб, кўнглим бузилиб кетди. Мен Ўткиркўздан айрилганим учун кўзёши тўкармидим ёки ёндош дунёлик дўстим учунми – бунисини ўзим ҳам билмасдим. Ҳар иккисига бўлган ҳис-туйғуларим айқаш-уйқаш бўлиб кетганди, айни ҳолатимда уларни бир-биридан ажрата олмасдим. Англаганим шу эдики, бир лаҳзада икки дўстдан жудо бўлгандим.

Катта ҳарсанглар орасидан қушнинг жасадини топдим. Унинг танаси жуда ачинарли, қанотлари синиб-пачоқланиб, патлари тўзиб кетганди; боши йўқ ҳисоби. Уни авайлаб кўтариб, юқорига олиб чиқдим ва бир бута тагига ётқизиб қўйдим. Шу ерга дафн қилишни мўлжаллаётгандим. Бобом ҳам етиб келди ва бургут жасадига тикилиб, тепамда туриб қолди. Чамаси, у қилган ишидан пушаймон бўлиб, қушга ачинаётганди. Ахир бургут унинг учун ҳам жуда қадрли эди, палапонлигидан ўзи папалаб катта қилганди.

Бундай бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди, акс ҳолда уни шу ёққача кўтариб келмасдик, ўша ердаёқ озод қилиб юборардик. Бургут-ку жон таслим қилгани аниқ, буни тан олмасликнинг ҳеч иложи йўқ, бироқ ўқ ёндош дунёлик дўстимга кор қилмаслиги ҳам мумкин-ку, деб ўйлаб, қандайдир мўъжиза юз беришидан умидвор бўлардим.

* * *

Бобом юрагидаги бор ғуборини чиқариб ташлашга ҳаракат қилгандай, кўксини тўлдириб нафас олиб, оғир хўрсиниб қўйди.

– Биласанми, – деб тилга кирди кейин ҳорғин ҳолатда, – мен сен билан саёҳатга боролмасам керак. Кексайиб қолдим: бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда. Энди денгиз саёҳатидан кўра каттароқ сафарга ҳозирлик кўришим лозим. Йўлимнинг этаги кўриниб қолди, бу ёғи яқин...

Мен ўрнимдан қўзғалиб, бобомга қарадим: у милтиққа суяниб, хиёл энгашиб турарди. Офтобда куйган юзини ажин босган, оппоқ соч-соқолини шабада тортқилаб ўйнар, қоқсуяк танаси ҳаяжонданми, ё зўриққаниданми, тўхтовсиз қалтирарди. Негадир шу тобда ошини ошаган бу қарияга жуда ачиниб кетдим; унга таскин-тасалли бергим келди, бояги қўпол муомалам учун ўзимдан ўпкаландим.

– Умр деганлари бир киприк қоққулик қисқа фурсат экан, кўз очиб юмгунча ўтди-кетди-я! – деди у афсус-надомат билан ва яна гапиришга оғиз жуфтлаётганди, кўнгли бузилиб, овози бўғилиб қолди.

Қарасам, бобомнинг кўзларига ёш қалқиб келяпти; уни юпатишга сўз тополмасдим. Бечора қийналиб ютиниб, юзини тескари ўгирди; у менга айни ҳолатда кўринишни истамади. Кейин милтиғини шартта қўлига олиб, йўлга тушди. Уч-тўрт қадам юриб яна тўхтади ва орқасига хиёл бурилиб, менга қия қараш қилди.

– Болагинам, чироғим, – деди у овози титраб, – ҳаётда ҳеч қачон бировга ўхшама, ҳамиша ўзинг бўлиб яша!..

Бобом шу ҳолида йўл бўйи қаҳ-қаҳ уриб ҳандон отиб келган хушчақчақ қарияга сира ўхшамасди, ҳатто у энди совуққону қаҳри қаттиқ овчи ёки шижоатли ва абжир чавандоз ҳам эмасди; бир зумда ожизу нотавон, ғариб бир кимсага айланиб қолганди; елкаларини қисиб, бошини эгиб, бир тутамгина бўлиб турарди. Бечорани бунчалик аянчли ҳолатда кўриш мен учун жуда азоб эди, бунга сира чидай олмасдим. Шунинг учун бошимни эгиб, ерга қараб олдим. Орадан қанча муддат ўтди – билмадим, бир маҳал бобом илкис сергак тортди ва эгилган қаддини ростлади. Кўзларини қисиб, пастда ястаниб ётган водийга босиброқ назар ташлади. Кейин ғилофни ҳам унутиб, милтиғини очиқ-ошкора елкасига илиб олди-да, вазмин юра бошлади. У тебраниб қадам ташлаб бораркан, йўлида учраган қуш қафасини жаҳл билан тепиб ўтиб кетди. Мен унинг ортидан хомуш қараб қолдим.

* * *

Вақт ўтиб бормоқда эди; бургутнинг ёйилган қанотларини йиғиб, жасадини авайлаб тупроққа қўйдим. Устига катта-кичик тошлардан уйиб, қабр ясадим. Сўнг йўлга тушиб, секин-аста пастлай бошладим.

Ишонасизми, шу улуғвор тоғлар бағридан ҳеч кетгим келмасди; улардан узоқлашганим сайин ҳаётимнинг бир бўлагидан айрилаётганимни ҳис қилиб, юрагим орзиқарди. Айни дамда пастлаганим сари чўққилар каби осмонга бўй чўзиб, улғайиб бораётганга ўхшардим, тоғлар эса ортимдан эргашиб келаётгандек туюларди...



Tomchivoy haqida ertak

Muhabbat YO'LDOSHEVA

Yumshoq bulut bag'rida tomchilar suhbat qurishardi.

– Men yerga tushganimda olma daraxtlarini sug'oraman, – dedi bir tomchivoy. – Mazza qilib suvga qongan daraxtlarda qip-qizil olmalar pishadi.

– Men gullarni sug'oraman, – dedi boshqasi. – Suv ichganidan so'ng gullarning isi shunaqayam xushbo'y bo'ladi-ki!

– Men... men... – deb boshqa bir tomchilar ham o'z orzularini ayta ketishibdi.

"Eh-he, orzularining ko'pligini qarang, – deb o'ylabdi Tomchivoy. – Faqat yerga tushganingdan so'ng olma daraxtini sug'orasanmi yoki atirgulnimi, deb so'rab o'tirishmaydi-da. Qup-quruq qaqragan yerga tushib qolsang bormi? Tuproqqa singib ketasanu, nom-nishoning qolmaydi..."

Tomchivoy o'z xayolidan cho'chib, seskanib tushibdi. Shu vaqt tomchivoylar o'tirgan bulut ustiga Momaqaldiroq buvaning olovli qamchini kelib tushibdi-ku!

– Hoy, dangasalar, yana gap sotayapsizlarmi? – gumburlabdi Momaqaldiroq buva. – Qani turib ishlanglar-chi!

Momaqaldiroq buva bulutni qarsillatib savalay boshlabdi. Tomchilar qo'rqqanidan shatira-shutur yerga sakray ketishibdi. Ularning orasida Tomchivoy ham bor ekan. Uchib tushar ekan, Tomchivoy pastga qarabdi va no'xot donasiday bo'lib ko'rinayotgan daraxtlarni ko'ribdi. "Xayriyat, boqqa tushar ekanman", deb o'ylabdi u .

Tomchivoy qo'z ochib-yumguncha yerga kelib urilibdi. Qarasa, tepadan no'xotday bo'lib ko'ringan daraxtlar teraklar ekan. "Eh, bu novchavoylarni sug'orishga ozmuncha suv kerakmi? – deb o'ylabdi Tomchivoy hafsalasi pir bo'lib. – Ular meni ho'plab yuborib, hatto borligimni ham sezmasalar kerak. Ustiga-ustak, bularning na mevasi, na guli ko'rinmaydi... Essiz, umrim bekor o'tdi-da".

Tomchivoy shunday deb o'ylashga ulguribdi-yu, astagina tuproqqa singibdi. Qarasa, tuproq qatlami orasida bitta urug' yotganmish.

– Hoy, sen kimsan? – deb so'rabdi Tomchivoy.

Urug' javob bermabdi. Tomchivoy uni turtibdi.

Muhabbat YO'LDOSHEVA – *1964 yilda tug'ilgan. Toshkent Politexnika institutini bitirgan. Adibning bir qancha davlatlarda bolalarga atalgan ertak va hikoyalari chop etilgan. Uning Aleksandr Belyaevning "Professor Douelning boshi" romani, Gavriil Troepolьskiyning "Oq Bim Qora Quloq" qissasi va Yuriy Trifonovning "Sohildagi uy" kabi bir qancha jahonga mashhur qissa va romanlarni o'zbek tiliga o'girgan.*

– Axir bahor keldi-ku, ko'karsang bo'lmaydimi? – yana so'rabdi Tomchivoy.

Shunday debdi-yu, to'satdan quruq urug'ning ko'karmasligini eslabdi. Ozgina suv berish kerakmikin unga?

Tomchivoy urug'ni namlabdi. Biroz kutibdi. Qarasa, urug'dan qildek ingichka ildiz o'sib chiqayotganmish.

– Suv-v! – yolvoribdi ildiz.

Tomchivoy uruqqa yaqinroq boribdi. Ingichka ildiz Tomchivoyga yopishib, tashnalik bilan uni simira boshlabdi, Tomchivoyni sirayam qoldirmay, simirib qo'yibdi. Tomchivoydan nom-nishon qolmabdi. U endi ingichka ildizdan sal bo'rtib qolgan kurtak tomon oqib ketibdi. Tomchivoy qarasa, kurtak judayam dangasa ekan, hech barg chiqaray deb urinmasmish.

– Hoy dangasa, tez-tez qimirla, bo'lmasa bahordan kech qolasan, – do'q qilibdi Tomchivoy kurtakni cho'zg'ilab. – Iliq bahor yomg'irlari yordamida ko'karib olmasang, saraton oftobi jizg'anagingni chiqarib tashlaydi.

Tomchivoyning qistovi bilan kurtakdan yam-yashil bargchalar unib chiqibdi. Tomchivoy endi ildizlar bilan barglar orasida zir yugurib, ularni shoshiltira boshlabdi.

Va, nihoyat, uzun novdacha va uning uchida G'uncha paydo bo'libdi.

– Hayriyat-e! – debdi Tomchivoy. – Hoy, G'unchaoy, tezroq ochilgin!

– Namuncha shoshiltiraverasan? – norozi ohangda chiyillabdi g'uncha. – Men hali rang tanlaganim yo'q. Buning ustiga xushbo'y atir ham tayyorlashim kerak.

– Shuyam qiyin ishmi? – ajablanibdi Tomchivoy.

G'uncha javob bermabdi. U Tomchivoydan arazlabdi va teskari o'girilib olibdi.

– Xohlasang rang tanlashingga yordam beraman, – taklif qilibdi Tomchivoy.

Lekin g'uncha indamabdi. Shu tarzda yana bir necha kun o'tibdi.

Tomchivoy judayam zerikibdi, gerdaygan G'unchadan hafa bo'libdi. "Qayoqdan ham shu urug'ni uyg'otdim? – deb o'ylabdi Tomchivoy. – Shuncha vaqtimni ketkazib o'sib chiqishiga yordam bersamu, rahmat aytish u yoqda tursin, hatto gaplashishni ham xohlamasa-ya?!"

Shu tarzda kunlar o'tibdi. Bir kuni Tomchivoy erta tongda uyg'onibdi, lekin yana tantiq G'unchani ko'rgisi kelmay, o'zini uxlaganga solibdi.

– Salom, Tomchivoy! – jaranglagan ovoz eshitilibdi.

Tomchivoy bunday qarasa, gerdaygan G'uncha shunaqangi chiroyli bir gulga aylanganmish-ki! Nozikkina novdada tebranib turgan boshchasidagi binafsharang gulbarglari baxmaldek mayin, isi biram xushbo'y-ki...

Tomchivoy uning o'sha gerdaygan G'uncha ekanligiga zo'rg'a ishonibdi.

– Tomchivoy, meni taniyapsanmi? – jilmayibdi gul shirin iforini taratib. – Axir men – Binafshaman-ku!

– Tanidim, – debdi Tomchivoy sekingina va boshqa nima deyishini bilmay jim qolibdi.

– Tomchivoy, yordaming uchun rahmat, – debdi binafsha. – Agar sen bo'lmaganingda men urug'ligimdayoq qurib qolardim.

Binafsha boshchasini yerga egibdi. Novda ichidagi Tomchivoy oqib tushib, gulbargda to'planibdi. Baxmaldek yumshoq gulbargdan shunaqangi o'tkir is anqibdiki, iforidan Tomchivoyning boshi aylanib ketibdi.

Shu on shishadek tiniq bahor osmoniga charaqlab turgan Quyoshning nurlari Tomchivoyga tushibdi. Tomchivoy o'zining xuddi parqudek yengil bo'lib qolganini sezibdi va bir zumda bug'lanib, ko'zdan g'oyib bo'libdi.

"Ana endi umrim bekor o'tmadi, deb maqtansam bo'ladi", deb o'ylabdi Tomchivoy va osmonda sekin suzib yurgan bulutlar tomon uchib ketibdi.

Binafsha esa tevarak-atrofga nafis iforini taratgancha, mayin shabadada tebranar, binafsharang ko'zlari bilan osmondagi oppoq bulutga tikilar va hayotda o'z o'rnini topishiga yordam bergan Tomchivoy haqida o'ylardi.

Адабий ҳаёт

* * *

1 март. Юртимизда баҳорнинг илк кунини ҳар йили Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова таваллуди билан қарши олиш анъанага айланган. Адиблар хиёбонида ўтказилган “Сени куйлайман, ҳаёт!” номли тантанали тадбир шоира таваллудининг 108 йиллигига бағишланди.

* * *

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 94 йиллиги муносабати билан Адиблар хиёбонида ўрнатилган Озод Шарафиддинов ҳайкали пойида адабиёт аҳли, шогирдлар, талаба-ёшлар жам бўлди. Унда академик Наим Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, адибнинг ўғли Алишер Шарафиддинов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаларининг чиқишлари тингланди.

* * *

3 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Наср кенгаши фаолиятининг 2022 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Эрпўлат Бахтнинг “Ёшлик” журналининг икки сонида эълон қилинган “Ўзимизнинг Қўққибой ёхуд келажакка саёҳат”, Маъмура Зоҳидованинг “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган “Манглайдаги ёзиқ” ҳамда ҳозирги кунда Нидерландияда яшаб ижод қилаётган Шариф Аҳмедовнинг “Сарсон изларди ўзини ўзи” қиссаларига берилган таҳлил тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Кенгаш ишини янада такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдирилди. Келгусидаги фаолият режаси белгиланди.

* * *

5-6 март. ТУРКСОЙ халқаро ташкилотининг ташаббуси билан Анқара шаҳрида Туркия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмалари ҳамда Евроосиё Ёзарлар бирлиги раҳбарлари иштирокида уюштирилган анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишда ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги ташкил этилиб, унинг низоми тасдиқланди. Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари, таниқли адиб Анор мазкур уюшмага фахрий раис, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Улуғбек Эсдавлат раис этиб сайланди. Қардош давлатлар Ёзувчилар уюшмалари раислари мазкур халқаро ижодий ташкилотнинг ўз мамлакатидаги вакиллари саналади.

* * *

10 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адиблар хиёбони” китоб-альбомининг рус тилидаги “Аллея Литераторов” китоб-альбоми нашрини чоп этди. Альбомни тайёрлаш жараёнида ЎзА, “Ўзархив” агентлиги, “Ёшлик” журнали, Миллий кутубхона ва бошқа ижодий-маърифий ташкилотларда сақланаётган ҳужжат, фото материллардан фойдаланилган.

* * *

Шарқ шеъриятининг деярли барча жанрларида маҳорат билан қалам тебратган серқирра ва сермаҳсул қалам соҳиби Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони тўлиқ ҳолда нашрдан чиқди. Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилди.

* * *

15 март. Таниқли ёзувчи Наби Жалолиддиннинг “Онасиз тушлар” номли насрий китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилди.

* * *

16 март. Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” романи Туркиянинг “Бенгу” нашриётида чоп этилди. Ушбу асар икки бўлимдан иборатдир. Унга Истанбул Айдин университети профессори Сурайип Каракас сўзбоши ёзган. Шунингдек, ушбу роман Германияда “Людвиг Райхерд Ферлаг Висбаден” нашриётида чоп этилди. Уни немис тилига Ингеборг Балдауф таржима қилган.

* * *

17 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Олам гўзаллиги сен билан аёл” деб номланган баҳор мушоираси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган маҳаллаларда истиқомат қилаётган шоиралар ўртасида “Назм гулшани” шеърлар, ёзувчи аёллар ўртасида “Қалам сеҳри” мавзусида ҳикоя ва қиссалар ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

24 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Момохол Элмуродованинг “Ташриф қоғози” номли янги шеърий китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилди.

* * *

29-30 март. Навоий шаҳрида “Мумтоз шеърият” халқаро фестивали ҳамда унинг доирасида ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қардошларимиз, туркий қавм адиб ва шоирлари Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурланбек Қалибеков, Туркия Ёзарлар бирлиги раисининг ўринбосари Муҳаммет Энес Кала, İLESAM адабий ташкилоти раиси Меҳмет Нури Пармаксиз, Евросиё Ёзарлар бирлиги раиси Ёқуб Умар ўғли ва бошқалар қатнашдилар. Халқаро шеърият фестиваль мақсади туркий халқлар ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, туркий халқлар мумтоз шеъриятини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, адабиёт соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адиб Исмоил Маҳмуд Марғилонийнинг “Бу дам фасли ҳидоятдир” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу девон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида “Адиб ва жамият” рукнида чоп этилди.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Рауф ПАРФИ. Мен сенга етдим... 4

НАЗМ

Ўткир РАҲМАТ. Юрак ҳайқириғи. *Достон* 43

ҲУМОЮН. Саболарда учди мисли зар 60

Ҳабиб АБДУНАЗАР. Кўнгил жавҳарига тўкилган сиймо 64

Икром ИСКАНДАР. Хаёлимда сен бир ҳилол 81

Шермурод СУБҲОН. Бир сўз бўлиб ўртар дилни дард 86

НАСР

Холиёр САФАРОВ. Энг қайғули қувонч. *Қисса* 14

Шодиқул ҲАМРО. Уйига қайтаётган одам. *Ҳикоя* 48

Жасур ИСҲОҚОВ. Муҳаббатнинг кузги ўргимчак тўри 68

Содиқ АНВАР. Ташриф. *Қисса* 139

ДРАМАТУРГИЯ

Тўлқин МУҲИДДИН. Саид Аҳмад ва Саида.

Драмадан бир парча 91

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Санобар ТЎЛАГАНОВА.

Адабий жараёнда миллий роман муаммолари 110

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Фарҳод МУСАЖОНОВ. Ибрат. *Ҳикоя* 118

ХОТИРА

Икром ОТАМУРОД. “Сўзлашаман хотиранг билан” 121

ТАЛҚИН

Қодиржон НОСИРОВ. “Ноябрь куйи”нинг лирик прозаси 124

Олим ОЛТИНБЕК. “Она Туркистондир туркларнинг тожи ...”...131

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Наим КАРИМОВ. “Сизга оламни бахш этмоқ истайман!”.

Ўткир Раҳмат ижодий портретига чизгилар 102

BOLALAR ADABIYOTI

Muhabbat YO’LDOSHEVA. Tomchivoy haqida ertak 172

Адабий ҳаёт 174

Шарқ юлдузи

2023

3-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
05.06.2023
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 5800 нусха.
Буюртма №5

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Муҳаррир:
Дилфуза Маҳмудова
Мусаҳҳиҳ:
Моҳира Ҳусанова
Веб-сайт муҳаррири:
Дилноза Камол
Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев

Copyright © “Шарқ юлдузи”